

Наргиза АНОРБОЕВА

ГОҲИ ШОДЛИК,
ГОҲИ FAM

қисса

МАJBURİY
NUSXA

Тошкент – 2012

УВК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5Ў)7

A 63

Анорбоева, Наргиза

Гоҳи шодлик, гоҳи ғам: қисса / Н. Анорбоева —
Тошкент: Yurist-media markazi, 2012 йил, 256 бет.

ISBN 978-9943-387-56-0

УВК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5Ў)7

Ушбу китобни Ўзбекистон Республикаси
мустақилигининг 21 йиллигига бағишилайман.

Китобнинг ёзилишида менга яқиндан ёрдам берган
турмуш ўртоғим Тоҳиржон Ҳакимовга чин дилдан
миннатдорчилигимни билдираман.

Муалиф

Тақризчи ва масъул муҳаррир:


Хайрулла Қосимов

ISBN 978-9943-387-56-0

40226

10

291



© "Yurist-media markazi" нашриёти, 2012 йил

номидаги

O'zbekiston MK

СҮЗ БОШИ

Ёш ижодкор Наргиза Анорбоева ўзининг илк қиссасида турли қаҳрамонларнинг бир-бирига ўхшамаган жиддий тақдирлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритади. Собиқ иттифоқ даврида илдиз отган маҳкамабозлик, таниш-билишчилик, ўғрилик, порахўрлик ва миллий урф-одатларимизга мутлақо ёт бўлган гарбона анъаналарнинг шаклланиши ҳаётий лавҳаларда акс эттирилади.

Меҳр-муҳаббат, дўстлик, садоқат, ишонч сингари одамий ҳис-туйғулар, бурч ва масъулият ҳамма замонларда ҳам кибр-ҳаво, манманлик, очкӯзлик, разиллик каби қабоҳатлар ила ёнма-ён ташқи ва ички курашларда баҳсланиш келиши ҳаммага маълум. Адолат учун кураш эса инсониятнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаб берувчи бош мезон ҳисобланади.

Асарнинг ёзилиши, тартиби, ички боғланишлари анчайин жўн ва содда усулда баён қилинади. Воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлари нинг феъл-автори, кечинмалари кўп ҳолларда монолог тарзида ифодаланса-да, мавзуни кенгроқ очишга кўмаклашади.

Мамлакатимизнинг мустақиллик даври тараққиёти, сиёсий, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётимиздаги улуғ ислоҳотлар самараси ҳам китоб савиясига алоҳида файз бағишилайди.

Айрим бобларда бўрттириш кучли бўлса, баъзиларида қисқа ахборот тарзи сезилиб туради.

Асарни ўқиган ҳар бир китобхон ҳар ҳолда ёзувчининг катта меҳнатини ҳис қилиб туради.

Ёш муаллиф галдаги асарлари устида қайта-қайта ишлаб, давримиз кишилари, бугунги қаҳрамонларнинг янада фидокор, курашчан фазилатларини ёрқин бўёқларда ифодалашда қатъий изланади, дея ишонч билдирамиз.

Хайрулла Қосим

Ойгул бугун эртароқ иш бошлаш учун шаҳар ички ишлар бўлимига борди. Эшик тепасига «Катта терговчи Бадалов» деб ёзиб қўйишибди.

— Ассалому алайкум, мумкинми?

— Э келинг. қизим сизни кутиб тургандим. Акам яхшиларми? Ўзингиз-чи? Ишлар жойидами?

— Карим Бадалович, ўзингиз яхши юрибсизми? Дадам яхшилар, салом айтдилар. Мен ҳалиги, Толиб Ҳамидов иши бўйича келгандим.

— Хабарим бор, менга қўнғироқ қилишганди, марҳамат. Мана бу даствабки тергов натижалари. Танишиб бўлгач, фикрлашиб кўрамиз.

— Раҳмат, Карим Бадалович, — деди Ойгул қўлига папкани олиб.

У ҳар бир ҳужжатни диққат-эътибор билан кўздан кечирди. Бир қарашда тўпланган барча далил ва мулоҳазаларда Толиб Ҳамидовни оқлайдиган илинж кўринмасди. Шундай бўлса-да, Ойгулнинг кўнглидан устозларининг мантиқан кучли сўзлари чақнаб ўтгандай бўлди: Қонунларда ҳукм маълум қилинмагунча ҳеч кимни жиноятчи, деб эълон қилиш мумкин эмас. Жўнроғи эса: ушламадингми, ўғри эмас... Нима бўлганда ҳам идора Ойгулга енгил иш топширмаган эди. Ҳар қалай, адвокатлик суриштирувани кенг олиб боришга тўғри келяпти. У Карим Бадаловичга баъзи мулоҳазаларини айтди-да, бу ерга ҳали кўп қатнашига тўғри келишини эслатиб. хайрлашмоқчи бўлди.

— Ҳамидовни кўрмоқчи эмасмисиз? — сўради Карим Бадалович кулимсираб.

— Кейинроққа қолдирамиз. Аввал у кишини билиб олай. Раҳмат сизга, хайр.

Ойгул ташқарига чиққанида ҳам миясида бир фикр

айланарди... «Наҳотки?! Ўғил ўз онасини-я?! Мумкин эмас!!! Ахир...»

Унинг қўлида Толиб Ҳамидов яшаб турган маҳалла фуқароларининг адвокатлар бошлиғи номига ёзилган ариза бор эди. Унда жуда кўпчилик холис имзо чеккан бўлиб, тергов ҳужжатлари хulosаларини мутлақо рад этарди. Ойгул Ҳамидова яшаган маҳаллага йўл солди.

Маҳалла фуқаролар йиғини биноси икки қаватли бўлиб, ҳашаматли қилиб қурилган эди. Ёнида чойхона, озиқ-овқат дўкони, сабзавот дўкони, почта, сал нарироқда тўй маросимларини ўтказиш учун катта бино ҳам бор эди. Маҳалла оқсоқоли олтмиш ёшлардаги истараси иссиқ, ҳар қандай кишининг дилига йўл топа оладиган Қурбон ота исмли киши эди.

— Келинг, келинг, қизим. Марҳамат, хуш келибсиз, — дея Ойгулни очиқ чехра билан кутиб олди отахон. Сўнг пиёлала чой қуийб узатди.

— Раҳмат, мен Ойгул Раҳимоваман, адвокатман. Бизнинг адвокатлар уюшмасига сизлардан хат жўнатилган экан. Шу хат юзасидан келгандим.

— Қиз 'м, жуда яхши келибсиз. Биласизми, сизга айтсан, маҳалламизнинг катта-кичиги ҳозир азадор. Баъзи маҳалламиз фуқаролари эса белтилаб қўйилган тўйларини ҳам тўхтатиб қўйишиди. Боиси маҳалламиз фаҳри бўлган Меҳрихоннинг фожиали ўлими, қолаверса, ўғли Толибжоннинг туҳматга қолгани. Унинг бундай иш қилишига ҳеч ким ишонмайди.

— Қурбон ота, шу оила ҳақида иложи бўлса кўпроқ сўзлаб берсангиш. Масаланинг кўп жиҳати чигалроқ. Зора, бир аниқ йўл кўринса, дейман.

— Меҳрихон маҳалламизга қўшни тумандан келин бўлиб келган. Мен, бутун маҳалла уни келин бўлиб келганидан бери таниймиз. Тўғрисини айтганда, бу ерда катта қозон осиб тўй қилинмаган, лекин тўйнинг барча

расм-русумлари Мөхрихоннинг хонадонида ўтган экан. Раҳматли Турсунбойнинг бу ерда бобосидан қолган ҳовлиси бор эди. Ёш келин-куёв шу ерда яшашарди. Иккови жуда ҳам иноқ, аҳил эди. Маҳалланинг иссиқ-совуқ маъракасидан қолишмасди. Мөхрихон мактабда, Турсунбой қайси бир қурилиш ташкилотида ишларди. Нима бўлдию, кейинчалик Турсунбой кайфиятини олдириб қўйди. Алпомишдек йигит юрак хасталигидан бевақт оламдан ўтди. Мөхрихон бу йўқотишдан узоқ вақт ўзига келолмай довдирағб қолди. Ҳатто ўспирин бўлиб қолган ўғли Толибжон ҳам кўзига кўринмади. Маҳалла-кўй овунтирган бўлдик, тақдир дедик, ишқилиб, ҳамма Мөхрихонга тасалли бергиси келарди. Хайриятки, бу аёл ўзини қўлга олди. Мактаб ишига, маҳалла юмушларига шўнғиб кетди. Одамнинг дардини одам ва меҳнат олиши тўғри экан. Мөхрихон оддий муаллималиқдан мактаб директори лавозимига кўтарилди. Илгор мактаблар қаторида таълим-тарбия ишлари намунали ўйлга қўйилди.

Катта-кичикнинг маслаҳатгўйига айланди. Ўғли Толиб ҳам одамшаванда, одобли йигит бўлди. Онасининг чинакам суюнчиғига айланди.

Мөхрихоннинг кўзи ожиз бўлиб қолиб, Толиб институтнинг биринчи курсидаёқ ўқишини ташлашга мажбур бўлди. У яқин дўсти Санжарнинг қўлида ишлай бошлиди. Санжарнинг ёрдами билан онасининг кўзини даволади. Бу яқиндагина бўлганди. Мөхрихон ўзида йўқ хурсанд эди.

Маҳалламизнинг нозири Файратжоннинг айтишича, ҳамма далиллар Толибжонга қарши эмиш. Мен она-бала ҳақида ёмон гап айттолмайман. Бу хонадонга кўз тегди, қизим. Қолаверса, Толибжон яхши йигит. У ёшлигидан ўзининг одоб-ахлоқи билан бошқа тенгқурларидан ажralиб турарди. Қизим, сиз билан биз биргаликда бу оиланинг ҳурматини, ҳақ-ҳуқуқини тиклашимиз керак. Бу ишни яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарур. Толибжон тўғрисида маҳалланинг хоҳлаган одамидан суриштириб билишингиз мумкин. Айниқса, уни дўсти Санжарбек яхши билади.

Маҳалламизнинг обод бўлишида унинг анча меҳнати сингган. Толибжон иккови ёш бўлишса-да мана шу гузаримизнинг обод бўлишига анча ёрдам қилишиди. Санжаржон ҳозир бу воқеадан кейин анча одамови бўлиб қолди. У кам кўринади. Уни ишхонасидан топиш мумкин. Қолган гапларни Файратжондан суриширинг, у ҳам бу оилани жуда яхши билади.

Ойгул Мехрихон тўғрисидаги яхши таассуротлар билан Курбон ота ҳузуридан чиқди.

Институт – олий даргоҳ. Мактаб партасидан ўтиб келган ёшларнинг мана шу масканда ҳаёт ҳақидаги жиддий тасаввурлари шаклланади. Катта жамоа таъсирида уларнинг юриш-туриши, муомаласи, ҳатто, кийинишида кескин ўзгариш пайдо бўлади. Масъулият, бурч, ваъда, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро аҳиллик, беғараз ёрдам каби инсоний фазилатлар комиллик кашф этади. Қолаверса, кўпчилик йигит-қизлар мана шу фазилатлар таъсирида мухаббат, деб аталмиш азалий ва навқирон пок туйғуни юраклари билан ҳис этадилар. Бу йўлга ҳамма бир-бирига ўхшамаган турли сўқмоқлардан чиқиб борадилар.

Курсед ши Турсунбой билан Мехрихоннинг танишуви ҳам ўзига хос бир сўқмоқ эди. Турсунбойнинг ҳалол, мард ва ўзига ярашиб турадиган соддалиги Мехрихонни унга боғлаб қўйди. Гарчанд улар ўртасида анчайин фарқ бўлишига қарамасдан соғ севги бу тўсиқларни текислаб ташлади. Мехрихон ўзига тўқ хонадонда улғайган қиз эди. Турсунбой эса ота-онаси ёшлигида ажрашиб кетиб, раҳматли бобоси тарбиясида улғайган камсуқум йигит эди. Кўпчилик бу жуфтликни одатдаги ҳол, деб ўйлашиди.

Мехрихоннинг бу ишидан баъзилар кулишди, баъзилар эса унга ачинишиди, айрим дугоналари ўзларини ундан олиб қочишиди. Тўй Мехрихоннинг уйида ўтказилиб, Турсунбойнинг бобосидан мерос бўлган уйга кўчиб келишиди.

Турсунбой мутахассислиги бўйича ишга кирди. Мехрихон ҳам маҳаллага яқин жойдаги мактабда ўқитувчилик қила бошлади. У ўзининг ибоси, одоб-ахлоқи билан маҳалладагиларнинг ҳурматини қозонди.

Ёшу қари уни ҳурмат қилишарди. Маҳалладаги катта ёшдагиларни ота-онасидек, тенгқурларини ўз фарзандидек кўрди. Ҳеч қачон хафа юрганини ҳеч ким кўрмади. Тотувликда ўтаётган ой-кунлар нишонаси сифатида Худо уларга ота-оналик баҳтини берди. Улар ўғиллик бўлиши, Турсунбой бобосининг руҳини шод қилиш учун ўғлига Толибжон деб исм кўйди.

Мехрихон она ва севикли ёр сифатида оиласда осудалик ўрнатиб, уй-жойларини келинчакдек ясатиб, киши кўрса баҳри-дили очиладиган ҳовлига айлантириди.

Ишқ-муҳаббат, оила, фаровонлик ўз йўлига экан, аммо ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, қарама-қаршиликлар ўзига хос махфий тарзда давом этадиган маънавий-руҳий, жисмоний бир ички кураш натижаси сифатида юз берар экан. Бу кураш жуда кўпчиликни ҳолдан тойдирувчи, йиқитувчи кучга эга эканлигини Турсунбой турли ишларда, турли кишилар сафида хизмат қилганда англай бошлади.

У ўқишни битиргач, оддий ходимликдан корхона муҳандислиги лавозимиғача кўтарилганди. Унинг иш тажрибаси, таклифлари билан корхона қайта таъмирланди, ишчилар вақтида ойлик маошларини олиб, яхши кайфиятда меҳнат қилишарди. Ишчи-ходимларга меҳрибонлик қилиш, қадрлаш, уларни рағбатлантириш раҳбарият томонидан доимо қўллаб-кувватланаверилмайди. Бошқача айтадиган бўлсак, ойнинг иккинчи томони ҳамиша бошқалар учун мавхум бўлиб қолаверади.

Кимгadir ғишт, кимгadir цемент, яна бирорга шифер, ёғоч керак. Таниш-билишларнинг илтимоси, хўжайнинларнинг баъзи тезкор кўрсатмалари, яна кимларнингдир ўзгалар ютуқларини кўра олмасликлари каби зиддиятли ҳолатлар Турсунбойга кейинроқ билинди. Курилиш материалларини ишчи-ходимнинг аризаси орқали

ёрдам тариқасида ҳал қилса бўларди. Аммо катталарнинг фалон жойга мунча нарса бериб юбор, деб айтган қуруқ буйруқлари унинг тинкасини қуритарди. Дастлаб тушунмай бериб юборган вақтлари ҳам бўлди. Бироқ, давлатнинг нарсаси ўтда ёнмас, сувда чўкмас экан. Уни ойлик, чораклик ҳисоботларида «ёпиб юбориш» керак экан. Турсунбой қаерга, ким номидан нима буюрилган бўлса ёзиб юраверибдию, аммо «ёпиб юбормабди». Очиқ қолган масалалар йил охирида ҳамма ёқдан бўйи бастини кўрсатиб қолди. Турли томондан ёғилган «иложини топиб ёп, бўлмаса, балога қоласан, ҳазиллашма» қабилидаги дўқ-пўписа аралашган «маслаҳатлар» уни жигибийрон қилиб ташлади. Мана шундай кунларнинг бирида Турсунбой уйига маст-аласт ҳолда кириб келди.

Меҳрихон кўпдан бери эрининг ишларида чалкашлиқ борлигини сезиб юради-ю, индамасди.

— Сизга нима бўлди, дадаси? Ҳеч қачон бунақа аҳволда уйга келмасдингиз-ку? — деди Меҳрихон эрининг ечинишига кўмаклашар экан.

— Эй сўрама! Қанақа замонда, кимлар билан ишилаётганимни ҳам билмай қолдим, — гижиниб галирди Турсунбой хотини ҳозир тайёрлаган кўрпача-ёстиққа чўкиб.

— Малли, хафа бўлаверманг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, ҳали. Мана бу иссиқ чойдан хўлланг, чарчоғингиз чиқади, — деди Меҳрихон пиёлани узатар экан. — Лағмон чўзган эдим, ҳозир олиб келаман.

Кўявер, дегандай қўл силтади Турсунбой.

— Ўзи бу ёги лағмоним чиқиб ётибди, ҳозир.

Меҳрихон бу гал масала жиддий эканлигини фаҳмлади. Нима бўлса ҳам эрининг кўнглини овлямоқчи бўлди. Овутишга ҳаракат қилди.

— Жон, дадаси, ахир бизни ҳам ўйланг. Ҳеч бўлмаса ўғлингизнинг келажагини ўйланг. Ахир ҳамма ҳам ишляяпти-ку? Эл қатори қимирлайверинг, сиз ҳам...

Хотинига асло овозини кўтариб сўзламаган Турсунбой ўзини босолмай буруқсаб кетди.

— Сен ҳам анавиаларнинг гапини қиласан, — деди қўлини қилич қилиб, — бу замонда ҳалол бўлиб яшаш бунча қийин-а? Нега виждон, виждон дейишади-ю ўзгаларнинг ҳақидан, қаҳридан қўрқишишмайди. Қонунлар ким учун?! Нега қонунни сўзсиз бузатгандарни кўра-била туриб, бегуноҳларга зуғум қилишади??!

Мехрихон тилини тишлаб қолди. Шоша-пиша эрининг елкаларини силаб-сийпаб ёлворди.

— Бўлди, бўлди, жон дадаси! Мен тавба қилдим. Ўша ишлариям қуриб кетсан! Бошқа иш ҳам топилар. Келинг, жон Турсунбой ака, менинг учун бўлди қилинг. Танижонингиз соғ бўлсан биз учун...

Турсунбой алам ва ғазабдан титрарди. Қўзидан ёш отилиб кетай дердию, нимадир санчиқ билан мижжасида қотиб турарди. Қўли билан чап кўксини чангллаганича кўрпачага чўзилди. Назарида, икки курагининг ўртасига кимдир занглаган темир қозиқни ботириб турарди. Шу алфозда ҳушини йўқотган каби қовоқлари оғирлашди. Олисолислардан тушуниб бўлмас тарзда турли овозлар қулогига чалинарди.

Мехрихон ранги ўчиб, шошиб қолди. Қўзи телефонга тушдию нима қилиш лозимлиги яшин тезлигига калласига урилди.

Докторлар келгунча кўйлак ёқаларини, пайпокларини ечиб ташлади. Сочиқни намлаб келиб, юз-кўзларини оҳиста артди. Оғиз-бурнига атир суртди. Деразаларни очиб юборди. Хона кузнинг салқин эпкини билан тўлди.

Навбатчи шифокор одатдагидек, томир уришини эшилди. Кон боснини ўлчади. Нима еган, нима ичганини, кайфияти қандайлигини сўради. Мехрихон, сал чарчаб келгандилар, қабилида докторга жавоб қилди.

Доктор биринчи ёрдам кўрсатгач, Турсунбой ётган кўрпача билан аста замбилга олишни, олиб кетмаса бўлмаслигини тушунтирди. Мехрихон боласи билан бирга касалхонага бормоқчи, эрига қараб турмоқчи эди. Шифокор навбатчи, ҳамширалар беморга қараб туришини, ҳозир анча

бемаҳал бўлиб қолганлигини айтди. Ноилож, Мехрихон уйда қолдию, аммо тонг отгунча кўз юммади. Юрагини ҳар хил ваҳимали ўй-хаёллар аппалаб чиқди.

Турсунбой эрталаб нонуштага лимонли чой ичишни хуш кўрарди. Мехрихон, нима қилишини билмай, лимонли чой тайёрлаб, термосга қутиб, касалхонага ўғли Толибжон билан кириб борди.

У иложини топиб, навбатчи ҳамширадан Турсунбойнинг аҳволини сўради.

— Тузулар. Кўзларини очдилар, — деди жилмайиб ҳамшира. Мехрихоннинг қалбида гўё қуёш порлаб кетди, кўзларидан севинч ёслари томчилади. Врач рухсат бергач, она-бала бемор ётган хонага кириши.

... Шарпадан кўзини очган Турсунбой қархисида Мехрихон ва ўғлини кўриб, жилмайди. Бу жилмайиш шу қадар ночор ва рангиз зидики, Мехрихоннинг юраги орқага тортиб кетди. Эрининг чеҳрасидан гўё ҳаётий жилва сидириб олинган эди...

Аста эрининг каравоти ёнига чўккан Мехрихон унинг юз-кўзларини силади: «Хайрият, яхши бўлиб қолибсиз», шивирлади зўрға. Ҳаёт-мамот тўқнашувида толиққан Турсунбой кучи етганича вазиятни тушунтиromoқчи бўлди.

— Сен омон бўл. Ўғлингни эҳтиёт қил. Ҳеч кимдан қарзим йўқ, кимлардадир омонатим бор... бардам бўл, хотин. Қолган гапларни кейин гаплашамиз...

...Шу пайт кутилмаганда Турсунбойнинг пешонаси тиришиб кетди. Менга нима бўляпти. дегандек, боши билан Мехрихонга имо қилдию ёстиққа суюниб қолди. Бир нафасдан сўнг иккى кўзидан ёш сизилиб чиқиб, ёноқлари узра гўё қотиб қолди...

Эрининг бевақт ўлими Мехрихонга кутилмаган зарба каби қаттиқ таъсир қилди. У минг уринмасин, ёнида яқин кишиси йўқлигига кўника олмасди. Ҳатто ёнида чопқиллаб юрган ўғли ҳам кўзига кўринмай қолди. У ўз ҳисобидан таътилга чиқиб, уйидан кўчага чиқмай қўйди. Унинг ҳеч кимга қўшилгиси келмасди. Баъзида Турсунбойнинг

ҳамкаслари келиб туришарди. Лекин кейинчалик улар ҳам қораларини кўрсатмай қолишиди.

Шундай кунларнинг бирида Турсунбойнинг яқин ҳамкасларидан бири кириб келди. У Мехрихондан ҳолаҳвол сўраб, унда Турсунбойнинг бир омонати борлигини, уни бериш вақти келганини айтди. Турсунбой бу нарсани ўзининг оғир касал эканлигини билтандан сўнг унга берганини айтиб, бир кассетани қўлига тутқазди. Турсунбойнинг ҳамкасби Толибжонга олиб келган шириналикларни бериб, ишга шошиб турганини айтиб, уйдан чиқиб кетди.

Мехрихон кассетани кўришга шошилиб, магнитофонга тикиди.

— Азизим, меҳрибоним, ҳаётим қувончи, севгилим Мехрихон, салом.

Телевизор экранида Турсунбой жилмайиб турарди.

— Камерага қараб гапириш жуда қийин экан. Меҳрибоним, билиб турибман, сенга ҳозир жуда қийин. Дунёда ўзингни ёлғиз ҳис қилаётганингни тушунаман. Мен сен билан оз фурсат бирга бўлсан-да, ҳар бир эркак орзу қиласиган умр йўлдоши билан яшадим, дея оламан. Меҳри исмингга содик қолиб, менга меҳрибон бўлдинг. севгимиизга, муҳаббатимизга вафодор, Лайли, Ширина, Зухралар қаторидан жой олишга лойиқ аёлсан. Мен сендан розиман. Бу дунёда сен каби аёллар кўп бўлишини Худодан сўраб қоламан. Умримнинг охирги кунлари қолаётганини юракдан сезиб юргандим. Шунинг учун кейинги кунларда сени ўзимдан узоқлаштириш ниятида дағал гапира бошладим. Иложи борича сени ўзимдан совутишга ҳаракат қилдим. Билмадим, буни уддаладимми, йўқми?

Лекин сен менга бўлган меҳринг ва муҳаббатинг билан ҳаммасини енгдинг. Бунинг учун сенга бош эгаман ва ҳамиша севиб қоламан.

Ҳар бир ақлли-одобли, диёнатли аёл қиласиган меҳрибончиликни ўз эринг учун, оиласиз учун қилдинг. Бунинг учун сендан умрбод миннатдорман. Азизим, сенинг

пешонанға бевалик ёзилған бўлса, қўлимииздан ҳеч нарса келмайди, бу тақдир. Сен ҳеч қачон тушкунликка тушма. Сендан илтимосим шуки, ўзингни қўлга ол. Сен энди мендан ёдгор бўлиб қолган фарзандимизни ўйла. У мендан сенга омонат, яхши кунлар келаяпти. Унинг келажакда комил инсон, халқ манфаати учун яшаб-ишлайдиган, ўзбек миллий урф-одатларимизни қадрлайдиган, инсофли, диёнатли, мард, меҳрибон, йиқилганни суюб қўядиган ўзбек йигити бўлишини хоҳлайман. Ишонаманки, шундай тарбия қилиш қўлингдан келади.

Азизим, бу кассета сендан яширган яккаю ягона сирим эди. Дўстимга, агар Меҳрихоним тушкун аҳволга тушиб қолсагина олиб бориб бер, деганман. Лекин шуни Худодан сўрайманки, мен таниган Меҳрихон ҳеч қачон тушкунликка тушмайди.

Охиратда ёруғ юз билан кўришгунча, Алвидо!

Тасмаю тасвир тугаб, экран оқариб қолди. Меҳрихон бу кассетани туни билан қайта-қайта кўриб, йиғлаб чиқди. Ўша куни у ёнида ўғли Толибжонни росмана кўрди. Толибжон отаси ўтирадиган креслода кўзи тўла ёш билан ухлаб қолганди.

— Ҳа, менинг Турсунбойим ўлмаган, у ҳамиша мен билан, у менинг юрагимда, қалбимда.

Ана, у креслода ширин уйқуда ётибди. Ундан қолган бу ёдгоримни асраб-авайлашим керак. Ёrim айтганидек, ўғлимни у орзу қилган комил инсон қилиб вояга етказишим керак!

Меҳрихон эриининг бу сўзларини ўз олдига бош мақсад қилиб, яшашга қатъий жазм қилди.

Ҳаётидаги бевалик деб аталмиш руҳий азобларга тўла имтиҳондан мислсиз сабр-бардош билан ўтиб, севимли Турсунбойининг ёнига ёруғ юз билан боришга астойдил бел боғлади.

Ойгул отасидан оқ фотиҳа олиб, эрталабдан ишга жүнади, у Санжар билан учрашиш ниятида эди. У маҳалладагилардан суриштирганида Толиб билан Санжарнинг дўстлигини худди кинолардагидек қилиб таърифлаб беришганди.

Санжар тўкин-сочин оиласда дунёга келди. У Толибjon билан биргаликда биринчи синфга чиққанди. Толиб ҳам Санжар ҳам бир-бирларидан ҳеч нарсани аяшмасди. Санжарнинг Толибга нисбатан меҳри бошқача эди. Улар жуда ёшлиқдаёқ яқин дўст бўлишга қасам ичишганди. Толибнинг отаси дунёдан ўтгандан сўнг Санжарнинг уйидагилар Толибга бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолишиди.

Лекин Санжарга бунинг фарқи йўқ эди. У Толибга янада кўпроқ ёрдам берини илинжида бўлди. Умуман Толиб йиғласа-йиғлади, кулса-кулди. Қийин кунларида уни қўллади. Санжар институтга ўқишга кирмади. Чунки отасининг ўрнини эгаллаш учун ўқиб ўтириш шарт эмас, деб ўйларди. Толибнинг ўқиши учун ёрдам қилишга аҳд қилди. Толиб институтнинг биринчи курсини тугатиб, ўқишини давом эттиришга унамади. Санжар бунга роса қаршилик қилди, лекин Толиб Санжарнинг елкасига осилиб олишни ўзига эп кўрмади. Санжарнинг ота-онаси ўғилларининг Толиб билан дўстлигини оқлашмасди. Бунга кўпроқ Санжарнинг онаси қаршилик қиларди. Санжар эса уларга қарама-қарши бориб, Толибни ўз ёнига ишга олди. Ишга олибгина қолмай, ундан сўнг уйланаман, деб туриб олди. Икки дўстнинг ўрталарига ҳеч ким ва ҳеч нарса туша олмасди. Лекин Толиб, Санжарни йўлга солиб, ундан сўнг албатта, уйланишни ваъда қилиб, тўй қилишга кўндириди. Унинг атрофида Толиб танимайдиган одамлар пайдо бўлиб қолганди. Икки дўст орасига совуқчилик тушиб бораётганди, Толиб бундан ховотирда юрарди.

Санжар отасининг ёрдами билан уч-тўртта дўкон очди

ва каттагина ресторанни ҳам сотиб олганди. Фирмани асосан Толиб юргизарди. Санжар Мехри онанинг кўзини даволатиб, Толибнинг меҳрини қозонди. Толиб дўсти кўрсатган бу мурувватдан мамнун эди.

Толибни қамоқقا олиб кетишаётганда, Санжар бу ишда менинг ҳам айбим бор, мени ҳам олиб кетинглар, деб тўплангандарни лол қолдирганди. Мана, Толибнинг қамалганига ҳам икки ой бўлди. Ўшандан бери Санжар одам ови ва жуда баджаҳл бўлиб қолган. Ота-онаси ва хотини билан ҳам чиқиша олмайди. Мехри онанинг ўлими унга жуда қаттиқ таъсир қилганди.

Шаҳар марказидаги супермаркет олдида қора Нексия турганди. У Санжарнинг машинаси, ювилмаган, бир ахволда эди. Дўкон ёнидаги офис учун қурилган бинода Санжар чуқур ўйга чўмилиб ўтиради. Унинг кўзлари киртайиб қолган, юзининг ранги қорайиб кетганди. Қўллари беихтиёр титраб турарди. У Ойгулнинг кириб келганини ҳам сезмади.

— Ассалому алайкум! Мумкинми?

Санжар бир сесканиб, ўзига келгандай бўлди.

— Келинг, тинчликми? Кимсиз?

— Мен Ойгул Раҳимова, дўстингиз Толиб аканинг адвокатиман.

— Ҳа, шунақами? Лекин дўстим адвокат керакмас деганди-ку?

— Мен маҳалладагиларнинг илтимос қилиб ёзган хатлари бўйича иш олиб бораяпман, бундан дўстингизнинг хабарлари йўқ, — деди Ойгул.

— Ўтиринг марҳамат, адвокатман денг. Бу ишга ёшлиқ қилмайсизми? Айтмоқчиманки, тажрибангиз озлик қилмайдими? Агар Толиб қарши бўлмаганда тажрибалироқ адвокат ёллашимиз мумкин эди! — деди Санжар Ойгулни писанд қилмагандай.

— Ҳа, сиз дўстингиз учун ҳамма нарсага тайёр

эқанлигингизни эшитдим. Санжар ака, ҳамма ҳам олдин тажрибасиз бўлади, иш мобайнида малакаси ошади-да, тўғрими?

— Ҳа, гапларингиз тўғри, лекин менинг дўстим тажриба қилинадиган қўёнмас-да! Биласизми, ким у, ўзга дунё одами! У умуман бошқача.

Санжар бу гапни гапириб, кўзига келган ёшни яшириш учун бошини столга қўйди. У овозини чиқармасдан хўрланганча йиғларди.

Санжарнинг бу аҳволидан Ойгул ҳам таъсирланиб кетди. «Наҳотки, шундай иноқ дўстлар ҳозир ҳам бўлса», деб ўйлади Ойгул.

— Ойгул, дўстимни ҳозир ўша қамоқдан олиб чиқиш мумкин. Лекин менинг учун ўша ерда ётгани тинч. Колаверса, ўзи ҳам шуни хоҳлайди. Унинг бу ёруғ дунёда ҳеч кими қолмади. У ўша ерда умрбод қолишга ҳам рози, — деди Санжар ва кўз ёшини рўмолчага артиб ўрнидан турди.

— Унга қўйиластган айб умуман ақлга сифмайди. Шунинг учун ҳам у ердан чиқиши хоҳламайди. Бу гап-сўзлардан кейин қандай бosh кўтариб юраман, дейди.


— Санжар ака, сиз шу воқеа юзасидан нима дея оласиз? Фикрингизни билмоқчи эдим!

Санжар Ойгулга тикилиб қараб қолди.

— Ойгулхон, исмингиз ҳам ўзинингзга ўҳшаган чиройли экан. Келинг, яхиси суҳбатимизни бошқа жойда давом эттирасак. Ишонасизми, икки ойдан бери ҳеч ким билан гаплашмайман, бугун сиз билан суҳбатлашгим келяпти. Агар қарши бўлмасангиз, албатта.

Санжарнинг ҳеч ким билан гаплашмай қўйганини Ойгул биларди. Ўзи хоҳламаса-да, лекин Санжардан Толибжон ҳақида кўп нарса билиши мумкинлигини тушуниб унинг таклифига рози бўлди. Санжар кимгадир қўнғироқ қилиб, ресторанга жой буюртириб қўйди. Санжарнинг машинаси олдига келишганда у жилмайиб:

— Ойгул, мана бу панжа изини кўряпсизми? Бу Толибнинг панжа излари, қамоқقا тушмасдан бир кун



олдин шу ерга қўлини қўйиб суюниб турганди, — деб машинага таклиф қилди.

Машина радиосидан бир хонанданинг дўстлик ҳақидаги қўшиғи янграётганди, гўёки Санжар ва Толибнинг дўстлигини тараннум этаётгандек эди.

Машина шаҳар четидаги муҳташам реторан ёнига келиб тўхтади. Ичкарига кирганларидан сўнг Санжар Ойгулни икки кишига мўлжалланган столга таклиф қилди.

— Бу столда мен фақат Толиб билан ўтирганман, холос. Сиз ўтирган курси дўстимнинг жойи — деб қўшиб қўйди. Санжар «Мен ҳозир», деганча ресторанинг иккинчи қаватига чиқиб кетди. У йўқлигига официант ҳар хил газаклар ва ичимликларни столга қўйиб кетди. Санжар ўнён беш минутлардан сўнг Ойгулнинг ёнига тушди.

— Ойгул, узр, куттириб қўйдим, — деб унинг рўпарасидаги курсига ўтирди. Санжар шу озгина вақт ичида бошқа одамга айланиб қолгандек эди, гўё.

— Ойгулхон, тенгқурга ўхшаймиз, турмушга чиққанмисиз?

— Биласизми, Санжар ака, биз сиз билан дўстингиз ҳақида гаплашгани келдик. Мен ҳақимда дўстингиз чиққандан кейин бафуржга гаплашамиз.

— Кечирасиз, ҳамроҳим қонуншунос экани ёдимдан чиқибди. Нега адвокатликни танладингиз? Агар қораловчи бўлганингизда гувоҳлар орқасидан юрмай, чақириб олиб хонангизда бемалол сўроқ қилардингиз.

Санжарнинг бу сўзидан унинг ҳар хил текширувчи ташкилотларни ёмон кўриши билиниб туради. Бу табиий ҳол, деб ўйлади Ойгул, чунки савдо ишида ишлайдиганларга хос эди бу ҳолат.

— Хўп яхши, Ойгулхон, дўстим ҳақида билмоқчимисиз? Бўлмаса, эшитинг, — деб гапини бошлади Санжар.

— Биз у билан биргаликда вояга етдик. У менинг дўстим. Толиб ўзга дунё одами эканини ўшлигигида ёқ менга исбот қилган. Биласизми, мактабимиз йўлидаги бир ҳовлида битта

қопағон ит бор эди. Ўша ит баъзизда ечилиб кетиб ҳаммани қуварди.

Ўтган-кетгандарнинг баъзиларини тишлаб ҳам олганди. Лекин итнинг эгасига ҳеч ким ҳеч нарса демасди. Итни яна боғлаб қўйишарди, холос. Толибнинг онаси унга мактабимиз буфетида тушлик қилиши учун бир стакан чой ва буличкага пул бериб қўярди. Бир куни Толиб чойни ичиб, буличкани емасдан чўнтағига солди. Ундан «Нега бундай қилдинг?» деб сўраганимда, у «Қайтишимни ўйлаяпман» деди. Уйга қайтаётганимизда Толиб ўзининг буличкасини ҳалиги ит вовиллаётган хонадонга отди. Мени ҳам шундай қилишга кўндириди. «Ахир, у ит бизни кўрмайдику, деворнинг орқасида бўлса», дегандим. «Мана кўрасан, бир кун келиб шу ит бизни қопиб олмайди», деди. Толиб икковимиз ҳар куни шу ишни такрорлардик.

Толиб айтган иш бўлди, ўша ит ечилиб кетиб ҳаммани қувиб юрган пайтда биз бориб қолдик, ит бизни кўриб думини ликиллатганчи ўйига кириб кетди. Кейинчалик у итни кўрмадик ва ўша ўйнинг олдидан каттаю-кичик bemalol ўтадиган бўлишди. Бундай ишлардан кўп бўлган, Ойгул. Менинг ёшлигим Толибларникида ўтган, десам хато бўлмайді. Толибга ёшлигиданоқ алоҳида хона ажратиб беришганди. Биз ўша хонада ширин-ширин орзулар қиласардик. Гоҳо дадаси, гоҳида оналари бизнинг олдимизга кириб меҳр-оқибат, дўстлик, ҳурмат-иззат ҳақида ривоятлар айтиб беришарди.

Толиб ўз хонасини ўзининг дидига мослаб, жиҳозларини ўрни-ўрнига қўйганди. Ҳамма нарса оддий: китоб жавони, манзаралар, суратлар. Мехри опа Толибга кўп вақт ажратардилар. Мен она-боланинг кўп суҳбатларида бирга бўлганман.

Бизнида эса ота-онамнинг менга қарашга вақтлари йўқ эди. Отам ишдан, ойим меҳмондорчиликдан бўшашмасди. Агар гоҳо бирга ўтириб қолсак ҳам мавзу фақат пул тўғрисида бўларди. Тўғри, уйимизда менинг ҳам ўз хонам бор эди. Замонавий, ҳамма янги бойларнинг

белаларида нима бўлиши керак бўлса, ҳаммаси бор эди. Менинг хонам бизникига келадиган меҳмонлар учун музей эди. Онам келганларга менинг хонамни ҳам кўрсатиб мақтанишни яхши кўтардилар. Телевизор, магнитофон, компьютер, плейер, чет эл мебели ва ҳоказолар. Ҳаммаси онамнинг дидлари билан жиҳозланган. Мен учун бу нарсалар музейнинг экспонатлари каби эди.

Толибнинг хонасида эса ҳар хил китоблар, деворларида гилам ўрнига манзарали суратлар ва оила аъзоларининг расмлари, ҳатто менинг ҳам суратим бор эди.

Ойгул, шу ресторон ҳам Толибнинг истаги билан олинган. Мен йигирмага кирганимда дадам нима совға қиласай, деб қолдилар.

Толибдан маслаҳат сўрадим, у бўлса:

— Пул отангники, буни ўзинглар биласизлар, лекин мен сенинг ўрнингда бўлсан, катта бир ошхона очиб беринг, деган бўлардим. Чунки у ошхонада 10-15 киши иш билан таъминланади. Қолаверса, ҳар хил хайрия кечаларини ўтказса ҳам бўлади, — деганди.

Мен эса дадамнинг бу ҳотамтойликларидан фойдаланиб, ЖИП машинаси олдирмоқчи эдим. Дадамга ўзимнинг фикрим сифатида Толибнинг сўзини айтдим. Мана кўриб турганингиздай, ресторон ишлайпти.

Толиб бу ерда отасини хотирлаб, ҳар йили бир марта катта қозонда ош пиширтиради ва дадасининг яқинлари, ошна-оғайни, тенгқурларини таклиф қилиб, кўнгилларини олиб туради.

Санжар тўсатдан олдидағи ароқни очиб, пиёлага қўйди ва бир кўтарганча ичиб хаёл суриб қолди. У бир нуқтага тикилганча қотиб қолди. Санжарнинг кўзларида унинг ёшлидаги йигитларга хос қандайдир нур йўқ эди. У тирик мурдага ўхшарди.

— Ойгул, хафа бўлмасангиз, суҳбатни бошқа кунга кўчирсак, — деб сигаретани олиб тутатмоқчи бўлди, унинг қўллари титраётганди. — Сизни уйингизга ташлаб қўйишади, — деб узр сўраб чиқиб кетди.

Ойгулнинг ёнига бир йигит келиб:

— Опа, мен сизни айтган жойингизга элтиб қўяман. юринг, — деди. Ўша пайтда ресторон ходимлари ҳам аза туваётгандай туюлди Ойгулга.

Ҳеч кимнинг юзида хурсандчиликдан асар ҳам йўқ эди.

Ойгул фожиа юз берган жойни кўздан кечириш учун Толиб Ҳамидов яшаб ўстган уйга борди. Ҳовлининг кўриниши оддийгина, дарвозаси ўзимизнинг усталар ясаган нақшинкор ва икки табақали эди. Кўча эшик олдида гулхона, очилган гулларни кўриб, кишининг баҳри дили очилади. Ҳовли саҳни супирилиб, сувлар сепилган. Ҳовлида одам бордай кўринарди. Ойгул ҳайрон бўлиб турганди, қўшни эшикдан соchlари майдада қилиб ўрилган, бошида дўппи, эгнида атласдан куйлак-лозим кийган 13-14 ёшлар чамасидаги истараси иссиққина бир қиз чиқиб келди.

— Ассалому алайкум, келинг, опа сизга ким керак? — деди қўксига қўлини қўйиб.

Ойгул қизга ўзини танишиди.

— Мехри аянинг калитлари бизникида туради. Уйларига биз қараб турамиз. Озгина кутиб туринг, калитни олиб чиқаман, — деб чопқиллаб ортига қайтди.

Ҳовли сарамжон-саришта, ҳамма нарса жой-жойида эканлигини кўрган киши бу ҳовлида анчадан бери одам яшамайди, деб ўйламасди.

Ойгул Санжар айтган Толибнинг хонасини кўрмоқчи бўлди. Ҳона ихчамгина, у ердаги стол-стул, шкаф ва китоб жавони ҳам тажрибаси йўқ уста томонидан ясалгандай эди.

— Бу нарсаларни Толиб акамнинг ўзлари ясаганлар, — деди қўшни қиз худди Ойгулнинг фикрини ўқигандай. Китоб жавони бўлимларга бўлинган, ҳар бир бўлимнинг номи бор: «Ҳадислар», «Мақоллар», «Тарих», «Бизнес». Девордаги суратларда асосан манзаралар тасвири бор эди. Суратларга қараб Толибжоннинг ҳозиргача бўлган баҳтили онларини билиб олса бўлади. Иш столи устида бир дафтар

ётарди. Унинг муқовасига «Шу ой қилишим керак бўлган ишлар» деб ёзиб кўйилганди.

— Толиб акам ажойиблар, ҳамма кундалик тутиб, бўлган ишларни ёзиб юрса, у киши аксинча, нима қилиш кераклигини ёзиб юрадилар, — деди Қўшни қиз. Ойгул дафтарни қўлига олди, бироннинг кундалигини ўқиш одобданмас, деган фикр қўнглидан кечди, шунинг учун уни қайтариб ўрнига қўйди.

— Опа, сиз шу ерда озгина дамингизни олиб туринг. Ҳозир мен чой дамлаб келай, кейин хотиржам гаплашамиз, — деб Қўшни қиз ошхонага кириб кетди.

Ойгул ўтирган курси рўпарасидаги суратда бир түя чўлнинг ўртасида устига ортилган катта-катта қоплардаги юк билан якка ўзи кетаётгани акс этганди. Ойгул бу расм нимаси билан Толибжонни жалб қилди экан, деб ўйланиб қолди.

Сал ўтмай Қўшни қиз қўлида чойнак-пиёла билан кириб қолди. У чойнакдаги чойни уч марта қайтариб, озгина кутди ва ўзининг олдидағи пиёлага қўйди ва бир ҳўплам ичиб, иккинчи пиёлага чой қўйиб, ўрнидан туриб Ойгулга узатди. Буни кузатиб турган Ойгул Қўшни қиз чой қўйиб узатишини миллий усулда меъёрига етказиб уddaлаганидан лол қолди.

— Мехри устозимиз, — деб гап бошлади Қўшни қиз — мактабимизда «Одобли қиз» деб номланган тўгарак ташкил қилгандилар. Мен ҳам кўп қизлар қатори шу тўгарак аъзоси эдим. Тўгаракда устозимиз ўзбек қизлари қилиши керак бўлган урф-одатларимизни ўргатардилар. Мехри ая мени кўп нарсага ўргатдилар, — дея кўзига ёш олди Қўшни қиз. У ич-ичидан хўрланиб йиғлай бошлади. У бир йиғлаб, бир тапиради.

— Ойгул опа, мени кечиринг, одобсизлик қилган бўлсан. Лекин Мехри устозимни соғиндим. У кишининг кулиб туришларини, қошимга ўсма қўйиб, сочимни ўриб қўйишларини. Ҳар хил ривоятларни айтиб берардилар. Қўзлари ожиз бўлса ҳам ўлмаганлари яхши эди. Мехри устозим мени қизим, дердилар. Ўзбек қизини унинг одоб-

ахлоқи, ибоси, миллийлиги билан ажратиб олса бўлади, урф-одатларимизни ўрганишингиз, ўзингиздан кейинги ёшларга ўргатишингиз керак, дердилар. Мактабимизда ҳар хил калта-култа юбка, шимларни кийиб, қимматбаҳо тилла тақинчоқларни тақиб, бўяниб келадиганлар ҳам бор. Лекин ҳозир камайиб қолган. Мехри устозим у қизларга тушунтиришдан чарчамасдилар. У кишининг насиҳатлари, меҳнатлари самарасини мана кўриб турибсиз. Ўша қизларнинг бири мен эдим. Мен ҳам Европача кийиниб юрардим. Мана икки ойдирки, у кишининг йўқликлари ҳаммамизга билинди. Ҳозир таътил бўлса ҳам қизларимиз шу уйга келиб туришади. Мехри аямизнинг уйларини саранжом-саришта қилиб супириб-сириб юрибмиз. Мана, яқинда мактаб бошланади. Лекин устозимиз бўлмайдилар. Қандай кўнікаркинмиз, билмайман. Уларни соғинамиз.

Ойгул бу ёшгина қиз билан суҳбатлашиб ўтириб вақт қандай тез ўтганини ҳам билмай қолди. У билан хайрлашиб, яна учрашишни ваъда қилиб, бу меҳрибон, доно, ақлли бекасидан айрилган файзли хонадондан чиқиб кетди.

Эртаси кун Ойгул Санжарни уйидан топаман, деб эрталаб унинг ҳовлисига борди.

Ҳашаматли уч қават қилиб қурилган бино, ҳовлининг икки томонида катта-катта, евро усулда қурилган дарвозалар. Хонадоннинг кўча томондаги гулхонаси одам ўта олмаслиги учун баланд қилиб қора панжарада ўраб қўйилганди. Ойгул аста бориб эшик қўнғирофини босди. Ичкарида қандайдир хориж мусиқаси янгарди. Эшикни чиройли, қош кўзларин қоп-қора, ўзи оппоққина бир келинчак очди.

Унинг кийимларидан келинлиги билиниб турарди.

— Келинг, сизга ким керак?

— Менга Санжар ака керак эдилар. Кеча биз учрашгандик, мен у кишининг дўстлари Толиб Ҳамидовнинг адвокатиман, — деди Ойгул.

Бу жувон ҳали оғзини очмасидан, ўзининг ёшига

ярашмаган кийимларни кийиб олган, қулоғига иккитадан зирак таққан, бармоқлари узук билан тұла, тилла тишли бир аёл чиқиб келди. Бу аёл Санжарнинг онаси Фарида опа эди. Ойгүл ўзини танишитириб, муддаосини айтди.

— Санжар кечқурун келмади. Менимча, ишхонага юкпук келгандир. Толиб ҳам қамалиб қолиб ҳамма иш Санжарга қолиб кетди, — деди зарда билан, — келинг, балки ҳозир келиб қолар. Наргизахон, боринг чой-пой олиб келинг, — деб Ойгүлни ҳовли ўртасидаги сүрига таклиф қилди.

Фарида савдогар оиласида ўсиб улғайды. Улар онлада түрт қиз әдилар. Фарида кенжаси эди. Унинг учта опаси шаҳарнинг бадавлат хонадонларига келин бўлишди. Фариданинг турмуши эса бошида унча ҳавас қилгулик эмас эди. Солихон у ўйлаган йигит эмаслигини тўйдан сўнг сеза бошлади. Солихоннинг савдода унча укуви йўқ эди. Фарида ҳар сафар опалари билан учрашганда сұхбатга қўшила олмай бир четда ўтиради. Чунки опалари жуда катта оғиз бўлиб, ким ўзарга кийинишарди. Ҳар учрашганда турфа хил қимматбаҳо кийимлар, тилла-такинчоқларни ўзаро кўз-кўз қилишарди. Кетишлирида ҳаммаларининг эрлари машиналарида олиб кетишарди. Фарида автобусда уйига қайтарди. Ўйда эри Солижондан аламини оларди. Энди яшаб бўлмайди, ажрашаман деб турганида ҳомиладорлигини сезиб қолди. Худо Фаридага кўчкордай ўғил берди. Фарида фарзанди билан овуниб опалари билан камроқ учрашадиган бўлди. Солихоннинг ҳам ишлари юришиб қолди. Мустақиллик шарофати билан биринчилардан бўлиб Солихон фирма очди.

Фарида учун дориломон кунтар кела бошлади. Опалари унинг олдида ип эшолмай қолишди. Унинг айтгани-айтган эди. Опаларини умуман назарига илмай қўйди. Ўзига ўхшаган янги бойлар билан опа-сингил тутинди. Энди унга бу янги танишларининг олдида эри ҳам ҳеч ким эмасди. Сал бўлмаса Санжарни ҳам эсидан чиқариб қўяёзди. Ҳар куни меҳмондорчилик, гап ейиш, хотин оши ва шунга

ўхшаш ўтиришлардан ортиб Санжарнинг қандай вояга етиб қолганини фаҳмламай қолди.

Солибай ҳам ишдан ортмасди. Пул топиш, мамишатбозликдан бўшамасди. Фарзанд тарбияси уларни қизиқтирмасди. Санжар ўз ҳолича вояга етди.

У Санжарни дугоналаридан бирининг қизига уйлантириб ҳам қўйди. Яқинда буви бўлса ҳам ажабмас. Фарида Толибни ёқтирмасди. Сабаби, Мехри опа оддий ўқитувчи эди. Ўзи ўқиши ҳам тузук билмаса-да, Мехри опани ўзидан паст кўради. Аммо Санжар Мехри опанинг тарбиясини олиб вояга етгани хаёлига ҳам келмасди. Санжарнинг дунёқарashi ота-онасига нисбатан умуман бошқача эканини Фарида билмасди.

Ойгул Фарида опа таклиф қилган жойга ўтирди.

— Хўш, Ойгулхон! Турмуш қурғанмисиз? — деди Фарида опа тўсатдан.

Ойгул бу саволни кутмаганди. Шунинг учун унинг жаҳли чиқди.

— Йўқ, — деди ҳайрон бўлиб Ойгул.

Ҳали турмушнинг аччиқ-чучигини билиб-бilmай, одамларни гуноҳкор-гуноҳкормасга ажратиб юрибман, дeng, — деди Фарида опа унга парво ҳам қилмай.

— Санжар анави югурдагини ҳимоя қилиш учун сизни ёллагандир-да? Қанча пулга келишдингиз?

— Опа, — деди Ойгул овозини баландлаб, — мени ўғлингиз ёлламади. Маҳалладошларингизнинг хатлари бўйича Толиб Ҳамидовнинг ишини кўриб чиқаяпман. Қолаверса, уларнинг ичидаги сиз ҳам бўлсангиз керак, деб ўйлагандим.

— Э, Ойгулхон, менинг бундай ишларга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ. Кейин, Толибнинг бундай иш қилишига асло шубҳам йўқ. Ҳаммаси пулнинг дарди, Толибнинг тенгкурлари ўйланиб, биттадан болали бўлишибди. Мехрихон бўлса, ўша ўқитувчилик билан топган пулига ишониб, ўғил ўйлантираман деб ўйлаган. Ахир, ҳозирги тўйларни қўраяпсизми, ҳозирги замонавий қизларнинг ўзига яраша

орзу-ҳаваслари бор. Мехрихоннинг ўғли Толибга, уларнинг бу ҳолига, қари қиз ҳам тегмасди. Ўша Мехри ўғлини ўйламади. Толиб, онасини бир ёқлик қилиб, уйини сотиб ўйланмоқчи бўлган, — деди Фарида опа Наргиза олиб келган чойдан пиёлага қуйиб, Ойгулга узатаркан.

Ойгул бу хотин билан гаплашиш бефойда эканини билиб:

— Кечирасиз опа, чойни бошқа сафар ичармиз. Ўғлингиз билан кейин гаплашарман. Ҳали-вери келмайдилар, шекилли, — деб бу усти ялтироқ, ичи ғурбат ва гийбат билан тўлиб кетган уйдан чиқиб кетиш учун шошилиб қолди.

Наҳотки, Фарида опага ўхшаган аёллар ҳамма нарсани пул, бойлик билан ўлчашса. Бундай аёлларга бачкана ўтиришлар, кийим-кечаклар, тилла тақинчоқларгина қувонч баҳш этади.

Ойгул турли ўй-хаёллар билан уйига етиб келганлигини билмай қолди. Бу аёлнинг гап-сўзларидан сўнг Санжар билан ҳам гаплашгиси келмаётганди.

Ойгул ишхонасига келиб Фарида оланинг кечаги гапларини ҳазм қила олмай, ҳеч нарсага қўли бормай ўтирганди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Алло! Эшитаман.

— Ассалому алайкум. Мен Наргизаман, сиз Ойгул опамисиз.

— Ҳа, мен, лекин сизни танимай турибман.

— Мен Санжар аканинг хотиниман. Кеча бизникига келгандингиз.

— Салом, Наргизахон, хўш хизмат?

— Опа, ўзимизнинг уйимиздаман. Мен манзилимизни айтсан, шу ерда учрашсак, сизга айтадиган галим бор эди.

— Ҳўп, яхши, албатта бораман, — деб ручкасини олиб манзилни ёзиб олди.

Ойгул Наргиза айтган манзилни қийналмай топиб

борди. Наргизанинг уйлари ўта ҳашаматли бўлмаса ҳам, дид билан қурилганди. Эшикни Наргизанинг ўзи очди. У ҳовлидаги сўрига жой қилиб, дастурхон солиб кутиб ўтирганди.

— Келинг, келаверинг, уйда ойим йўқлар, у киши Туркияга кетгандар, дадамлар гузарга чиқиб кетдилар, дугонам келади дегандим, янги гўшт олиб келиб ўзим ош қилиб бераман, дедилар.

— Ошнинг кераги йўқ эди, дадангизни овора қилиб қўйибсиз-да, — деди Ойгул хижолат чекиб.

— Ойгул опа, — деб сўзини бошлади Наргиза, — ўзингиз кўриб турибсиз, ой-куним яқин, яқинда она бўламан, лекин ўша кун келишидан қўрқаман. Туғилажак болам рисолагидек туғилармикин дейман, — деб қўзига ёш олди Наргиза.

— Қўйсангиз-чи, Наргизахон, ҳаммаси яхши бўлади. Ранги-рўйингиз яхши, еб-ичишингиз ҳам ёмонмас. Худонинг ўзи қўллайди, синглим, кўп қайғурманг, — деб кўнглини кўтарди Ойгул.

— Тўғрику-я, опа ҳаммаси бир томондан яхши. Мен сизга бир сирни очаман. Онам Санжар аканинг онасидан пул олиб, Туркия, Дубай, Хитойдан мол олиб келиб берардилар. Молларни тўғри уйимизга олиб келиб туширадилар. Бу ердан фирманинг омборчиси келиб машинада олиб кетарди. У киши Толиб ака эди. Баъзида Толиб ака келганида мендан бошқа ҳеч ким уйимизда бўлмасди. Мен ўшанда эндиғина мактабни битиргандим. Онам менга Толиб ака келса нималарни бериб юборишими айтиб кетардилар. Толиб ака барваста, чиройли йигит, айниқса у кишининг шириңсуханликлари менга ёқарди. Биз телефон орқали ҳам гаплашиб турардик. У киши менга ҳеч кимдан эшитмаган ривоят ва ҳикояларни айтиб берардилар. Мен билардим, Толиб ака ҳам менга бефарқ эмасдилар. Лекин буни менга билдирамасликка уринардилар. Шу зайлда бир йилча ўтди. Биз иш юзасидан гаплашиб юрдик. У киши томонидан менга нисбатан ҳеч қандай нотўғри ҳаракат

бўлмади. Толиб ака менга кўнглидаги яшириниб ётган туйгуларини билдирамади.

Бир кун мени шайтон йўлдан урдими, нима жин урди, билмайман, у кишига қўнғироқ қилиб уйимизда кимдир юрибди, деб алдаб чақирдим. Ярим кечаси эди. Толиб ака дарров етиб келдилар.

Менинг ҳазиллашганимни билиб қолдилар. Мендан хафа бўлиб, биласизми, нима дедилар: «Наргизахон, шайтон ҳамиша инсоннинг ёнида бўлади, лекин одамларнинг елкаларида фаришталар ҳам бўлади. Уларнинг бири гуноҳларни ёсса, яна бири яхши ишларни ёзib юради. Шайтон васвасасидан қутилишнинг бирдан бир йўли «Нодирабегим», «Увайсий» каби ўтмишдаги онахонларимизни ёдга олиш, ҳа, яна бошни муздек сувда чайқаб ҳам олиш керак, деб ҳазиллашиб чиқиб кетдилар. Кейин сал ўтмай қўнғироқ қилиб: «Наргиза, мен ҳаммаси миллий урф-одатларимизга кўра бўлишини истайман», дедилар. Мен қилган ишимдан қаттиқ уялдим. Кейин молга келганларида ҳам ёнларига чиқа олмай қолдим. Қилган ишимдан ҳозиргача ҳам ўзимни кечира олмайман. У киши бу ҳақда кейин гап очмадилар. Мен эса у кишидан совчи кутардим. Бир куни уйимизга Толиб аканинг оналари Мехри опа кириб келдилар. Онам билан гаплашишди. Лекин онам рози бўлмадилар. Дадам бўлса бу уйда иккинчи даражали одамлар. Тақдирни қарангки, тўй куни Толиб ака Санжар акамнинг ёнида куёв жўра бўлиб кириб келдилар. Толиб ака тўйда ўзларининг тўйлари бўлаётгандек хурсанд бўлиб ўтиридилар.

Санжар акага турмушга чиққанимдан сўнг кўп нарсани тушуниб етдим. Толиб акага бўлган ҳиссиётларим бу шунчаки бир ёш қизнинг алдамчи ҳис-туйгулари экан. Санжар акамга тегиб, Толиб акани севмаганимни тушуниб етдим. У кишини шунчаки кўнглимга яқин олган эканман, холос. Толиб ака ҳам тенгқурлари уйлангани ва оналарини келинлик қилиш учунгина шундай йўл тутган бўлсалар ажаб эмас. Санжар акани биринчи кўрганимдаёқ севиб

қолганимни ҳис қилдим. Санжар акамнинг олдида виждоним ҳам, баданим ҳам пок. Бу гапларни сизга айтишимнинг сабаби, энди Санжар акамнинг хонадонига қайтиб бормайман. Кече Санжар акам билан орани очиқ қилдик. Санжар акам ҳеч қандай қаршиликсиз уйимга кетишинга рухсат бердилар. Бу ишимга Толиб аканинг алоқаси йўқ. Бунга сабаб Санжар акам гиёҳвандлар, у кишининг оёқларига игна санчилавериб чақа босиб кетган. У киши бу балога тўйимиздан олдин дучор бўлганларини тан олдилар. Мен у кишини кўп марта даволанишга мажбур қилдим. Лекин фойдаси бўлмади. У киши энди кеч деб, сўзимга қулоқ солмадилар.

Ойгул опа, Санжар акамнинг кечаги гапидан, у киши ниманидир яшираяпти, деган фикрга келдим. Шунинг учун у киши билан яна гаплашинг илтимос, бу йўлдан чекинманг. Толиб акани бу туҳматдан қутқариш керак. У кишини қамоқдан олиб чиқинг. Ундан одамлар қамоқда ётмаслиги керак.

Наргиза ўрнидан туриб ошхона томон кириб кетди. Наргизанинг дадаси ёшига қараганда анча синиб қолган одам эди. У кўчадан кела солиб тўғри ошхонага кириб ўз вазифасини бажаришга киришиб кетганди. Бу уйда аёлларнинг суҳбатини бўлишга бу эркакнинг ҳаққи йўқ эди. У шунга ўрганганди. Ҳа, рўзгор аталмиш араванинг жиловини аёлига бериб, ўзи уйда хизматкор ҳамда қоровуллик вазифасидаги бу эркакка озгина раҳми ҳам келди. Бу йўлни унинг ўзи танламагандир, деб кўнглини хотиржам ҳам қилиб қўйди.

Келаси қуни Толиб Ҳамидов билан учрашиш учун рухсатнома олиб, қамоқхонага йўл олди.

— Мен Толиб Ҳамидовнинг адвокатиман. Мана менинг ҳужжатларим, — деди Ойгул қўлидаги ҳужжатларни кўрсатиб. Эшик олдидаги милиционер бир нарсадан хурсанд бўлгандай севиниб кетганини яширмади.

— Толибнинг адвокатимисиз, жуда яхши, киринг, марҳамат, — деди эшикни очиб.

Қамоқхона бошлиғи ўрта ёшдаги полковник Тўлқин Маҳмудович эди. У Ойгулни яхши кутиб олди.

— Келганингиз яхши бўлибди, мана у ҳақидаги маълумотлар, — деди-да хўрсиниб қўйди. У ўрнидан туриб, — ҳозир уни олиб келишади. Шу, менинг хонамда гаплашсангиз бўладими? Агар сиз қарши бўлмасангиз, албатта.

— Йўқ, нега энди, яхши бўларди, — деди Ойгул.

— Мен бу йигитни шу ерга келганидан бери кузатиб, унинг қандай инсон эканлигини билиб бўлдим. Мен шунча йил шу соҳада ишлаб бундай одамни учраттан эмасман. У йигит қанақадир бошқача, — деб стол устидан сигаретасини олиб хонадан чиқиб кетди.

Ойгулнинг нимагадир юраги ҳаприқиб кетаётганди. Умрининг ярмини жиноятчилар ичидаги ўтказиб, одамларга ишонқирамай қолган бу қамоқхона бошлигини ҳам ғалати аҳволга солиб қўйган бу одамни тезроқ қўргиси келарди. Наҳотки бу одамда бошқаларнинг раҳмини келтирадиган бирор хислат бўлса, деб ўйлаб ўтиради Ойгул.

— Ассалому алайкум! Мумкинми?

Эшик очилиб гавдаликкина, юзидан қандайдир нур таралаётган, кўзлари чақнаб турган, байрамга кетаётган одамдек соч-соқоли орастада бир йигит кириб келди.

— Кечирасиз, хаёл олиб қочибди. Мен Толибжон Ҳамидовнинг адво...

— Ҳа, биламан. мен ўша Ҳамидов Толибжон Турсунович бўламан, ўтирсам майлими?

— А... ҳа... марҳамат.

— Кечирасиз, сизни чўчитиб юбордим. шекилли, минг бор узр, кечирасиз, — деди Толиб.

Ойгул ҳақиқатан ҳам ҳаяжонланиб, ўзини йўқотиб қўяй деганди.

— Менга сиз тўғриңизда Санжар айтганди.

— Санжар?! У киши келдими?

— Ҳа, шу ерга келганимдан бери яқинларимдан фақат у билан гаплашаман. Билмадим, қандай рухсат олади. Ҳафтада икки марта келиб туради. У қеча оқшом ҳам келиб кетганди.

Толиб шундай гапирадики, уни ҳеч нарсада айблашмаётгандай, ҳатто онаси ҳам ўлмагандай эди.

Ойгул эзилган, туҳматдан азоб чекаётган, ҳаётнинг унга қизифи қолмаган, ҳаётдан, одамлардан, жамиятдан норози бир кимсани кўраман, деб ўйлаганди. Лекин...

— Испингиз Ойгул, адвокатсиз. Яхши, марҳамат, ишга киришайлик. Чунки менинг қиласиган ишларим бор. Ойгул, нотўғри тушунманг, мен ўз ҳоҳишм билан ўзимга иш топиб олдим. Бир жойда ётавериш қийин, ахир.

Ойгулнинг бу ерга нимага келгани ҳам эсидан чиқиб қолай деганди. У олдидаги палкани очиб, бир қофозни олди ва Толибга кўрсатиб,

— Маҳалладошларингиз бизнинг уюшмага хат билан чиқиб, сизнинг ишингизни қайта кўриб чиқиб, кейин судга оширишни илтимос қилишган. Шунинг учун сизнинг ҳам ёрдамингиз керак. Менга ёрдам берасизми? — деб сўради Ойгул.

— Ҳа, жоним билан, нима қилишим керак?

— Менга онангиз Меҳри опа ҳақларида гапириб берсангиз, — дея Ойгул кичкинагина овоз ёзиб олувчи ускунасини ёқди.

— Онам ҳақида денг, — деб Толиб озгина ўйланиб қолди, — яхши, гарчи у киши ҳақида гапириш сал қийинроқ бўлса ҳам, лекин ҳаракат қиласман. Фақат мана бундаги лентангиз етармикин? Она, нақадар ширин, жарангдор сўз.

— У бу номни тилга олгандаёқ кўзи ёшга тўлди.

— Мен 14 ёшимда онам — худонинг менга берган буюк неъмати эканлигини англадим. Бу билан мен ундан олдин онамни билмасдим, демоқчи эмасман. 14 ёшимгача у кишига мени бокувчи, кийинтирувчи, ўйнатиб келувчи, вақтида ухлатувчи, вақтида ювинтирувчи, ширин конфетлар олиб берувчи, ўйинчоқлар билан сийловчи, оқ

халат билан құрқитиб укол қилмай даволовчи ҳамшира ва яхши хонанда, ашулачи сифатидаги меҳрибон, шириңсұхан әнага қарагандай қарапардим. Ахир ўзингиз ўйланғ, бундай әнага кимга ҳам ёқмайды. Отамнинг ўлимларидан кейин онам озгина муддат ўзларига келолмай юрдилар. Кейин мени 14 ёшгача боқиб катта қылган әнага онага айландилар, мен учун.

У киши ҳаётга бошқа күз билан қарай бошладилар. У киши дадамни ўлмаганлар деб ҳисоблай бошладилар. Ҳатто мени ҳам бунга ишонтира олдилар. Ҳудди дадам узоқ сафарга кетгандару, бир күн қайтиб келадилар. У киши келгунча дадам ташкил қылган бу муқаддас оила, деб атальмиш масканни она-бола гард юқтирамай, күз қорачиғимиздай асраб-авайлаб яшай бошладик. Онам менға ҳам, мактаб ишларига ҳам, маҳалла юмушларига ҳам вақт ажратардилар.

Мен онамни бир сувсиз чүлда орқасига оила-рўзгор деб атальмиш катта-катта қопларни юклаб олган ёлғиз туяга ўхшатардим. Бир куни онамни мактабдан тополмадим, у киши уйга эртароқ чиқиб кетибдилар. Уйга кирсам, торт пишириб, ҳар хил шириналларни қўйиб мени кутиб ўтирибдилар. Олдиларида ёшлигимда кийган кийимларим, сал нарироқда мен ётган бешик ҳам турибди. Телевизордан эса дадам қылмайиб қараб турибдилар. Онам мени бешикка ётишимни илтимос қылдилар, мен ҳам югуриб бориб ҳазилга олиб бешикка ётдим. Тўғри, оёғим бешикдан тиззамгача чиқиб турарди. Мен ҳам, онам ҳам кулардик. Онам мени белаган бўлиб, кейин...

Толиб ўзини тута олмай йиғлаб юборди. Ойгулнинг эса, Толиб сўзини бошлагандәёқ кўзига ёш тўлиб, томонига бир нарса тиқилиб қолганди. Толиб кўз ёшини артиб:

— Ия, Ойгул, нима бўлди? Мана сув, ичинг, — деб графиндаги сувдан пиёлага қўйиб Ойгулга узатди. Толиб ўзига ҳам сув қўйиб ичиб, Ойгулга қараб жилмайиб турарди.

— Ойгулхон, бир китобда ўқигандим, кўз ёши кўзнинг равшан бўлиши учун даво экан. Қарангки, йиғи ўзи ёмон

нарса, лекин одамга фойдаси ҳам бор экан, — деб қўшиб қўйди Толиб. Ҳозиргина Ойгулнинг ичидан бир нарса вулқон каби отилиб чиқиб, ҳунграб йиғлаб юборай, деб турганди. Лекин отиламан, деб турган нарса Толибнинг бу гапидан кейин, Ойгулнинг ичига ўз-ўзидан сингиб кетди.

— Ойгул, дадамнинг телевизордан қараб жилмайиб туришларига ажабланманг. Дадам ўлимларидан олдин онам учун ўзларининг дил сўзларини айтиб, видеокассетага ёзиб қолдирган эканлар.

— Ўша кун менинг туғилган куним экан, — деб Толиб ҳикоясини давом эттирди, — Ўша куни биз туғилган кунимни биринчі бор дадамсиз нишонлаётгандик. Онам бешикни тебратиб «алла» айтта бошладилар. Бу хонанданинг, бу ашулачининг овози таниш эди.

— Биласизми, Ойгул, балки ана шу 14 ёшимда тинглаган онамнинг алласи Она деган буюк сиймони англашимга ёрдам бергандир. Менга ўша дамда отамнинг телевизордаги сиймосига жон кириб, у киши ҳам хотиржам ўйқуга кетаётгандай туюларди. Онамнинг аллаларидан бутун борлиқ хотиржам бўлиб, мудраётгандай эди. Онам ўша кундан бошлаб, менга катталар билан суҳбатлашгандай муомалада бўла бошладилар. Онам гарчи мен ўғири бола бўлсан ҳам, овқат қилишни, кир ювишни, уйни сарамжон тутишни, дазмол босишни, ҳатто тикишни ҳам ўргатдилар. Кейинги йили туғилган кунимда ўзим ош дамладим. Дастурхон тузаб онамни кутиб олдим. Ҳа, Санжар ҳам менга қарашиб юборди. Ўша куни дўстимдан қимматбаҳо совға ҳам олдим, у ўзи ёқтирган кросовкасини совға қилди. Унга дадаси бошқасини олиб берганди.

Онам менга яшашни ўргатдилар. Бу бошга хурсандчиликни, ғамми, ниманки келса, тақдирнинг синови эканини ҳамиша уқтирадилар. У киши менга ота, ака-ука, опа-сингил, яхши дўст бўлдилар. Мен ҳеч қачон ўзимни у киши билан ёғезиз сезмадим. Ҳар қандай қийинчиликни мардонавор сингишни мен меҳрибон онажонимдан ўргандим. Онам менга кўп ганирардилар:

«Үглим, мени бу дунега боғлаб қўймаган, бир кун келиб ўзинг қоласан. Шунда ёлғизликнинг аччиқ шаробини ичиб тушкунликка тушмаслигинг учун иродали, сабрли, матонатли бўлишинг керак», дердилар. Онам ҳақларида ҳар қанча гапирсам ҳам оз. Менимча, ҳамма оналар шундай бўлишади, — деб Толиб чукур ўйланиб қолди. Ойгул Толибнинг сўзи тугамаслигини хоҳлаётганди. Унинг онаси тўғрисидаги ҳикоясини эшитиш Ойгулга завқ бағишкаётганди.

Эшик очилиб, қамоқхона бошлиғи кириб келди. Толиб ўрнидан туриб қўлинни орқасига қилиб эшик ёнига бориб туриб олди.

— Ҳа, Ойгулхон суҳбат тугаб қолдими? — деди Тўлқин Маҳмудович ўрнига келиб ўтиракан.

— Йўқ ҳали, — деди беихтиёр Ойгул шошилиб.

— Қизим, овқат пайти бўлди, Толиб ҳам овқатланиши керак. Юринг, биз ҳам тушлик қилиб олайлик, — деб стол устидан қофозларни олиб папкага солди, — Толиб ҳеч қаерга кетиб қолмайди, тўғрими? — деб Толибга қараб кулиб қўйди.

— Ака, ҳалиги... — деди худди қамоқхона бошлиғидан норозидек.

— Ҳа, бўлди, бугун бўлади. Шахсан ўзим бориб олиб келаман. Мана, Ойгулхоннинг олдида ваъда беряпман, — деди Тўлқин Маҳмудович. Ойгул қамоқхона бошлиғи билан бир жиноятда айбланиб гумон қилинаётган киши ўртасидаги бу суҳбатдан ҳайрон бўларди. Тўлқин Маҳмудович Ойгулни кўча томон бошлади.

— Ойгул, мен одатда тушликни шу ерда қиласман. Лекин бугун сиз билан бир жойга бориб тушлик қиласланып, хўп, дессангиз албатта, — деб машинага таклиф қилди.

Суҳбат Толиб Ҳамидов тўғрисида бўлишини билиб, Ойгул ҳам таклифга рози бўлиб машинага ўтирди.

Машина Санжарнинг ресторани олдида тўхтади. Тўлқин Маҳмудович бу ресторанга олиб келганидан Ойгул ажабланиб, улар учун тайёрлаб қўйилган жойга ўтирди.

Ойгул Санжар кутиб олса керак деб ўйлаганди. Лекин Санжар кўринмади.

Тўлқин Маҳмудовиҷ Ойгулнинг ажабланаётганини сезиб гап бошлади.

— Бу ерга биринчи келишим, мени Санжар таклиф қилди. Санжарнинг гапига қараганда, бу ресторон Толибники эмиш. Тўғрироғи, яқинда унинг номига ўтказибди, — деди Тўлқин ака. — Хўш, Ойгул, нима буюртма берамиз?

Улар овқатга буюртма бериб, жимгина ўтириб тушлик қилишди.

Ойгул Тўлқин акадан Толибга нима ваъда берганligини сўрагиси келарди.

— Толибни бизга олиб қелишганда, уни кўргим ҳам келмади, чунки унинг «дело»сидаги қўйилган айб мени роса ғазаблантирганди. Лекин барибир шундай оғир, ақлга сифмайдиган гуноҳ қилган одамнинг кўзларига бир қарагим келди. Мен уни энг заҳ, бир кишилик, атиги битта кичкина дарчаси бор хонага қўйгандим. Мен хонага кирганимда у туйнукдан ташқарига қараб турган экан. Мен унга дунёдаги бор лаънатларни айтиб, сўкиб, хуморимдан чиқаман, деб киргандим. Унинг юзига қарадиму, ичимдаги қаҳр-ғазабдан асар ҳам қолмади. Тўплаб қўйган гапларим ҳам ёдимдан чиқди. Унинг олдида ҳайкалдек қотиб қолдим. Одамнинг қотиллиги унинг кўзларидан билиниб турди. Менга ишонинг, Ойгул, буни ўз иш тажрибамдан биламан. Лекин унинг кўзлари бошқача эди. Унинг кўзлари оддий одамнига ҳам ўхшамасди. Мен унинг кўзларида меҳрни кўрдим.

У менга жилмайиб қараб турарди. Мен индамай чиқиб кетишдан бошқа чора тополмадим. Санжар бир куни мени кўчада кутиб турган экан. Толиб унинг дўстилигини, бу ишда Толибнинг айби йўқлиги, бу тушунмовчилик эканини айтди. У бу сўзларни айтмаса ҳам Толибга нисбатан ҳеч қандай нафратим қолмаганди. Толибжоннинг бу дунёда биттагина дўсти — Санжардан бошқа яқини йўқ экан. Бир

куни у билан дилдан сұхбат қурғим келди. Уни хонамга олиб келишларини буюрдым. У ўша-ўша, жилмайғанча кириб келди. Уни күриб нима дейишни билмай тургандим, ўзи гап бошлади:

— Миямга бир фикр келди, ака, тұғри, мен бинонинг орқасига ўтмаганман, лекин анави дарчадан күрдим. Менинг бу ахволимда ўша манзара ҳам гүзал күринади, лекин ака, ўша орқа томонни бое қилиб, гуллар экиб чиройли қилиб қўйилса, яхши бўларди, ўша томонга кўп хоналарнинг дарчаси қараган, бу ерда ётган айбсизмийборми одамлар у боғни кўриб, нимадан маҳрум бўлаётганларини тушуниб, англаб етармидилар. Тұғри, бу ерда кўп ётишмайди, лекин муддатларини ўтаб, борадиган жойларига сал яхши томонга ўзгариб боришармиди? — деди. У бу сўзларни менга гапираётганды қўрсангиз эди. Мен унинг таклифини маъқуллаб, у билан дилдан сұхбатлашдим. Унинг орзу-умидлари, яхши ниятлари ҳақида гаплашдик. Унинг она-юрт, ватан ҳақидаги сўзларини маза қилиб эшитдим. Мен уни яхшироқ хонага кўчириб ҳам қўйдим. У бу ерга келганидан бери ўша орқада бое яратди. У ҳар хил мева ва гул кўчатларини экиб чиқди. Унинг бу ишига ҳамма ходимларимиз ўз ҳиссаларини қўшишди. Баҳор фасли бўлгани учун, унга кимдир олма, кимдир нок кўчатини олиб келиб берди. Мен ўзим ҳам ҳар хил гул кўчатларини олиб келдим. Орқадаги ариқдан ёз кунлари сув оқмай қолади. Шунинг учун ҳар куни у менга шланг (резина ичак) олиб келинг, дейди. Мени бўлса иш билан бўлиб ёдимдан кўтарилади. Бугун олиб бермасам бўлмас, қолаверса, сизнинг олдингизда ваъда қилдим, — деб Тўлқин Маҳмудович гапини тутатди.

Ойгул Толиб ҳақидаги бу каби самимий мақтовларни кўпчиликдан эшитаётганди. Тўлқин аканинг сўзлари Толибга бўлган ишончини, меҳрини оширди. Улар энди кетишишмоқчи бўлишганди, Санжар шошилганча ресторанга кириб келди. У кеч қолгани учун Тўлқин Маҳмудовичдан кечирим сўраб, столга ўтирди.

- Ойгул, салом, чарчамай юрибсизми?
- Яхши, раҳмат, сиз билан учрашмоқчи эдим, яхши келдингиз! — деди Ойгул. Санжар ҳам кузатиб қўйиш учун ўрнидан туриб чиқиб кетди. Санжар ҳам кузатиб қўйиш учун ўрнидан туриб, Тўлқин акага бир нарсаларни гапириб унга эргашиб чиқиб кетди. Санжар сал ўтмай қайтиб келиб Ойгулнинг рўпарасига ўтириди. У нимадандир хурсанд кўринарди. Ойгул Санжарнинг ўзини тутишини кўриб ундан нафратланётганди. «Кечагина ҳомиладор хотинини уйига жўнатиб юбориб, бундан хурсанд юрибди, наҳотки туғилажак фарзандини ўйламаса. Ҳозир ҳам ўша оғуuning кайфида юрган бўлса керак. Наҳотки бу баттол оғу одамни шунчалик бағри тош қилиб қўйса», деб ўйларди Ойгул.
- Хўш, Ойгулхон, дўстим билан учрашибсиз, таассуротлар қандай? — деди Санжар тиржайиб.
- Мен сиз билан ўша куни дўстингиз ҳақида гаплашмоқчи эдим, сизни эса қидириб топиб бўлмайди. Ахир, дўстингизнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўляпти-ку, сизнинг бўлса парвойингизга ҳам келмайди, — деди Ойгул жаҳл билан.
- Ойгул Толиб билан суҳбатлашгандан сўнг Толибда ҳеч қандай айб йўқлигини юракдан ҳис қиласарди. Шунинг учун уни қамоқхонадан тезроқ олиб чиқишини истарди.
- Ўша куними? Мен ҳар кунгидек Толибларникига ҳол-аҳвол сўраш учун кирдим. Меҳри опа кўча эшик олдина шошилиб турган эканлар. Толиб ўша куни кечқурун ишхонада қолганди. Улардан ҳол-аҳвол сўраб машинага ўтириб ишхонага кетдим, йўл-йўлакай Толибга егулик ва битта ароқ олдим. Кейинги пайтда Толиб оз-оз ичадиган одат чиқарганди. Толибнинг олдига борсам, у чарчаганини айтди ва бу нарсаларни уйда ерман деб уйига кетди. Ўша куни кечки пайт телефон орқали мудҳиш воқеани эшитдим.
- Меҳри опани учратганингизда, бирор нарсадан хавотирда эмасмидилар?
- Йўқ, лекин қаёққадир шошилиб тургандай эдилар? Бундан бошқа ҳеч нарса билмайман. Бу гапларни

тўтиқушдай қайтаравериб зерикдим, — деб жаҳл билан столга мушт урди Санжар. Ойгул Санжарнинг бу қилиғидан чўчиб кетди. Санжар официантни чақириб бир шиша ароқ буюрди. У ароқни пиёлага тўлдириб қўйиб, бир кўтарнишда ичди.

— Ойгул, бу азоблар қачон тугайди ўзи, — деб ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. Ойгул бугун ҳам Санжар билан гаплашиб бўлмаслигини билиб, унинг орқасидан чиқди.

Ойгул бугун жуда хотиржам ухлаганиданми, кайфияти чоғ эди. Гувоҳларнинг кўрсатмаларини вараклаб ўтириб, Санжарнинг кўрсатмасига қизиқиб қолди. «Агар Санжар Мехри аянинг қайгадир шошилиб турганини кўрган бўлса, уни шошиб турган жойига нега машинада ташлаб қўймади. Ахир Мехри ая дўстининг онаси-ку. Агар Мехри ая бирор жойга кетаётган бўлса, нега Санжарга айтмади ёки Толибга қўнғироқ қилиб айтиб қўйниши мумкин эдику. Эҳ, нималарни ўйлаяпман, ахир ўз дўстининг онасини яқиндагина операция қилдириб, яна дўстини чиқариб олиш учун ҳаракат қилиб юрган, қолаверса ўшандай катта сердаромадли ресторанин дўстининг номига ўтказган Санжардан нега гумон қиляпман», деб Ойгул хаёлига келган бу шубҳа-гумондан ўзи уялиб кетди. Балки Санжарнинг гиёхванд бўлиб қолгани учун ундан гумон қилаётгандир. Балки Мехри ая Санжарнинг бирор сиридан хабар топгандир. Ойгул Санжарга нисбатан хаёлига келаётган шубҳа-гумонларни ҳеч бошидан чиқариб ташлолмаётганди.

Ойгулнинг ёдига Толибнинг кундалик дафтари тушиб қолди. Ойгул шу кундалик дафтарни кўргиси келиб Толибжоннинг уйига бориш учун йўлга тушди. Етиб борганида қўшни қиз шу маҳаллага қатиқ, сут олиб келиб сотиб юрадиган катта ёшдаги аёл билан гаплашиб турганди.

— Ассалому алайкум, Ойгул опа! Келинг, яхшимисиз?

Толиб акам тўғриларида бирор янгилик борми?

— Ҳозирча айтарли ҳеч нарса йўқ, лекин у кишини албатта олиб чиқамиз, — деди Ойгул улар билан сўрашиб.

— Яхшимисиз қизим, — деб сұхбатга қўшилди қатиқчи хотин, — тавба, ҳаёт шунаقا экан-да, ўша куни Мехрихонни охирги марта кўриб турганимни билганимда...

— дея кўзига ёш олди у.

Бу қатиқчи хотин ҳақида «дело»да ҳеч нарса йўқ эди. Ойгул унга қизиқиб қолди. Қатиқчи хотин йиғисини тўхтатиб, сўзини давом эттирди:

— Ўша куни Мехрихон ҳар доимгидек кўча эшик олдида мени кутиб турган экан. У мендан бир кун қатиқ, бир кун сут олиб туради. Ўша куни у мендан сут олди. Кечаги қатиқнинг косасини қайтишимда оларман, дедим. Мехрихон: «Қайтишингизга олиб чиқиб тураман, қўймоқ ҳам пишиб қолади, сиз ҳам еб кетасиз», деди. У сут олган куни ўғли Толибжонга қўймоқ пишириб берарди. Раҳматли Мехрихон қўймоқни жуда ширин пиширади. Кўпинча менга ҳам олиб чиқиб, биргаликда ана шу супада ўтириб ердик. Ўша куни қайтишда Толибжоннинг ўртоғи Санжаржонни кўрдим, у Мехрихоннидан чиқиб, шошилганча машинасига ўтириб жўнаб кетди. Мен супада Мехрихонни озгина кутдим, у чиқавермагач, эртага келганимда косани оларман, деб кетдим. Шу билан Мехрихонни кўрмадим. Эртаси куни шу совуқ хабарнинг устидан чиқдим. Эшик олдида Толибжон Санжаржон билан бир-биrlарига осилиб йиғелаб туришганди.

— Хола, сиз билан Санжарбек сўрашдими? У қандай кўринишда эди, эслай оласизми?

— Йўқ, мен уни узоқдан, орқасидан кўрдим, у чиқиб кетаётганда анча узоқда эдим, бу ердан тўртта ҳовли наридаги қўшинига сут сотаётгандим. Шундай бир қараганимда, кўзим тушиб қолди. Ўша ҳовлидаги аёл ҳам яхши хотин, у билан анча гаплашиб қолдим.

— Хола, сиз Мехри аяга сутни берганингиздан сўнг

қатиқларингизни сотиб бўлиб қанча вақтдан кейин қайтдингиз?

— Мен, бу маҳалладагилар билан жуда қалинлашиб кетганман, у ёқ бу ёқдан гаплашиб сут-қатиғимни сотгунимча анча вақт ўтади, бир соатларда қайтдим, шекилли. Қизим, мана бу қатиқни олиб ичиб туринглар, мен буларни сотиб қайтаман, — деб қатиқчи хотин қатиқ солинган патинисни бошига қўйиб шоша-пиша кетди.

— Опа, юринг бизниги, бир пиёла чой қўяй! Мана бу қатиқни ичиб, ўзим пиширган иссиқ нон билан озгинама тамадди қилиб оласиз, — деди қўшни қиз.

— Яхшиси Толиб аканинг уйига кирсак, агар хўп десангиз, — деди Ойгул.

— Хўп, майли, ҳозир калитни олиб чиқаман, — деб қўлидаги қатиқни Ойгулга бериб уйига кириб кетди.

«Наҳотки менинг гумонларим тўғри бўлса, наҳотки бу ишда Санжарнинг қўли бўлса, ахир нима учун, нега энди? Менимча, Санжар ниманидир билади. Лекин айтольмай қийналиб юрибди. Хотини Наргиза ҳам ниманидир сезганки, Санжар акам билан гаплашинг, деяпти».

Қўшни қиз калитни олиб чиқиб, эшикни очди. Ҳовлидаги сўри устига дарров дастурхон солиб унинг устига қўлидаги ўккита нонни қўйди. Ошхонага кириб чой қўйиб, иккита қошиқ кўтариб чиқди.

— Ҳозир чой қайнайди, олинг қатиқдан, жуда ширин қатиқ, — деб ўзи олдин бир қошиқ олиб оғзиға солди.

— Шунча гаплашиб, исмингизни ҳам сўрамабман, исмингиз нима? — деди Ойгул хижолат бўлиб.

— Уэр, ўзим ҳам айтмабман. Исмим Ноилахон.

— Ноилахон, Толиб аканинг кундалик дафтарини кўрмоқчи эдим. Шуни кўрсам бўладими ҳозир?

— Ҳа албатта, қиласиган ишлари ҳақидагими?

— Ҳозир, хоналарида стол устида турибди, лекин у март ойиники, холос. Уни март ойиникилигини билишимнинг сабаби Толиб акам кундаликларини ўқишимнга қаршилик қилмасдилар. Олдингилари қаердалигини билмайман, — деб

ўрнидан туриб кундаликни олиб чиқиб берди.

— Бир куни Толиб акамга мен ҳам шундай кундалик тутаман, дегандим. У киши бундай кундаликни фақат эркаклар тутади, бунинг аёлларга, қизларга кераги йўқ, дедилар. Чунки аёл қизлик даврида ота-онасининг ихтиёрида, вояга етиб турмушга чиққанда эса, турмуш ўртоғининг измида бўлади. Шунинг учун сен бундай кундаликка риоя қилолмайсан, дегандилар, — дея Ноила чой дамлаш учун ошхонага кириб кетди.

«Ажойиб мулоҳаза. Ҳали ўттиз ёшга тўлмаган бу бўйдоқ йигитнинг сўзлари замиридаги маънони шу кичкинагина қиз тушундимикин», деб қўнглидан ўтказди Ойгул.

— Ноилахон, агар қарши бўлмасангиз шу дафтарни олиб кетсан. Буни хотиржам кўриб чиқмоқчи эдим.

— Майли, фақат Толиб акам чиққунларича олиб келсангиз, яхши бўларди.

— Албатта, ўрнига қўйиб қўямиз, — деди Ойгул, — Ноилахон, қатиқчи ҳола қаерда туришини биласизми?

— Ҳа, қўшни маҳаллада туришади. Набиралари билан бирга ўқиймиз.

— Майли менга рухсат, меҳмондорчилик учун раҳмат.

Ойгул Ноила билан хайрлашиб, маҳалла нозири Файрат ака билан гаплашиш ниятида маҳалла гузаридаги милиция таянч пунктига йўл олди. У ерга борганида Файрат ака қаёққадир чиқиб кетганини айтишди. Ойгул уни кутиб турмоқчи бўлиб, хонасига кириб ўтирди. Бекор ўтирмайин, деб Толибининг кундалигини варакларкан, бир қизиқ ёзувга кўзи тушди. Ўша мудҳиш кун якшанба бўлган экан. «Якшанбада ҳовлимизда баҳор муносабати билан тозалаш, кўчат ўтказиш, дараҳтларни оқлаш, кечкурун Санжарни ошга таклиф қилиш, Санжар билан анави иккитаси ҳақида бир қарорга келиш», деб ёзиб қўйилган экан.

Бу ёзувга ҳайрон бўлиб турганди. Маҳалла милиция нозири Файрат ака кириб келди.

— Келинг, Ойгулхон, ишлар яхшими? Ўтираверинг, — деди Ойгулнинг турмоқчи бўлганини кўриб.

— Файрат ака, салом, безовта қилмайманми? — деди Ойгул ўрнига қайтиб ўтираётіб.

— Йўқ, ҳечқиси йўқ. Маҳалламизда деярли иш кўп эмас, асосан ободонлаштириш ишлари билан шуғулланамиз. Бизнинг соҳа бўйича иш йўқ, деса ҳам бўлади. Маҳалламиз, худога шукур, тинч. Албатта, Мехри аяни ҳисобга олмаганда, — деб хўрсиниб қўйди.

— Файрат ака, мен сиз билан Санжар ҳақида гаплашмоқчи эдим, у ҳақида нима дея оласиз?

— Санжар ўзи жуда яхши йигит, уни ҳамма ҳурмат қиласди. Маҳаллага ўзи ёш бўлса ҳам, анча ёрдами тегаяпти. Толиб билан биргаликда тўйхонани битказди. Кўп яхши ишларни қилиб келяпти. Лекин кейинги пайтларда сал феълатвори ўзгариб қолганди. Биласизми, Ойгул, гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланадиган ифлослар шундай танти, пулдор одамларни нишонга олишади. Мен ўзимча суриштирув ишлари олиб борганимда, унинг атрофида шундай одамлар ўралашиб қолганини аниқладим.

Менда икки киши ҳақида маълумот бор. Улардан бирининг исми Неъмат, иккинчиси Қобил. Ўрта ўшдаги одамлар. Санжарни улар билан бир-икки марта кўришган. У икки нусха гиёҳвандлик моддаси сотишда гумон қилинган. Лекин исботи топилмай иш ёпилган.

— Файрат ака, Санжарнинг гиёҳванд бўлиб қолганини биласизми?

— Гумоним бор эди. Айниқса, анави иккитаси билан кўришгандан кейин. Яна иккиланиб қолдим. Кейинги пайтда Санжар анча ўзгарган. У билан гаплашмоқчи бўлиб юргандим. Тўсатдан Мехри аянинг фожиаси, Толибининг қамалиши, қолаверса Санжар ҳам кам кўринадиган бўлиб қолди. Агар ҳақиқатдан ҳам шу дардга чалинган бўлса, ҳеч кимга овоза қилмай уни даволанишга ундумоқчийдим.

— Сиз Мехри аянинг иши юзасидан нима дея оласиз?

— Қўшни вилоятга ўн кун муддатга семинар йиғилишига кетгандим, мени уч кундан сўнг чақириб олишди. Олдинига Мехри аяни ўзини ўзи осган, дейишган.

Кейин экспертиза хulosасига кўра, олдин бошининг орқа қисмига тўмтоқ буюм билан уриб кейин осишган, дейилган. Мехри аяни қабристонга қўйиб келишгандан сўнг жиноий иш очилган. Мехри ая осилган жойда фақат Толибнинг сёқ излари бўлган. Қолаверса, арқонда фақат Толибнинг тери ёғ излари бўлган. Толибнинг тирноғи орасидан ўша арқон қолдиқлари чиқкан. Умуман олганда, ҳамма далилий ашёлар Толибга қарши. Мехри аянинг жони эрталаб 7:00 билан 8:00 лар орасида узилган. Толибни соат саккизларда уйига кириб кетганини кўришган. Яна кечки пайт соат тўртларда онасини қидириб қўшнилардан сўраган. Соат бешларда бўлса яна ўзи онасининг ўлигини топган. Тергов хulosасига кўра Толиб эрталаб ишдан маст ҳолда келиб онасини тўмтоқ нарса билан урган. Қилган ишидан қўрқиб онасининг мурдасини қазноққа олиб кириб осиб қўйган.

— Файрат ака, шу гапларга сиз ишонасизми?

— Ойгулхон, мен бунга ишонмайман. Толиб бундай инсон эмас. Унинг нафақат онасини, балки ҳар қандай бошқа бегона аёлни ҳам қандай эзозлашини яхши биламан,

— деб сигаретани олиб оғзига солиб, давом этди Файрат ака.

— Бир куни Толибнинг устидан Санжарнинг онаси Фарида опа арз қилиб қолди. Эмишки, Санжарга ота-онасини Толиб ёмон кўрсатармиш. Санжарни ичишга ўргатиб, ҳар хил кечалар уюштириб, унинг пулини кўкка совуармиш. Санжарнинг онаси айтган кечалар хайрия кечалари. Боқувчисини йўқотган оилаларни йигиб, дастурхон тузаб, чиройли ўйин-кулгу қилиб, уларга телевизор, магнитофон, кир ювиш машинаси, яна ҳар хил майдада-чуйдаларни совға қилиб, ҳатто пул ҳам беришади.

Бир куни Толибни учратиб, «Шу ишларни енг учида қилсанглар бўлмайдими. Ахир қарияларимиз, ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, дейишади. Мұҳтоҷ оила деб ўксинишмасин тағин, десам, «Ака, шунинг учун ҳаммаларини бир жойга йигиб шундай қиласиз», деди. Бир томондан унинг сўзида ҳам жон бор, тўғрими Ойгулхон. Санжарнинг онаси айтган гапларни Толибга айтишим

Кераклиги учун айтдим. У бўлса, «Файрат ака, у киши она, ҳар бир она фарзанд учун қайгуради, лекин бундай арз қилишларида Фарида опада айб йўқ, айб демак, Санжарда экан. Мен Санжар билан гаплашаман. Санжарга онаси ҳақидаги бу гапни айтмай қўя қолинг. Яна онасига қаттиқ гапириб гуноҳга ботмасин», деганди. Мен Толибга ўхшаган йигитларни ҳеч учрағмаганман. Толиб ҳақида фақат ижобий сўзларни айтишим мумкин. Шунинг учун ҳам сизларга ва бошқа жойларга ёзилган хатларга биринчилардан бўлиб имзо чекиб берганман. Уни оқлаш учун қўлимдан нима келса қиласман. Агар ёрдам керак бўлса Ойгулхон, бемалол айтаверинг, — деб Файрат ака сўзини тамомлади.

Ойгул Файрат аканинг олдидан яна бир марта Толиб Ҳамидов ҳақида яхши сўзларни эшишиб ишхонаси томон йўлга тушди. Ярим йўлда Толибдан Санжар ҳақидаги фикрини билиш учун қамоқхонага бориб келишга аҳд қилди. Яна Толиб яратган боғни кўрмоқчи бўлди.

Тўлқин Маҳмудович Ойгулни яхши кайфиятда кутиб олди.

— Толиб орқада экинларни сугоряпти. Ваъдамни бажариб шлангни олиб келиб бердим. Юринг, ўша ерда сухбатлашасиз, — деб бинонинг орқасидаги янги барпо бўлган боғга бошлади. У ерда Толиб бир нималарни хиргойи қилиб гулларга сув қўйиб юрганди.

— Ия, келинглар, келинг Ойгул, — деб Толиб бир четда турган ходага рўмолчасини солиб Ойгулни ўтиришга таклиф қилди. Ойгул ходага ўтирди, унинг ёнига Тўлқин Маҳмудович ҳам ўтирди. Толибнинг ўзи ерга чордона қуриб уларга қараб ўтирди.

— Ойгулхон, қандай ёрдам керак, бемалол айтаверинг. Қўлимдан келганча ёрдам бераман, — деди Толиб. Тўлқин Маҳмудович ўрнидан туриб, — Ойгул қизим, ишим чиқиб қолди, сизларга халақит бермай, — деб сўзини тутатмаган эди ҳамки Толиб Тўлқин акага қараб:

— Ҳа ака, уялдингизми? — деди.

— Бўлди, сен бола қамоқхона бошлиғи эканимни унитиб қўйибсан чоғи, — деб Ойгулга қаради.

— Ойгулхон, қизим, бу ярамас айтган гапини қилдирмай қўймайди, кечагина шу ерга стол-стул ясайлик, озгина рейка олиб келиб беринг, меҳмонингиз келса бафуржа салқинда гаплашиб ўтирасиз, деганди. Аксига олиб бугун сиз келиб турибсиз. Мен бошлиқманми ёки хўжалик мудириманми, тушунмай қолдим. Майли, ҳозир рейка топиб келамиз — деб кулимсираб юриб кетди.

— Ака, рейкага қўшиб мих ҳам олиш эсдан чиқмасин, — деб Толиб ҳам ҳазиллашди, — яхши одам, бундай инсонлар кўпаяверсин, — деб қўшиб қўйди.

— Хўш, Ойгул, дунёда нима гаплар? Чарчабсиз шекилли, қўзингиз ҳам киртайиб қолибди. Яхшилаб овқатланяпсизми? Бу кетиша турмушга чиқсангиз яхши она бўлолмайсиз! — деб ўрнидан туриб, шлангни бошқа жўякка олиб қўйди. Ойгул ўйланиб қолди: «Тавба, бу қандай инсон, шу оддий саволни одамининг кўнглига ботмайдиган қилиб айтиш, буни тўғридан-тўғри турмушга чиққанмисиз ёки йўқми деб қўя қолмасдан, шундай сўзни топиб айтиш, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳа, бу киши барибир бошқача».

— Толиб ака, кеча Санжар ака билан учрашгандим.

— Санжар дейсизми, Ойгул.

Ойгулни гапи ичида қолиб кетди.

— Санжар! Сизга айтсам, менинг очил дастурхоним, ундейлар жуда камёб. У мана шу замонамизга мослаша олган одам. У ишбилармон, пулни топишни ҳам, қаерга сарфлашни ҳам билади. Меҳрибон дўст. Менга ҳам ака, ҳам ука. Ҳозир қўл остида 50 га яқин одам ишлайди. Тушунаяпсизми? Ойгул бу дегани 50 та оила рўзгори шу Санжарнинг фирмаси орқасидан яшаб келишяпти. Топган даромадининг 75% фоизини хайрия ишларига сарф қиласди. У мард йигит. Қолаверса, у онам ёруғ дунёни яна кўришлари учун уларнинг кўзларини операция қилди. Онам роса хурсанд бўлгандилар. У нафақат онамга, жуда кўп беморларга

ёрдам берди. Ундан мен умрбод қарздорман. Унинг ҳар қандай қилигини күтараман. Биз чин дўстмиз. Унга теккан тиф менга теккани. Ҳамманинг Санжардек бўлишини Худодан тилайман, — деб ичидаги бир нималар деди-да Қўлини фотиҳага очиб юзларига тортди.

Толиб бу сўзларни худди бир қоғозга ёзиб олиб ўқиб бераётганда гапирди. Лекин бу сўзлар чин юракдан айтилаётганди. Толиб дўсти ҳақида гапиришдан толмаслиги унинг кўзларидан билиниб турарди.

Бу сўзлардан кейин Санжар ҳақида ёмон гап оғзидан чиқиб кетмаслиги учун Ойгул гапни бошқа ёқقا бурди.

— Толиб ака, нега онангиз борми, деб сўрамайсиз, — деди ногоҳон.

— Бу саволни беришнинг ўзи нотўғри, ҳамманинг онаси бор, у яхшими, ёмонми биз учун улар она. Биз уларга фарзандмиз. Агар онангиз бўлмаганда сиз ҳозир бу ерда мен билан ўтирасдингиз, тўғрими? Сизнинг ота-онангиз ҳақида сўрашим шарт эмас. Чунки уларнинг қандай эканликлари сизда акс этиб турибди. Онангиз сиз каби гўзал, ақлли, отангиз мард, ҳақиқатгўй, яхши дўст, бу фазилатлар сизда кўриниб турибди, — деди Толиб.

Ойгул ёшлигига онаси ташлаб кетганлигини, унинг кимлигига ҳам билмаслигини айттолмади. Гарчи айтиб, дардини сочиб соглиси келган бўлса ҳам.

Толиб бўлса, гапида тўхтамасди. Ҳаётнинг гўзаллигини, ҳаёт оналар билан гўзаллигини, яхши одамлар бу дунёда кўплигини, ёмонликни одам ўз қўли билан яратишнини, ҳеч ким ёмон бўлиб дунёга келмаслигини, келажак яхши бўлишини юракдан сўзлардию, лекин ўзи қаерда ўтирганини эсидан чиқазиб қўйганди.

— Толиб ака! — деди жаҳл билан Ойгул унинг гапини бўлиб, — сиз ҳақиқатан ҳам шунаقا одаммисиз ёки ўзингизни шунга ишонтиряпсизми? Ахир гапларингиз бу дунё одамининг сўзи эмас. Тўғри, яхши одамлар ҳам бор, лекин порахўр, ўғри, кazzоб, хиёнаткор, разил, озгина бойлик учун ўз севган ёридан, дўстидан кечиб юрган эркак-

аёллар ҳам бор-ку. Агар сиз айтганингиздек бўлса, мана бу қамоқхона ва меҳрибонлик уйларининг нима кераги бор эди? Озгина яхши яшаш учун ота боладан, фарзанд отадан кечаяпти. Баъзи бир адвокат ва прокурорлар бу ишда ютиб чиқиб обрў орттираман, деб бегуноҳ одамларни ёлғон-яшиқ далил-исботлар билан гуноҳкорга, гуноҳкорларни эса гуноҳсизга чиқаришяпти. Ўзбек оналаримиз дейсиз, сиз ўша эъзозлаган аёллар мурғак гўдакларидан тонишяпти. Одамлар бир-бирларини, ҳатто ўз яқинларини қулликка сотиб юборишияпти-ку. Толиб ақа, кўзингизни очинг, сиз ерда яшаяпсиз, бу сиз айтган сайёра эмас.

Бу сўзларни эшлиб Толибнинг ранги оқариб кетганди. Толибга Ойгулнинг сўзлари жуда қаттиқ таъсири қилганди. Ойгул бу гапларни гапирганига озгина хижолат бўлди. Лекин Ойгул гапириб тўғри қилдим, деб ўйларди. Ҳар ҳолда Толибга ҳаётга бошқа томондан ҳам қарашни ўргатаманку, деб ўзига-ўзи таскин берди.

— Толиб ақа, сизга нима бўлди? Сизни хафа қилиб қўйдимми?

Толиб индамай ҳаёл суриб ўтиради.

— Йўқ-йўқ, хижолат бўлманг, отам эсимга тушиб кетдилар. Дадам бир куни икки туп хурмо кўчатини олиб келдилар. Биз уни биргаликда ҳовлимизга экдик. Экаётганимизда иккаласи ҳам бир хил катталикда эди. Орадан бир мuddат ўтгандан сўнг ўсиб ҳосилга кирди. Хурмо кўчатларидан биттасининг шохлари ҳам, ўзи ҳам бақувват эди, лекин ҳосили оз эди. Иккинчиси бўлса нимжон шохлари билан шундай кўп ҳосил қилдики, шохлари синиб кетай, деб турарди. Мен унинг шохларига тиргак қўйиб ҳам қўйдим, аммо Ойгулхон, бир куни унча қаттиқ бўлмаган шамолда ўша серҳосил хурмо кўчатимиз синиб кетди. Унинг меваси ҳам пишиб улгурмаганди. Бу билан сизга нима демоқчиман, биласизми? Ҳали ёшсиз. Сиз учун ҳаёт энди бошланаяпти. Ҳаммаси олдинда. Шу кичгингина юрагингизга ҳаётнинг бундай оғриқли иллатларини ҳозирдан жойлаб олсангиз, ўша хурмо кўчатининг ҳолига

тушиб қолишингиз мумкин. Инсон бу дунёда нимани кўришни истаса, ўшани кўради. Сиз айтаётган халқимизнинг бошига тушаётган бундай иллатга мен ҳам бепарво эмасман. Тўғри, мен ҳозир шу ердаман, лекин бунинг тұхматлигини ўзим яхши биламан. Шунинг учун ҳам хотиржамман. Балки бу Худонинг менга берган бир синовидир. Шу синовга бардош беришим керак. Тўғри, онам вафот этдилар. Бу мен учун жуда катта йўқотиш бўлди. Онамнинг бундай ўлим топишлари хаёлимга ҳам келмаганди.

Лекин менинг учун у киши ўлмаган. Яхши ота-оналар ҳеч қачон ўлишмайди, улар яхшиликлари билан, фарзандларининг одоб-ахлоқлари замирида ҳамоҳанг бўлиб яшайверишиади. Биз сиз айтган ўша ёмон иллатларга қарши, яхшилик йўли билан, инсофли-диёнатли бўлиб уларга ўрнак бўлишимиз керак.

— Ия, сув тошиб кетибди-ку, — деб ўрнидан туриб шлангни бошқа жўякка қўйди. Толиб қайтиб келиб Ойгулга, — юринг, бир нарса кўрсатаман, — деди.

— Мана бу чумоли уясини кўряпсизми, буларнинг ҳаракатига қаранг. Буларнинг уасига неча марта сув сепилиб кетди, неча марта турпоқ тушди, лекин булар парво қилмай, яча ҳаракат қилиб ётишибди. Чунки уларнинг ўз олдиларига қўйган вазифалари бор. Тушундингизми? Менинг ҳам ўз олдимга қўйган вазифам, орзу-умидим бор. Бу яхши инсон бўлиш. Яхшилик йўлида ҳеч нарсадан қайтмайман, — деди Толиб.

— Толиб ака, мени кечиринг, дилингизни оғритдим. Ёшлиқ қилдим, — деди Ойгул. У чумоли уасига қараб турарди. Толибнинг сўзидан кейин баъзи одамларга ва бу ҳаётга бўлган қарashi ўзгаргандай бўлди.

— Фақат ука, яна калламга бир фикр келди дема, ана рейка ҳам, мих ҳам олиб келишди, — деб Тўлқин Маҳмудович келиб қолди. У хурсанд эди. Қамоқхона бошлиғи ҳақиқатан ҳам ўзи айтганидек, ким бўлиб ишлашини эсидан чиқарган, шекилли, деб ўйлаб Ойгул

кулиб юборди. Унга қўшилиб Толиб ҳам, Тўлқин ака ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбориши. Ойгул билан Тўлқин Маҳмудович Толибни қолдириб қамоқхона бошлигининг хонасига кириб келишиди.

Тўлқин ака 50 ёшларни қоралаб қўйган семизгина, гавдали киши эди. У кўп жойларда ишлаган, ўз соҳасининг устаси эди. У одамшинавандада, ҳар бир гапни ҳазилга олиб гапирадиган, ҳаёт ва иш тажрибаси борлиги учун шу ерда ишлаб туришни катталардан илтимос қилганди. Унинг тўрт фарзанди бор эди. Лекин уларни асраб олишганди. Чунки ўзларининг болалари бўлмади. Эр-хотин бу ҳолни тўғри тушуниб, шу йўлни танлашди. Тўлқин ака икки ўғил ва икки қизнинг отаси, 10 набиранинг бобоси.

Тўлқин Маҳмудович камтарлиги билан ҳурмат қозонган одам. У тўғри сўз, ростгўй одам.

— Хўш, Ойгул қизим, ишлар қалай кетяпти? Мендан нима ёрдам керак?

— Тўлқин Маҳмудович, иложи бўлса менга Толиб ака учун тавсифнома ёзиб бера оласизми? Бир ўйлаган режам бор. Уни амалга ошириш учун сиздан катта ёрдам бўларди.

— Албатта, ёзиб берамиз. Ҳатто коллектив билан имзо ҳам чекиб берамиз, керак бўлса.

— Раҳмат, Тўлқин ака, жуда яхши бўларди.

— Биласизми, қизим, бир куни анави Толиб нима дейди денг, Тўлқин ака, бу дунёда энг аҳмоқ қуш қайси, биласизми? Топинг-чи, деди. Қайси қуш, десам, мусича, дейди. Мусича бино томининг тарновига ин қурялти экан. Ахир у ерга мушук бемалол чиқиб, боласини еб кетади-ку, дейди. Шунинг учун ҳам мусичалар кам эмиш. Бу ерда эски фанер турибди, шу қушга ин қуриб берсак савоб бўларди, дейди-да, — деб кулиб қўйди Тўлқин ака.

— Қизим, менинг тўрт фарзандим бор, шу фарзандларимнинг Толибга ўҳшаган акаси бўлишини истардим. Шунинг учун Толибга қандай ёрдам керак бўлса, мен ҳамиша тайёрман.

Тўлқин ака шундай илиқ сўзлар билан Ойгулни дарвозагача кузатиб қўйди. Бинонинг томи устида мусича учун қурилган ин турарди. Лекин ундан мусича эмас, майна кўринаётганди.

Ойгул онасини кўрмаган эди. Отасининг айтишича, Ойгул бир ёшга тўлганда оғир касалликдан вафот этганди. Унинг ёшлиги аммасининг уйида ўтди. Чунки унинг отаси милиционер эди. Отаси терговчиликдан нафақага чиққанди. Кунларнинг бирида институтдан эртароқ қайтади. Уй ичкарисида аммаси билан отасининг суҳбатини эшитиб қолади:

— Сиз ана ўша бетинг қурғурни деб уйланмай ўтдингиз, у бўлса ёшгина гўдагини ташлаб ким биландир кетиб қолди, Худо билади, ҳозир у ифлос қаерда экан.

— Э, қўйсанг-чи синглим, мен уни деб эмас, қизим учун, Ойгул учун уйланмадим. Ҳадеб уни қарфайверма, ҳар ҳолда ўша Ойгулнинг онаси. Ойгул буни қачондир билар, лекин ҳозир эмас. Мен буни ҳоҳламайман. Унинг кўнгли синади. Унинг учун онаси ўлган. Шундай бўлиб қолсин. Ойгул ўқишини битириб бирор ишга жойлашсин. Бахти очи тиб турмушга чиқса, ёлғиз қолишдан қўрқаман, холос. Унинг учун ҳамма нарсага чидайман, у бахтили бўлса бўлгани, — деди отаси.

Ойгул бу гапларни эшитиб анча ўзига келмай юрди. Дадаси учун у ҳам бу гапларни эшиitmaganга олди. Лекин «Менинг онам ким экан», деб ҳалиям қийналиб ўйлаб юрарди. Толибнинг бугунги гапларидан кейин у анча енгил тортидии.

Ойгул, уйига етиб келганда анча кеч кириб қолганди. Дадаси уйда оиласвий альбомни томоша қилиб ўтирганди. У Ойгулнинг келганини ҳам сезмай ўтмишига сингиб кетганди. Ойгул дадасига қараб, эшик олдида туриб қолди. Беинтиёр Толибнинг ота-она ҳақидаги сўзлари ёдига тушди. «Наҳотки даҳэм онамни, мени яхши кўрганликлари учун

ёлғиз яшаган бўлсалар. Наҳотки онамга бўлган севги, муҳаббатлари юракларини тамомила эгаллаб олганки, бошқа аёлнинг меҳрини, севгисини сифдира олмадилар».

«Дадажоним, меҳрибоним, суюнган тофим, сизга умрбод таъзим қиласман. Мен сизни жудаям яхши кўраман. Онам ёмон аёл бўлмаган. У аёл ҳам сизни соғиниб яшаётганига ишончим комил». Ойгул шундай хаёллар билан ўзини дадасининг қучоғига отди.

- Дадажон, мен сизни яхши кўраман.
- Биласман, қизим. Мен ҳам сени яхши кўраман.
- Ҳа, бугун бошқачасан. Қорнинг ҳам очгандир, сен келсанг бирга еймиз, деб ошни солмай ўтирибман.
- Ош қилдингизми? Ҳозир солиб келаман, дадажон.

Ойгул дадаси билан у пиширган ошни шундай иштача билан едики, ўзи ҳам ҳайрон қолди. У дадаси тайёрлаган ошни кўп еганди. Лекин шундай ширин, мазали бўлишини билмаган эканман, деб хаёлидан ўтказди.

— Дадажон, ош учун катта раҳмат, менга ёрдамингиз керак. Ишим юзасидан.

- Жуда яхши, нима ёрдам керак?

Ойгул дадасига Толиб Ҳамидов иши бўйича барча ҳужжатларни, маълумотларни кўрсатиб қандай хulosага келганини ва нима қилмоқчи эканини айтди.

Дадаси истеъфодаги терговчи бўлса ҳам, унинг олдига ҳозир ҳам шогирдлари, таниш-билишлари маслаҳат сўраб келиб туришарди.

У қизининг тўплаган ҳужжатларини кўздан кечириб чиқди. Қизининг Толиб ҳақидаги фикрини эшиитди.

— Сўзларингдан билдимки, тўплаган далилларинг билан Санжарни ҳозироқ ушлаб олиб келиш керак, лекин сен буни хоҳламайсан, шундайми?

— Тўғри, дадажон. Шунинг учун сиздан маслаҳат сўрайапман.

— Бу ишда Тўлқин Маҳмудович бўлмаганда сенга, ҳиссиётлар баъзида алдамчи бўлади, деган бўлардим. Лекин Тўлқин Маҳмудович ҳиссиётга бериладиган инсон эмас. У

күпни күрган. Уни асраб олган болалари ҳам йўлдан адашган жиноятчиларнинг фарзандлари эди.

— Наҳотки, шундайми? Мен билмасдим, — деди Ойгул ҳайрон қолиб.

— Терговчи Карим Бадалов ҳам бу ишни шунча вақтдан бери судга оширмаганига қараганда у ҳам иккиланиб қолган кўринади.

— Шунинг учун Карим ака билан сиз гаплашиб берсангиз. Ахир, дадажон иш кўрилгунча Толиб акани шаҳардан чиқиб кетмаслик шарти билан у ердан олиб чиқиб турса бўлади-ку. У хавфли одам эмас.

— Сенга ишонаман, қизим. Ёрдам беришга ҳаракат қиласман. Лекин Санжар мени ўйлантириб қўйди.

— Дада, бу ишда Толиб билан Санжар ниманидир яширишяпти. Кўнглим сезиб турибди. Толиб ака чиққандан сўнг, ойдинлик кириши мумкин. Санжар ҳеч қаёққа йўқолиб қолмайди. Ишончим комил.

Ойгул ўзида йўқ хурсанд бўлиб, эрталабдан яхши кайфият билан ишхонасига келди. У Толиб ҳақидаги маълумотларни жамлади. Шу бир ҳафта мобайнида қилган ишлари ҳизида бошлиғига ҳисобот тайёрлаб, уни хабардор қилмоқчи бўлиб турганди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Алло, эшитаман.

— Салом, мен Солижон Мусаевман.

— Кечирасиз, таниёлмадим.

— Ҳа, энди танишамиз-да, мен сиз таниган Санжарбекнинг дадасиман. Сиз билан учрашиш ниятида эдим.

— Хоҳласангиз, ҳозир идорага келинг, Марҳамат.

— Йўқ, агар малол келмаса, менинг офисимда гаплашсак, қаршимасмисиз, қизим?

— Яхши, майли, қаерга боришим керак?

Ойгул ҳаётни пул, бойлик, майшатвозликдан иборат,

деб ўйлайдиган бу одамнинг менда нима тапи бор экан, деб у тайинлаган манзилга йўл олди.

Шаҳар ишбилиармонларининг оғислари жойлашган кўча, уч қават қилиб замонавий услубда қурилган бино, биринчи қавати супермаркет, иккинчи қавати ошхона, учинчисида оғис жойлашган эди. Оғис қабулхонасида ўрта ёшлардаги котиба аёл компьютерда бир нималарни ёзib ўтирганди. У Ойгулнинг келишидан хабардор эди. уни бошлиқнинг хонасига кузатиб қўйди.

— Ассалому алайкум, мумкинми?

Хонага кирганида Солибай телефонда ким биландир гаплашиб ўтирганди. Хона ҳам замонавий қилиб жиҳозланган, гуллар билан тўла эди. Гултувакларда Ойгул кўрмаган гул турлари ҳам бор эди. Бошлиқ хонасининг шинамгиналигидан котибанинг диди яхшилигини билиб олса бўларди.

Солибай гўшакни қўйиб Ойгулни суҳбат учун мўнжалланган креслога таклиф қилди. Ўзи Ойгулнинг рўпарасига келиб ўтирди.

— Келинг, қизим, бунчалик тез келасиз, деб ўйламагандим. Машинангиз борми?

— Машинам йўқ, такси ушладим.

— Келиб яхши қилибсиз, қизим. Гапни нимадан бошласам экан. Ҳа, уйимизга борибсиз, кеннойингизнинг гаплари учун мен кечирим сўрайман. Санжар менга сиз тўғрингизда айтди. Нима иш билан шуғулланаётганингизни назарда тутаяпман. Кеча биз Санжар билан юракдан гаплашиб олдик. Ҳаётимда биринчи марта ўғлим билан хотиржам дилдан гаплашишим. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Иш, оила, рўзгор, ошна оғайни, деб ўғлимга ҳеч вақт ажратса олмабман. Кеча Санжарни кўриб, олдимда ёш, навқирон йигит ўрнига, ҳаётни тушуниб етган бир мўйсафид чол ўтирибди, деб ўладим. Қизим, ўғлим мендан ҳам қариб қолибди. Буни кеча тушуниб етдим, — деб Соли ака сўзини давом эттироқчи бўлиб турганида котиба аёл кириб келди.

— Соли ака, телефонда Санжарбек сўраяптилар, — деди.

— Алло, лаббай ўғлим... Хўп, айтмоқчисанки...

— ...

— Яхши, хўп албатта, — деди-да гўшакни оҳиста қўйиб котиба аёлга термулиб қараб қолди. Котиба аёлнинг кўзи тўла ёш эди, унинг бу туришидан Санжар, олдин унга ҳам нимадир деганди, Ойгул ҳам ҳайрон бўлиб қолганди. Бу икки инсонга Санжар нима дедики, булар ҳайкалдек қотиб қолишли, деб ўйларди Ойгул.

— Мунисхон, конъяк бормиди? — деди Соли ака секин овозда.

Котиба аёл ҳам, «Ҳа, ҳозир», деди-да чиқиб кетди. Аслида конъяк Ойгул ўтирган кресло олдидаги столда турганди, Ойгул конъяқдан бир рюмкага қуиб Соли акага узатди. У рюмкадаги конъякни бир ҳўплади-да,

— Кечирасиз, Ойгулхон, мен ҳозир, — деб ўрнидан туриб чиқиб кетди. Соли ака сал ўтиб кириб келди. Ҳалиги ҳаяжондан асар ҳам йўқ эди. У чиқиб юз-қўлини ювиб келгани сезилиб турарди.

— Қизим, биз Толибни у ердан қандай қилиб бўлса ҳам олиб чиқишимиз керак, мен сизни шунинг учун чақиргандим. Санжарнинг дўсти учун нима ёрдам керак бўлса, мен тайёрман.

Ҳозир бу кишига, Толиб чиқса ўғлингиз Санжар қамоққа кириши мумкин, деса Ойгул унинг қандай аҳволга тушишини тасаввур қилаётганди. Шунинг учун унга ҳеч нима демай қўя қолди.

— Солижон ака, мен ҳозир шу тўғрида ҳужжат тайёрладим, буни керакли жойга етказаман. Толиб акани, албатта, олиб чиқаман. Бунга ишонаман. Хотиржам бўлинг.

— Раҳмат, қизим. Кўнглимни кўтардингиз, ёрдам керак бўлса, бемалол айтаверинг, қизим, — деди Соли ака.

Ойгул Соли аканинг ёнидан чиққанда, котиба аёл ўрнида йўқ эди.

Муниса яхши орзулар оғушида қайнотаси олиб берган бир хонали уйга эри билан күчиб келди. Эри шаҳар марказидаги автобус паркида ишларди. У кўп болали оиласдан эди, шунинг учун қайнотаси ёш оила бўлишига қарамай, рўзгорини бошқа қилиб қўйди. Эрининг топиш-туши яхши эди. У автобазада диспетчир бўлиб ишларди. Эрининг янги-янги танишлари кўпайиб майшатвозликка берилиб кетди. Лекин у рўзгорини ҳам ташлаб қўймасди. Шунинг учун Муниса эрининг баъзи бир қилиқларини кўтарарди. Кейинчалик эрининг ишлари орқага кетиб, у кўп ичадиган бўлиб қолди. Эри учун Мунисанинг қизиги қолмаганди. Шундай кунларнинг бирида, эри кўчага чиқиб кетиб қайтиб келмади. У дам-дараксиз йўқолиб кетди. Муниса тоғасининг қўлида вояга етганди, у қишлоққа қайтишни ҳам, қайтмасликни ҳам билмасди. Қайнотасининг уйига келиб, эрини суриштириди. Қайнотаси «Ўша уй сенга, номингга ўтказиб бе, аман, менинг ундан ўёлим йўқ», деди. Кейин билса эри бошқа давлатга чиқиб, қандайдир жиноят қилиб қамалиб кетибди. У жиноятчига хотин бўла олмайман деб, уйини сотиб шаҳарнинг бошқа жойидан бир хонали уй олиб кўчиб ўтди. Унинг қўлида ҳунари йўқ эди. Қаерларда ишламади. Ошхонада идиш ювди, мактабда фаррошлиқ қилди. Бир куни унга қўшни бўлиб бир чевар аёл кўчиб келди. Унинг шогирдлари кўп экан, уларга овқат қилиб бериб, қўлидан келганча ёрдам қиласди. Меҳнатсеварлиги чевар аёлга ёқиб қолиб, уни ўзига шогирд қилиб олди. Бошқа ишларини ташлаб, у ҳам кўп ўтмай моҳир чевар бўлди. Энди унинг ҳунари бор эди. У энди ўз ҳунари билан кўчада қолмасди. Моҳир, чеварлиги билан у дарров ҳалқ оғзига тушди. У Муниса чевар, деб ном олди. Шаҳардаги казо-казоларнинг хотин-қизларидан буюртмалар оларди. Уйи торлиқ қилиб қолди, чунки унинг ҳам шогирдлари кўпайиб қолганди. Иш жойини кенгайтириш ниятида, жой ахтариб юрганида, «ижараага берилади» деб пештоқига ёзиб қўйилган бир бинога кўзи тушди. Ҳаммаси шундан бошланди. Ўша

бино Соли аканики эди. Вақт ўтиб улар дўстлашишди. Борабора Соли ака Муниса опага боғланиб қолади. Муниса опа ҳам Соли акага бефарқ эмасди. Улар пинҳона турмуш куришди, ораларида фарзанд ҳам дунёга келди. Муниса опа қиз кўргандан сўнг, болага қараш учун уйда ўтириб қолди. Ишини яхши шогирдларидан бирига топшириди. Бу пайтда Муниса опанинг цехи катта ателььега айланганди. Албатта, бу ютуқларда Соли аканинг ҳиссаси ҳам бор эди. Соли ака кун ора Муниса опаникida эди. Бўш вақтини Муниса опа ва қизалоги даврасида ўтказарди. Чунки бу уйда бойлик, кимларнингдир бойиб кетгани, кимларнингдир камбағал бўлгани ҳақидаги гап-сўзлар йўқ эди. Муниса опа эрини қандай бўлса шундай қабул қиласди. Соли ака бир куни:

— Ателье сеники, ундан хавотир олма, кундузи ҳам ёнимда бўлишингни хоҳлайман, — деб ўзига котиба қилиб ишга олди. Қизи ҳам катта бўлиб онасининг ҳунарини ўрганди, моҳир чевар бўлиб ателььени ўзи юргизиб турарди. Кунлар шу зайлда тинч-осуда ўтиб турганди. Лекин бугунги телефондаги суҳбат Муниса опани караҳт аҳволга тушириб қўйганди. У шошилганча уйига кетганди.

Кунларнинг бирида Толиб Санжар билан ресторанда дам олиб сухбатлашиб ўтиришарди. Санжар ўшандада ҳали уйланмаганди.

— Толиб, ҳамма ишингга беш кетаман, лекин бар нарсанг чатоқ-да, — деб қолди Санжар.

— Нимам чатоқ экан, бойвачча, — деди Толиб Санжарга қараб.

— Ҳамма ресторанларда қизлар, аёллар официанткалик қилишади, бизда бўлса йигитлар, қанақадир зерикарли.

— Шундай дегин, дўстим, бизда ишлаётган йигитлар ўзингга аён, асосан студентлар, ўқишдан кейин ишлашади.

Қолаверса, дўстим қиз-аёлларнинг бу ерда ишлашига келсак, айниқса ўзбек аёллари бундай ишга кўникишлари қийин. Тўғри, бошқа жойларда асосан аёллар, лекин

ноилождан ишлаётгани аниқ, дўстим. Бу мени фикрим, яна билмадим, — деб чуқур ўйга чўмиб қолди Толиб.

— Тўғрику-я, лекин шу ерда ўтирсам, дунёни эркаклар босиб кетганга ўхшайди, дўстим, — деб Санжар Толибнинг хаёлини бузиб юборди.

— Ҳа, Толиб нимани ўйлаб қолдинг?

— Санжар, агар синглинг бўлганда шундай жойда ишлашга рухсат берармидинг?

— Нималар деяпсан, синглим бўлганда бошимда кўтарапдим. Ўзинг ўйла, синглинг кўчадан келишинингга, «Ақажон, ҳорманг» деб кутиб олса, эрталаб турганингда ҳамма жой сарамжон-саришта бўлса. Унинг ўқишидан хабар олиб, тергаб туриш қандай завқ. Эҳ, дўстим бу хом хаёл, агар бўлганда ҳар қандай эркалигини кўтарапдим. Афсус, иложи йўқ, пешонамга сингил ёзилмаган экан.

— Дўстим, анчадан бери бир гапни айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмай юргандим. Лекин бугун айтишим керак, Санжар, — деди Толиб дўстининг қўлинин ушлаб.

— Бу гапим менимча, сени хурсанд қиласди, деган умиддаман, сингил ҳақидаги орзуингни рўёбга чиқарса бўлади, деган фикрдаман Санжар, бир сирни очайми сенга.

— Менга қара, писмиқ, илтимос, жумбоқли гапни йигиштир-да, нима демоқчилигингни айтавер, Толиб.

— Сенинг синглинг бор, ошна.

— Нима?

— Санжар, тўғри, унинг онаси бошқа, лекин дадаси сенинг отанг Соли ака бўлади.

— Тўхта, Толиб, шошилмасдан бир бошдан айтиб бер, илтимос, — деди Санжар ҳаяжонини яширмай.

— Эсингдами, икки ойча олдин биз оталиққа олган мактаб, кичик ноҳиядаги-чи, сен билан компьютер олиб борганимиз, ўшанда агар ёнимда бўлмаганингда, қиз боланинг кийимини кийиб олибсан, деб ўйлаган бўлардим. У сенга жуда ўхшаб кетар экан. Сен аҳамият қилмадинг, ўшанда. Кейин мен у қизни суринширидим. Қарабсанки,

сенинг синглинг бўлиб чиқди. Шундай гаплар дўстим, — деди Толиб.

— Хўш, бу сирни қачонгача мендан яширмоқчи эдинг, писмиқ.

— Санжар, мени ҳам тушун, мен ҳозир Соли ака ва Фарида опага, яна қолаверса, синглингнинг онасиға нисбатан хоинлик қилгандайман. Чунки бу оиласвий сир, айниқса отангнинг сирлари, тўғримасми? Аммо синглингнинг ўзи сен билан мактабни битиргандан сўнг учрашмоқчи бўлиб юрган экан. Хўп десанг, эртага битирув кечаси, ўша мактабда... — Толибнинг гапи оғиз ичидаги қолиб кетди.

— Биласанми, сен кимсан сен, сен ноёб одамсан, қанақа эртага, ҳозироқ борамиз, дўстим, тур ўрнингдан, юр!

— Ҳой-ҳой Санжар, ўзингни бос дўстим, биз эртага битирув кечасига таклиф қилингандикмиз. Сен ҳозир юзингдаги соқолларни олиб, сочингни сал-пал эпақага келтир. Қолаверса, биринчи учрашувга оғизни саситиб бориш менимча, тўғри келмайди.

— Вой, писмиғ-еъ, хотиржамлигини қаранг, буни, майли, ҳозир саунага бораман, эрталаб учрашамиз, — Санжар ўзида йўқ ҳаяжонда эди.

— Балки бирга борармиз Санжар, бу туришингда, саунага кириб ювинмай чиқишинг аниқ.

Санжар эртанги кунни хаёлан ўйлаб туни билан ухлаётмай чиқди. У Толибни олиб кетиш учун келганида соат эрталабки тўрт бўлганди. Машинасининг сигналидан Санжар келганини билиб Толиб тез кийиниб чиқди. Санжар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. У худди ўйланадиган куёвлардек кийиниб олганди. Машинанинг орқа ўринидиги гулларга тўла эди. Толиб ҳеч қандай гап тополмай индамай машинага ўтирди. Улар йўл бўйи бир оғиз гап ҳам гапирмай мактабга етиб боришганда, ҳатто қоровул ҳам ухлаб ётганди. Икки дўст учун соат саккиз бўлиши юз йилга татиб кетди. Ва ниҳоят, аста-секин

ўқитувчи ва ўкувчилар кела бошлашди. Санжар ёш болага ўхшаб Толибга қараб индамай машинада ўтири. У «Ана синглинг, кўриш», дейишини кутарди. Бу пайтда мактаб директори мактабга кўп ёрдам қилган бу икки сахий дўстни узоқдан кўриб қолиб, уларни битирув кечаси бўладиган мактаб залига таклиф қилди. Санжарнинг қулогига ҳеч нарса кирмасди. Битирувчилар кўзлари тўла ёш билан саҳнага чиқиб қўшиқ, шеър айтиб ва рақсларга тушиб ўз миннатдорчиликларини ўқитувчиларига изҳор қилишарди. Санжар биринчи бор синглисини саҳнада кўрди. У тарашадек қотиб қолганди. Санжар учун у ерда синглисидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Унинг бу ҳолатини Толибнинг «Юр, машинада кутамиз», деган сўзларигина бузди.

— Толиб, унинг исми нима, — деди Санжар секингина машина томон келаётган синглисидан кўзини узмай.

— Севара — деди Толиб. Севара битирувчи қизлар киядиган мактаб формасида эди. У кўлида даста гул билан Санжарнинг олдига яқинлашди. Кўксига қўлини қўйиб:

— Ассалому алайкум, акажон! — деди. Санжар «Акажон» деган овозни эшитиб, ўзини йўқотиб қўяёзди. У синглисига ҳеч нарса демасдан машинанинг орқа ўринидигидаги тулларни олиб, синглисининг оёғи узра ташлай бошлади. Кейин чўнтагидан бир қутича олиб, ичидаги клонли цепочекани унинг бўйнига тақиб қўйди.

— Табриклайман, синглим, — деди титроқ овоз билан.

— Бу совға битирув кунингга, — деб қўшиб қўйди.

— Раҳмат акажон, лекин менга Толиб аканинг совғалари жуда ҳам ёқди, — деб Севара жилмайиб Санжарга қараб турарди.

— Толибнинг? Ҳой писмиқ, қачон совға бериб улгурдинг, — деди Санжар Толибга қошини чимириб.

— Толиб ака берган совғанинг баҳсси йўқ, у совға менинг рўпарамда турибдилар, бу сиз акажон, Толиб ака, раҳмат сизга, — деб Севара Толибга қараб қўйди.

— Акажон, мен сиз тўғрингизда ҳамма нарсани биламан, қайси овқатни яхши кўрасиз, қайси гулни, қайси

рангни ёқтиришингизни, қандай фильмларни кўришингизни ва қайси футбол жамоасига ишқибозлигингиши ҳам биламан. Қандай одекалон ишлатишингизни ҳам, бу мендан сизга совға, — деб сумкасидан одекалон олиб берди.

— Раҳмат, синглим — деди Санжар. Унинг кўзи ёшга тўлиб кетганди.

— Акажон, ўзим тўғримда эртага гапириб берсам, бугун синфдошларим билан охирги ўтиришимиз бор, мактабимиз ошхонасида, қолаверса ҳозир онам ҳам келиб қолишлари мумкин.

— Ҳа, албатта, синглим. Лекин эртага менинг айтганим бўлади, ҳўпми!

— Энди бундан кейин фақат сизнинг айтганингиз бўлади, акажон, хайр эртагача, — деб Севара юргурганча мактабга кириб кетди.

Санжар машинасига ўтирганда Толиб хаёл суриб ўтирганди.

— Дўстим, бу ишинг учун сенга нима совға қилай, сени бир хурсанд қилгим келяпти. Айт, дўстим. Ҳозироқ бир чўқим ош мендан, — деди Санжар. У жуда хурсанд эди, севинчи ичига сифмасди.

— Аввало сенинг хурсандчилигинг менинг ҳам хурсандчилигим, лекин ҳақиқатда ҳам менга совға бермоқчи бўлсант, айтами? Ҳозир ўртача хонандаларнинг аудио аппаратуралари қанча пул тураркин?

— Бирор миллиондир, ҳа нимайди. — деди Санжар.

— Менга ўшандан олиб берсанг, зўр совға қилган бўлардинг, ҳозирги мактабдаги кечада ўқитувчилар, ўқувчилар гапиришди, ашула айтишди, лекин ҳеч нарсани аниқ эшита олмадим, сен ҳам сезгандирсан, мактаб аппаратураси қадимти эканми? Ёки менга шундай туюлдими? — деди Толиб Санжарга қараб. — Шу десанг Севара уччаламиздан эсадалик бўлиб қолармиди, нима дединг, — деб кўшиб қўйди. Санжар машинани четга

тұхтатиб, Толибга бир оз қараб турди-да, уни құчоқлаб олди.

— Кетдик, дүстим, ҳозироқ олиб келиб, үрнатиб кетамиз. Сен писмиқ, бу дунёning одами эмассан, — деб қўйди Санжар. Толиб ака-сингилни шундай учраштирганди. Бунга ҳам анча бўлиб қолган эди.

Муниса опа уйларига етиб келганида эшик олдида давлат рақами йўқ, Санжарнинг машинасига ўхшаш машина турганди. У ховлиқиб уйга кириб:

— Севара қизим, — деб кўзи диванда ўтирган Санжарга тушди. Ошхонадан Севара қўлида чой кўтариб чиқиб келди.

— Келинг опа, ассалому алайкум, — деди Санжар ўрнидан туриб.

— Ўзингиз келинг, Санжарбек, — деди Муниса опа нафаси ичига тиқилиб, у ўзини нокулай сезаётганди.

— Келинг ойи, ўтиринг, мана чойдан ичинг, — деди Севара пиёлага чойни қуйиб узатаркан.

— Ойижон, сиз ўзингизни босинг, хавотир олманг, ойи, битирув кечамиз ёдингиздами, биз акам билан ўшанда учрашгандик. Бизни Толиб акам учраштиргандилар. Биз сизларни нокулай аҳволга қўймайлик, деб билдирмаганмиз. Хуллас, анчадан бери биргамиз.

— Майли, Севара ҳали хотиржам ҳаммасини айтиб берарсан, — деди Санжар. Муниса опага қараб, гап бошлади.

— Опа, мен бу ерга сизни ёки дадамни бирор нарсада айблаш учун келганим йўқ. Дадамнинг баҳтли яшашга ҳақлари бор, агар сиз билан у киши баҳтли эканлар, унда мен ҳам баҳтлиман. Аввало сизга раҳмат. Агар мени ўз ўғлингиздай қўрсангиз, хурсанд бўлардим. Оилангиз аъзоси бўлишимга қаршимасмисиз?

Муниса опа қотиб қолганди. Санжарнинг кутилмаган ташрифи уни эсанкиратиб қўйганди. У қачондир ҳаммаси аён бўлишини биларди. Лекин ҳозир бунга тайёр эмасди. У бу кун учун хаёлан тайёрлаб қўйган сўzlари бор эди, лекин

буғун, ҳозир тилига ҳеч нарса келмасди. Санжарнинг чўрт кесар, баджаҳлигини у Соли акадан эшиганди, шунинг учунми қўрқиб ҳам кетганди. Унинг баҳтига эшик очилиб Соли ака кириб келди. У ҳам ҳаяжонда эди. У Санжарнинг ёнида бир гуноҳ қилиб қўйган ёш боладай, нима дейишини билмай ўтиради.

— Ҳа, ўғлим айтганингдек, нотариусга бориб имзони тасдиқлатдим, озгина шошилмаганингда дўстинг Толиб ҳам чиқарди, фирмани у bemalol юргизарди-ку, — деди бошқа гап тополмай Соли ака.

— Тўғри, Толиб чиқади, шундоқ ҳам ишни у юргизади. Лекин сиз бош бўлиб туришингизни у ҳам ҳоҳлаган бўларди. Дада, мана юрагингиздаги бир тугун ҳам ечилди, мен жуда баҳтлиман, қолган гапларни Севара синглим айтиб беради, — деди Санжар. Севара ўрнидан туриб нариги хонадан гулдаста кўтариб чиқиб Санжарга узатди.

— Мана бу гуллар, дадамни баҳтли қилган, менга сингил туғиб берган Муниса онага, — деб Санжар гулларни Муниса опага узатди. Муниса опа ҳайкалдек қотиб қолганди.

— Балки энди мени она сифатида бир ўпиб қўярсиз, — деб пешонасини Муниса опага тутди. Шу пайт Муниса опанинг юрагидаги ҳадик ва қўрқинчлар сув бўлиб кўзларида шовуллаб оқиб кетди. У эзилиб овоз чиқармай йигларди. Бу албатта, севинч ёшлари эди. У Санжарнинг бундай қилишини хаёлига ҳам келтирмаганди. У титраб турган лаблари билан Санжарнинг пешонасидан ўпиб қўйди. Севара суюнганидан қарсак чалиб юборди, у ойисини қучоқлаб олди ва Санжарнинг юзларидан ўпиб:

— Раҳмат! Акажоним, раҳмат! — деб ўзини дадасининг қучоғига отди. Соли ака қизини қучоқлаб, кўзидан чиқкан бир-икки томчи ёшни ҳеч кимга билдиримай Севаранинг елкасига артиб олди.

— Дада, энди менга рухсат, бир дуо қилсангиз, — деди Санжар. Соли ака ўғлини узундан-узоқ дуо қилди. Санжар дадасини худди охирги бор кўраётгандек узоқ бағрига босиб хайрлашиди.

— Сизлардан Толиб хабар олиб туради, — деди Санжар ва — мени кузатманглар, — деб уйдан чиқиб кетди.

Соли аканинг кўнгли нимадандир ғаш эди. Лекин Санжар билан бир кун олдин гаплашиб олгани уни сал хотиржам қиласди.

— Хўш, мени доно қизим, аканг билан қачондан бери сирдошсизлар, қани бир бошдан айтиб бер-чи — деди Соли ака. Севара бўлган ишларни бошидан айтиб берди.

— Толиб акам дегин, ҳа, у ростдан ҳам бу дунёнинг одами эмас, — деб қўйди Соли ака. У Толибнинг қилган ишидан мамнун эди. Ака-сингилни қандай таништиришни билмай юрган Соли аканинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлганди. Лекин бир нарса унинг юрагини эзарди. Шунча яшаб ўғли Санжарга вақт ажратиб у билан дилдан суҳбатлашмаганди.

Ўғлининг кечаги сўзларини аксинча у ўғлига гапириши керак эди. Энг ачинарлиси, ўғлининг оғуга ўрганиб қолганини кечагина билгани-чи. Ўғли айтмаса, умуман билмас экан-да. Ўғлининг ўзи шу йўлга кириб, яна ўзи шу йўлдан чиқиш учун даволангани боришини айтиши-чи. Шунча пайт ота бўлиб қаерда эдим, деб ўзини сўкарди Соли ака. Ўғлининг гиёхвандлигини ва у даволангани кетаётганини ҳеч кимга айттолмасди. Чунки Санжар бу сир бўлиб қолсин, деб илтимос қилганди. Лекин Санжар ҳамма гапни айтмаганди. Соли ака Санжарнинг ҳаётидаги бошқа гаплардан хабарсиз қолганини хаёлига ҳам келтирмасди.

— Мумкинми, Каримжон?

— Ия-ия келинг, Мели ака, қайси шамол учирди? Марҳамат ака, — деб ўрнидан туриб қучоқ очиб кутиб олди Карим Бадалович ҳамкасби Мели акани. Улар қуюқ сўрашишди.

— Каримжон, бу хоналар ҳам, жуда бошқача-ку. Бундай хоналарда ишлаш бизга насиб қилмади-да, — деди ҳаваси келиб Мели ака стулга ўтираркан.

— Ҳа, Мели ақа, иш услублар ҳам бошқача, ҳамма нарса ўзгарди, Худога шукур, яхши томонга. Мустақіллик бир ажойиб кунларни берди-да. Мели ақа, ўша даврларда ишлайверган эканмиз-да. Хүш ақа, нима қилиб овора бўлиб юрибсиз, ахир чақирганингизда ўзим борардим.

— Қизимни танийсиз Каримжон, у олиб бораётган иш юзасидан келгандим. У баъзи бир маълумотларни тўплаган, сизга албатта кўрсатади, лекин мен сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим, — деди Мели ақа.

— Мен ишни судга оширмоқчи бўлдим. Лекин у йигит яшайдиган маҳалла аҳлидан, иш жойидан, ўқиган мактабидан, яна қолаверса, баъзи бошқа мактаб ва меҳрибонлик уйларидан менга хат келиб тушди. Гап бу хатларда ҳам эмас, мен текширувни қайтадан бошладим. Бу ишга участка нозирини ҳам жалб қилганман. Тўғрисини айтсам, Толибнинг ёмон йигитлигига ўзим ҳам ишонмай қўйдим. Лекин ўша пайтда унга эҳтиёт чорасини қўллаб турмасам бўлмас эди. Балки бундай иш тутиб хато қилгандирман, деб ҳам юрибман.

— Мен бир куни Тўлқин Маҳмудовичнинг олдига боргандим, у киши ҳам шундай фикрда, лекин шуни аниқ биламанки Толиб қотил эмас, лекин бу ишни ким қилганини аниқ билади. Менинг қўрқсан жойим унинг ўзи ўша қотилдан қасос олмоқчи эмасмикан, сиз нима дейсиз, Мели ақа?

— Бу гапингиз ҳам тўғри, лекин бу саволингизга уни озод қилсангизгина жавоб топиш мумкин.

— Мен ҳам Тўлқинжоннинг фикрини қизим Ойгулдан эшитдим, у ҳам Толибнинг озод бўлишига қарши эмас. Шунинг учун ҳам бу ишга аралашгим келди.

— Майли Мели ақа, яна бир ўйлаб кўраман буни, лекин унинг қамоқдан чиқишига қарши одам бор.

— Йўғ-е, ким экан у? — ҳайрон бўлиб сўради Мели ақа.

— Ўзи, ҳа-ҳа ўзи. Нима эмиш, у ерда бошлаб қўйган ишлари чала қолиб кетармиш, — деб кулиб юборди Карим

Бадалович. Мели ака ҳам кулгига қүшилди.

— Ҳа, у ердаги ишларидан хабарим бор. Каримжон, у ерга бормаганингизга анча бўлибди шекилли, Толибжон ишларини якунлаб бўлган, — деди Мели ака. Устоз-шогирд маза қилиб кулиб олишди.

— Хўп майли Мели ака, Ойгул келсин, бугуноқ Толибни чиқарамиз. Ака, сиз менга устозсиз, бир нарсани биласиз, бўлмаса буни мендан сўрамасдингиз, — деб Карим Бадалович Мели акани кўчагача кузатиб қўйди.

Ойгул хушхабарни эшитиб, дадасига раҳмат айтди. Карим Бадаловичдан Толибнинг вақтингчалик озод қилинганинги эшитгандан сўнг қамоқхонага қандай бориб қолганини ҳам билмай қолди. Тўлқин Маҳмудович боғ томондалигини билиб ўша томонга ўтди. Тўлқин ака қўлида бўёқ идишни ушлаб олиб шийпончани бўяётган экан. Бу шийпончани Толибнинг хонасидаги китоб жавонини ясаган уста ясагани билиниб турарди. Тўлқин ака тўлароқ бўлгани учун, пиши... ганча бўёқчилик қилаётганди. Ойгул бу ҳолни кўриб беихтиёр кулиб юборди. Тўлқин ака ҳам унга қараб кулиб турарди.

— Ассалому алайкум, Тўлқин Маҳмудович.

— Ҳа, кел қизим. Мана бўёқчи ҳам бўлдим, — деб бўёқни бир четга қўйиб Ойгулга яқинлашди.

— Ҳўш, нима янгиликлар, қизим?

— Мана ҳужжатлар, — деб Ойгул қўлидаги қофозларни Тўлқин акага кўрсатди.

— Охири Каримни эритибсан-да қизим, мана бу ишингга қойилман. Балли, қизим.

— Бунда сизнинг ҳам ҳиссангиз бор, Тўлқин Маҳмудович. Энди Толиб акага рухсатми? Ўзлари кўринмайдилар, — деб турганди ҳамки Толиб қўлида беш-олтита эски тунукаларни кўтариб келиб қолди.

— У тунукаларни қаердан суғурдинг, занғар? — деб бақирди Тўлқин ака.

— Биринчидан, ҳеч қаерни бузганим йўқ, котёлнинг ичидаги бекор ётганди, иккинчидан, салом Ойгул,

яхшимисиз, — деб құлидагы тунукаларни бир четга қүйиб унга құlinни узатди.

— Толиб ака, сизни бу ишлардан озод қилиш вақти келди. Нима дейсиз, кетдикми? — деди Ойгүл хурсандлыгини яширмай шошилганча.

Толиб нима дейишини билмай бир муддат қотиб қолди. У ҳеч нарса демай, тунукаларни олди-да, шийпончанинг томига чиқди.

— Тұлқин ака, сиз bemalol ишиңгизни давом эттираверинг, Ойгулхон, сиз анави михлардан менға олиб беріб туриңг, ишни охириға етказиб қүййлик.

Толиб болғаны олиб тунуканни шийпончанинг томига қоқа бошлади. Толибнинг ичидан нималар ўтаётганини ўзи биларди. Томнинг ярми ёпилған ҳам әдіки, у осмонга қараб:

— Аллоҳым, кароматингга шукур, берған синовларингга шукур, берған сабрингга шукур, — деб шундай қыңқырдыки, унинг овози бутун борлиқни тутиб кетгандай бўлди. У томдан сакраб тушиб Тұлқин акани қучоқлаб олди. Унинг кўзи тўла ёш эди. У ёшларини яширмасди. Агар Ойгүл бўлмагандан овоз чиқариб йиғлашдан ҳам тоймасди.

— Толибжон, ўғлим, йиғла-йиғлайвер, сен йиғлашинг керак, ахир бу тұхматни уч ой күтариб юриш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Йиғла, — деркан, Тұлқин аканинг ҳам кўзларидан ёш томчиларди. Ойгүл, хушхабарни айтганида, Толибнинг индамай ишини давом эттирганини кўриб ўзини йўқотиб қўиганди. Толибнинг овози уни янада ҳаяжонлантириди. Тұлқин ака бўлса Толибнинг ўзини тутишини кўриб, томда турган Толибга қараб, бўёқнинг ҳаммасини бир жойга суртавериб адo қилганди. Тұлқин акани қучаркан, Толибнинг кўзи ўша бўялган жойга тушди ва йиғидан тўхтаб:

— Ака, бўёқ заводингиз борми дейман, — деб хохолаб кулиб юборди. Унга қўшилиб Тұлқин ака ҳам кула бошлади. Уларга Ойгүл ҳам қўшилди.

— Тұлқин Маҳмудович, юринг бўлмаса, биз хужжатларни расмийлаштирайлиқ. Толиб ака тайёрланиб

турадилар, — деди Ойгул кулгидан түхтаб, Тұлқин Маҳмудович Ойгул билан Толибни дарвозагача кузатыб қўйди.

— Ойгул, телефонингизни бериб туринг, Санжарни чақиралиқ, — деди Толиб. Санжарнинг телефони хизмат доирасидан ташқарида эди. У қайта-қайта қўнгироқ қилди.

— Майли, узоқроқда шекилли, юринг бир такси ушлайлик, олдин бир жойга борамиз, майлими? — деди Толиб Ойгулнинг телефонини қайтариб бериб.

Қабристоннинг чеккароқ жойида иккита қабр бошқаларидан ажralиб турарди. Биринчи қабр тоши иккинчисидан каттароқ эди. Биринчи катта қабр тошда «Охиратингиз обод бўлсин, отажон», иккинчисида эса «Охиратингиз обод бўлсин, онажон» деган ёзувлар бор эди. Қабрлар атрофида гуллар ўсиб турарди. Уларнинг яшнаб турганидан ва қабр атрофининг тозалигидан кимдир унга яқиндагина қараб кетгандай эди.

— Ассалому алайкум, отажон! Ассалому алайкум, онажон! Дада, мен сиздан озгина хафа бўлдим. Чунки сиз онамни мендан қизғондингиз. Сиздан ҳам онажон, дадамни шунчалик соғинганмидингиз? — деганча Толиб бир муддат жим туриб қолди. У қўллари билан ота-онасининг қабр тошини силарди.

— Дадажон, онажон, мени кечиринглар, сизларга муносиб ўғилманми, йўқми, билмайман. Дадажон, мени кечиринг, онамни авайлай олмадим. Мен ношудлик қилдим. Онажон, сиз ҳам кечиринг. Сизни соғиндим. Олдингизда айборман. Доимо қалбимда — юрагимдасиз, ваъда бераман, сизларга қилолмаган яхшиликларим, ишларим билан руҳингизни шод қиласман. Икки қўлим, қалбим, юрагим ҳамиша дуода бўлади. Юзингизни ерга қаратмайман. Онажон, биламан, сиз ўз жонингизга қасд қилмагансиз, лекин ваъда бераман, қотилингизни, албатта, топаман. Дадажон, онамни мен эҳтиёт қилолмадим, сиз эҳтиёт қилинг. Мендан рози бўлинглар. Мендан ховотир олманглар, ахир менинг дўстим бор, Санжарим бор, —

деб қироат билан Қуръон суръаларидан ўқий бошлади. Ойгул Толиб пичирлаб айтаётган гапларнинг ҳаммасини эшига олмаган бўлса ҳам, унинг қабр олдида ҳимоясиз ёш боладай ўтирганини кўриб йиглаётганди. Эндинга фотиҳа қилишганди, уларнинг ёнига қабристон қоровули келди.

— Ўлганларни Худо раҳмат қилсин, — деди у.

— Ассалому алайкум, амаки, яхшимисиз? — деди Толиб у киши билан қўл бериб сўрашиб.

— Амаки, мана бу ота-онамнинг қабрлари, лекин ёнларидаги чала ковлаб қўйилган лаҳатни кўриб ҳайрон бўлиб қолдим. Бундан уч ойча олдин йўқ эди, менимча. Қабрни олдиндан ковлаб қўйиш яхшимас, деб эшитгандим, — деди Толиб ярим ковлаб қўйилган чуқурни кўрсатиб.

— Ҳа, ўғлим, бу сизнинг ота-онангизнинг қабрларими? Шу уч ойдан бери бир йигит кун ора келиб туради. Мана бу онангизнинг қабр тошларини ҳам биргаликда ўрнатдик. Лекин қизиқиб кўрмаган эканман. Ҳатто унинг исмини ҳам сўрамабман. У сал баджаҳроқ экан. Қолаверса, келасолиб «Кечиринг, онажон», деб йиғлагани-йиғлаган. Ўша йигит бундан беш-олти кун олдин «Шу ерни банд қилиб қўйинг», деб туриб олди. Кўнгли хотиржам бўлсин деб сал кавлаб қўйдим, у кеча келиб кетганди. Лекин жуда қўли очиқ, танти бола экан, хўв анави трубани кўряпсизми, канал томондан тепага тортилган, тепада сув танқис, шунинг учун у уч-тўрт кун уста ишлатиб, ўшани тортиб берди. Эрта-индин насос олиб келиб каналга ўрнатиб бераман, деган. Энди адирнинг тепасига ҳам сув чиқиб қолса, у томонлар ҳам гулга бурканади, Худо хоҳласа. Худо унинг умрини узоқ қилсин, шундай йигитларимиз кўпаяверсин, — деб дуо қилиб қўйди қоровул амаки.

Бу ишларни Санжар қилганди. Буни Толиб сезганди. Ойгул бўлса, бу икки йигитнинг қилаётган ишларини кўриб ҳайрон қолаётганди. Айниқса, Санжар дўстининг ота-онаси қабрини у йўқлигига қараб юргани-чи? Ҳайратланиб турган Ойгулнинг хаёлини Толибининг гапи бузиб юборди.

— Ўша трубани тортган куни насосни ҳам ўрнатса

ўларканми? — деди норозилик билан. Толиб қоровул билан хайрлашиб, кўча томонга тез-тез юриб кетди.

— Ойгул, яна илтимос, телефонингизни бериб туринг, Салимга қўнғироқ қиласай-чи, балки у билар Санжарнинг қаердалигини, — деди Толиб.

Салим ёшлигидан машина жинниси эди. У ёшлигига ёқ «Мен шофёр бўламан» деб ўз касбини танлаб бўлганди. Мактабни битириб ҳайдовчилик курсини тамомлади. Лекин иш топа олмади. Чунки уни олдин ҳеч қаерда ишламаган экансан, деб автобазалар ишга олишмади. Такси паркнинг ёнига ҳам йўлатишмади. Ижарага минай деса, унга ҳеч ким машинани ишонмади, «Бир кориҳол бўлса бити билан тўлайдими», дейишиди. Аксига олиб уни армияга ҳам олишмади. Нимасидир ё кам ёки ортиқ эканми? Аммо бир куни яп-янги Нексияни миниб, маҳалла гузарига келганида ҳамманинг оғзи очилиб қолди...

...Толиб уйи олдида машинанинг капотини очиб қараб турганди, Салим келиб қолди.

— Ҳа, Толиб ака, яна юрмайман, деяптими? Келинг, мен бир кўрай-чи — деб машинани ковлаб кетди.

— Шу, Толиб ака, Санжар акага айтсангизку, янги Тикоми, Нексиями олиб беради, қачонгача шу эски жигулини қалдиратиб юрасиз, — деб кўшиб кўйди Салим.

— Ука, бу менга отамдан мерос, қолаверса, бунинг бир қилифи ёқади менга, дадам уйдан чиқиб кетаётгандарида шунаقا, юргиси келмасди. Уйга келаётгандарида ҳеч бузилмасди. Мана, ўша хунарини қиляпти-да, — деб кулиб кўйди Толиб.

— Ўзинг-чи, ўзинг ҳалиям уни-буни машинасини бир минай, деб юрибсанми?

— Э ака, тажрибанг йўқ деб ишга олишмаса, армия ҳам тагини еб турибди, бирор институтта кирай десам калламда машинанинг запчастидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Россияга кетаймикан, деб турибман. Уйда дадамнинг топғандари ва

онамнинг тикувчиликдан тушган пулларига қозон қайнатиб турибмиз, бир ёқда сингиллар бўйи етиб қоляпти, ўзим ҳам уйланишим керак, шунаقا гаплар. Мана энди ҳам юрмаса, ўзим елкамда ишхонангизга ташлаб қўяман, ҳеч бўлмаса кира ҳақи берарсиз, — деб машинанинг капотини ёпди Салим. У Толибга қараб кулиб турарди.

— Менга қара Салим, Россияни қўйиб тур. Эртага эрталаб ишхонамга ўтгин. Гап бор сенга, — деди Толиб машинасига ўтиаркан. У калитни бураганди, машина юриб кетди. Салимга раҳмат айтиб, Толиб ишига кетди.

Толиб Санжарнинг баъзида ичиб олиб машина минишидан хавотирда юрарди.

— Санжар, дўстим, бир иш қилсак, агар хўп десанг, фирмамизга битта хизмат машинаси олсак, биз йўқлигимизда ишхонанинг баъзи ишларига яраб турарди, қолаверса, битта ишчи ўрни яратган бўлардик, кейин ўзинг ҳам баъзида машинангни унга-бунга миндириб юрасан, нима дейсан, — деди Толиб. Санжарга бу гап ёқиб тушди. У Толибга кўп марта машина олиб берай, эски машинани қачонгача минасан, деб айтганди.

— Жуда яхши бўларди, сен ўзинг ҳам минаверардинг. Тўғрими? — деди Санжар ўрнидан туриб.

— Мен ўзимга деганим йўқ.

— Хўп, сени ташийди дўстим, — деди Санжар ҳовлиқиб. Ҳозир Санжарга гапиришнинг фойдаси йўқлигини билиб, Толиб «Бўлди», деб қўя қолди. Санжар эртасига ёқ янги Нексия олиб келиб,офис олдига қўйди.

— Мен сенга янги Нексия дегандимми, — деди Толиб ажабланиб.

— Ҳа, нима бўпти, бизнинг бошқалардан қаеримиз кам. Ахир биз ўзимизнинг пулимизга олдик-ку. Аммо баъзи бюджет ташкилотларининг машиналари олдида бу бир оддий Нексия холос, дўстим, — деб калитни Толибга берди. Санжар ўзида йўқ хурсанд эди. Чунки бу машинада дўсти юради деб ўйларди. — Энди бир ҳайдовчи топ, — деб офисга кириб кетди.

Салим шу-шу ишли бўлиб кетди.

Сал ўтмай тўладан келған юмaloққина йигит машинада келиб қолди. У кела солиб Толибни қучоқлаб олди. У ўзида йўқ хурсанд эди.

— Толиб ака! Қачон чиқдингиз, ахир ўзим сизни бу ерга олиб келардим-ку, ака.

— Раҳмат, Салим ўзинг яхшимисан? Уйлар тинчми? Бошлиғинг кўринмайди? Қаердалигини биларсан.

— Санжар акамни уч кундан бери қўрмайман. Ишхонага келмай қўйдилар, уйларига ҳар куни эрталаб ўтаман, ҳозир ҳам ўша ердан келяпман. Санжар аканинг қаердалигини Фарида опа билмас эканлар. Узоқроққа борсалар мен билан борардилар. Билмадим яна, йўқлигингизгами, Санжар акага бир гап кам, икки гап ошиқча, яримта гапни тополмай юрувдим, умуман ғалати бўлиб қолганлар. Қолаверса, мен асосан Севарани ишга ташидим. Санжар ака шундай қил дегандилар. Шундай юрибман ака. Эгаси йўқ қўйдек, нима қилишни билмай, — деди Салим.

— Майли, Салим кетдик. Ойгулхонни ҳам анча уринтириб қўйдик. Ҳозир ресторанга борайлик, балки ўша ердадир, баҳонада Ойгулхонни озгина меҳмон қилиб, кейин уйларига кузатиб қўямиз, — деди Толиб.

Толиб уйига боргиси келмаётганди. Улар ресторанга киришганда, бу ерда байрам бўлиб кетди. Ҳамма ишчилар Толибнинг чиққанидан хурсанд бўлиб, уни бирин-кетин қучоқлашарди. Лекин Санжар бу ерда ҳам йўқ эди.

Санжар билан Толиб янги фирма очиб, унга «Икки дўст» деб ном қўйиб, ишлари бароридан келиб юрганди. Асосан савдо билан шуғулланиб, шаҳардаги катта супермаркетни сотиб олишганди. Соли акадан ажраб чиқиб ишлари яхши юришиб кетди. Икки ёш катта-кичикнинг оғзига тушиб қолган даврлар эди. Бир куни Санжарнинг онаси ишхонасига бир қиз билан кириб келди. У Санжарга яқин дугонасининг жияни эканини, институтга

киролмагани сабабли бир йил шу ерда ишлаб туришини айтди. Санжар онасининг райини қайтаролмай, майли котибалик қилиб тура қолсин, деб уни ишга олганди. Лекин бу мийифида кулиб турган қиз ажал урунуни тарқатиб юрувчи шайтонлигини Санжар ҳам, онаси ҳам билмаганди. У қиз биринчи кунданоқ Толибга ёқмаганди. Лекин Санжарнинг онаси айтгани учун қаршилик қилмаганди. Бу тулки терисини кийиб олган қиз разил ниятини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан қайтмасди. Санжарни ўз сиртмоғига илинтириш унинг учун унча қийин бўлмади. Санжар Толибдан яширинча йўқ бўлиб қоладиган одат чиқарди. Ўшанда у кунини ўша нияти бузуқ билан ўтказарди. Санжарга уйқу дори бериб, аста-секин оғуга ўргатиб олди. Нияти амалга ошгандан сўнг Аҳмад деган кимса билан танишириб ўзи кўздан ғойиб бўлди. Санжар энди оғуни Аҳмаддан олиб турадиган бўлганди. Бир куни Аҳмадни қидириб борганида, Неъмат билан танишганди. Ўшанда Неъмат унга муруват кўрсатиб, озгина оғуни текинга бериб Санжарнинг кўнглини олмоқчи бўлганди. Кейинчалик Санжар улар билан ноилождан учрашиб турадиган бўлди. Толиб дўстининг гиёҳванд бўлиб қолганини кейинроқ билди. Кўп марта уни даволанишга даъват қилди, лекин улласидағ чиқа олмади. Санжар ундан беркитиқча барибир истеъмол қиласарди. Толиб икки киши учун жон-жазди билан ишларди. Санжар билан кундузи иш ҳақида гаплашса бўларди, лекин иш тугагандан сўнг у билан суҳбат қуриш бефойда эди.

Толиб Санжарга масалани кўндаланг қўйиб даволанишга кўндириди. Санжар аста-секин гиёҳвандликни ташлаб, албатта, бирор ерга бориб даволанишга ваъда берди. Ўша кунларнинг бирида икки дўст пойтахтдан уйга қайтишаётганди. Санжар бир катта спорт сумкани машинанинг орқа ўриндигига қўйди.

— Бир танишимники, ўзининг иши чала битибди, катта сумкани кўтариб юрмай, эртага борганимда қайтариб оламан деди, — дея Санжар рулга ўтирди.

Толиб Санжарнинг бу ишига аҳамият бермади. Лекин Санжарнинг ўша таниши орқаларидан бошқа машинада кузатиб келаётгани уларнинг хаёлига ҳам келмаганди. Санжар Толибни уйига ташлаб қўйиш учун машинани унинг уйи томон ҳайдади. Толибларниңга етиб келишганда бир машина уларни панарақда кузатиб туради. Санжар кетмоқчи бўлганди. Толиб уни тұхтатиб, машинадан сумкани олиб, Санжарни ҳам ўзи билан эргаштириб уйига олиб кирди.

— Санжар, сумкада нима борлигини ростдан ҳам билмайсанми? Кўнглим ғаш, кел, очиб кўрайлик-чи, — деди Толиб.

Санжар ҳам қизиқиб сумкани очди. Унинг ичидаги ҳар хил аёллар кийимларига ўраб қўйилган героин моддаси бор эди. Унинг оғирлиги бир килодан ошиқ эди. Иккни дўст ҳайратдан қотиб қолишиди.

— Войи абллаҳ, ифлос, мараз — деди Санжар.

— Бу ўша, мен шир-икки марта сен билан кўрган одамникими? — деди Толиб.

— Нима қилгани бу, номард, абллаҳ, — дея сўкинарди Санжар ўзини қўйгани жой тополмай.

— Кўряпсанми дўстим, уларга сени ёки мени тақдиришимнинг қизиғи йўқ. Улар билишган, сени машинанангни постларда текшириб ўтиришмайди. Постдагилар бизни ҳалол савдогарлар, дейинишиади. Кел, дўстим, яхиси, буни йўқ қиласиз, — деди Толиб оғуни қўлига олиб.

— Асло, бу нарса билан шуғулланадиганлар ҳавфли бўлишади, ҳеч нарсадан қайтишмайди, ўзимизга душман орттирумайлик, эгасига қайтариб, кейин таъзирини берамиш.

— Дўстим, бу оғу тарқаса қанча одамни заҳарлашини биласанми, сенинг пулинг, ишинг бор, гоҳ-гоҳ олиб нафсингни қондираяпсан, пули йўқ гиёҳванд одам ўлдиришдан тоймайди. Қанча оиласалар бузилади. Қанча етим ва ногирон болалар туғилади, дўстим. Ҳамма гапингни қиласанман, лекин узр, бу сафар билганимдан қолмайман.

Улардан қўрқадиган жойим йўқ, – деб сўзида қаттиқ туриб олди Толиб.

Толиб ҳовлиларининг орқа томонидан ўтган анҳорга заҳри қотилни ташлаб юборди. Толиб билан Санжар кўчага чиқишгандай ҳалиги машина секин юриб кўздан ғойиб бўлди.

Санжар эрталаб ишхонасига эртароқ бориб нима қилишга ҳайрон бўлиб ўтиради. Ахир у Неъмат дегани яхши одам эмас эди. Бундай иш билан шуғулланувчиларга одамнинг ҳаёти ҳеч нарса эмаслигини Санжар яхши биларди. Агар Толибнинг қилған ишини улар билишса, дўстининг ҳаёти хавф остида қоларди. У ҳар хил хаёллар билан ўтирганди. Эшик очилиб Неъматнинг гумаштаси Аҳмад кириб келди.

– Салом Санжарбек, мен Неъмат аканинг омонатига келгандим, – деди диванга ўтириб.

– Менга қаранг, Аҳмад ака, ўша нарса неча пул туради?
– деб сўради Санжар.

– Аёлларнинг арзимаган лаш-луши-ку, уни нима қиласиз Санжарбек, – деди Аҳмад айёrona қараганча мийифида кулиб.

– Аҳмад ака, Неъмат ака номарднинг ишини қилди. Сиз менинг бундан хабарим йўқ, деманг фақат. Мен ёш боламасман. Агар ўша нарса билан ушлашганида қамалиб кетардим. Бориб ўша шеригингизга айтинг, мен номард эмасман, ўша нарсани ўзим оламан, фақат пулинин икки бўлиб бераман. Кўнмаса нарсасидан умидини узверсин, – деди Санжар қатъият билан.

– Санжарбек, бу гапларни унинг ўзига айтинг. Менга у нарсанинг ўзи керак, мана бу хизмат ҳаққингиз, – деб чўнтағидан бир пакетчани чиқариб унинг олдига ташлади.

– Менда бундан бир килодан ошиғи бор, бу эҳсонингизга зор эмасман, – деганча Санжар Аҳмад берган сарафан пакетчани унинг чўнтағига тиқиб қўйди.

– Хўп яхши, гапингизни айтаман. Лекин нотўғри иш қиляпсиз Санжар, – деб у зарданамо хонадан чиқиб кетди.

Санжар оғуни сотиб оламан, деб ўзини ҳам, Толибни ҳам бу абллаҳлардан қутқармоқчи бўлганди.

Сал ўтмай Санжарнинг телефони жиринглади. У Неъмат эди. Санжар у билан гаплашиб, пулнинг бир қисмини ҳозир, қолганини уч-тўрт кунда тайёрлаб беришга келишиб олди. Санжар иш осон битганига хурсанд эди. Пулни бўлса дадасидан қарз олиб туриши аниқ эди.

Неъмат ўша куни пулнинг ярмини олиб, қолганига бешолти кунда келишини айтди. Лекин у иблис кўнглига бошқа нарсани тутиб қўйганди. Бу икки иблис Санжар ва Толибни кузатиб, Толибнинг уйда йўқлигидан фойдаланиб, унинг уйига орқа эшикдан киришга ва сумкани олиб чиқишига келишишганди. Толиб ўша куни ишхонага эртароқ кетди. Ўшанда соат эрталабки 4:30 эди. Ишхона омборига юқ олиб келаётган машина ўша пайтда етиб келганди. У онасига юкни тушириб олиб, қайтиб келишини айтиб шошилиб чиқиб кетганди. Соат 5 ярим 6 ларда Мехри опа ўғлининг келишига қўймоқ қилиб қўяй деб турган эди. Телефон кўнғироғи чалиниб қолди.

— Мехрихонмисиз? — деди гўшакдаги эркак кишининг овози.

— Ҳа. Мехрихонман, кимсиз? — деб сўради Мехри опа.

— Биз сизнинг турмуш ўртоғингиз билан биргаликда ишлаганмиз. Узр, маҳалла гузарига чиқолмайсизми? Бир омонатни бериб кетишим керак эди.

Мехри опа эрини соғинганиданми ёки эрининг бундай танишлари баъзида келиб туришганигами, эшикларни ҳам беркитмай, шошилганча фартугини ечиб, кўчага чиқиб кетди. Ногаҳон қатиқчининг чинни косасини олиб чиқиб, супага қўйиб қўяй, деб орқасига қайтди.

Телефондаги овоз Неъматнинг овози эди. Бу одам қиёфасидаги иблислар ҳовлига орқа эшикдан кириб келишганди. Мехри опа қайтиб кирганида ҳовлисида бу икки бегона эркакни кўриб, ҳайрон туриб қолганди. У бир нарса дейишга ҳам улгурмади. Аҳмад ёнидан пичоқни олиб, пичоқнинг банди билан Мехри опанинг орқа миясига

туширди. Ҳушидан кетган Мехри опа ерга гурс этиб йиқилди. Бу разолат батқоғига ботган икки аблас Мехри опани күтариб, қазноқ томон олиб киришди. Қазноқда Толиб эҳсон қилганда қўйни сўйиб осган арқон шинда осиглиқ турганди. Неъматнинг кўзи арқонга тушиб:

— Арқонни бўйнидан ташла, — деди Аҳмадга. Шу пайтда Мехри опа сал ўзига кела бошлаганди. Бўйинига тушган дорда у ўзининг қотилларига қараганча питирлай-питирлай жон берди. Улар эски супурги билан оёқ изларини супуриб, хотиржам сумкани олиб, орқа эшикдан чиқиб кетишиди.

Санжар ҳар куни ўтиб кетатуриб Мехри опадан хабар олиб турарди. Толибнинг эртароқ кетганини билган Санжар ўша куни ҳам одатдагидек кирганди. У кирганида Мехри опа эндиғина телефонда гаплашиб бўлганди. У опа билан тез-тез сўрашиб чиқиб кетди. Ўшанда қатиқчи хотин келаетганди. Шунда Санжарни кўрганди. У яна бир кишига сут қўйиб бераётгани учун Мехри опанинг кўчага чиққанини кўрмай қолганди. Мехри опанинг ўлимидан сўнг Неъмат ҳам, Аҳмад ҳам кўринмай қолишганди. Бу қотилликда кимнинг қўли борлигини икки дўст яхши билишарди. Уларга ўзлари жазо беришга аҳд қилишганди. Лекин онасининг ўлимидан Толибни айблашлари уларнинг хаёлларига ҳам келмаганди. Толибни вақтинчалик қамашгандан сўнг Санжар шу уч ой мобайнида якка ўзи ўша икки иблисни қидирганди. Ниҳоят, Неъматнинг ўзи Санжарга қўнғироқ қилиб заҳри қотилнинг ярим пулини сўради. Санжар Мехри опанинг ўлимидан ўзини айбдор сезиб, бу ишга Толибни аралаштиrmай, улардан ўзи қасд олмоқчи эди.

Толибнинг хаёлидан ҳар хил фикрлар ўтарди. У Санжардан хавотир олиб, балки ҳозир келиб қолар, деган умид билан ресторанда ўтиради. Ойгул Толибни олиб чиққанидан хурсанд бўлиб, ундан тоғ уялиб, тоғ хижолат бўлиб дастурхонга қўйилган таомлардан еб ўтиради. Салим

ҳам хурсандлигини яширмай, Толибнинг олдига ҳали уни, ҳали буни қўйиб меҳрибонлик қиласди. Толиб билан Ойгул ресторонда анча ўтиришди. Толиб уйига, маҳалласига боргиси келмаётганди. Одамлар нималар дейишмади экан у тўғрисида, бу бўйиндаги туҳмат билан маҳалладошларининг юзига қандай қаарканман, деб ўйларди.

— Ойгул, зериктириб қўймадимми? — деди Толиб.

— Йўқ, нега энди, яхши ўтирибмиз, раҳмат — деди Ойгул.

— Санжар бўлганда яна яхши бўларди, қаерда юрибди экан? — деб қўшиб қўйди Санжардан хавотирланганча.

— Ҳа, майли кеч ҳам бўлиб қоляпти, сиз ҳам уйингизга боринг, сизни чарчатиб қўйдим. Ойгул, кетдик. — деди Толиб.

Толиб уйида уни нима кутаётганини хаёлита ҳам келтирмасди. Толиб ноиложликдан Салимнинг машинасига ўтиреди. Уйга келишганда кеч кириб қолганди. Кўча эшиги қия очиқ эди. Ҳайрон бўлиб ичкарига кирганда, ҳовлиси тўла одам экан. Ҳаммалари Толибга билдирмай уни ҳайрон қолдириш учун келишганди. Қўни-қўшнилар, Толибни билган маҳалладаги каттаю кичик ошна-офайнилари ва маҳалла оқсоқоли Қурбон ота, Файрат милиционер, яна Тўлқин Маҳмудович ҳам шу ерда эди.

— Толиб ака, сиз ёлғиз эмассиз. Мана, ваъдамнинг устидан чиқдим, Қурбон ота, — деб Ойгул Қурбон отага юзланди. Толиб ўзида йўқ хурсанд эди. У бирин-кетин ҳамма билан сўрашиб чиқди.

— Раҳмат қизим, фақат менинг номимдан эмас, бутун маҳалламиизда яшовчилар номидан сенга раҳмат қизим, — деди Қурбон ота унинг пешонасидан ўпиб.

— Ҳа, бундай аҳил маҳаллада вояга етган бола бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди, — деди Тўлқин Маҳмудович. Толибни кўргани, табриклагани келаётгандарнинг кети узилмасди. Толиб ҳаммаларини кутиб олиб, ҳеч кимнинг кўнглини оғритиб қўймаслик учун кўзи тўла ёш билан ҳурматларини ўрнига қўйиб кузатиб қўярди. Беихтиёр

дадасининг гаплари ёдига тушди. «Ўғлим, эккан яхшилик дарахтингнинг мева бериши қийин бўлиши мумкин, уни мева бермади, деб кесиб ташлама, мевасидан ейиш сенга насиб қилмаслиги ҳам мумкин, аммо фарзандларингга ўша мевадан ейиш, албатта, насиб қиласди».

— Дадажоним, онажоним, мана, сизнинг яхшилик дарахтингиз мева берди, раҳмат меҳрибонларим, — деб кўнглидан ўтказди Толиб.

— Толибжон ўғлим, ота-онанг маҳалламиз учун кўп хизмат қилишган, қолаверса, ўзинг ҳам яхши ишларинг билан эл оғзига тушяпсан. Биз сени ёлғизлатиб қўймаймиз ўғлим, бошингни тик тут, сен бунга лойиқсан, — деб Курбон ота Толибни қучоқлаб хайрлаши.

— Ука, энди менга ҳам рухсат, дўст бўлиб қоламиз деган умиддаман, — деди Тўлқин aka Толибга қўлини узатиб.

— Ака, хўл десангиз, ота-боладай бўлиб қолсак, эшигим сиз учун ҳамиша очиқ, — деб Толиб Тўлқин акани қучоғига олди.

— Ҳамма ҳам сенга ўхшаб мард, танти бўлса эди, — деди Файрат милиция ҳам қучоғини очиб.

Ҳамма яхши ниятлар айтиб бирин-кетин кетишиди.

— Но, та синглим, сенга ҳам раҳмат, йўқлигимизни билинтирмай уйимизга қараб турганинг учун.

— Қўйсангиз-чи, Толиб aka, ахир сизни мен акам деганман-ку, бу оддий сингиллар қиладиган иш-ку. Бундай кейин ҳам шундай бўлиб қолади, акажон. Майли, мен чиқай, ойим хавотир олмасинлар, — деб Ноила ҳам чиқиб кетди.

— Ойгулхон, бу сизнинг ишингизми? — деди Толиб Ойгулга қараб.

— Йўқ, мен Қурбон отага эрталаб кўнғироқ қилиб, бугун олиб чиқаман дегандим, холос.

— Раҳмат сизга Ойгул, анча кеч бўлиб қолди, уйингиздагилар хавотир олиб ўтиришгандир, сизни Салим ташлаб қўяди. Салим, Ойгулни ташлаб, сен ҳам уйингга

бор. Қолган гапларни эртага гаплашамиз, — деди Толиб.

— Э, уч ойдан бери олаётган маошим томоғимга тиқилиб турибди. Ҳоҳласангиз, сиз билан қолишим ҳам мүмкін, — деди Салим кулиб.

— Яхши Салим, ҳали сен билан күп иш қиласыз, лекин бугун ўзим ёлғиз қолмоқчиман. Эртагача хайр, Ойгулхон. Албатта эртага учрашамиз, — деб Толиб уларни кузатиб қўйди. У ҳовлиниң ўртасидаги сўри устига бир кўрпачани ташлаганча қотиб ухлаб қолди.

Толиб юзига тушган қуёш нуридан уйғонганида, Салим ошхонада нималардир қилиб юрганди. Ҳовлига сувлар сепилган, ҳаммаёқ саранжом-саришта эди.

— Толиб ака, уйғондингизми? Роза маза қилиб ухлаб ётган экансиз, безовта қилгим келмади, — деб қўлидаги қовурилган тухумни дастурхонга қўйди Салим.

— Салим, соат неча бўлди?

— Соат ўн ярим, ака. Кўшни қизча супуриб, сувларни сепиб, чиқиб кетди, мана қатиқ, қатиқчи хотин ташлаб кетдилар. Мана бу қўймоқни қўшни қизнинг ойиси чиқарибди. Менинг қўлимдан келгани шу, тухум қовурдим. Қани туринг, сиз ювиниб чиқинг, мен иссиқ чой дамлайман, — деб ошхонага кириб кетди Салим.

— Санжарнинг уйига кирмадингми? — деб сўради Толиб ўрнидан туриб.

— Кирдим, оналари келмади дедилар, — деди ошхонадан бақирганча Салим.

Толиб ювиниб, кийимларини алмаштириб, дастурхонга келиб ўтириди. Салим билан нонушта қилишди. Толиб Санжарнинг йўқлигигами, қаёққа боришни ҳам билмай гаранг эди.

— Ака, Санжар ака қаерда бўлишлари мүмкин экан-а, — деб сўради Салим Толибининг ичидагини топиб.

— Билмадим ука, ҳозир Соли акани топсак, балки у киши бирор нарса биларлар, кетдик, — деб дастурхонга фотиха ўқиб, ўрнидан турди Толиб. Эшикни беркитиб энди машинага ўтироқчи бўлиб ҳар доимгидай кўча эшиги

томон қараган эди ҳамки, эшик олдида Мехри опа оппоқ кийимда құлларини фотиҳага узатиб, уни дуо қилиб кузатиб турғанди. Толиб бу ҳолдан сал үзини йўқотгандай бўлди.

— Тўхта Салим, — деди Толиб ҳаяжонланиб. У қотиб турғанча, онасининг сиймосига қараб турарди. «Онажон», деди ногаҳон. Салим Толибнинг дарвозага тикилганча нималардир деганини англай олмай ҳайрон бўлиб турарди.

— Кетдик! — деди Толиб машинага ўтириб.

— А-к-а... ким билан гаплашдингиз, — деди Салим.

— Онам билан, ука! У киши ой бориб омон қайт дедилар, кеч қолиб кетма, хавотир оламан дедилар. — деди Толиб хотиржам.

— А... шундайми? — деб машинани ҳайдаб кетди Салим ажабланганча.

— Севарапарнинг уйига ҳайда, балки Соли ака ўша ердадир.

— Балки, балки ҳам гапми, аниқ ўша ердалар, — деб хурсанд бўлиб кетди Салим.

— Ҳа, Салимжон, севиниб кетдингми?

— Йўқ ака! Севарапи дадаси... ҳалиги... аниқ... ўша ерда... дейман-да, — деб қаловланиб қолди Салим.

— Ҳа, Салим, чайналасан, нима гап!?

— Ҳе! гап йўқ, Толиб ака, тинчлик.

Салим Севарапи яхши кўриб қолғанди. Лекин буни ҳеч кимга айттолмасди. Нима қилишини билмай ёрилиб кетаёт деб юрганди. Толиб Салимнинг Севарага бефарқ эмаслигини билиш учун:

— Севарапнинг ҳам бўйи етиб қолди, ёши ўтмай турмушга бериш керак. Санжар бўлса йўқ, — деб атайин унинг юрагига фулғула солди.

— Энди, ўн тўққизга ҳам кирмади-ку! Нега ёши ўтади, бир ёқда олийгоҳни битириши керак. — деди Салим шошилиб. Салим хавотирга тушиб қолди. Чунки Толиб Севарапи эрга берамиз деса, бунга Соли ака ҳам, Санжар ҳам қаршилик қилишмасди. Буни Салим яхши биларди. Салим жаҳли чиқаётганини аранг билдирмай келаётганди.

У Севарани икки кундан бери кўрмаганди. Ҳозир баҳонада учрашаман, деб ўйлаганди. Улар етиб келишганда Толиб Салимга қараб:

— Сен ҳозир Мўмин аканинг олдига борсанг, пул бериб юборади, ўша пулни олиб келгин, — деди. Салимнингвой-дод дегиси келганини Толиб сезиб турганди. Салим Севарани жуда кўргиси келганди. Салим «Хўп» деганча машинани учриб миниб кетди.

Толиб Севараларнинг уйига кирганида Севара суюнганидан унинг бўйнига ослиб олди.

— Акажон, қачон чиқдингиз, қўйиб юборишдими? Аяжон, Толиб акам эканлар, келақолинг, сўрашинг, — деди. Севара ўзида йўқ хурсанд эди. Муниса ая Толибни бир-икки марта узоқдан кўрганди.

Унинг хонадонига бахт олиб кирган, қизини акалик қилган бу йигитни самимий кутиб олди. Севара дадасига қўнғироқ қилиб Толибнинг келганини айтди. Сал ўтмай Соли зка уйга кири келди. Улар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Соли ака аёлларнинг хонадан чиқиб туришларини сўраб, илтимос қилди.

— Ўғлим, жуда яхши бўлди, эсон-омон чиқдинг, — деди Соли ака.

— Ака, Санжарнинг қаердалигини билмайсизми?

— Аниқ бир жойни айттолмайман, чунки қаердалигини менга ҳам айтмади. У фирмандарнинг биринчи имзосини менга ўтказди ва Толиб чиқса бирга ишлаб туинглар, мен даволаниб, албатта, қайтаман, мени қидириб юрманглар, деди. Бир томондан хурсанд бўлдим, ўғлим. Мен сенинг хабаринг бўлса керак, деб ўйлагандим. Бир томондан хотинини уйига кетказиб юборибди. Қолаверса, машинасини ДАНдан ҳам ҳисобдан чиқариб сотиб юбораман, келиб бошқасини оларман, деди. Ўтган куни шу ерда учрашгандик, шу ердан чиқиб кетди, — деб Соли ака ҳам хзвотирга тушиб қолди. Толиб Соли ака ҳам ҳеч нарсадан хабари йўқлигини билиб, унинг кўнглини хотиржам қилиш учун:

— Соли ака, сиз хавотир олманг, менга бу гапларни айтганди, лекин мен чиққандан сўнг кетади, деб ўйлагандим. Майли, яхши бўлибди, ишқилиб даволаниб қайтса бўлди, — деди Толиб. Ичидা эса Санжар Неъматни топган бўлса, ўша ерга кетган бўлмасин-да, деб ўйларди.

— Соли ака, бўлмаса эртадан ишни бошласам, бугун бир-икки борадиган жойларим бор эди.

— Майли, ўғлим, фирма сизларники, хоҳласанг, эртагаёқ сенинг номингга ўтказамиз. Ўзимнинг ишим етарли. Ҳа, ўғлим, сенга миннатдорчилик билдиришимга рухсат бер. Икки ака-сингилни учраштириб кўп савоб иш қилдинг. Қолаверса, ўғлимнинг сендеқ дўсти борлигидан жуда хурсандман. Ҳудодан сенга узоқ умр, баҳт тилайман, ўғлим, раҳмат. Сизларни дўстлигингизга кўз тегмасин. Мендан нима ёрдам керак бўлса, тортинмай сўрайвер, ўғлим. Отантнинг ўрнини босолмасам ҳам сени ўз ўғлимдек кўраман.

— Раҳмат, Соли ака, мен ҳам сизни ўз отамдек кўраман, демак, ишни давом эттирамиз, хўп десангиз, эртага бизнинг офисда учрашсак, қиласиган ишларимизни режалаштириб олардик.

Толиб гапини тугатмаган ҳам эдики, эшикнинг қўнғироғи чалиниб қолди. Толиб, «Мен, ҳозир», деб эшик томон каридорга чиққанида Севара эшикни очмоқчи бўлиб турганини кўрди.

— Сен қўявер, бу Салим бўлса керак, мен ўзим очаман, — деб эшикни очди.

— Мана ака, олиб келдим, — деди овозини кўтариб Салим.

— Яхши, машинада ўтириб тур, ҳозир чиқаман, — деб эшикни тақ этиб беркитди Толиб. У Севарага қараганди, қиз ерга тикилганча кўзининг чети билан Толибга жилмайиб турганди.

— Сал туриб Салимга телефон қилиб қўйсанг, яхши бўларди. Бир нима зарур гапи бор, шекилли, — деди Толиб. Бу гапни эшитиб Севара юргурганча хонасига кириб кетди.

Толиб Соли акадан рухсат олиб, улар билан хайрлашиб, машинага ўтириди. Салимнинг қовоғидан қор ёғарди.

— Ҳа, Салим учеб бориб-келдингми, дейман.

— Мана пул, яна керак бўлса, ресторандаги хонадаги сейфда ҳам бор экан, мана сейфнинг калити, Санжар акам бериб кетибдилар, — деди Салим.

— Хўп, яхши, Ойгулнинг ишхонасини биласанми? — деди Толиб. Салим жавоб бермоқчи бўлиб турган эди телефони жиринглаб қолди. У телефонини қулоғига тутдида:

— Албатта, акахон, билмай ўлибманми, — деб машинани юргизди. У телефон қўнгироғидан хурсанд бўлиб кетганди.

— Кетдик ака, ҳозир Ойгул опанинг олдига олиб бораман — деб машинани тезда ҳайдаб кетди.

— Ҳа, Салим сигиринг туғдими, — деди Толиб.

— Ҳа, ойим қўнгироқ қилдилар, — деди кулиб.

— Ўғилми, қизми? — деб Толиб ҳам кулиб юборди. Салимга Севара қўнгироқ қилганди.

Адвокатурага боришганда Ойгул тушликка чиқмоқчи бўлиб турганди.

— Бугун тушлик мендан, — деди Толиб Ойгулга машинанинг эшигини очиб.

— Раҳмат, Толиб ака, қандай бўларкин, — деди Ойгул.

— Қандек бўлади, ҳозир Салим бизни шаҳримизнинг энт зўр ресторанига олиб боради, тўғрими Салим?

— Албатта, — деди Салим ва тўғри ўзларига таниш бўлган ресторанга олиб келди. Салим уларни хоналаригача кузатиб қўйиб, ўзи ҳам кирмоқчи бўлиб турганди, Толиб Салимга қараб:

— Ойгулхон, Салимга суюнчи беринг, унинг сигири туғибди, — деди кулиб, — бориб хабар олиб келмайсанми, — деб қўшиб қўйди.

— Хўп ака, бораман-у келаман, — деб кулганича хонадан чиқиб кетди.

— Ростданам сигирлари туғибдими, — деди Ойгул қизиқиб.

— Ҳа, ҳозиргина ойиси телефон қилганди, — деди Толиб мийифида кулиб.

Толиб ресторандаги иш юритувчи йигитни чақирди.

— Ука, бу киши менинг энг яқиним ва халоскорим, азиз меҳмоним, топган-тутганингизни олиб келаверинг, — деди. Бу хонада икки дўстдан бошқа ҳеч ким ўтираслигини хонадаги жиҳозлардан билиб олса бўларди. Иккита кресло, битта стол, сейф, бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Толиб бурчакда турган сейфнинг олдига бориб, уни очди. Сейфнинг ичидаги битта файл папка, ичидаги ресторан Толибга ўтганилиги ҳақидаги ҳужжат турганди. Устида конвертда хат ҳам бор эди. Унинг устига «Туғилган кунинг билан, Толиб!» деб ёзиб қўйилганди, холос.

— Ойгул, Санжар ахмоқнинг қилган ишини қаранг, — деб Толиб уларни Ойгулнинг олдига ташлади.

— Мен ресторан сизга ўтганини билардим. Санжар ака айтгандилар. Лекин мени хижолатга қўйдингиз. Ахир бутун туғилган кунингиз-ку, тўғрими?

— Ҳеч қиси йўқ, Ойгул, хижолат чекманг, дадам вафот этгандаридан кейин бу кунни мен, онам ва Санжар билан нишонлардим. Улар менинг энг яқинларим. Энди сиз ҳам менинг энг яқинимсиз, насиб қиласа, энди бу кунда ҳар йили бирга бўламиз, албатта, қарши бўлмасангиз.

Эшик очилиб официант йигитлар кириб стол устини ҳар хил таом ва ичимликлар билан тўлдириб ташлашди. Улар ҳам янги бошлиқларини табриклаб, хурсандликларини айтишди. Ойгул ҳам анчадан бери бундай самимий инсонлар билан ўтирамаганди. У Толиб билан эски қадрдонлардай мазза қилиб суҳбат қуриб, дилидаги баъзи гапларни ҳам айтиб олди. Ойгул Толибни чин юракдан табриклиди. Унга бахт-саодат, узоқ умр тилади. Ойгул нимагадир бу ўтириш ҳечам тугаслигини хоҳларди. Толиб ҳам Ойгулга миннатдорчилик билдири. Уларнинг ўртасида қандайдир илиқлик пайдо бўлаётганди.

— Толиб ака, хатни ўқимадингиз-ку, — деди Ойгул конвертни кўрсатиб. — Ўқигим келяпти, лекин у аҳмоқ

менга ҳеч хат ёзмаган, тўғрисини айтсам, унинг ўзини кутяпман, — деди Толиб.

Ҳа, Толиб Санжарни кутарди. Ҳозир эшик очилади-ю Санжар кириб келади, деб ўйларди. Шунинг учун хатни очгиси келмаётганди. Шу пайт бирдан эшик очилиб Салим кириб келди. Унинг ранги оқариб кетганди. У аранг нафасини ростлаб:

— Ака-ака, ҳалиги мен.. мен... Севара... Севара... билан...

— Салим, ўзингни бос. Нима гап, секин, хотиржам, бошидан гапир, — деди Толиб ўрнидан туриб Салимнинг елкасидан ушлаб.

— Ака, биз Севара билан уларнинг эшиги олдида гаплашиб тургандик, шу пайт Соли ака уйдан отилиб чиқдилар. Ҳалиги-ҳалиги, Санжар акамнинг машинаси тоғли туманда ёниб кетибди. У киши Севарани олиб ўша томонга кетдилар. Мен, мен бу ёққа келдим.

Салим нима деяётганини ўзи ҳам тушунмаётганди. Ойгул ўтирган ўрнида қотиб қолганди. Толибнинг хаёлидан ҳар хил фикрлар айланыётганди. У ўзини қўлга олиб, Салимга сув қуиб узатди.

— Ойгул, сизлар чиқаверинглар, мен ҳозир... — деб уларни хонадан чиқариб юборди.

«Салом дўстим Толиб, аввало туғилган кунинг билан. Қўлимдан келгани шу бўлди. Лекин сенга жонимни берсан ҳам оз. Умринг узун бўлсин, дўстим. Толиб, бу хатни ўқиганингда, балки мен бу оламда бўлмасман. Иродам бўшлик қилиб шу ифлос оғуга ўрганиб уни ташлай олмадим. Асли шу манфур оғуга ўрганганди куним ўлган эдим. Сен билан биз анча ишлар қилдик. Қолаверса, яна анча ишларни қилишимиз керак эди.

Дўстим, мени кечир, шу ишни сенсиз қилишга қарор қилганимга, чунки Меҳри опанинг ўлимига фақат мен сабабчиман. Агар мен қандайдир ифлосларга илакишимаганимда, онант ҳозир тирик бўлардилар. Менга Неъмат қўнғироқ қилди. Бугун кечқурун у билан учрашаман. Агар айттан вақтида бормасам, у гумон қилиб қочиб

кетиши мүмкін. Тегишли жойга айтишим мүмкін эди, лекин унга қарши ҳеч қандай далилимиз йўқ. Нима қилишни ўйлаб кўрмадим ҳали, лекин Мехри опанинг кунини бошига солишим аниқ. Энди мени эшит. Ироданг кучли, менсиз ҳам бизнинг орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришингга ишонаман. Мен сенга оиласми топширдим. Агар менга бир нарса бўлса, йўқлигимни билдирма, сендан илтимос. Туғилажак фарзандимга оталик қил. Уларни ташлаб қўйма.

Ҳа, ўзингни ҳам ўйла, яъни уйлан, ўғил кўрсанг исмини Санжар қўй. Менимча, адвокат қиз яхши умр йўлдош бўлади сенга. Бу менинг фикрим. Бошка ёзолмайман, алвидо дўстим».

Толиб хатни ўқиб ташқарига чиққанида Салим билан Ойгул машинада ўтиришганди.

— Кетдик, ҳайда Салим! — деди Толиб, унинг қўллари титрарди. Улар тоғли туманга боришганида кеч кириб қолганди. Бутунлай ёниб, пачоғи чиқиб кетган машинани милиция постига олиб келиб қўйишганди. Ўликхонада Севара тинимсиз йиғлаганча Соли аканинг ёнида ўтирганди. Соли ака бошини ушлаганча чўққайиб бир четда ўтиради. Толиб эса ичидаганинг гапираётганди: «Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, нега энди ҳаммаси шу билан тугаши керак, олдин дадам, кейин онам, энди бўлса дўстим, йўқ-йўқ, ахир бу ноҳақлик-ку, қайси гуноҳим учун эй Худо, мени бунчалар қийнайсан. Бу қандай синовинг яна, Худойим!»

Толиб ҳали Соли аканинг ёнига етиб ҳам бормаганди ҳамки чап курагининг тагига бир киши худди найза санчиб, бир бураб олгандай бўлди. Агар Салим Толибни ушлаб қолмаганда, у боши билан ерга йиқиларди.

Толиб чап томонида оғриқ билан ўзига келганида, касалхонада эканини англади. Унинг ёнида Ойгул, Севара, Соли ака ва Салим туришганди.

— Менга нима бўлди? — деб сўради Толиб ўрнидан турмоқчи бўлиб.

— Толиб ака, ётинг, қимиrlаманг, сал тобингиз қочди,
— деди Ойгул унинг елкасидан босиб.

— Ўғлим, бизни қўрқитиб юбординг-ку, — деди Соли ака. Севара йиғлайвериб қовоқлари шишиб кетганди. Салим Толибнинг ўзига келганини кўриб, докторни бошлаб келди. Доктор келиб, хонадан ҳамманинг чиқиб туришини сўради.

— Доктор, нима гап, менга нима бўлди ўзи, айтинг!

— Ука, қаттиқ сиқилган кўринасиз, айтарли қўрқинчли жойи йўқ, лекин шаҳарга борганингиздан сўнг хотиржамлик учун бир текширишдан ўтсангиз яхши бўларди.

— Доктор, ҳалиги ҳалокатга учраган одам ҳақида бирор нарса биласизми?

— Машинада бир киши эмас уч киши бўлган, лекин улар бутунлай ёниб кетган, кимлигини таниб бўлмайди. Ука, сиз бу нарсаларни ўйламанг. Сиз жуда сиқилиб қолибсиз, ҳали ёшсиз, ҳозирдан шундай, ҳамма нарсани юракка яқин олсангиз, кейин қийналиб қоласиз.

— Доктор, уларни кўрсам бўладими?

— Нимасини кўрасиз, қорайиб кетган суюклар холос, машина жарликка қулаб, кечаси билан ёнган, ахир. Сизларни машина кузовининг номери орқали топиб, милиция ходимлари чақиришган, сизга ҳозир яна укол қилишди. Бугун шу ерда қолишингиз мумкин, эрталаб ўйингизга кетаверасиз.

Шифокор чиқиб кетди. Хонага Ойгул кириб келди.

— Мен... мен... қўрқиб кетдим Толиб ака, сизга нима бўлди, бирдан ҳушдан кетдингиз, — деди Ойгул. Унинг йиғлагани кўзларидан билиниб турарди.

— Ойгул, сиз Санжарни кўрдингизми, яъни мурдасини демоқчийдим.

— Йўқ лекин, Соли ака кириб чиқибдилар, жасадларнинг бири Санжар деяптилар, қўлларида Санжар аканинг чала куйган соатини кўтариб олибдилар, уни ўzlари совға қилган эканлар, ўша мурдани ажратиб бошқа хонага олиб чиқиб қўйишиди.

— Йўқ-йўқ, бўлиши мумкин эмас Ойгул, мен ўзим қўришим керак, юринг борайлик.

— Толиб ака, доктор ҳаяжонланиш мумкин эмас, — деди. Эртага эрталаб кўрасиз, илтимос ўзингизни эҳтиёт қилинг, тақдирга тан беринг ахир. Санжар аканинг пешонасига шундай ёзилган экан. Энди сизнинг қўлингиздан ҳеч нарса келмайди.

Ойгул ичидаги шубҳа-гумонни айтгиси келарди. «Санжар дўстингиз онангизнинг қотили, унга аза тутиб юрманг, у бунга арзимайди», дегиси келарди. Лекин Толибнинг ҳозирги ҳолатида бу гапларни айтиш уни тириклайнин ўлдириш билан баробар эди. Шунинг учун Ойгул ҳаммасини ичига ютиб чидағи туради.

— Ойгул, уйдагиларингиз хавотир олишаётгандир, — деди Толиб.

— Дадамларга қўнғироқ қилдим, уларга ҳаммасини айтдим, дадам тушунадиган кишилар, — деди Ойгул.

— Раҳмат, Ойгул, ёнимдалигингиз учун. Бало келса кетма-кет келади, дейишганича бор экан. Билмадим, энди мен қандай яшайман. Онам, Санжарнинг сендан фарқи, у қизиққон, сен босиқсан, шу хислатларинг билан сизлар бир-бирингизни тўлдириб турасизлар, дердилар. Биласизми, бу ҳаётда Санжарбек жуда чўрткесар эди. Баъзида бирор ишга қўл уриб ўйланиб қолганимда, дўстим ўшнарсани шартта битириб қўя қоларди, Ойгул, у менинг бир бўлагим эди. Усиз кейинги ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмаяпман. Энди мен қандай яшайман. Ахир унинг не-не орзулари бор эди.

Ойгул Толибга ачиниб кетаётганди. «Толибга қандай ёрдам берсам экан. Агар шу кетишда бўлса, бу ёш йигит ўзини хароб қилиши тайин», деб ўйларди. Санжарнинг ўлимидан эса қайғурмаётганди. «Худо унга кўрсатибди, қилган гуноҳи учун жазо олди. Энди қатиқчи хотиннинг кўрсатмаси ҳам керак эмас, яхшиси ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолсин. Толиб ака учун дўсти Санжар қандай

бўлса, ўшандайлигича хотирасида қолсин», деб ўзига таскин берарди.

Эшик очилиб хонага Салим билан Соли ака кириб келишди.

— Ўғлим, тузукмисан? — деб сўради Соли ака.

— Соли ака, ростдан ҳам Санжар... — деди Толиб. Гапини давом эттиришга томоғига тиқилган бир нарса халақит берарди.

Соли ака Толибга қофозга ўралган соатни кўрсатди...

— Эсингдами? Буни жасадлардан бирининг қўлидан олдим.

Ҳа, бу ўша соат эди. Соли ака Санжар 16 ёшга тўлганда совға қилганди. Санжар уни ҳатто чўмилганда ҳам қўлидан ечмасди. У сув ўтказмайдиган қимматбаҳо тилла соат эди. Толиб соатга қараганча хўрланиб йиглай бошлади. Унинг йигиси ҳар қандай тош юракни ҳам йиглатар эди.

— Йигла, ўғлим, йиглайвер, енгил тортасан! — деб Соли ака Толибни бағрига сөсли.

Толиб Нематни — одам қиёфасидаги иблисни кўп ўйларди. Уни бир марта кўришни истарди. «Ажалнинг уруғи, оғу учун бир ожиза, муштипар аёлни ўлдириш шунчалик осонмиди унга. Бундай жоҳиллик, бераҳмлик унда қаердан пайдо бўлдийкин? Наҳотки бир инсонни ўлдириб хотиржам юриб бўлса? Ахир уни ҳам она туқсан-ку, тўққиз ой юрагининг остида авайлаб кўтариб юрган, туғилгандан сўнг кечалари ухламай оқ сут берган-ку. Наҳотки онамни шу куйга солаётганда ҳимоясиз аёллиги, у ҳам онаси каби оналиги кўзига кўринмаган бўлса. Ахир аёл зоти Аллоҳ яратган мўъжизалар ичida энг улуғи, энг буюги-ку! Онамнинг оддий бир кунлик қилган ишларини кўриб ҳайрэтда қолардим. Ҳаммадан эрта туриб ҳовлини тозалаш, бизга нонушта тайёрлаб, овқатлантириб, дадамни ишга, мени мактабга, яна ўzlари чала-чулла нонушта қилиб биздан қолган ювиқсиз идишларни ювиб, апил-тапил кийиниб, ўzlари ҳам ишга кетардилар. Бу уларнинг оддий, эрталабки ишлари эди. Ўша иблис Нематнинг онаси ҳам

шундай қылганига иймоним комил. Чунки ҳамма оналар шунақа. Айниқса, ўзбек оналаримиз учун бу ҳаракатлар оддий ҳол, деб ўйларди Толиб. Ҳа, Санжар ҳам ишлар ҳақида ўйлаб, кечалари мижжа қоқмаган. Балки онамнинг ўлимларида у ўзини айбдор деб билгандир. Демак, қасос олиш ниятида Нельматни ҳам, унинг гумаштаси Аҳмадни ҳам ажал домига ўзи билан олиб кетибди-да. Нималар қилиб қўйдинг дўстим, уларнинг ўлими Қолган умрингга арзирмиди, дўстим? Энди мен қандай яшайман? Энди мен нима қиласай? Энди мен кимман, дўстим?!»

Докторлар жасадни одам щаклига келтириб ўраб-чирмаб бериши. Соли ака бир кунда қариб кетганди. Ота учун ўғлининг мурдасини кўтариш нақадар оғир мусибат эканини бошига тушган одам билади. Ҳеч кимнинг бошига бундай кулфат тушмасин! Маҳаллага боришганда, бутун маҳалла аҳли йиғилиб уларни кутиб туришарди. Санжарнинг онаси Фарида опа сочини юлиб, ўзини ерга отар, бор овози билан йиғларди. Маҳалла катта-кичиклари чуқур қайғуда эдилар. Ҳамма Санжарни кўли очиқ, мард йигит эди, деб йиғлашарди. Лекин баъзилар яхши сўзлардан кейин, бу касофат оғу манаман деган йигитни ҳам йиқитар экан-да, деб кўшиб қўйишарди. Фарида опа ҳам бир кундай ўн ёшга қариб кетгандай эди. Толиб ота-онаси қабрининг ёнига дўстини ҳам кўмди. У билан бирга орзу-умидларини, келажагини, шодлигини кўмгандай эди. Санжарнинг таъзияси анча кунга чўзилиб кетди. Келиб-кетаётганларнинг кети узилмасди.

Толиб бўлса қабристондан бери келмай қўиди. Ҳатто баъзида дадасининг машинасида бориб, ўша ерда қолишни ҳам одат қилиб олди. Унинг кўнглини ҳеч нарса кўтара олмасди. Катта-кичикларнинг насиҳати қулоғига кирмасди. Уларга хўп дерди-ю, яна ўз-ўзидан қабристонга чиқиб кетарди. Салим уни кўпинча ўша ердан олиб келарди. Бир куни бу ҳолга чидамай:

— Ака, бирор марта раينгизга қарши чиқмаганман,
— деб гап бошлади Салим Толибни қабристондан олиб

кетгани келганда, — яна билмадиму, лекин сиз менимча, яхши иш қилмаяпсиз. Мана, Санжар акамнинг қирқлари ҳам ўтди. Ота-онанғиз-ку майли, менимча уларни ҳам қийнаб юбордингиз. Улар ҳам сизнинг ҳар куни келиб бу ерга чўққайиб ўтириб олишингизга чидолмай, қабрда тинч ётиша олмаётган бўлишса керак. Яна ҳам чидаб туришибди. Агар иложини топишганда бу туришингизга ҳозиргача ё сизни олиб кириб кетишарди ёки ўзлари чиқиб келишарди. Бўлди-да энди, сизни сўраб келган яқинларингиз сизни шу ерга келиб кўриб кетишяпди ахир. Нима, битта сизнинг ота-онанғиз, дўстингиз ўлибдими, ахир қаранг, шу ерда ётганларнинг ҳам қариндош-уруглари, яқинлари йўқми, нимага уларнинг устида ҳеч ким йўқ. Нима, булар сизнингча ҳеч кимга қадрли бўлишмаганми? Ойгул опа қиз бола боши билан уч марта келди шу ерга, бир марта юзига қараб раҳмат ҳам айтмадингиз. Қани мен таниган Толиб ака, бунчалик ироданғиз бўшлигини билмаган эканман. Хафа бўлсанғиз ҳам айтаман, агар Санжар ака сизнинг ўрнингизда бўлганида, орзу-умидларингизни рўёбга чиқариб, руҳингизни шод қилган бўларди. Бу ўтиришингиз билан нимага эришмоқчисиз? Жон ака, туринг, бошингизни кўтаринг, сизни бундай аҳволда кўриш мен учун азоб. Юринг ака, кетайлик, илтимос.

Толиб Салимдан бундай сўзлар чиқишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Толиб бошини кўтариб Салимга қараганди, унинг кўзи ёшга тўла эди. Толиб сал ўзига келгандай ўрнидан турди. У секин юриб машинага ўтирди. Унинг сочсоқоли ўсиб кетганди. Салим шошилиб келиб машинани юргизиб, тўғри сартарошхонага ҳайдади. Сартарош унинг соқолини олиб, соchlарини эпақага келтиргандан сўнг, Толиб Салимга:

— Салим, қоринни тўйғиссак дегандим, — деди.

Толиб қирқ кундан бери нима еяётганини ҳам билмасди. Салим уни тўғри ресторонга олиб бориб хонасига киргизди. Унинг олдига дастурхон солиб:

— Нима ейсиз, ака, — деди Салим.

— Нима бўлса олиб келавер, барибир, фақат иссиқ овқат бўлса бўлди, — деди. Иссиқ овқат емаганига ҳам анча бўлганди. У иштаҳа билан овқатланди. Үнга Салимнинг гаплари таъсир қилгандай эди. Ойгул Салимдан телефон орқали қўнғироқ қилиб Толибнинг аҳволини сўраб турарди. Салим суюнганидан Ойгулга қўнғироқ қилиб уни чақирди.

Толиб қорни тўйгандай бўлиб, ўрнидан туриб сейфни очди. Санжарнинг ёзиб қолдирган хатини яна ўқимоқчи бўлди. Энди хатни олмоқчи бўлганди, сейфнинг пастки полкасида ялтираган нарсага кўзи тушиб қолди. У Санжарнинг бўйнига тақиб юрадиган тилла занжири эди. У ерда Санжарнинг яна никоҳ узуги, тилла соати ҳамда паспорти ҳам бор эди. Эшикни тақиллатиб Салим кириб келди.

— Ака, яхшимисиз, сизга бир меҳмон олиб келяпман, — деди. Толиб сейфнинг олдида тарашадай қотиб қолганди.

— Салим, нима дединг? — деб сўради Толиб у томонга қараб. Салимнинг ёнида Ойгул турганди.

— Келинг, Ойгул, ўтиринг, Салим, сен ҳам ўзингга битта стул олиб кел, — деди Толиб. У Ойгул билан худди кечагина учрашгандай гаплашарди.

— Толиб ака, яхшимисиз, жуда озиб қолибсиз, — деди Ойгул бошқа гап тополмай. — Мен бир гапни айтмоқчиман, асли айтгим йўқ эди-ку, лекин сизнинг бу аҳволингизни кўриб айтмасам бўлмайди. Санжар акага... — деб гап бошламоқчи эди, Салим стул кўтариб кириб келди.

— Ўтири Салим, Ойгул, Санжар ҳақида мана буни кўринг, — деб сейфдан Санжарнинг Соли ака ўн олтига кирганда совға қилган соатини кўрсатди, — бу ўша соат Ойгул, Салим, бу ўша, Санжарнинг соати.

Ойгул ҳам, Салим ҳам ҳеч нарса тушунишмаётганди. Салимнинг хаёлига Толиб ака Санжарнинг соатини тузаттирибди, деган фикр келди.

— Тузаттирибсиз-да ака, Соли ака сизга берганмидилар соатни, — деди Салим сабри чидамай. Толибнинг чеҳрасида қандайдир қувонч сезиларди.

— Йўқ, тушунмадинглар. У соат бошқа, бу ўша, ҳақиқий ўша соат, тушундингми Салим?

— Демоқчисизки, олиб келиб кўмилган жасад Санжар аканики эмас, — деди Ойгул ҳайрон бўлиб.

— Энди гапимни эшигинг, бу сир Санжар иккимизнинг сиримиз эди. Ойгул, Салим, менга сўз беринглар, бугун мен айтгандаримни сир сақлайсиз. Менинг сизлардан бошқа ҳеч кимим йўқ. Мени диққат билан эшигинг, — деб бўлган гапларни бошидан айтиб берди. Ойгулнинг ҳам, Салимнинг ҳам оғизлари очилиб ўтиришарди. Толиб гапини тутатиб, Ойгулга Санжар ёзиб қолдирган хатни ўқишига берди.

Ойгул хатни ўқиб, шу пайтгача Санжар тўғрисида нотўғри фикрда юргани учун ўзидан хафа бўлди. Ойгулнинг виждони қийналаётганди. У хатни ўқиб бўлиб, Толибга Қараганда Толибнинг кўзларида умид учқунларини кўрди.

— Фақат илтимос, ҳаммаси ўз ҳолича қолиб турсин, мени тушундингизми? — деди Толиб хатни Ойгулнинг қўлидан олиб. Шу онда Ойгул дадасининг сўзларини эслади. «Қизим, ҳиссиётлар алдамчи бўлади», деганди. Санжарни қотил деб атаб гуноҳга ботишдан уни Толиб асраб қолганди.

— Салим ука, сенга минг раҳмат, гапларинг билан ҳаётта қайтардинг, бунинг учун сендан умрбод қарздорман. Энди биргаликда ишимизни давом эттирамиз, дўстим Санжарнинг орзу-умидларини рӯёбга чиқарамиз. Раҳмат, Салим. Раҳмат, Ойгул, қийин кунларимда ёнимда бўлганларингиз учун. Санжар тирик, у қайтади, албатта қайтади?

Толиб Соли ака билан янги режа асосида корхона ривожи учун иш бошлади. Корхонага тикувчилик фабрикаси очишни таклиф қилди. Фақат савдо билан узоққа бориб бўлмасди. Буни Соли ака ҳам яхши тушуниб, бу таклифга рози бўлди. Соли ака бир танишининг ишламай турган биносини сўраб беришини айтди.

— Соли ака, агар ўша бино фабрика қуришга мос бўлса, сотиб олганимиз маъқул. Чунки ишлаб чиқарадиган маҳсулотимизнинг тан нархи бизнинг чиқимларимизга боғлиқ, тўғрими? Агар ижара тўласак, маҳсулот қимматлашади. Мўмин ака, бинони сотиб олишга бизнинг имкониятимиз борми? — деб сўради Толиб Мўмин акага қараб.

Мўмин ака «Икки дўст» фирмасининг бош ҳисобчиси эди.

Мўмин аканинг Толиб билан танишиши ҳам ажойиб бўлганди. Мўмин ака шаҳардаги бир катта ташкилотда бош ҳисобчи бўлиб ишларди. Ўша пайтда корхона бошликлари фақат ўзларини ўйлайдиган, ишчи-хизматчилар билан ишлари бўлмай қолганди. Улар бирор янгилик қилишдан кўра корхона, завод, фабрикалардаги қўлга илинадиган нарсаларни сотиш илинжида бўлишди. Шу ва шунга ўхшаш ишлар натижасида Мўмин ака ҳам ишсиз бўлиб қолди. Ишсиз қолгандан кейин, ота-бобом деҳқон бўлганку, деб томорқага экин-тикин экиб, деҳқончиликни бошлаб юборди. Лекин ҳисобчиликдан орттирган меш қорни кетмон чопишга ғлақит берарди. Буйруқ бажариб ўрганган Мўмин ака нима қилишини билмай, анча қийналиб қолли. Қиша айиққа ўхшаб қишлиб, қимирамай сандалга орқасини товлаб ётарди. Эрта баҳорда кўчат сотишдан бошлаб, уйида ейишга арзидиган нима мева-чева бўлса, ўшаларни сотиш билан яна қишигача бозордан бери келмасди. Лекин шунча пайт бозорга қатнаб бир-икки марта ўзи савдо қилган холос, чунки уни бозор эшиги олдида шаҳарнинг учар деҳқонлари кутиб туришарди. Унга арzon-гаров пул бериб, ўзлари Мўмин ака қилолмайдиган фойда кўришарди. Тўғри, бир-икки марта мардлиги тутиб ўзим сотаман, деб кўрди, лекин қўлидан келмади. Чунки шаҳарлик деҳқонлар уни уришдан ҳам тойишмасди. Э, боре деб, бозор эшиги олдида сотиб юборишдан ўзга чораси қолмасди. Ўзига ўхшаган деҳқонлар

билин ароқдан аламини оларди. Шундай кунларнинг бирида уч-тўрт киши тўпланишиб, ресторанга боришиди. Мўмин ака бир тогора чиллаки узумнинг пулига ишониб, бойлардек маза қилиб ресторанда ўтиришиди. Лекин Мўмин аканинг сал кўзи илинганми, кайфи ошганми, у ўзига келганида официант йигит уч тогора чиллакининг пулини айтиб рўпарасида турарди. Улфатлар аллақачон кетиб бўлишганди. Эҳ, илгариги ҳисобчилик даври бўлганида, бир оғиз телефон қилганида уни бу ердан бир зумда еган нарсаларининг пулини тўлаб олиб кетишарди. Ҳозир кимга телефон қиласди? Хотинигами, ўғли бўлганида ҳам майли эди. Афсуски, ҳаммаси қиз бўлса. Официант айтган пул миқдорини эшитиб Мўмин аканинг яна кайфи ошиб кетди. Шунда бир йигит унинг жонига оро кирганди. Ўша йигитга нима дегани эсида йўқ-ку, лекин бош ҳисобчи бўлиб бир катта ташкилотда ишлаганини айтгани эсида. Мўмин ака уййда уйқудан уйғонди. Ҳеч нарса эсида йўқ эди. Қуёш тиккага келиб қолибди-ку, ҳар куни тонг саҳарлаб бозорга ҳайдайдиган хотини бугун нимагадир уни уйғотмабди. У ҳовлига чиққанида хотини вояга етиб қолган қизлари билан қозон бошида бир нималарни пиширишаётган эди. У ҳайрон бўлиб, нима дейишини билмай турганди, хотини:

— Турдингизми, дадаси? Худога оҳимиз етганга ўхшайди. Мана бу манзилга бораркансиз, мен гўшт қовуряпман, юз-қўлингизни ювинг, боринг дадаси, — деб унинг қўлига Толибнинг ташриф қофозини берди.

— Бу нима, қанақа «Икки дўст»? Тушунмадим, хотин.

— Э, юринг бир нарса кўрсатай, — деб Мўмин аканинг хотини уни омборхонага олиб кирди.

— Ахир, кеча биргаликда ўша йигит билан шуларни олиб келдингиз-ку. Эсингида йўқми?

Мўмин аканинг омбори ўша ҳисобчилик даврида қандай тўлган бўлса, ўшандай тўлиб қолганди. Ўша куни хотини ва қизларини ёнига олиб роса йиғлагани эсида. Толибга аниқ нималар деганини ҳозир ҳам эслолмайди. Лекин Толибни учратган кунни ҳозир ҳам оиласвий байрам

қилишади. Икки қизига тўй қилиб турмушга берди. Ўғли йўқлигидан афсус чекмайди, чунки унинг икки ўғли бор эди, бири Толиб, иккинчиси Санжар. Ўшандан бери «Икки дўст» фирмасининг молиявий ишларини юргизиб юрибди. Икки дўст унга ўзларига ишонгандай ишонишади.

— Тўғри, молиявий аҳволимиз бинони сотиб олишга етади, таъмир ишларини ҳам бир амаллармиз, лекин жиҳоз ва ускуналар учун банк ёрдам берса яхши бўларди, — деди Мўмин ака кредит олишни назарда тутиб.

— Ускуна ва жиҳозлар мендан Мўминжон, албатта, Толибжон қарши бўлмаса, — деди Соли ака.

— Мана иш битди, ишчиларни топиш мендан, — деди Толиб.

— Фақат у бино шаҳар четроғида жойлашган, қандай бўларкин? — деди Соли ака.

— Айни муддао, ҳамма нарса шаҳарнинг ўртасида бўлиши шартми? Чекка қишлоқда ҳам бекорчи одамлар кўп, қолаверса, давлатимизнинг сиёсати ҳам шуни тақозо этади. Қайтанга ишимиз тез битади, фақат танишингиз уни сотишга рози бўлса бўлди, — деди Толиб. У жуда хурсанд эди.

— Мўмин ака, уйингизнинг орқа томонига ўтганимда, бир узун илиб қуриб қўйилган бинога кўзим тушганди.

— Ҳа, у колхознинг товуқхонаси эди. Ҳозир бўш, билмадим ҳозир кимга қарашли, нимага сўраяпсиз?

— Агар биз тикувчилик фабрикаси очсан, ишчиларимиз кўпаяди, тўғрими, байрам ва бошқа бир тантаналар баҳоносида уларни ўзимиз гўшт билан таъминлаб турардик. Қолаверса, сут-қатиқ ҳам ўзимиздан чиқарди.

— Яхши ўйлабсиз ука, зўр иш бўларди, албатта, бугун суриштириб эртага сизга айтаман, — деди Мўмин ака Толибнинг таклифига қойил қолиб.

— Бугунга етади, биз Соли ака билан бинони кўриб келайлик, сиз Мўмин ака, ҳисоб-китобни қилинг, — деди Толиб ўрнидан туриб. Яхши ният билан бошланган иш бароридан келади, деб бежиз айтишмайди. Маҳаллий

ҳокимиятдагилар ва ўша ердаги одамларнинг ёрдами билан тикувчилик фабрикасини олти ой деганда ишга тушириши. Элликдан ортиқ иш ўрни яратилди. Тўғри, даромад унчалик яхши бўлмаса-да, биринчи қадам қўйилишининг ўзи катта ютуқ эди. Толиб учун Санжар ўлмаганди, у кечалари ота-онасининг суратлари ёнига Санжарнинг ҳам суратини қўйиб, ҳар кунги қылган ишларини уларга айтиб берарди. Бу айрилиқни Толиб иш билан енгарди. У кечқурун ҳам ишласам дерди. Шунинг учун тикувчилик фабрикасида ишни икки смена қилиб қўйди. Ҳеч ким кутиб олмайдиган уйига боргиси келмасди. Ойгул билан тез-тез учрашиб, у билан вақтини ўтказарди.

Кунлар бир зайдда ўтиб борарди. Толибнинг Ойгулда кўнгли бор эди. Унга бир ёрилай дердику, лекин айтишга ботина олмасди. Ҳар учрашганларида гап шу мавзуга келганида томоғига бир нарса тиқилгандай бўлиб, гапини тугата олмасди. Шу ҳақда ўйлаб ўтирганди, хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. У Салимга қўнғироқ қилиб, тез офисга етиб келишини айтди. Сал ўтмай Салим бир кўзини рўмолча билан тўсиб кириб келди.

— Ҳа, тинчликми? Кўзингга нима қилди?
— Ҳалиги... машинанинг эшигига уриб олдим, — деди Салим дудуқланиб.

— Майли, эҳтиёт бўлиш керак-да. Кетдик, Тўлқин аканинг ёнига борайлик, — деди Толиб ўрнидан туриб.

«Худога шукур, суриштирмадилар», деб хурсанд бўлди Салим. Толиб йўлда Тўлқин акага қўнғироқ қилиб кетаётганини айтди. Тўлқин ака ишхонаси олдида уларни кутиб олди.

— Ассалому алайкум Тўлқин Маҳмудович, мана келдик,
— деди Толиб Тўлқин акага кўзини қисиб.

— Қани ичкарига, хонага кирайлик-чи, — деб Салимни ҳам бошлади.

— Хўш, Толибжон, бу тағин нимаси, — деди Тўлқин ака ўрнига ўтириб.

— Тұлқин Маҳмудович, ўзингиз биласиз «Икки дүст» фирмасыннан бош ҳайдовчиси, қолаверса, яқында үйланаман деб турған бұлса, маҳалладагиларнан гүз олдида милиция машинасида олиб келманглар, деб ўзим олиб келдім, ахир ақа ўзингиз ҳам Салимжонни яхши танийсиз-ку, — деди Толиб Тұлқин акага ялинганнамо бўлиб. Салим ўзи ҳақида гап кетаётганини билиб дарров ўзига келди ва:

— Ақа, ҳеч гап бўлғани йўқ, машина эшигига кўзимни уриб олдим, холос, — деди ҳовлиқиб.

— Толибжон, майли, сизнинг ҳурматингиз бор, биринчи кун шу ерда ётиб турсин, кейин бирор нарса ўйлаб топармиз, — деди Тұлқин ақа ҳам бўш келмай, — Навбатчи! — деб бақириб қўшиб қўйди Тұлқин ақа кулиб юбормаслик учун.

— Толиб ақа, Тұлқин ақа, навбатчининг кераги йўқ, бўлди, айтаман, уларнинг ўзидан ўтди, биз Севара билан, — деган эди ҳамки хонани кулгу босиб кетди.

— Шундай қилмаганимда айтмасди-да, бор Салим, машинада кутиб тур, ҳозир чиқаман, узр Тұлқин ақа, сизнинг ҳам вақтингизни олдим.

— Ҳеч қиси йўқ, Толибжон, маза қилдим. Айниқса, менинг ишимда кулиш қийин, кам куламиз. Лекин тез-тез кулиб туриш керак, ука, хўш, нима хизмат, — деди ўзини кулгудан тўхтатиб Тұлқин ақа.

— Ақа, бир оталик қилсангиз, деб келгандим. Ойгулни танийсиз, шу хонада танишганмиз, шунга ҳам икки йил бўлиб қоляпти. Ўшандан бери биргамиз, шунга ҳалиги, унинг дадасини сиз яхши танийсиз, ҳалиги уни... уни... Ойгулни дейман-да севаман, шекилли, — деб Толиб қизариб кетди, — Ҳалиги, сувингиз йўқми? — деди оғзи қуруқшаб кетиб.

— Сувим йўқ, лекин бундай пайтда нима ичиш кераклигини биламан. Тұлқин ақа, шкафдан конъяк олиб, рюмкага куйиб Толибга узатди.

— Раҳмат ака, бу гапни ичимда минг марта тақрорлаб, тайёргарлик қилиб Ойгулнинг олдига бораман-да, — деб конъякни аранг томоғидан ўтказди ва Тўлқин акага қараб, — мана бу ютуми чатоқ, конъягингизга ўхшаб томоғимга тиқилиб қолиб, ташқарига чиқмайди — деб кулиб юборди Толиб.

— Яхши айтдингиз, ҳали ўзим ҳам ичмагандим, қандайлигини билиш учун сизга қуйгандим, энди ичмайман, — деб Тўлқин aka ҳам маза қилиб кулиб олди.

— Бу ишни яхши ўйлабсиз Толибжон, лекин Ойгул нима дейди?

— Ойгул менга бефарқ эмасга ўхшайди. Ойгул ҳақида отасидан эшитганларим бор ва қолаверса, у тўғрисида ёмон гап эшитишни хоҳламасдим.

— Толибжон, сизга уни ёмон, дедимми? Билдим, уни севишингизни, лекин Ойгул эрга тегармикан демоқчийдим, холос. Сабаби Мели aka Ойгулни ёлғиз вояга етказди. Унга ҳам она, ҳам ота бўлди. Ойгулнинг онаси у бир ёшга тўлгандами, аниқ эсимда йўқ, ташлаб кетган. Ойгулга бўлса онанг ўлиб қолган, деб айтишган. Мели aka қайтиб уйланмади. Ойгул институтга ўқишига кирганда, уни унаштиришди. Бўлажак куёв ўша институтни битириш арафасида бўлган. Тўй куни фожиа юз бериб, куёвнинг соппа-соғ онаси ўлиб қолади. Куёвтўра онасининг ўлимиди Ойгулни айблаб, оёғинг ёқмади, деб тўй столидан ҳайдаб солади. Ойгулга бу ҳодиса жуда ёмон таъсир қилган. Мели аканинг гапига қараганда, Ойгул турмушга чиқмайман, деб ўзига-ўзи сўз берган эмиш.

Мана шунаقا гаплар, бу гаплардан хабарингиз бор, деб ўйлабман, — деди конъякдан иккита рюмкага қуйиб. — Олдик, қанчадан-қанча дардларни ичимишни ютамиш, уларнинг олдида бу конъякнинг ютуми нима бўлибди, — деб қўшиб қўйди Тўлқин aka.

— Ҳа, ўша иримчи куёв ҳозир шахримизнинг нуфузли идораларидан бирида ишлайди, ўйлангани йўқ. Чунки

қизлар тегмаса керак унга, улар ҳам бошларига Ойгулнинг куни тушмасин, дейишади-да.

— Раҳмат, Тўлқин ака, сизнинг олдингизга келиб яхши қилибман. Энди бу масалага бошқача ёндашаман. Хотиржам бўлдим.

Қадрдонлар самимий хайрлашишди.

Толибнинг Ойгулга бўлган севгиси янада ёрқинлашди. У ҳозироқ Ойгулни кўргиси келарди. Шунча дардни елкасида кўтариб юрган бу қизга янада ҳурмати ошди. «Бундай қизлар бахтли бўлиши керак», деб хаёлидан ўтказди Толиб. Ёнида эса ўнг кўзини кўкартириб Салим машина ҳайдаб кетарди.

— Салим, ана шу магазинда тўхтат, — деди Толибнинг кулгуси қистаб. У магазиндан битта қора кўзойнак олиб чиқиб Салимга узатди.

— Мана буни тақиб ол, лекин йўқотма, бу кетишингда кўзойнак сенга кўп керак бўладиган кўринади, — деб ўзини тўхтата олмай куларди Толиб, — Салим, наҳотки қамаб кўйишади, деб ўйладинг.

— Ҳа-да, мен анави иккитаси арз қилибди деб ўйлабман, қолаверса, Толиб ака, чинингизни ҳам, ҳазилингизни ҳам тушуммай ўтиб кетаман шекилли, шунинг учун ҳамма гапингизга ишониб қўя қоламан. Санжар аканинг ҳар қандай ҳазилини тушуниб олардим.

Бу гапдан Салимга ҳам Санжарнинг ўрни билинаётгани сезилиб турарди. «Санжар, дўстим! Қаердасан, ишончим комил, сен тириксан, келақол энди. Жуда соғинтирдингку, дўстим».

Толиб дўсти Санжарсиз яшаётганига ҳам икки йил бўлиб қолди. Толиб Санжарни ҳар куни кутарди. Ҳудди ҳозир зшик очилади-ю, у кириб келадигандай хаёл билан яшарди.

У Соли ака билан «Икки дўст» фирмасини бошқариб турарди. Фирма гуллагандан гулларди. Фирма кенгайиб, тикувчилик фабрикаси янада кенгайтирилди, қўшимча тарзда мебел фабрикаси ҳам очилди. Ўзларида чиққан маҳсулотларни хусусий дўконларида ва бутун Ўзбекистон

бўйлаб сотишарди. Ҳатто чет элга экспортбоп ҳар хил кийимлар тикишни олдига мақсад қилиб қўйганди. Толиб ҳар хил хайрия кечалари ташкил қилиб, хайри эҳсон қилишдан чарчамасди. Санжарнинг оиласидан ҳам хабар олиб турарди. Наргизанинг ўғли ҳам икки ёшга қараб кетаётганди. Наргиза Санжарнинг айтганини қилиб унга Толиб деб исм қўйганди. Санжарнинг онаси Фарида опа ўғлининг гиёхванд бўлиб, бошига тушган ҳамма балоларга ўзини айбдор деб, ўша қизни Санжарнинг олдига олиб борган кунни лаънатлаб яшарди. У сиқилавериб касалванд бўлиб қолди. Унинг орқасидан опа-опа қилиб юрган хешлари дом-дараксиз йўқолиб кетишганди. Фарида опа ҳайҳотдек уйда ёлғиз қолганди. У бир куни ўйлаб ўтириб бирор мискинга яхшилик қилганини эслай олмади. Ҳатто ўғли Санжарнинг ўшлигини ҳам эслолмади. Эрига-ку пул ишлаб чиқарадиган аппаратдек қараган экан. Охирги марта Санжар уйдан чиқиб кетаётганда, келини Наргизани уйига ташлаб келиб, унга гапирган гапларини ёдига олди.

— Сиз менинг онамсиз, берган оқ сутингизни оқлашим учун бутун умрим ҳам етмайди. Аnavи, орқангиздан опа деб югуриб юрган дугоналарингиз пулингизни хурмат қилишади, холос. Лекин қўни-қўшни ва бошқа маҳалламиздагилар сизни қўшни, маҳалладош сифатида хурмат қилишади. Агар бошингизга иш тушса, ўша сиз яхшилик қилиб юрган, пул учун ўз онасини унутиб, сизни она деб юрганлар кор келмайди. Биринчи бўлиб қўни-қўшни, маҳалла-кўй ёрдамга келади. Корингизга ярайди. Мана тўй қилдингиз, яна шу қўни-қўшни жонингизга оро кирди. Тўйдаги барча хизматни маҳалламиздагилар қилишди. Аnavи пул урган, тиллага бурканган ўртоқларингиз тайёрга келиб еб-ичиб кетишди. Бирор нарса кўтариб келишган бўлса, миннатли, сиздан қайтишини билишади. Пулингиз бўла туриб, қўшнилар пул сўраса бермайсиз. Лекин ўша пулдор дугоналарингизга икки қўллаб берасиз. Ҳатто эшик олдига чиқсангиз ҳам тиллага бурканиб чиқасиз. Онажон, бой-бадавлат бўлиш яхши, лекин ҳамма нарсанинг меъёри

бор. Анави ён кўшнимизнинг икки қизи кетма-кет бўйига етиб келаяпти, нариги қўшнимизнинг ўғиллари уйланиши керак. Улар қандай тўй қиласканман, деб юрганларида сизнинг тиллага кўмилиб ўзингизни кўз-кўз қилишингиз, менимча, ўринли эмас, онажон. Ахир сиз аёлсиз, онажон ҳали ҳам кеч эмас, эсингизни йифинг, қўни-қўшнидан хабар олинг, ана шу бир жуфт узугингизнинг пулига бир қизнинг сарпосини олса бўлади. Вақт ғанимат онажон, яхшилик ва эзгуликнинг эрта-кечи йўқ. Толибнинг онасининг ўлимига фақат сиз ачинмадингиз, холос. Лекин Мехри опа охирати учун қўп ишларни қилди. У қилган яхшиликларидан ҳайкал қуриб кетди. Барча ёшу-қари азада бўлган пайтда сиз меҳмондорчиликдан бўшамадингиз. Ахир, ўша аёл дўстимнинг онаси эди. Сизга йўл кўрсатишга ҳаққим йўқ, лекин сиз тушунган инсонсиз. Гапларим оғир ботган бўлса, узр сўрайман.

Санжарнинг бу сўzlарини эслаб Фарида опа кўп йиғлади. «Ҳа, эзгуликнинг эрта-кечи йўқ, — деб тақрорлади Фарида опа. — Эртага эрталаб туриб, қўшниларникига чиқаман, бир чеккадан ўғлим айтган ишларни қилишни бошлайман». У бисотидан бир қанча тилла-тақинчоқ ва қимматбэҳо матоларни олиб, тугун-тугун қилиб тайёрлаб қўйди. Ҳа, эрталаб аյшатта, буларни қўшниларга тарқатаман, деб ўзига сўз берди. Аммо унинг ўз-ўзига берган сўзи сўзлигича Қолди...

Соли ака ишдан эртароқ қайтган куни ичкаридан сувнинг шариллаган овозини эшилди. Ваннахонанинг эшигини очганида, у ерда пешонаси ва юзи қонга бўялган Фарида опанинг жонсиз жасади ётганини кўрди...

Соли ака хотинининг хонасига кирганида иккита катта-катта тутун ва бир ҳовуч тилла-тақинчоқлар эзгу ишлар учун тайёр қилиб қўйилганди. Фарида опанинг азасида маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар қатнашишди. Лекин унинг дугоналаридан, укахонларидан дарак ҳам бўлмади. Энди уларга Фариданинг кераги йўқ эди. Чунки ундан энди наф

йўқ эди. Лекин улар ҳам опалари сингари ҳеч нарсага улгурмай қолишлигини тушунишмайди.

Соли акани хотини Фарида опанинг бевақт ўлими эсанкиратиб қўйди. Яқин инсоннинг вафот этганидан кейин унинг барча ёмонликлари унутилиб, фақат яхши хислатларини эслар экан киши. «Фарида ҳам яхши хотин эди, бир пайтлар уларнинг ҳам яхши кунлари бўлган-ку. Санжардек ўғил туғиб берган бўлса».

Соли ака ёмон хотиралар ичидан бир-икки яхши кунларни эслаб, кўзига ёш олиб, ҳувиллаган ҳовлида якка ўзи нима қиласини билмай ўтирганди, эшик очилиб Толиб билан Севара кириб келишди.

— Ассалому алайкум Соли ака, ишни ташладингизми, дейман. Бундай ўтираверсангиз, ўзингизни еб қўясиз, — деди Толиб ачиниб.

— Дада, ҳаёт давом этади, яна қасал бўлиб қолманг, — деди Севара дадасини қулоқлаб.

— Соли ака, опанинг ўтганларига ҳам анча бўлиб қолди. Энди ишхонага бориб турсангиз, сал иш билан бўлиб чалғирмидингиз.

— Ҳа, тўғри айтасан ўғлим, эртадан ишга чиқарман, аслида мени нафақага чиқарсанг ҳам бўларди.

— Албатта чиқасиз нафақага, фақат ҳозир эмас, Санжар келсин, ҳозирча ишлаб туринг, — деди Толиб.

— Санжар дегин, сен ҳалиям уни ўлмаган деб ўйлайсанми?

— Ҳа, бунга асосим бор, мана кўринг, — деб чўнтагидан соатни олиб кўрсатди ва бор гапни Соли акага бошидан айтиб берди. Толиб бу сирни айтиб Соли акада умид учқунини ёқмоқчи эди. Лекин Соли ака Санжарнинг ўлмаганига ишонмади. Чунки орадан анча вақт ўтди. Бирор дараги чиқиши керак эди-ку, деб ўйларди. Толибни ранжитмаслик учун ўзини ишонгандай, Санжарнинг қайтишини кутадигандай қилиб кўрсатди. Лекин бу гапларни эшитиб Севаранинг юрагида умид учқунлари уйғонди.

Санжар ўзига келганды бир ўтов ичиди ётганди. У ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин ҳамма ёғи зирқираб оғриди.

— Ҳа, ука, ўзингизга келдингизми? — деб ёши элликларни қоралаган, икки юзи қип-қизил киши қўлидаги шишадан пиёлага суюқликдан қўйиб узатди. — Ичинг ука, бу дори.

— Ака мен қаердаман? Бу ерга қандай келиб қолдим?

— Бу ерга ука, сизни ўғлим олиб келди. У сизни анави орқа томонимиздаги тоғ орқасидаги тошлоқ йўлдан топибди. Келганингизда ахволингиз оғир эди. Елкангизни ўрнига солиши қийин бўлмади, лекин оёғингиз очиқ синган, тузалиши сал қийин кечади, шекилли. Чунки сизга ўҳшаганларнинг яраси кеч битади. Мана бу омонатингиз, ёнингиздан чиқди — деб кичкина салафандаги заҳри қотилни кўрсатди. — Мана бу пулларингиз, — деб икки почка доллар ва озроқ сўмни берди.

— Энди қолган гапларни кейин гаплашамиз, сиз кўпроқ ухлашингиз керак, оёғингизни тахтакачлаб қўйдим. Яъни гипс дегани, сиз бемалол дамингизни олинг, ўтовимиз кичик бўлса ҳам юрагимиз кенг, — деб ўтовдан чиқиб кетди.

Санжар ҳеч нарсани эслай олмасди. Бирор нарсани эслашни истаса боши қаттиқ оғриди.

Маҳкам ака ўрта бўйли, тўладан келган, қошлари қора, оғзи тўла тилла тишли, оқ-сариқдан келган жиддийроқ киши эди. У ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрганлигини ҳорғин юзидан англаб олса бўларди. Маҳкам аканинг бу тоғларга кўчиб келганига ҳам ўн йилдан ошиб қолди.

Санжар кечалари қийналиб инграб чиқарди. Боши ёрилиб кетадигандай қаттиқ оғриди. Баъзида ўлимига ҳам рози бўлиб кетарди. У шу ахволда беш-олти кун ётди. Лекин Маҳкам ака унинг бу ахволига парво қилмай, унга турлн гиёҳлардан тайёрланган дориларни берарди. Санжар астасекин ахволи яхши томонга ўзгараётганини сезди.

Елкасидаги оғриқ умуман йўқолди. Юзларининг шиши қайтди, оёғида ҳам унча оғриқ сезилмасди. Аҳён-аҳёнда бошининг оғриб туришини ҳисобга олмагандан анча ўзига келиб, бир-икки қошиқ овқат ҳам томогидан ўтадиган бўлиб қолди. Унинг хотираси ҳам аста тиклана бошлаганди. Маҳкам ака жирканмай, унга идиш тутиб парвариш қиласарди. Аста-секин ўрнидан турадиган бўлиб қолди. Унга қўлбола қўлтиқтаётқ ҳам ясад беришди. Бу ерга келганига икки ойга яқинлашиб қолган бўлса-да, Маҳкам ака ундан кимлигини, ҳатто исмини ҳам сўрагани йўқ. Кунларнинг бирида гулхан атрофида ўтиришганда, Санжарнинг ўзи гап бошлади.

— Маҳкам ака, исмингизни ҳам ўғлингиздан сурнштириб билиб олдим. Сиз бўлса мендан кимлигимни ҳам сўрамадингиз.

— Ҳа, сиз ўша куни менинг меҳмоним эдингиз. Қолаверса, парваришга муҳтоҷ бир бемор эдингиз! Мана энди ўзингиз кимлигигизни айтиб бераверасиз. Аммо сиз учун ким яхши, ким ёмонлигини ҳар куни уйқунгизда алжираф гапириб турибсиз, — деб мийифида кулиб қўйди Маҳкам ака ёниб турган гулханга ўтин ташлар экан.

— Демак, исмимни билар экансиз-да.

— Йўқ, исмингизни-ку билмадим, лекин ҳар куни уйқингизда тинмасдан Мехри онадан, Толибдан кечирим сўрайсиз.

Санжар ёниб турган оловга тикилганча, чуқур ўйга чўмиб қолди.

— Хўш ука, исмингизни айтасизми? — деди Маҳкам ака Санжарнинг хаёlinи бузиб.

— Менинг исмим Санжар, Толиб эса менинг дўстим. Мехри она дўстимнинг онаси эдилар. Мен бир аглаҳ, нонкўр одамман, ўз дўстининг онасини ўлдирган, тўғрироғи, у кишининг ўлимига сабабчи бўлган, бир ношуд дўстман, — деб бир бошдан ҳамма бўлган воқеаларни айтиб берди. У шундай гапирав эдики, сўларининг ўртасида фақат ўзини лаънатларди. У бошига тушган бу кулфатда

фақат ўзини айбдор деб биларди. Санжар құллари билан юзини беркитиб ўксиниб йиғларди. У анча йиғлаб, сал юрагини бўшатиб олгач гапини давом эттирди.

— Ака, мен бу гапларни сизга айтиб, ўзимни оқламоқчи эмасман. Мени қийнаётган нарса бошқа. Биласизми, мен дўстимни ёғиз, меҳрибон онасидан маҳрум қилдим. Боз устига, у бўйнига туҳмат тошини осиб қамоқقا кирди. Лекин у мен абллаҳга бир оғиз ҳам ёмон сўз айтмади. Менга бўлган муносабатини заррача ҳам ўзгартирмади. Биз иккимизнинг ўша разил Неъматга қарши ҳеч қандай далил-исботимиз йўқ эди. Шунинг учун ҳам милицияга бор ҳақиқатни айттолмасдик. Мен ҳаммасини бўйнимга олиб қамалишга рози эдим, лекин бунга Толиб қатъий қарши чиқди. «Бўйнингга олган кунинг мен ўзимни ўлдираман», деди. Бу гапни у шунчаки айтмаганди. Уни мен жуда яхши билганим учун сўзига кирдим. Менда биргина йўл бор эди, у ҳам бўлса ўзимни ўлдириш, чунки менинг ўлимим Толибни туҳматдан қутқаарди. Қотилликдаги барча гумонларни ўзимга қаратиш учун маҳалламиз одамлари ёллаган адвокат қиздан фойдаланмоқчи бўлдим. Унга ўзимни жоҳил, ёмон инсон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилдим. У қизнинг исми Ойгул эди. Билмадим, бунинг улдасидан чиқдимми-йўқми, лекин учинчи учрашувимииздан сўнг у менга нафрат кўзи билан қарашни боғлади. Ойгул Толибни оқлаб, қамоқдан олиб чиқишига аниқ ишонардим. Чунки у Меҳри онанинг ўлимида мендан гумон қила бошлаганди. Энди менга ўзимни қачон ва қаерда, қандай қилиб ўлдиришимни режалаشتариш қолганди, холос. Аммо мени яна бир нарса қийнарди. Дўстим оқланиб чиқди ҳам, мен ўлиб ҳам кетдим, лекин анави разиллар яна разилликларини давом эттириб юришаверадими, деган ташвиш юрагимни ўртарди. Худога нолам етдими ёки Меҳри она у ёқдан туриб ёрдам бердиларми, ўша ифлос Неъмат менга ўзи кўнғироқ қилиб қолди. Мен ўша куниёқ уни ҳам у дунёга ўзим билан олиб кетиш режасини туздим. Бу одам қиёфасидаги иблисларни

бир марта эмас, ўн марта ўлдирсам ҳам дўстим олдидағи тұнохимни юволмасдим, лекин менинг күзимга бундан ўзға йўл кўринмасди. Неъматни бир нарса қизиқтиарди, у ҳам бўлса пул. Қарзимни беришни ва яна оғу бўлса олишимни айтиб, уни довондаги бир чеккароқ ошхонада учрашишга кўндирадим.

Санжар келишилган жойга етиб келганида оқшом пайти эди. У ошхона ичкарисига кирганда, бу оғуга ўрганишига сабабчи бўлган, аёл боши билан разолат ботқоғига ботган, онаси таништирган ўша қиз бир четдаги столлардан бирида ўтиради. У Санжар билан худди тасодифан учрашиб қолгандай сўраши.

— Санжар ака, бормисиз, жуда ўзгариб кетибсиз, — деб ўзи ўтирган столга таклиф қилди.

— Сиз ўзгармабсиз, ўша-ўшасиз, — деди Санжар. Агар бошқа пайт учрашганида у билан сўрашиб ҳам ўтирмай жилмайиб турган башарасини бежаб қўйган бўларди.

Неъмат жуда айёр эди. У бу қизни учрашувга атайин жўнатганди. Санжар орқасидан одам илаштириб келиши мумкин, деб эҳтиёт чорасини кўрганди. Агар хусумати бўлса шу қиз орқали билиб оламан, деб ўйлаганди. Санжар ҳам ҳаммасини тушуниб, бу аёл билан ҳеч нарса бўлмагандай сухбатлашарди.

— Нега индамай йўқолиб қолдингиз ўшанда? — деб сўради Санжар.

— Ҳа, нима, мени соғиндингизми?

— Соғиндим десам ишонмаслигингиз мумкин, лекин сиз билан ўтказган кечаларни ҳозир ҳам қўмсайман, ҳеч кимни сизга ўхшата олмадим, сиз бошқачасиз барибир.

— О... жуда хушомадга устасиз-да, аёл кишининг кўнглини эритишни яхши биласиз.

— Мен бошқа нарсаларга ҳам устаман ёки эсингиздан чиқдими? Ҳаммаси ёдингиздан чиқиб кетганига ишонмайман, — деди Санжар хушомадни ўрнига қўйиб.

Аслида унинг исми ёдида йўқ эди. Лекин бу маккора аёлнинг дилидаги ниятини фақат шу йўл билангина билиб олиш мумкин эди. Бундай ёлғон хушомадлар қандайин жирканч эканлигини Санжар биринчи бор ўзида ҳис қилаёттанди.

— Демак, мени ёдингиздан чиқармабсиз-да, ишондим Санжар ака, ўшанда индамай кетишимига баъзи бир сабаблар бор эди. Лекин сиздек йигитнинг қадрига етмаганимга мен ҳам ачинаман. Агар кетмаганимда мени хотинликка олармидингиз? Фақат тўғрисини айтинг, — деди у маккорона қараб.

— Тўғрисини айтайми, йўқ. Чунки жоним ўзимга керак, ахир сизнинг хушторингиз мени ўлдириб қўйиши мумкин эди-да, — деди Санжар ҳазиллашган бўлиб.

— Менинг хушторимни ҳам биламан, дерсиз.

— Ҳа биламан, келинг яхшиси, гапни кўпайтирмайлик. Неъмат ака ўзи қани, менинг ишим зарур, кетишими керак, — деди Санжар бу бемаъни суҳбатдан зерикиб, — Мана бу қарзим, буниси янги мол учун, етмаса машинани ҳам беришим мумкин, — деб чўнтағидан икки пачка юзталик долларни стол устига ташлади.

Шу пайт ошхонага Неъмат билан бир нотаниш одам кириб келди ва улар ўтирган столга ўтиришди.

— Яхшимисиз Санжарбек, яхши юрибсизми, — деб Неъмат қўлини узатди. Санжар улар билан сўрашиб стол устидаги пулларни қайтариб чўнтағига солди.

— Неъмат ака, қарзим учун машинамни бераман, янги молга эса нақд тўлайман, маъқулми?

— Майли, сиз нима десангиз шу-да, лекин мол ёнимда эмас, сиз пулни Динарахонга беринг, мен сиз билан шу сўда ўтириб турамиз. Улар мана бу йигит билан бир жойга ўтиб келишади, кейин. — Неъматнинг гапи оғзида қолди.

— Ака, мен турай, узр, келишолмас эканмиз, машина сизга қолди, — деб Санжар ўрнидан туришга чоғланди.

— Санжарбек, нима, менга ишонмаяпсизми?

Хоҳласангиз биргаликда ўтиб келамиз, кейин биз ўзимиз айтган жойингизга ташлаб қўямиз.

— Бу бошқа гап, мен пул ишида ҳеч кимга ишонмайман. Кетдик, қаерга бориш керак, — деб Санжар ўрнидан турди. Улар ошхонадан чиқишигандан Неъматнинг шотири Аҳмад машина олдида турганди. Санжар унга калитни отиб:

— Олинг Аҳмад ака, машина энди сизларники, ҳайданг, — деб Санжар машинанинг олд ўриндиғига ўтириди. Неъмат ва Динара эса орқа ўриндиққа ўтиришди. Неъмат билан бирга келган йигит ўша ерда қолди. Улар катта йўлдан озгина юриб бир хилват кўча томон бурилишди. Улар анча ичкарилаб кетишли. Бу йўлда бошқа машина кўринмасди. Йўлнинг бир томони тик жарлик. Санжар учун бу айни муддао эди.

Неъмат оғуфуруш ҳамтовоқлари билан ҳам нимадир бўлиб келишолмай қолганди. Шунинг учун у вақтинчалик Ўзбекистондан чиқиб кетишини режалаштирганди. У учрашувга келишдан олдин ҳаммасини ўйлаб қўйганди. Унинг нияти Санжарнинг пулини олиб, ўзини шу тоғга ташлаб бўриларга ем қилдириш эди. Аммо ўзи ва гумашталари ҳатто бўрилар учун ҳам ем бўлмай ёниб кул бўлиб кетишини у хаёлига ҳам келтирмаганди. Уларнинг қулоқларига кирган охирги сўз Санжарнинг:

— Худо, ўзинг кечир мени, Мехри она, қотилларингизни кутиб олинг, — дегани бўлди. Санжар рулни ўзи томон тортиб бурганди, машина жарга қараб олди билан учиб туша бошлади. Манфурлар нима бўлаётганини ҳам англай олмай қолганди. Машина ҳавода анча учиб тушганида бир харсанг тошга урилди. Санжар машинанинг олди ойнасидан отилиб чиқиб кетди. Машина ўша ерга худди найзадек санчилиб қолди. Аҳмад рулга қисилганча жони узилди. Неъмат ва Динара ҳам ўриндиқлар орасига белларидан қисилиб қолишиганди. Бакдан оқаётган ёқилғи устиларига оқарди. Улар тирик эди. Лекин ўзларига тобут бўлган бу машинадан минг уринишмасин чиқиб кета олмасдилар. Бирдан машина ёна бошлади. Улар туноҳга

ботган таналарининг жизғанак бўлиб ёнаётганини ҳис қилишарди. Инграган бўғиқ овозларини ўзлари эшитишарди, холос. Ҳатто, Азроил ҳам уларнинг жонини олишта шошилмасди гўё...

Санжар қаттиқ оғриқдан ўзига келганида тонг ёришиб қолганди. Машина ёниб кул бўлганди. Ёрилган бошидан оққан қон юзларига тегиб қотиб қолганди. Ўнг қўлини қимирлата олмасди, ўнг оёғи ҳам пастки сонидан синганди. Атрофда одам зоти кўринмасди. Пастга қараб судралиб-судралиб туша бошлади. У пастда кўриниб турган, чўпонлар отарларини ҳайдаб ўтадиган йўлга қараб судралиб борарди. Ўша йўлга яқинлашиб қолганида кўз олди қоронғилашиб хушидан кетди.

— Маҳкам ака, мен уларнинг ўлигини кўрсам, кўнглим таскин топади, деб ўйлагандим. Аммо бундай бўлмади. Виждон азобидан қутуларман, ўзимни енгил ҳис қиларман деб ўйлардим, лекин ўзимда қониқиш ҳиссини сезмадим. Бу бошимга тушган мусибат юрагимга умрбод тамға бўлиб босилганга ўхшайди.

— Кўп сиқилманг ука, бу тақдир, бунда сизнинг айбингиз йўқ. Ҳар бир инсон боласи дунёга келганда, унинг қисмати пешонасига ёзиб қўйилган бўлади, дейилади. Бундан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Ўша разиллар ўлиб, сизнинг тирик қолишингиз Худонинг сизга берган инояти. Сизга балки Худо яна бир имконият бергандир. Энди кириб ётинг, совуқ тушиб қолди. Қолганини эртага яна бафуржа гаплашамиз.

— Раҳмат, Маҳкам ака, сизга ҳам ташвиш бўлдим, мени кечиринг, — деб ўрнидан турди Санжар.

— Мен сизга ёрдамлашаман, — деди Маҳкам аканинг ўғли Отабек елкасини тутиб.

Санжар унинг елкасига қўлини қўйиб биргаликда ўтовга киришди. Отабек унинг ўтиришига ёрдам қилиб, ўзи ҳар

куни эрта тонгда туриб қайгадир бориб, олиб келадиган шишадаги доридан қуиб узатди.

— Ичинг ака, — деди унга меҳр билан қараб. — Ака, бир нарса айтсам, майлими?

— Майли, bemalol, — деди у берган дорини ичиб.

— Мен сизни топиб олганимнинг эртаси куни ўша ерга бордим. Лекин у ерда машина кўринмаганди, ўша йўлнинг тепасида яна бир эски йўл бор эди. Ўша томонга айланма йўл билан ўтганимда, бир қирғиз танишимдан кўп нарса эшитиб қайтдим. Машина батамом ёниб кетибди. Милиция ходимлари машинангизни туман ДАН постига олиб кетишиб, унинг ичидан уч кишининг куиб кетган мурдасини касалхонанинг ўликхонасига топширишибди. Келиб ҳамма гапни дадамга айтгандим, бориб суриштириб келишимни айтдилар. Бориб суриштиrsam, машина рулидаги мурдани шаҳардан келган одамлар олиб кетишибди. Билишимча, улардан бири «Бу менинг ўғлим эди», деган эмиш.

— Демак, айтмоқчисизки, ўша киши менинг дадамлар, тўғрими?

— Хўп десангиз, эртага ўйимизга кетаяпман, бир-икки кунда қайтаман, синглимнинг мактаби бошланади, уни онамнинг уйларига ташлаб келишим керак, манзилингизни айтсангиз, ҳаммасини суриштириб билиб келаман.

— Яхши бўларди, лекин ҳеч ким ҳеч нарса билмаслиги керак. Чунки менинг уйга қайтгим йўқ. Мен мана бу иллатдан қутулсангина уйга қайтишимни ўйлаб кўраман. Агар...

— Ака, хавотир олманг, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Иллатингизга келсак, мана икки ой бўляпти, ҳали бирор марта ҳам истеъмол қилмадингиз-ку, сиз дадамга ишонинг, у киши кўпчиликни тузатганлар, — деди Отабек қатъийлик билан. Отабекка тоғ ҳавоси ёққаниданми, жуда ўзини енгил-эркин тутарди. У жуда говдали, билаклари бўртиб чиққан, елкалари кенг, ҳақиқий улоқчи йигитларга ўхшарди.

— Ука, улоқ ҳам чопиб турасизми? — деди Санжар қизиқиб.

— Э-йўқ, ака, ҳозир бизда улоқчи от йўқ. Мен институтимизда кураш тўгарагига қатнашардим. Ўзбек кураши бўйича институт чемпиони эдим. Улоққа келсак, бирорнинг отида улоқ чопишни ёқтирумайман. Лекин бир-иккита зоти тоза ҳақиқий от олиб боқиш ниятим йўқ эмас. Ҳар йили улоқ бўлганда дадам совринга битта соғин сигир кўядилар. Мен дадам билан яшаётганимга икки йилдан ошиб қолди. У кишининг ёнига келишим осон бўлмади. Биласизми, Санжар ака, қолган умримни уларга баҳшида қилсан ҳам дадамга қилган ноҳақлигим учун ўзимни кечира олмайман...

Бирдан Санжарнинг дарди қўзиб қолди. Санжарни титроқ босиб, суяклари қақшаб оғирди, баданида қандайдир тошма пайдо бўлиб қичишаради. У гужанак бўлиб инграшни бошлади. Отабекнинг якка ўзи уни боғлашга кучи етмасди. Санжар ҳам ўзига ўхшаган жуда бақувват эди. У юргурганча ўтовдан чиқиб дадасини бошлаб кирди. Улар бир амаллаб Санжарнинг оёқ-қўлини боғлашди. Мана икки ойдирки шу йўсинда уни оғу исканжасидан қутқаришга ҳаракат қилишарди. Унга мажбуран турли гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни ичириб, баданидаги тошмаларни ҳам ўша дамламаларда артиб туришарди. Санжар инграй-инграй чарчаб ухлаб қоларди. У эртасига шундай аҳволга тушганини эслай олмасди. Ота-бала ҳам унга ломмим дейишмасди. У билан ҳеч нарса бўлмагандай гаплашаверардилар.

Отабек эртаси куни синглисими олиб шаҳарга тушиб кетди. У тўрт кундан сўнг қайтиб, Санжарга кўп хабарлар олиб келди.

— Демак, мен улар учун ўлибман-да, — деди Санжар оғир уф тортиб.

— Ҳаммалари соғ-саломат юришибди экан. Дўстингиз озгина вақт ўзларини ёмон ҳис қилибди. Лекин ҳозир батамом ишга қайтиб, яхши юрибдилар экан.

— Биласизми, Отабек. Ҳаммадан ачинарлиси шуки, мен үзим учун Мехри онанинг ёнига қабр ковлатиб қўйгандим. Ўша қабрда анави абллаҳ Аҳмад ётгани менинг ғазабимни келтирияпти.

Отабек шаҳардан Санжар ҳақида жуда илиқ гапларни эшишиб қайтганди. Уни бирор инсон, хоҳ катта, хоҳ кичик ёмон демаганди. Унинг ўлимини маҳалласидагилар катта фожиадек қабул қилишганди.

— Бир томондан Санжар ака, сизга ҳавасим келади. Чунки ҳар қандай одам тириклигига шундай самимий сўзларни ҳар доим ҳам эшишавермайди, — деб кулиб қўйди Отабек.

— Ҳа, шундай, лекин эзгулик йўлига киришимга ўша Толиб дўстимнинг ҳиссаси катта, агар унинг айтганларини қилмаганимда, балки одамлар қутулганимизга шукр, дейишаётган бўлармиди, — деб Санжар ҳам кулиб қўйди.

Санжар қандай инсонлигини ўғлидан эшишган Маҳкам аканинг унга бўлган меҳри янада ошганди. Маҳкам ака у тузалиб оёққа тургандан сўнг милицияга хабар бермоқчи эди, лекин энди бу фикридан қайтди. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин, кейин нима бўлишини вақт кўрсатади, деб уни ўз ўғлидек парваришланни давом этди.

Куз пайти ҳали дарахтлар баргларини тўкиб ултурмасдан, тоғда совуқ тушиб, чўққиларни қор қоплай бошлади. Чўпонлар қишлоғ қилиш учун ўтовларини пастроққа кўчиришади. Маҳкам ака, Санжар ва Отабек ҳам олдиндан тайёрлаб қўйилган адирга кўчиб ўтишли. Санжарнинг яралари тузалиб, оёғининг синган жойи битиб кетди. Санжар бу меҳри дарё ота-болага қўлидан келганча ёрдамлашарди. Унинг ҳаётидаги аччиқ хотиралар аста-секин бу бепоён тоғлар орасига сингиб кетаётганди. Ҳаммадан қувонарлиси, заҳри қотилни хумор қилиши анча пасайганди. Фақат ўтирса ҳам, ётса ҳам баданини қашлайвериш Санжарни ҳолдан толдирганди.

— Дада, — деди Отабек Санжарнинг қашиниб

ўтирганини кўриб. – Бу сафар бозорга борганингизда бир янги мол тароқ олиб келсангиз бўларкан.

– Нимага? Мол тарофимиз бир эмас, уч-тўртта-ку, – деди Маҳкам ака.

– Борку-я, лекин уларнинг тиши ейилиб кетган, Санжар акамнинг баданларига ўтмайди-да, – деб кулиб юборди. Уларнинг кулгилари бутун адирни босиб кетди. Бу уч эркак анчадан бери бунчалик яйраб кулишмаганди.

Санжар кун сайин ўзини яхши ҳис қилиб, батамом тузалиб ҳам қолди. Қишининг совук, аёзли кунлари ортда қолди. Санжар ўзини худди онадан янги туғилгандай ҳис қиласарди. Унинг кўзига бу ёруғ дунё ажойиб кўринарди. Яна ёз келди. У бу тоғдаги тинч-осуда ҳаётга анча кўнишиб қолганди.

Бир куни эрталаб ўрин-кўрпасини тўғрилаётib, ёстиқ жилдининг ичида қўлига бир нарса теккандай бўлди. Бу ўша – унинг бошига оғир кулфатларни солган оғу эди. У салафан пакетчадаги оғуни олиб, ташқарига чиқди.

Маҳкам ака ташқаридаги гулхан ёқиб, устига осиб қўйилган қозондаги овқатнинг тузини кўраётганди. Санжар қўлидаги халтачани оловга отди. У озгина ўйланиб туриб Маҳкам акани бағрига босиб кучоқлаб олди. Маҳкам ака ҳам ўз ўрнида уни бағрига олди. Улар ҳеч нарса демай анчагича қучоқлашиб туришли.

– Ака, бу яхшилигингилини қандай қайтараман, биладим, – деди Санжар кўзи тұла ёшни артиб.

– Қани ўтиринг, Санжарбек. Қандай яхшилик ҳақида гапирыпсиз ука, сиз бу ютуққа ўзингиз эришдингиз, мен шунчаки оғир кунингизда ёнингизда бўлдим, холос. Албатта, бу Худонинг марҳамати, ука.

– Раҳмат ака, барибир сизнинг хизматингиз катта. Агар бу даволаш услубингиз оммага тарғиб қилинса, менга ўхшаганлар тузалиб кетишарди.

– Мен табиблика даъво қилмайман, лекин сизга қараб, натижадан ўзим ҳам хурсандман. Сиз менинг бундай дард билан учратган биринчи bemorimсиз.

— Наҳотки, ахир сиз ҳам, Отабек ҳам кўпчиликни тузатғанлигингизни таъкидлардингиз-ку. Демак, бу ҳам даволашнинг бир қисми экан-да. Чунки сизларнинг бу гапларингиз ҳам менга анча далда бўлди-да.

— Мен ука, шунга амин бўлдим, бу иллатдан қутулишнинг бир йўли метин прода ва ён-атрофдагиларнинг касалга бўлган муносабати, меҳри экан. Қолаверса, она заминимизнинг сахий табиати ва албатта, тог ҳавоси бўлса керак. Мен бу ерга келганимда эрта баҳор эди, турли жойлардан табиблар келишарди. Ҳар хил гиёҳ териб юришарди. Уларга қўшилиб, аста-секин қайси гиёҳ қандай хусусиятга эга эканлигини сўраб-суринтириб ўргандим. Яна менда Иби Синонинг китоби ҳам бор. Бекорчиликда ўша китобдан ҳам кўп нарса ўргандим. Аммо, ука, барибир менинг фикримча, ҳаммаси касалнинг продасига боғлиқ. Чунки бемор яшашга интилмас экан, унга ҳеч ким ва ҳеч нарса ёрдам бера олмайди. Мен буни ўзимда синаб кўрганман. Менинг ҳам аламимдан ароқ номли касофатга муқкамдан кетган даврларим бўлган. Ўшанда бир одам иродамни тиклашимда ва соғлом ҳаётга қайтишимда жуда катта ёрдам берган.

Маҳкам aka вилоятдаги бир яхши корхонада обрўли ишда ишлаб келарди. Топиш-тутиши яхши эди. Давлатимиз мустақилликка эришишдан олдин, кўп корхоналар қатори у ишлаётган корхона ҳам инқирозга юз тутганди. Лекин корхонанинг янги бошлиғи мустақиллигимиз берган имкониятлардан фойдаланиб корхонани оёққа турғазди. Бу ишларда Маҳкам aka ҳам четда қараб турмади. Ҳамма ишчи ва ходимлар билан биргаликда ҳаракат қилиб энг олди корхоналардан бирига айлантиришди.

Ўша пайтларда кўп корхоналар инқирозга учраганди, чунки фақат «тепадан» буйруқ олишга ўрганиб, ўзлари мустақил бирор тадбир ёки чора топиб ташкилот иқтисодиётини сақлаб қола олмай ишларидан бўшаб кетган

бошлиқлар күпайиб кетганди. Улар бекорчи бўлгандан сўнг янги, қайтадан оёққа туриб келаётган корхона-ташкилотларга яна тайёрига бошлиқ бўлиш учун «кураш»ни бошлаб юборишарди. Улар нимагадир яхши, иши юришиб турган ташкилотларга бошлиқ бўлишни ҳоҳлашарди.

Маҳкам ака ишлаётган ташкилот ҳам шундай амалпарастлар татьсиридан четда қолмади. Корхона бошлиғи ҳар хил бехуда текширишлар, асаббузарликлардан қутилиш учун ишдан бўшади. Маҳкам аканинг ўрнига эса ўзининг энг ишонган шогирди тайинланди. Агар шу билан корхона гуллаб-яшнаб кетганида алам қилмасди. Лекин яна эски услугда иш олиб борган янги бошлиқ ҳеч қанча ўтмай корхонани инқирозга учратиб, камига корхонадаги жиҳозларни сотиб, пулини киссасига уриб қочиб қолди.

Шу тариқа Маҳкам ака ишсиз бўлиб қолганди. Ундан ҳам ёмони кейин бошланди. У ишсиз бўлиб қолганини билган таниш-билишлари ундан ўзларини олиб қочишиди. Ҳатто, Маҳкам ака орқали шаҳарни таниган, муомалани, ишни ўрганган шогирди ҳам уни назар-писанд қилмай қўйди. Оиласида нотинчлик бошланди. У янги иш бошлаш учун дўстидан пул қарз олди. Олдинига иши яхши юриб турди. Лекин шафқатсиз бизнес кўнгилчан инсонларга касб эмаслигини Маҳкам ака ўзида синааб кўрди.

Дўсти унинг иши унча юрмай қолганини билиб туриб, берган пулини қистаб келди. Ҳозир беролмаса бизнесига шерик ҳам бўлишини айтиб, Маҳкам акага мурувват кўрсатган бўлиб келишиб кетди. У ўз яқин дўстига қарзи учун фоиз тўлай бошлади. Лекин фоиз тўлаб қарзини узолмаслигини билиб, отасидан қолган уйни сотди ва кўп қаватли уйлардан бирини сотиб олиб, қолган пулни дўстига бериб қарздан батамом қутилди. Ўшанда фарзандлари бирин-кетин вояга етиб келишаётганди. У ўзи яккаланиб қолганди. У ишонувчанлиги, кўнгли бўшлигиданми бозор иқтисодиётiga кўниколмади. Ўзига ўхшаган бир-икки улфатлар билан озгина кўнгил ёзиш учун ичишни ўрганди. Шундан сўнг бошига тушган савдолар кейинги кулфатлар олдида ҳеч нарса бўлмай қолди.

— Ишим ортга кетиб, катта-кatta еб-ичмасак-да, қора қозон қайнаб турғанди. Санжарбек, қадимда кучли давлатлар нега емирилганини биласизми? Менинч, улар мунофиқлик сабабли, яъни ичларидан чиққан душманлари туфайли тарқалиб, майды давлатларга бўлинib кетишган бўлса керак. Менинг оилам ҳам ана шундай мунофиқлик туфайли бузилиб кетди. Мен эса ичкиликка берилиб кетдим. Ўша қуриб кетгур ароқни исчам ҳамма нарсани унитар эдим. Қарз олиб ҳам, сўраб ҳам, ялиниб ҳам ичавердим. Борабора мендан яқинларим ҳам жиркана бошлашди. Хотин, бола-чақам эса аллақачон баҳримдан ўтишганди. Охироқибат, якка моҳовдай ўзим кўчада қолдим. Ҳатто ўзимнинг уйимга бегона бўлдим. У пайтда хотиним катта бизнесмен аёлга айланганди. Мен бўлсам кечалари бир ташландиқ ташкилотнинг хонасида тунаб қолар эдим. Ўша ерда менга бир инсон учради. Фақат у кишигина мендан жирканмади. Қунт билан дардимни тинглади. Ҳозир тўғриси, у кишига нималар деганимни эслай олмайман. Лекин у киши менга таскин бериб, яна сармоя учун пул берганида овозимнинг борича йиғлаганим эсимда. Ўшанда кийимларим бир аҳволда бўлиб, қолаверса, оғзимдан кечаги ичган ароқнинг ҳиди келиб турғанди. У кишининг чеҳрасини ҳозиргача эсимдан чиқармайман. Кулиб турган, истараси иссиқ, ширинсуҳан киши эдилар. У киши менга пул бериб, мана шу ҳозирги ишимни қилишимни айтдилар, холос. Сармоя деб берган пулларига у пайтда битта янги жигули машинасини олса бўларди. У одамнинг айтганини қилиб, ҳамма пулга қўй-эчки сотиб олдим, шу ердан жой қилиб бир ойда келишилган жойга учрашиш учун бордим. Лекин мен нонкўрнинг хотирам панд бериб, ароқнинг қасофатига халоскоримнинг исмларини ёддан чиқаргандим. Аксига олиб, айтилган жойга келмадилар, мен ҳар куни ўша ерга бориб турдим. Афсуски, у одамни қайтиб кўриш насиб қилмади. Мана ўша воқеага ҳам ўн йил бўлиб қолди.

Үзингиз кўриб турибсиз, беш юздан ортиқ қўй-эчки, соғин сигирлар, от-улов, ҳатто мана шу қозон-товоқ ва барча рўзгорим, қурган уйим ҳам аслида у кишиники. Мен у меҳри дарё инсонни учратганимда эгнимда бир кўйлагим, эски дўплим ва шимим, пошнаси қийшайиб кетган туфлигим бор эди, холос. Бу меҳри дарёлик, меҳр-оқибат, саховатнинг олдида менинг сизга қилган кичкинагина ёрдамим нима бўлиди Санжарбек. Ичимдаги бу дардни ҳеч кимга айтмагандим. Айтган тақдиримда ҳам ҳеч ким ишонмасди. Лекин сиз бошқачасиз ука, шунинг учун бир ёрилгим келди. Ишонсангиз, ҳозир ҳам умидимни узмаганман, шаҳарга тушганимда ўша жойга бориб кутиб-кутиб қайтаман. Шундай кунлардан бирида, бундан иккى йилча олдин у ерда ўғлимни учратиб қолдим. У ҳеч нарса демай мен билан бу ерга келди. Кейинчалик қизимни олиб келди, тўнгич қизим турмушга чиқсан, унинг ўз оиласи бор, ота бўлиб тўйида ҳам қатнаша олмаганман. Умр йўлдошим эса... — деб Маҳкам ака ўйланиб қолди.

— Келинг, яхшиси, бу тўғрида гаплашмайлик, ҳар ҳолда у аёл болаларимнинг онаси, — деб ўрнидан туриб, қозондаги овқатни кавлаб, — пишибди, — деди. Кейин ўғли ва келинини чақириб, уларга овқатдан идишларига солиб берди. Маҳкам аканинг келини қирғиз миллатидан эди. Юзлари чаросдек, қошлари қоп-қора, ўрилган соchlари узунлигидан бошига чамбарак қилиб ўраб юради. Этнига ўзбекча кўйлак, қирғизча нимчасини кийиб, ўзи билиб ишини қилиб юради. Бу қирғиз аслини бир кўришда қайси миллатга мансуб эканини ажратиб бўлмасди. Ўзбек тилини баъзи «замонавий» ўзбек қизларидан яхши гапиравди.

Эр-хотин ўзларининг ўтовларига кириб кетишли. Санжар ҳам ўзига солинган овқатини кўтариб Маҳкам ака билан ўтовларига киришди.

— Маҳкам ака, сизлар билан шунча бирга яшаб, келинингизга энди аҳамият берибман, — деди Санжар бир нарса сўрамоқчилик бўлиб.

— Ҳа, ука, унинг миллати қирғиз, ўғлим билан яшай

бошлаганимда, унга келин қилиш ғами тушди менга. Чунки у умрбод сиз билан шу ерда яшайман, деб туриб олди. Шаҳарга фақат онамни кўргани ва синглимдан хабар олгани бораман, деди. Мен ҳам унинг раъйини қайтармадим. Мана шу адирликнинг у томони Қирғизистонга қарайди. Келинимнинг дадаси ҳам менга ўхшаган фермер, улар ҳам шу яқин-атрофга ёзда чодир тикишарди. Худо ҳеч кимни тоқ яратмайди. Улар ўzlари топишиб, гаплашиб юриб, бирбирига кўнгил қўйиши. Қирғиз қудам ҳам тушунган одам экан, келишиб тўй қилдик: бир кун у томонда, эртасига бу томонда ош бердик. Тўй куни кўпкари ташкил қилдик. Ўзбегу қирғизлар маза қилиб яйрадик. Мана, энди набира кутаяпман. Уларнинг бирор марта тортишганини кўрмадим. Бугун нимагадир гап қопим очилиб қолиб, кўп гапирдим. Ишқилиб, зериктириб қўймадимми?

— Нега энди, сизга ҳавасим келади, Маҳкам ака. Сизга яхшилик қилган одам адашмаган экан. Сиздан бошқаси бўлса, бошқача йўл тутиши мумкин эди. Мен ёш бўлсан ҳам номард одамларнинг кўпини кўрдим. Сизнинг ҳам ичингизда дардингиз кўпга ўхшайди. Ака! Бу дунёда дардсиз кўнгил бормикин? Нима учун ҳамма вақт шодлик билан фам-ғусса бирга, ёнма-ён юраркан?

Санжар эрталаб ўїқудан ўйғонганда ўтовда ўзи ёлғиз эди. Маҳкам аканинг жойи йиғиштирилган, ташқарига солинган бўйра устида Отабек бир китобни варақлаб ўтирганди.

— Ўйғондингизми, Санжар ака? — деб ўрнидан турди Отабек.

— Бугун қотиб ухлабман, Маҳкам ака кўринмайдилар?

— Дадам ҳисобот топширгани марказга кетдилар, келинг, нонушта қиласмиш! Мен чой дамладим.

Санжар юз-қўлинни ювиб келиб ўтирди. Отабек кўриб ўтирган китоб отлар ҳақида эди. Китобнинг расмларига қараб Санжар гап бошлади.

— Мана шу отлар зотдор отлар-да, тўғримни Отабек?

— Ҳа, ака, шулар, мана чойдан ичинг, — деб пиёладаги чойни узатди Отабек. — Мен айнан шундай отларни кўпайтирмоқчиман, — деб қўшиб қўйди.

— Агар рози бўлсангиз, Отабек, сизга шу орзуйингизни амалга оширишда ёрдам бермоқчиман, албатта, қарши бўлмасангиз.

— Жон дердим, ака. Лекин бу отлар жуда қиммат-да.

— Пул топишни мен ҳал қиласман, сиз от топсангиз бўлди.

— Отни топишда қайнотам ёрдам берадилар. Аммо, яна бир муаммо бор, ака, — деди Отабек хўрсиниб.

— Қандай муаммо?

— Биласизми, Санжар ака, мен дадамнинг олдида ўзимни жуда уятли ҳисоблайман. Дадамга нисбатан бир вақтлар ноҳақлик қилганман. Бу ерга келишимдан олдин, бундан кейинги умримни отам учун бахшида қиласман ва у кишининг ҳар қандай сўзини ҳурмат қилиб, ўзимга қонундек биламан, деб онт ичганман.

Ёшлигимда дадамнинг топиш-тутишлари яхши эди. Ўша топишларига яраша ишлардилар ҳам. Аzonда туриб, кеч ишдан қайтардилар. Тўғриси, ёшлигимда дадам билан жуда кам кўришганмиз. Асосан тарбияни онамдан олдим, десам ҳам бўлади. Бу гапим билан ота меҳрисиз вояга етдим, демоқтимасъ. Шунчаки, кўп вақтим онам билан ўтди, холос.

Дадам ишсиз қолганларидан сўнг уйимизда ҳар куни жанжал бўларди. Мен ўзимча ҳамма айбни дадамга юклардим, дадам ичишга берилиб кетди, ичиб олгани учун онам билан уришяпти, деб ўйлар эканману, лекин нима учун дадам ўзини бундай тутаяпти, деб бир марта ҳам мулоҳаза қилиб кўрмаган эканман. Дадамни ноҳақ дейишимнинг сабаби — мен бошиданоқ онам тарафида бўлганман. Онам дадамни уйдан ҳайдаганларида ўн олти ёшда эдим. Оиламиз парчаланиб кетаётганда мен яна онам тарафида турганман. Онамдан оиламиз бутлигини сақлаб қолишни сўраш ўрнига мен нонкўр онамнинг қарорини

юз фоиз маъқулладим. Ўша пайтда онам тиҷорат билан шуғулланар, пуллари кўпайиб қолган эди. Қорнимиз тўқ, эгнимиз бут, буларнинг ҳаммаси онамнинг шарофати билан деб ўйладим. Бир пайтлар дадамнинг соясига салом берадиганлар энди онамни кўкка кўтаришарди. Мен нонкўр отамни унутиб ҳам юбордим. Опам эса хаёлида дадамни ўлган деб ҳисоблаб, ҳатто турмушга чиқаётганида бир марта ҳам эслаб қўйгани йўқ. Чунки унга ҳеч вақоси йўқ отанинг кераги ҳам йўқ эди. Отам опамнинг тўйида қатнашмагани учун ўзимча яна улардан хафа бўлдим.

Онам олийгоҳда ўқишимни хоҳладилар. У кишининг пули билан ўқиши битирдим. Лекин соҳам бўйича ҳеч қандай иш тополмай, сарсон бўлдим. Мен ҳам савдо билан шуғулландим. Тагимда машина, улфатлар ўртасида ҳурматим яхши, менга яна нима керак, отамнинг қаердалиги, онамнинг ўн-ўн беш кун бўлмаслиги, уйимизга савдогар эркаклар келиб туриши билан умуман қизиқмадим. Онамнинг баъзида савдогар эркакларни таҳқирлаб сўкишларини индамай томоша қилдим. «Онажон, сиз ҳар ҳолда аёлсиз, нима бўлганда ҳам улар эркак киши-ку», деб танбеҳ беролмадим. Дадамнинг яқин дўсти уйимизда bemalol юриб, ваннахонамида ювиниб, ўз уйидек онам билан ош дамлаб еб ўтиrsa, бир оғиз индамадим. Онамнинг «бизнес ҳамкори»-да, дедим. Онам норизо бўлиб қолмасин, дедим. Нима қиссалар ҳам, мен учун, биз учун қиляптилар-ку, деб ўзимга йўл очдим. Аслида эса, мен дадам уйдан кетаётганларида, яъни у кишини ҳайдаётганимизда, у кишига қўшиб, ота олдидаги ўғиллик бурчимни, эркаклик фуруrimни ҳам ҳайдаган эканман. Мен тўғримда қариндошлар орасида, таниш-билиш ва улфатларим ўртасида ҳар хил гап-сўзлар юрганини хаёлимга ҳам келтирмас эканман. Ориятли, эркаклик фурури баланд танишларим ўзларини мэндан четга олганларини кўрмабман ҳам. Мен ва онам дастурхон ёзиб, меҳмон чақирганимизда дастурхонимиз атрофига келиб ўтирган одамларнинг кўпчилиги аёллар ва аёл киши орқасидан кун кўриб юрган

хотинчалиш эркаклар эканини англай олмабман. Баъзи отам тенги одамлар менга насиҳат қилиб, ҳар доим онамни ҳурмат қилишимни таъкидлашганда, уларнинг ўзлари қандай одам эканликларини суриштиrmай, яна она дедим. Ахир, менинг олдимда онани, аёлни улуғлаётганлар ҳам аёллар эди. Ёки ёнимдаги одамлар ўзга аёлларни ва хотинларини четдан мол олиб келиш учун кўчага чиқариб, уларнинг орқасидан кун кўриб, бола-чақа боқиб, аёл кишининг меҳнати билан топилган пулларга чойхоналарда ош дамлаб, улфатчилик қилаётган, аёллари миндириб қўйган машинада кўчаларни чангитиб юрган, ғуурларини йўқотган сохта насиҳатгўй, кийимларидангина эркакликлари ажralиб турганligини англамабман. Энг ачинарлиси, нотўғри йўлдалигимни ўзим англаб етмадим. Шундай кунларнинг бирида мен душманим деб юрадиган энг яқин дўстим кўзимни очди.

Қадимда бир йигинда И мом Аъзам ҳазратларидан сўрашибди: «Бу дунёда аёл кўпми ёки эркак?» И мом Аъзам ҳазратлари бироз ўйлаб, «Аёл кўп», деб жавоб беридилар. Уламолар у кишининг устларидан кулиб, «Сиз хато айтдингиз, ахир, Худо ҳаммани жуфт қилиб яратган-ку», дейишибди. Ўшанда ҳазрат И мом Аъзам, «Мен учун аёл измида юрган эркаклар ҳам аёл», деб жавоб қайтарган эканлар.

Ша куни туни билан ухламай чиқдим. Онам одатдагидек эртаси куни ярим тунда Хитойдан келаяпман, деб кириб келдилар. Ҳечдан кўра кеч, деб ҳамма гапимни айтдим. «Шу ишингизни ташланг, мен ўзим сизни боқа оламан», дедим. Лекин, минг афсуски, мени ҳам кўчага ҳайдадилар. У киши мени қайтиб келади, деб ўйладилар, мен қайтмадим.

Бир йил у ер, бу ерда ётиб тирикчилик учун мардикорлик қилиб ҳам юрдим. Уйдан чиқиб кетиб, дадам нима аҳволга тушганликларини бошимдан ўтказдим. Бир йил фақат дадамни қидирдим. Худога нолам етиб ниҳоят топдим. Худонинг ўзи бизни тасодифан кўчада учраштириди.

Олдин айтганимдек, дадамнинграйларига қарши чиқиш у ёқда турсин, бирор нарсани таклиф ҳам қилмайман, деб ўзимга ватъда бердим.

Санжар Отабекнинг бусўзларини эшитиб, дадасини ёдга олди. Унинг ҳам дадаси бир пайтлар ўшандай ишларни қилганди. Онаси эса, атрофига савдогар аёлларни тўплаб, уларга сармоя берниб, фойдасига шерикчилик қиларди. Бу дўсти Толибга ёқмасди, шунинг учун Санжар унинг маслаҳати билан ўзи алоҳида фирма очиб, иш бошлаганди. «Дўстимнинг айтганини қилиб тўғри қилган эканман, бўлмаса ҳозир мен ҳам хотинчалиш номини олган бўлардим», деб ўйлади.

— Санжар ака, яна барибир тайёрига келиб отангнинг ютуқларига шерик бўлибсан-ку, деб ўйлаётгандирсиз, — деди Отабек ногаҳон Санжарнинг хаёлини бузиб.

— Йўғ-э, мен бошқа нарсани ўйлаяпман, фууурингизни ҳимоя қилиб ўз онангизни бу бешафқат ҳаёт уммонига ташлаб келиб, яна бир гуноҳга қўл урмаяпсизмикан?

— У киши ёлғиз эмаслар, ёnlарида дадамнинг юзини ерга қаратган, дўстман деб хотинларига, яъни онамга кўз тиккан одам бор. Қолаверса, поччам опамни ҳам кўч калони билан уйта ташлаб кетган. Поччамдан нега бундай қилтанини сўрасам, у ҳам онамнинг ишларини рўйач қилиб, опамни бойликка ружу кўйганликда айблади. Нима бўлганда ҳам ҳозир бир ойда бир марта бориб турман. Кичик синглимнинг у ерда яшагиси йўқ. Лекин ҳозир мактаби бор. Уни ўзим билан олиб келолмайман. Фақат ёзда келади, — деб гапини тутатди Отабек.

Ҳозир бу йигит ҳеч кимнинг насиҳатига зор эмасди. Чунки у ўз олдига мустаҳкам мақсад қўйганди: ота розилигини олиш. Бу йўлда у ҳамма нарсага тайёр эди.

— Бўлмаса, бундай қилсак, — деди Санжар Отабекнинг елкасига қўлинини қўйиб. — От олиб боқишини Маҳкам акага мен айтаман, барибир, отларни ўзингиз боқасиз-ку, тўғрими?

— Майли, факат бу фикр мендан чиққанини билмасалар бўлди.

Маҳкам ака икки кундан сўнг тоққа қайтиб келди. Санжарнинг от олиб боқиб, кўпайтириш ҳақидаги фикрига хурсандчилик билан рози бўлди. Санжар нима қилишини билмай, қаерга ишлатишни ўйлаб боши қотиб юрган йигирма минг доллар пулни Маҳкам акага берди.

Санжарнинг тогда яшаётганига икки йилга яқинлашиб қолганди. У шу ўтган кунларда Маҳкам акага қўлидан келганича хўжалик ишларида кўмак бериб келди. Гиёҳвандликдан батамом қутулди. У яқинларини жуда соғинганди. Бир куни тушида онасини кўрди. Фарида опа оппоқ кийимда унинг олдига бир ёш гўдакни қўйиб кетди. Уйқудан чўчиб уйғонганда тонг ёришиб қолганди. Ташқарига чиқиб, туғилиб-ўсган юрти тарафга қараб, анча хаёл суриб ўтиреди. У уйдан чиқиб кетаётганда, хотини Наргиза ҳомиладор эди-ку? Балки, ҳозир она бўлгандир, фарзанди ҳам катта бўлиб қолгандир. Толиб ҳам уйланиб, у ҳам ота бўлгандир. У кўрган тушининг мағзини чақолмай, ҳар хил хаёллар оғушида ўтирганда, унинг ёнига Маҳкам ака келиб ўтиреди. Санжар Маҳкам акага кўрган тушини айтиб берди.

— Менимча, Санжарбек, уйга қайтсангиз ҳам бўлади энди Яқинларингизни соғинган кўринасиз. Мени ҳайдояпти, деб тушунманг. Бориб ҳаётингизни янгитдан бошланг, бунга сизда имконият бор. Агар бу ерга қайтишни кўнглингиз хоҳлаб қолса, уйимнинг тўри сизники, — деди Маҳкам ака Санжарнинг соғинч тўла кўзларига қараб.

Маҳкам ака иккита отни эгарлаб, ўғлига Санжарни туман марказигача кузатиб қўйишини айтди. Санжар ҳалоскори билан узоқ хайрлаши.

Санжар ярим йўлга келганда отни тўхтатиб:

— Отабек, бир нарса эсимдан чиқибди-да, — деди.

— Нима экан, дарров қайтиб бориб олиб келаман, — деди Отабек ҳам шошиб от жиловини тортиб.

— Ҳалиги, сиз ҳар куни бориб янги-янги тайёрлаб

келадиган дори бор эдик-ку, уйқудан олдин ичар эдим-ку, олиб олсак, яхши бўларди. Ўшани ичиб донг қотиб ухлардим.

— Э, унданми, уни сизга энди кераги йўқ. Жуда ўша дорисиз ухлай олмайман, деб ўйласангиз, ҳозир йўлдан олиб идишга қуиб бераман, — деб кулди Отабек.

— Ҳа, ука, нимага куляяпсиз? — ҳайрон бўлиб сўради Санжар.

— Ака, у дори оддий тоғ суви эди. Бу ҳам дадамнинг табиблик сирлари, сиз оддий сувга ихлос қўйиб, ундан ўзингизга даво топдингиз, холос.

— Қойил, мен бўлсан сизга ачиниб юрибман, ҳар куни овора бўлиб қаёққадир бориб келасиз, деб, — деди Санжар.

— Ҳа, ака, менинг отам ана шунақалар, — деди Отабек Гурурланиб.

Санжар тогда юриб анчадан бери қушларнинг сайраши, қўй-эчкиларнинг маърашидан бошқа нарсани эшитмагани учун, шаҳарнинг шовқин-суронидан ҳайратга тушди. У йўқлигига туғилиб ўсган шаҳри яна ҳам гўзаллашиб кетганди. Кўп жойлар таниб бўлмас даражада ўзгарганди. У анчадан бери кўнглига туғиб қўйган ишни қилиш учун ҳайдовчига қабристонга юришини илтимос қилди. Қабристонда сокинлик ҳукм сурарди. Санжар Мехри онани зиёрат қилиб, кейин уйига бормоқчи бўлди. У Мехри онанинг қабри ёнида ўзининг қабрини кўриб ажабланмади. Лекин, не кўз билан кўрсинки, у ерда яна бир қабр бор эди. У онасининг қабри эди. Санжар турган жойида тарашадек қотиб, тили калимага келмай қолди.

— Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас, ахир онам соппасоғ эдилар-ку?! Нима учун, нега энди!!! — деб қабр ёнида чўккалаб ўтириб қолди. У онасининг нега тушига кирганини англай бошлаганди. Мехри она оламдан кўз юмганида дўсти Толиб қандай аҳволга тушганини у юракдан ҳис қилди.

Такси ҳайдовчиси Санжарнинг қабрга тикилиб

ўтирганинни кўриб, унинг ёнига келиб, Қуръон тиловат қилди. Санжар ҳайдовчининг тиловатидан кейин ўзига келди. У муздек терга ботиб кетганди. «Ўтганларнинг охирати обод бўлсин, омин». Санжар онасининг қабрига бошини қўйиб, ич-ичидан йиғлай бошлади.

Эр йигитнинг йифиси бутун қабристонни тутиб кетди.

Толиб ва Санжарнинг оналарига бир хил қабр тошлари қўйилган эди. Аммо, уларнинг қисмати турлича бўлди. Санжар учун онаси қандай инсон бўлганлигининг ҳозир фарқи йўқ эди. Кўз олдида онасининг кулиб турган мунис сиймоси, қулоқларида эса унинг алласи жаранглар эди. У анча маҳал онасининг қабридан узоқлашгиси келмай ўтирди.

Санжар юрагида оғир қайғу-алам билан уйга келганида шом пайти бўлиб қолганди. Эшик олдига келганида кўча олдида сувлар сепилган эди. У аста эшикни очиб ичкарига кирди. Ҳовли ўртасидаги сўрида хотини Наргиза ниманидир ўқиб ўтиради. Айвонда эса беланчак қимиirlаб турганди. Эрини ўлган деб қабрининг устига ҳар ой чиқиб, зиёрат қилиб юрган Наргиза Санжарни кўриб арвоҳни кўргандай ранги оқариб, нима қиларини билмай қолди.

— Наргиз, қўрқма, бу мен, қўрқма, — деди Санжар хотинининг қўрқиб кетганини сезиб.

— Санжар ака, бу ўзингизми? Ахир, ахир...

Санжар югуриб бориб Наргизани қучогига олди.

Наргиза бўлса дудукланиб, бир нималар дерди. Сал ўзига келиб, йиғлай бошлади. Санжар ҳам ўзини тута олмай йиғларди. Эр-хотин тик туриб қучоқлашганча, анча пайт туриб қолишли. Наргизанинг ҳаяжондан оёқ-қўли жонсизланиб қолгандай эди.

— Санжар ака, ростан ҳам ўзингизми? Ахир, қандай қилиб???

— Менман, Наргиз, мен ўзимман, ҳаммасини кейин тушунтираман, жоним! — деб Санжар унинг кўзларидаги ёшни рўмолчаси билан артди.

— Мен ҳозир, Санжар ака, мен ҳозир, сиз ўтириңг, —

Наргиза довдираб қолганди. У сал ақлени йиғиб олиб, беланчак томон бориб ўғилчасини күтариб келди.

— Ўғлим, уйғон, дадамиз келдилар. Турақол, ўғлим, дадамиз тирик эканлар, ўғлим, — дерди ҳаяжонини босолмай.

— Қани, кел-чи, полвоним, — Санжар ўғлини қўлига олди.

Кичкинтой уйқусидан тўла уйғониб кетолмай йиғларди, Санжар уни маҳкам бағрига босиб, тўйиб-тўйиб ўпарди. Кичкинтой уйқуси тўла очилиб, худди отасини танигандай кўзларини лўқ қилиб қараб қолди.

— Хўш, ўғлим, исминг нима сени, танишайлик-чи, — деди.

— Ҳали болакай, гапира олмайди-ку, ўзингиз топинг-чи, — деди Наргиза.

— Катта бўлиб қолибсан-ку, ўғлим. Толибжоним мени.

Санжар Наргиза билан хайрлашаётганда, унга ўғил бўлса, Толиб, қиз бўлса Мехриҳон деб исм қўйгин, деб илтимос қилганди. Эр-хотин фарзандини қўлга олиб, анча ўйнаташди.

Эшик очилиб, Соли ака уйга кириб келди. У ҳеч уйга курук келмасди. Ҳар доим набирасига бирор ўйинчоқ күтариб келарди. У Санжарни ҳовлидаги сўрида кўриб, қўлидаги нарсаларини тушириб юборди. У бир марта «Ўғлим!» дея олди, холос. Ота-бала узоқ айрилиқдан сўнг ниҳоят учрашиб, тўйиб йиғлаб олишди.

— Толиб дўстинг айтганди-я, мен аҳмоқ отангни кечир, сени ўлганга чиқариб юрибман. Ахир, мен ота бўлиб, сенинг ўлмаганингни сезишим керак эди-ку, мени кечир, — деб Соли ака йиғларди.

Ота-ўғил сал ўзларига келиб олиб, Фарида опа ҳақига дуо ўқишиди. Тонг отгунча суҳбатлашиб, ота-ўғил дардлашишиди.

Эртаси куни ҳамма қўни-қўшни, маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар билан ҳовли тўлиб кетди. Кимдир Санжарни тирик кўриб ҳайрон бўлса, кимгадир бунинг

фарқи йўқ эди, асосийси, унинг тириклиги эди. Лекин нимагадир Толибдан дарак йўқ эди. Санжар кўча эшикдан кўзини узмай, ҳар бир келган одамни Толибга ўхшатарди. Санжарнинг сабр халтаси тўлиб қолай ҳам дегандики, эшикдан Толиб, Ойгул, Севара ва Салим кириб келишди. Икки дўст қучоқлашиб сўрашиб, кўзларидан кўзларини узолмай, анча туриб қолишли. Улар бир-бирларини бир қарашда тушунишарди.

— Салом, дўстим, — деди Толиб.

— Соғинмабсан, шекилли, келишинг қийин бўлди, — деди Толибнинг қўлини қисиб Санжар.

— Дўстим, сенинг ўлиминг олдидан қилган васиятингни бажардим, ҳозир, шу бугун биз Ойгул билан загсга ариза ташлаб келдик, — деди жилмайиб Толиб.

Даврада кулги бошланди. Ҳамма Толиб билан Ойгулни табриклишди.

— Дўстим, табриклайман. Зўр иш бўлиби. Мени хурсанд қилдинг. Табриклайман Ойгул, баҳтли бўлинглар.

Севара ҳам акасининг бўйнига осилиб, хурсандчилигини яширмай, унинг юзларидан ўпарди.

— Ассалому алайкум, Санжар ака, — деб Салим ҳам Санжарни қучоқлаб олди.

Толиб Санжарнинг келганидан хабар топган заҳоти, Ойгулни загсдан ўтишга таклиф қилди. У бу гапни айттолмай юрганди. Дўстининг қайтиб келиши Ойгулга ёрилишида ёрдам берди. Ойгул ҳам Толибнинг оғзига қараб юрганди.

Шунча инсонлар ичida Санжарнинг ўлимига ишонмаган биргина киши, у ҳам бўлса дўсти Толиб эди. У шундай дўсти борлигидан фахрланарди.

Икки дўстнинг гаплари тўпланиб қолганди. Бир-бирларига айтадиган сўзлари кўп эди.

Толиб Санжарни шаҳар ҳавосига мослашиб, оиласига, айниқса, ўғлига тўйиб олсин, деб икки-уч кун уни безовта қилмади. У одатдагидек эрталаб Салим билан машинада

маҳалла гузаридан ўтиб кетаётганди. Уни маҳалла нозири Файрат милиционер тўхтатди.

— Толибжон, вақтингизни олмайманми?

— Йўқ, ака тинчликми? — деди Толиб унга қўл бериб сўрашиб.

— Хонага кирсак, икки оғиз маслаҳатли иш бор эди.

Улар маҳалла оқсоқолининг хонасига кирганларида, у ерда Курбон ота ҳам ўтирганди.

— Ассалому алайкум, Курбон ота, — деб Толиб икки қўллаб у киши билан сўрашди.

— Кел, ўғлим, дўстинг келиб суюниб қолдингми? Ўзинг тузукмисан? Қани ўтиришга таклиф қилиб гап бошлиди. — Ўзингдан қолар гап йўқ. Файратжон аслида, дўстинг Санжарнинг уйига бориб, икки йил қаерларда юргани ҳақида ўзидан суриштираса бўларди. Ички ишлар ходими сифатида бу фақат Файратжоннинг қизиқиши эмас, балки ўлган одамнинг тирилиб келиши бутун маҳалланинг ёшу қарисига сирли туюляпти. Шунга олдин сенинг фикрингни билайлик-чи, деб Файратжонни Санжарнинг уйига борғизмадим.

— Маҳалламиздагиларни беш қўлимдек биламан, — деб сухбатга қўшилди Файрат милиционер. — Қолаверса, Санжарни ҳам. Лекин Курбон ота айтмоқчи, ўлган одамнинг тирилиб келишини мана бу қофозга тушириб қўйсак, ҳаммамиз хотиржам бўлардик-да, ука.

— Мен сизларни тушундим, шунинг учун ҳам сизларни ҳурмат қиласман. Файрат ака, Курбон ота бир маҳаллар отамдан эшитганим ёдимга тушиб қолди, агар вақтингизни ўғирламасам, айтиб берайми?

— Майли ўғлим, қани эшитайлик-чи, — деди Курбон ота қизиқиб.

— Бир маҳаллада икки қўшни яшашар экан. Бири жуда ҳалол, яхши феъл-атвори, мулойимлиги билан маҳалласида обрў ортирган экан. Қўшниси эса сал бетга чопар, дилидагини шартта тилига чиқариб, ҳақиқатни гапирав экану, лекин унинг ҳақиқати сал дағаллигидан

одамларнинг дил оғриқлари, юрак яралари битиши қийин экан. Йиккаласи ҳам том орқасида ҳар хил сабзавотларни экиб етиширишар экан. Баджаҳл қўшнининг бир эчкиси бўлар экан.

Ўша соқолли эчки сал шўҳроқ экан. Аксига олиб арқони ҳам сал чириб қолгани учун узилиб кетиб қўшнисининг томорқасидаги эқинларини пайҳон қилиб турар экан. Лекин кўнгилчан қўшни, ҳеч нарса демай, эчкини яна ўрнига боғлаб чиқар экан. Кунларнинг бирида яна ўша ҳол қайтарилибди. Ҳалол қўшни уйидаги янги арқонни олиб эчкининг бўйнига боғлаб чиқибди. Лекин ҳалиги шўх эчки арқоннинг янгилигидан хабари йўқ, гир-гир айланаб арқонга ўралиб йиқилиб, ҳатто бўғилиб ҳам қолибди. Баджаҳл қўшни агар том орқасига ўтиб, эчкисига кўзи тушмаганда эчки бечора ўлиб ҳам қолиши мумкин эди. У эчкини арқондан бўшатиб, арқоннинг янгилигини билибди. У икки уй ўртасидаги деворнинг очиқ жойидан қўшнига ўшқира бошлабди.

— Ҳа, қўшни, нима, бизни камбағал билиб янги арқон берисиз-да, шу арқонингиз касрига эчки сал бўлмаса ўлиб қолиши мумкин эди, — деб арқонни қўшнисига отибди. Яхшилик қиласман деб қўшнисининг дилини оғритиб қўйганига хижолат қилган ҳалол одам ундан кечирим сўрабди.

Рталақ аzonда баджаҳл қўшнининг бақир-чақиридан қўшнилар уйғонишибди. Буни қарангки, ўша нодон, узун соқоли бўйнига тушса ҳам ақли йўқ, эгасининг таъбири билан айтганда, «шўх» эчки йўқ эмиш. Қишлоқдагилар куни билан қидиришибди, лекин ҳеч қаердан топишмапти. Баджаҳл қўшни ички ишлар бўлимига мурожаат қилиш учун маҳалла нозири олдига келибди. У эчкисини ўғирлашганини айтганда, ички ишлар нозири энг аввало «Кимдан гумонингиз бор?» деб сўрабди. Ахир паймонаси тўлиб, эчки қайғусида ёниб турган одамнинг хаёлига, албатта, ўша қаҳри қаттиқ, эчкисини ўлдиришга ҳаракат қилган, янги арқонда эчкисини боғлаган қўшни келади-

да. У қўшниси билан бўлган воқеаларни бирма-бир айтиб берибди. Маҳалла оқсоқоли ва уч-тўртта маҳалла фаолларини етаклаб ўша эчки «қотили»нинг уйига кўпайишиб боришибди. Уларга яна йўл-йўлакай қизиқувчан одамлар ҳам қўшилишибди. Ҳуллас, ўша куни эчки «қотили»нинг вояга етган қизига совчилар келиб, тўй кунини белгиламоқчи бўлиб ўтиришган экан. Совчилар бўлажак қудаларини милиция ходими ва маҳалла оқсоқоли бошлиқ қизиқувчан одамлар ўғри ва қотилликда айблаб саволга тутишаётганини кўриб, хайр маъзурни ҳам насия қилиб кетиб қолишибди. Улар «ўғри, қотил»нинг сўзига ишонқирамай, сўроқ қилиш учун қўлига киshan солиб, уйидан олиб кетишибди.

Баджаҳл қўшни кечки пайт қўйларимга ем берай, деб қўйхонага кирганда, қўйлар орасида ҳалиги шўх эчкиси соқолини ликиллатиб турганини кўрибди. У қилган ишидан уялиб, бегуноҳ қўшнисини милициядан олиб чиқибди. Бечора соддадил қўшни уйига тез келибди-да кўч-кўронини кўтариб, хотин бола-чақасини олдига солиб маҳалладан ўша куниёқ кўчиб кетибди. Ҳатто қаерга кўчиб кетаётганини ҳам ҳеч кимга айтмабди.

Шунлай маҳалла оқсоқоли ва миш-мишга ишонувчан одамлари, боз устига калта ўйлайдиган маҳалла нозири бор маҳаллада яшаса фарзандларининг баҳтига зомин бўлишини ўйлаб, кўчиб кетган экан, — деб ҳикоясини тутатди Толиб.

Унинг ҳикоясини Файрат ҳам, Курбон ота ҳам бир кулиб, бир жиддий бўлиб мароқ билан эшитиши.

— Курбон ота, мен ваъда бераман. Санжарнинг ўзи келиб, ҳаммаси ҳақида, керак бўлса ёзма равишда маълумот беради, энди менга рухсат, дуо қилинг, — деб Толиб қўлини дуога очди.

Файрат мелиса Курбон отага маслаҳат солиб тўғри қилганига хурсанд эди. У «Яхшиям ўзимча бориб, Санжарни сўроққа тутмаганим», деб ўйларди.

«Омин, Худо умрингни узун, ризқингни зиёда қилсин. Ҳонадонингдан баҳт аримасин, маҳалламиз учун қилиб

юрган яхшилигингнинг мукофоти Аллоҳдан қайтсин. Ҳамма ёшларимизга ўрнак бўлиб, бундан кейинги эзгу ниятларингга етишишингда Ҳудонинг ўзи мададкор бўлсин. Аллоҳу акбар».

Маҳалла оқсоқолининг қабулхонасида эркак-хотинлар ўтирганди, эшик қия очиқлиги учун ўтирганлар Толибнинг ривоятини ҳам эшитишганди. Улар ҳам қўлларини очиб, Толибни дуо қилишди. Қабулхонада яна бир киши ҳам бор эди.

Санжар эрталаб туриб, ишга бормоқчи бўлиб кийинганида дадаси Соли ака:

— Ўғлим, ишга чиқмоқчи бўлсанг, бир Файрат мелисага учраб кетгин, ҳар ҳолда маҳалламиз бедарвоза эмас. Бир томондан Файратжоннинг ҳурмати, — деди. — Яна ўзи эшигимизни қоқиб келмасин, — деб қўшиб қўйди.

Санжар дадасининг гапига кириб, Толибдан сал кейинроқ келиб қабулхонада уларга халақит бермай деб ўтирганди. Қабулхонада ўтирганлар Толибнинг сўзларини эшитишаркан, Санжарга қараб-қараб қўйишарди. Санжар шундай ҳимоячиси, дўсти борлигидан фахрланиб ўтиради. Қурбон отанинг узундан-узоқ дуосидан сўнг, Толиб ўрнидан турди ва Файратнинг елкасига қўлинни қўйди:

— Раҳмат, Файрат ака, дўстимнинг обрўсини ўйлаганингиз учун, ҳа, ҳикоянинг охирини сўрамадингиз-ку.

— Хўш-хўш, охири нима бўлибди. — деди Курбон ота ҳам ўрнидан туриб эшик томон юрар экан.

— Ўша шўх, соқолига куя туштур эчкини уйлаб қўйишибди, — деб кулиб юборди Толиб. Унга қўшилиб ҳамма қабулхонадагилар ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулишарди.

Толиб қабулхонада Санжарни кўриб ҳайрон бўлди.

— Ия, дўстим, тинчликми, ҳозир уйингта ўтмоқчи бўлиб тургандим, кетдик. Юр, олдин бир ишхонага ўтайлик, қилган ишларимни кўрсатай, кечроқ қайтганимизда Файрат ака билан хотиржам таплашамиз, майлими? — деб Толиб Файратга қаради.

— Майли, ҳозир менинг ҳам зарур ишим бор, кечроқ бафуржа гаплашармиз, — деди Файрат милиса Толибни тушуниб.

Санжар ҳақиқатан ҳам ҳозир савол-жавобларга тайёр эмасди. Толибнинг таклифи Санжарга ёқиб тушди. Улар тўғри ишхонага йўл олишди.

Толиб дўсти йўқлигида қилган ишларини бирма-бир кўрсатиб, янги ишчи-хизматчиларга Санжарни завқ-шавқ билан танишитирарди. Кўзлари севинчга тўла бу икки дўст корхонанинг ҳамма бўлимларини эринмай айланаб чиқишид. Ҳақиқатан ҳам Толиб бу қисқа муддат ичидагужада катта ишларни қилишга улгурганди. Олдинги ишчилар ва хизматчилар, янги келиб қўшилганлар ҳам ундан миннатдор эканликлари шундоқ билиниб турарди. Ҳаммалари Санжар билан илгаридан танишдай сўзлашишарди. Бунинг боиси Толиб шу икки йил мобайнида ўз дўстини бирлаҳза ҳам унутмаган эди. У ҳар бир йигинда ва тадбирларда Санжарнинг номидан гапираварди.

Ташқи куринишлари бир-бирларига ўхшаб кетадиган, бўй-бастлари ҳам рисоладагидек, билаклари кучга тўлган икки дўстга ҳавас билан қарашарди. Икки дўст кун қандай кеч бўлиб қолганини ҳам билмай қолишид. Улар ишга киришиб кетишса, йўл-йўлакай битта ёғлик нонни олиб, машинада иккига бўлиб, «кола» билан еб, яна ишларини қилиб кетишаверарди.

Салим ҳам бу икки дўстнинг шу тарзда «шоҳона» тушлик қилишларига ўрганиб қолганди. У ҳам машинадан «кока-кола»ни узмасди.

Жўшқин суратда ўтган Санжарнинг биринчи иш куни, унинг икки йиллик тоғдаги ҳаётини ва бошига тушган кулфатларни ёдидан кўтарди.

Келишганларидек Санжар кечки пайт Файрат мелисага учраб, бўлган воқеаларни, қаерларда юрганларини айтиб берди. Толибнинг маслаҳати билан фақат бир нарсани айтмади. «Машина рулинин жарликка бураганингни айтма», деб Толиб илтимос қилганди.

Аста-секинлик билан Санжар олдинги ҳолатига қайта бошлади. Дўсти бошлаб қўйган ишларга боши билан шўнғиб, ишга берилиб кетди. Икки дўст янги-янги режалар ўйлаб топиб, корхонани кенгайтиришни ўйлашарди. Санжарнинг қайтганига ҳам олти ой бўлиб қолди.

Яна баҳор келди. Толиб Ойгулни таниганига ҳам уч йил бўлибди. Улар ҳужжат бўйича эр-хотин бўлишгани билан биргаликда яшашмасди. Чунки Санжарнинг онаси — Фарида оланинг йили ўтишини кутишганди. Шаърий никоҳдан тўй куни ўтишмоқчи бўлишганди. Ойгул эрталаб ширин орзулар оғушида Толибни эслаб ишга отланди. Бугун яна кўришишади. Мана, уч йилдирки, шундай, лекин Толиб акаси ҳеч тўй тўғрисида гап очмайди. Шу каби хаёлларни ўйлаб турганди, кўл телефони жиринглаб қолди.

— Ассалому алайкум, Толиб ака

— ...

— Ҳозирча уйдаман.

— ...

— Дадам ҳам уйдалар, хўп яхши.

Толиб ёлғизликдан зерикиб, бўлар энди шунча юрганим, деб тўй кунини белгилаш учун Мели ака билан маслаҳатлашгани Ойгулларникига боришга аҳд қилди. У Санжарга ўнғироқ қилди. Толиб кўп марта Мели акага тўй ҳақида айтишга чоғланарди-ю, лекин журъати етмай, тўхтаб қоларди.

— Ҳа, эрталабдан бугун ишга чиқмайман дегандинг-ку? — деб Санжар кириб келди.

— Менга қара, Санжар, мана бу уйда ёлғиз ётиш жонга тегди. Кечқурун дадам билан ойим роса сўкишди. Агар шу ўн кун ичида уйланмасам, қайтиб тушимга киришмас эмиш. Тушундингми?

— Тўхта-тўхта, гапингни шу ерда тўхтатиб тур, — деб Санжар телефонини чўнтағидан олиб, «Салим, ҳозироқ молхонага бориб, катта буқани сўйиб юборинглар. Кимларга бўлиб беришни Мўмин ака ўзи яхши билади, хўпми?»,

деб телефонни чўнтағига солиб, эшик томонга юрганди.
Толиб уни тўхтатиб:

— Ҳой, жинни, эсинг жойидами, қаёққа?

— Менми? Тўйга тайёргарликка. Ҳали маҳаллани айтиш
керак, ошпаз, хонандалар дегандек яна...

— Ия, уйланадиган сенми, менми? Ахир келин
томоннинг ҳеч нарсадан хабари бўлмаса.

— Ҳўп, яхши, тур бўлмаса, нега шалпаясан, бориб
айтамиз.

Толиб хонасига кириб костюм-шим, оқ кўйлак кийиб
чиқди.

— Санжар, галстук тақайми? — деди у ҳаяжонланиб.

Санжар аранг қулгисини босиб:

— Йўқ, яххиси ҳозир Тўлқин Маҳмудовичнинг
олдиларига борамиз, — деди.

— Нега? — деди ҳайрон бўлиб Толиб.

— У кишининг милиция формасидан «прокат»га оламиз.
Мели ака милиционер бўлган-ку, сени формада кўриб
хурсанд бўлади, — деб Санжар биқинини ушлаб кула
бошлади.

— Мен нима аҳволдаману, сен куласан, ахир бу қарорга
келиш менга осон бўлгани йўқ, дўстим, — деди Толиб
шумшайиб. — Ҳар доим шундай, ўзимга келганда мана
шундай аҳволга тушиб қоламан.

— Кечир, дўстим, кечир, — деб Санжар аранг ўзини
кулгидан тўхтатди. — Ахир, Толиб у ер бориб юрган жойинг
бўлса, загсдан ўтган бўлсанг, Мели ака сени ҳеч галстукда
кўрмаган бўлса, галстукда кўриб кулгидан бирорта томири
узилиб кетмасин, дейман-да. Сен ҳаяжонланма, мен ўзим
ҳаммасини тўғрилайман.

— Яхши, дўстим, мана бу ойимдан эсдалик. Онамнинг
узуклари, шуни тақиб қўясанми ёки шундоқ берасанми,
дегандим.

Икки дўст узукка қараб, маюс тикилиб қолишли.

— Бу оддий заргар узук, тилласи ҳам оз. Ҳозирги модага
тўғри келармикан?

— Нималар деяпсан, аҳмок, ахир бу Мехри опанининг орзу-умиди, яхши тилаклар, яхши ниятларнинг рамзи-ку. Қолаверса, Ойгул ҳам бу узукка муносиб бўла олармикан, жинни, кетдик, — деди Санжар Толибнинг юрагигадан тўлиб келаётган йиғини сезиб қолиб.

Улар машинага ўтириб, яхши ният билан Ойгулларнинг уйига йўл олишди.

— Санжар, барибир, галстук тақиши керак эди, — деди Толиб Санжарни кулдириш илинжида.

— Бўлди қил, Толиб, ҳозир машинани бирор жойга уриб оламан, — деб икки дўст маза қилиб кулишарди.

Йўлда Санжар тўхтаб гулдаста сотиб олди.

— Мен гулдастани бераман, сен узукни тақиб қўясан, — деди Санжар гулдастани олди ўриндиқда ўтирган Толибга ушлатиб.

Санжарнинг севинчи ичига сифасди. Бунинг устига, бир ёнида гулни худди ёш боладек эҳтиёт қилиб ушлаб олиб, бир иш қилиб қўйгандай шумшайиб кетаёган дўстига қараб баттар кулгиси қистарди.

Ойгулнинг уйига етиб келишганида дарвоза қия очиқ эди. Санжар гўё катта кишилардай, эшикнинг олдига биринчи бориб тугмачани босди. Ичкаридан Мели аканинг йўтал аралаш овози келди.

— Кимдур? Ҳозир

— Биз, Мели ака, Санжарман.

— Келинглар, ўғилларим, келинг, Толибжон ўғлим.

— Ассалому алайкум, қулчиликка келайпмиз, — деди Санжар кулимсираб.

Мели ака уларни ўтиришга сўрига бошлади. Сўри устида тузатилган дастурхонга қараганда Толибни кутиб олиш учун солингандай эди. Лекин нимагадир Мели аканинг шашти пастроқ эди. Ойгул кўринмасди. Санжар қўлидаги гулни сўрига қўйиб:

— Мели ака, тинчликми, хафароқ кўринасиз? Ойгул кўринмайди, — деди Санжар сукунатни бузиб.

— Биз кетақолайлик bemavrid келиб қолдик шекилли, юр, — деб Толиб ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Тўхтанг, ўғлим, Толибжон, ўтиринг, илтимос. Ойгул чиқ, қизим, ҳақиқатни айтиш пайти келди, — деди Мели ака.

Уйдан қовоқлари шишиб кетган, йифидан ўзини тўхтат олмаган Ойгул чиқиб келди. Толиб Ойгулнинг йиглаётганини кўриб қотиб қолди.

— Ўғилларим, бу дунёда ҳар бир инсоннинг ўтмиши бўлади. Баъзиларнинг ўтмиши ширин бўлса, баъзиларники аччиқ. Мен-ку ўтмишимни кўмиб ташлагандим. Толибжон, қизим ҳам сиз билан учрашгандан сўнг унугандай бўлганди. Лекин ҳозиргина бўлган битта телефон қўнғирори ҳаммаёқни афдар-тўнтар қилиб юборди. Ойгулнинг ҳаётида бир абраҳ одам...

— Да да, — деди Толиб. — Ўзингизни қийнаб сўзингизни давом эттиришингизнинг ҳожати йўқ, сиз айтмоқчи бўлган ўтмиш ҳақида мен бир йил олдин билганиман. Мени Ойгулнинг кечаги ўтмиши қизиқтирумайди. Сиз бўлса қадимги ўтмиш ҳақида гапирмоқчисиз. Гап бундай, дада. Менинг ота-онам бугун тўй кунини аниқ қилмасам, уйга келмагин дейишган. Шунинг учун ҳалиги... ўшанга... тўйни ҳалиги, — деб Толиб каловланиб қолди.

— Ҳа, Толиб лента чайнадими? Дудуқланиб қолдинг? — деди Санжар кулиб.

Ҳозиргина бу хонадон зими斯顿 қоронғуликда қолгандай эди. Икки дўстнинг гапларидан кейин қуёш чиқиб чарагон бўлиб кетди. Ҳаммалари Санжарнинг ҳазилидан қотиб кулишарди. Ота ва қизнинг юрагини эзib турган оғир юқ парчаланиб кетди. Ҳалиги кулги тўхтамаган ҳам эди Санжарнинг телефони жиринглаб қолди.

— Ҳа, Салим, нима гап? — деди Санжар кулги аралаш. Салимнинг телефонидан Мўмин аканинг овози янгради. “Санжарбек, буқани сўйдик, тарқатадиган жойга тарқатдик. Колганини нима қиласлик?”, — деди Мўмин ака.

— Қанақа буқа, нимага сўясизлар? Ким айтди? — деб

телефонни ўчириб, Толибга қараб кула бошлади. Толиб ўзини кулгидан тұхтатиб, Мели ака ва Ойгулга буқа ҳақидаги гапни айтиб берди. кулғи кетидан кулғи уланиб кетди. Санжар телефонни ўчириб қўйгани учун энди Толибнинг телефони жиринглай бошлаганди. Санжар ўрнидан туриб:

— Мели ака, хонангизга кирсак, икки ёш бир гаплашиб олсин, дегандим. Биз тўй кунини белгилайлик, — деди Санжар.

Мели ака уни ичкари уйга таклиф қилди. Яқиндагина хўрланиб йиглаб, кейин ичидан кулгани учун Ойгулнинг юzlари қизарип кетганди.

— Ойгул, менга ваъда беринг, бошингизга ҳар қандай фам келса ҳам, бундан кейин менсиз йиғламайсиз, хўпми?

— Хўп, Толиб ака, мен қўрқиб кетдим. Сиздан айрилиб қолишдан қўрқиб олдинроқ айтмагандим. Сизнинг олдингизда булоқ сувидек покизаман.

— Бўлди, Ойгул, илтимос, мен сизга ишонаман, мен сизга бир нарса бермоқчиман, лекин нима десам экан, ҳозир, — деб костюмининг чўнтағидан узукни олди. — Бу ҳалигидай жуда зўр бўлмаса ҳам — лекин онамнинг узуклари эди. Агар тақишига...

— Нималар деяпсиз, Толиб ака, сиз менга меҳрибон онангизнинг узукларини берасиз-у, мен тақмасмидим, ўзин из тақиб қўйинг. Ҳоҳлаган бармоғимни танланг, шуни ёдингизда тутингки, токи тирик эканман, бу узук мен учун қадрли бўлиб қолади ва ҳеч қачон қўлимдан ечмайман.

— Раҳмат, Ойгул, мени хурсанд қилдингиз, — Толиб узукни унинг бармоғига тақиб қўйди.

Санжар Мели аканинг хонасига кириб, ундан нима галлигини билмоқчи бўлди.

— Э, ўғлим, бунинг тарихи узун, — деб ҳаммасини айтиб берди.

— Ҳозир у йигитнинг пичоги мой устида, мен ишлаган соҳада ишлайди. Ҳали ҳам уйланмаган, унинг қўлидан ҳар нарса келиши мумкин. Чунки жиноят оламидагиларни жуда

яхши танийди. Шунинг учун Ойгул Толибжонга зиён-заҳмат етмасмикан, деб қўрқаяпти. У абраҳ қизимни қаттиқ қўрқитган кўринади. Мен унинг отасини яхши танирдим. Лекин уларнинг бундай бераҳм-бешафқатлигини тўй куни билдим. Ойгул ўзини бирор нарса қилиб қўярмикан, деб ўйлагандим. Лекин Ойгул мендан кучли чиқди. У бошини эгмай, фақат олдинга интилди. Бошига тушган ноҳақликлар бошқаларнинг ҳам бошига тушиши мумкинлигини билиб, ночорларга ёрдам қўлини чўзиб, қонунга асосланиб уларни ҳимоя қиласман, деб адвокатликни танлади. Мен бўлсан эртароқ нафақага чиқиб олдим.

— Мели ака, бекорга хавотир олаяпсиз. Балки у қилган хатосини тушуниб, Ойгулни яна олдига чақирмоқчиидир. Лекин яна билмадим. Мели ака, бу тўй бўлиши керак. Толиб Ойгулни севади, Ойгул ҳам. Таниш-билиш деган замонлар ортда қолди. Ўзимизни ҳимоя қилишга қурбимиз етади. Қизингизни ҳам хафа қилдириб қўймаймиз. Ака, шу ҳафта тўйни ўтказайлик. Толиб унақа катта тўй қилмоқчи эмас. Сизнинг розилигингиз бўлса бўлди.

— Мен, масалан, тайёрман, ёшлар нима дейишса, шуда, — деди Мели ака кулиб.

Толиб томоги қуриқшаб олма егиси келиб, энди бир тишилаганди. Та什қарига Мели ака билан Санжар чиқиб қолишибди.

— Хўш, ёшлар, биз қариялар бир тўхтамга келдик, энди, дўстим куёв бола, ўрнингиздан туринг, тўйдан олдин куёв келинникида кавшаниб ўтириши яхшимас, — деди Санжар Толибнинг ёнига ўтириб.

Толиб Санжарнинг гапини эшишиб, бир тишилаган олмасини ўрнига шошиб қўйди.

— Ойгул, агар керак бўлса, олдингизга Наргиз билан Севарани жўнатаман. Улар сизга ёрдамлашишади. Мели ака, агар бирор камчилик бўлса, бемалол менга айтаверинг.

— Менга қара, сен келин тарафидамисан ёки куёв?

— Мен Ойгулнинг акасиман, ҳали синглимни бу

хонадондан олиб чиқиб кетиш учун кўп эркаликларимни кўтаришинг керак.

— Сен тарафдагилар у ёқда буқани сўйиб қўйиб, нима қиларини билмай ўтирибди. Ишқилиб бир-бирларини сўйиб қўйган бўлишмасин-да.

Ўртада яна кулги кўтарилди. Бу икки қувноқ дўст Мели акадан фотиҳа олиб, уйдан чиқиб кетиши.

Толиб билан Ойгулнинг тўйи маҳалла тўйхонасида катта қозонда ош бериш билан бошланди. Маҳалланинг катта-ю кичиклари югуриб, елиб хизмат қилишди, ош ҳам ейиши. У ота-онасининг танишларини қўнгилдагидек кутиб, меҳмон қилди. Кечқурун Санжар Ойгулни олиб келди. Тўй урф-одатларимиздан четга чиқмаган ҳолда ўтказилди. Баъзилар у дедилар, баъзилар бу, лекин икки севишган учун гап-сўзларнинг аҳамияти йўқ эди. Улар бу муқаддас оиласи бошиданоқ оддий ва дабдабасиз бошлашни афзал кўришганди. Бу икки севишганга дўстлари, яқинлари баҳтсаодат, узоқ умр тилашди. Санжар дўстининг тўйини бошқача қилиб ўтқазмоқчи эди, лекин Толиб унамади. Толибнинг бу қарорига бир шарт билан рози бўлганди. Тўйдан сўнг у дўстини Ойгул билан тўй саёҳатига чиқарип юборади. Санжар бунга ҳам Толибни осонликча кўндиrolмади. «Ҳам саёҳат, ҳам тижорат. У ерлардаги бизга ўхшаган бирор фирмадан билан шартнома тузиб келарсан», деб ғранг розилигини олди.

Санжар ёш эр-хотинларни саёҳатга қузатиб қўйганига ҳам бир ҳафта бўлиб қолди. Уофисда баъзи бир хужжатларни кўздан кечириб ўтирганди, эшик очилиб Салим кириб келди.

— Санжар ака, кеча маҳалла гузарига чиққандим. Ҳамманинг оғзида Толиб акамнинг тўйи, энди ҳамма маҳалламиздагилар шунаقا кам чиқим тўй қиламиз дейишаяпти. Кимсан Толибдек йигит шундай қилганда, биз унинг олдида киммиз деяптилар.

— Ҳа, Толиб уйланиб ҳам кўлчиликка ўрнак бўлди. Тўй яхши ўтди. Менимча, сен фақат шуни айтгани кирмадинг, шекилли...

— Ҳа, Қурбон акам Санжарми, Толибжонми, бири менга учрасин дегандилар. Гаплашадиган иш чиқиб қолибди, шекилли.

— Гапни мижигламай, тўғрисини гапир, сен ҳаммасини биласан, нима ишлари бор экан?

— Менимча, Қурбон ота мустақиллик байрамига бир нарса уюштиromoқчилар, шекилли, билганим шу.

— Майли, қайтишда кириб ўтамиз. Менга Мўмин акани чақириб юбор, — деди Санжар. «Ҳали байрамга анча борку», деган ўй хаёлидан ўтди.

Салим Мўмин аканинг олдига кирганда у киши ҳам Толибнинг тўйи ҳақида ёрдамчилари билан гаплашиб ўтиришарди. Ҳақиқатан ҳам, Толибнинг тўйи ажойиб бўлди. У кам чиқимлилиги ва ортиқча дабдабасиз ўтгани билан барчага ёқди.

— Салимжон, агар шундай тўй қиласиган бўлсангиз, ҳозироқ уйланиб олган бўлардингиз, тўғрими? — деди Мўмин ака Салимнинг шароитини билгани учун.

— Ҳа, мен ҳам хурсандман, фақат қиз томон бунга кўнармикан, деб бошим қотган, ака. Ҳа, ака, Сизни Санжар акам сўраяптилар, — деди.

Санжар Мўмин ака билан маблағ ва фойдани кўриб чиқиб:

— Ака, нима дейсиз, менимча тикувчилик фабрикасидаги ишчиларнинг ойлик маошига яна кўшсак бўлар эканми? — деб сўради.

— Ҳа, Санжарбек, кўшсак бўлади. Чунки аксарият аёллар ишлашади у ерда, яхши бўларди.

Мўмин ака Санжарнинг шу феълини яхши кўради. У ҳар ой эринмай ҳисоб-китоб қилиб чиқиб, ишчиларнинг ойликларини оширишга ҳаракат қиларди.

— Мўмин ака, мана бу ҳужжатларни Толиб бир кўриб

чиқ, деб берганди. Сизнинг хабарингиз борми? — деб унга кўрсатди Санжар.

— Ҳа, хабарим бор. Юрист сифатида Ойгулхонга ҳам кўрсатдик, лекин бир қарорга келолмагандик. Чунки у киши сизни сўраб келганди, ўшанда, сизни, ҳалиги нима десам бўлади, қисматингиздан хабари йўқ экан, шекилли.

— Демак, бу ҳужжатлар бўйича биз чет эл билан шартнома қилишимиз керак ва уларнинг молларини дўконларимизда сотишимиз керак, тўғрими?

— Ҳа, шундай. Агар гаплашмоқчи бўлсангиз, менда телефон рақами бор, чақиришим мумкин.

— Майли, бир гаплашайлик-чи, фақат Толибнинг келишига чақирасиз. Майли, ишингизни қиласверинг, сизга рухсат. Ҳа, Мўмин ака, молхонада нима гаплар, ишлар яхшими? Камчиликлар йўқми?

— Ҳаммаси яхши. Буқачалар бирин-кетин семириб туришибди.

— Мўмин ака, биз ҳам ўша ерда от боқсак бўладими ёки от боқиши учун алоҳида мутахассис бўлиши керакми?

— Албатта, от нозик ҳайвон, у алоҳида парваришни талаб қиласиди.

Шу пайт бирдан эшик очилиб, икки киши кириб келди. Ортларидаги Салим ҳам эргашди.

— Санжар Солиевич сиз бўласизми? Биз гиёҳеандликка қарши курашиш бўлимиданмиз, мана ҳужжатимиз. Илтимос, биз билан юрсангиз, — деди улардан бири. — Қолган гапни ўша ерда гаплашамиз.

— Қаерга боришимни билсам бўладими? — деди Санжар ўрнидан туриб.

— Шаҳар ички ишлар бўлимига.

— Яхши, кетдик. Салим орқамиздан борарсан, — деб Санжар улар билан чиқиб кетди.

Санжар кириб келган хонада ҳеч ким йўқ эди. Уни олиб келганлар Санжарни ёлғиз қолдириб чиқиб кетишли. Хона

эгаси ўзининг қадрига етадиган одамга ўхшарди. Хонада телевизор, компьютер, оёқ остида гилам тўшаб қўйилганди. Деразадан шаҳарнинг ярми кўриниб турарди. Эшик очилиб хонага Санжар тенги гавдаликкина бир йигит кириб келди.

— Салом, Санжарбек, куттириб қўйдим, узр, — деб қўл бериб сўрашиб, бошлиқнинг жойига ўтириди. — Мен Исроил Боқиев бўламан, ким бўлиб ишлашим сизга аёндир, деб ўйлайман. — деб ўзи билан олиб кирган папканинг ипини ечиб, қофозларни титкилай кетди.

— Танишганимдан хурсандман. Фақат мен бу ерга нимага келганимни, аниқроғи олиб келинганимни билмай гарангман, — деди Санжар хотиржамлик билан.

— Ҳозир билиб оласиз, мана бу одамларни танийсизми? — деб унинг олдига учта фотосуратни ташлади.

Санжар суратларни қўлига олиб, бир кўз югуртириб:

— Ҳа, буниси Неъмат, бу Аҳмад, бу аёл адашмасам, ҳозир, ҳа Динара деб исмини айтганди ўшанда.

Исроилнинг режаси чиппакка чиқди. У Санжарнинг танимайман дейишини кутганди. Унинг жавобидан ўзини ўқотиб қўйди.

— Неъматга мен машинамни сотганман, — деб гапини давом эттириди Санжар. — Буниси у билан доим бирга эди. Бу қиз менга котиба бўлиб ишлаган, бунга анча бўлиб кетди.

— Гап шундаки, булар уччаласи дом-дараксиз йўқолган. Улар бизнинг бўлимда гумондор сифатида, яъни гиёҳванд модда тарқатишда гумон қилинарди.

— Исроил, бир вақтлар уларни таниганим тўғри, лекин уларга машинамни сотганимдан сўнг бирортасини қайтиб кўрмадим.

— Мана бунга қўл қўйсангиз, бу вақтинча шаҳардан чиқиб кетмаслик ҳақидаги ҳужжат.

Санжар у берган ҳужжатга қўл қўйиб берди.

— Яхши, ҳозирча сизга рухсат, чақирганимизда ҳар қандай ишни йиғиштириб келасиз, деган умиддаман, — деб қўлини узатди.

— Сиз ҳам беҳудага чақирмаймиз, деган умиддаман,

— деб Истроилнинг қўлини қаттиқ қисиб қўйди Санжар.

Истроил Ойгулга ноҳақлик қилган, Мели аканинг обрўсини тўккан ўша кимса эди. Санжар бу учрашувни кутиб юрганди. Агар у чақирмаганда, барибир, бошқаси чақиравди, деб ўйларди Санжар.

— Ака, тинчликми, нима гап? — деди машинада хавотир олиб кутиб ўтирган Салим Санжарга эшикни очиб.

— Ҳа, тинчлик, ўтмишдан садо келди, ука, майли, ҳайда, пешонада борини кўрамиз.

Санжарнинг кайфияти тушиб кетганди.

Санжар дўстини кутиб олиш учун аэропортга йўл олди. Толиб билан Ойгул саёҳатдан яхши таассуротлар билан қайтишиди. Саёҳат учун улар Санжардан бекиёс миннатдор эдилар.

Толиб эртасига ёқ ишга чиқди. Ишхонадагилар билан таассуротларини ўртоқлашди.

— Хўш, Санжар, ишлар қалай, менсиз зерикмадингми, дўстим?

Толиб саёҳатдан шижоатга тўлиб қайтганди. У жуда хурсанд эди. Етиб келгунча анча катта режалар тузиб келганди.

— Сенсиз зерикаман-да, дўстим. Ишлар жойида, мана маҳалламиизда бир кичикроқ усти ёпиқ бозорча қилайлик, деб Қурбон ота таклиф киритдилар. У маҳалла аҳлига мустақиллик байрамига совға бўлади, дейдилар. Шунинг ҳаракатида юрибман. Сен ҳам у кишига бир учрашсанг бўларди, — деб кўзини олиб қочиб гапираётганини билдириб қўйди Санжар.

— Нима гап, Санжар, шаштинг паст, бирор ишкал борми?

Санжар Истроил дегани билан учрашганини ва ўрталарида бўлган суҳбатни айтиб берди.

— Аввало, дўстим, бу сени ўтмишинг, ҳамма ҳам ҳаётда адашиши мумкин. Нима, сенингча учта одам ўлиб

кетади-ю бунинг ҳисобини ҳеч ким сўрамайди, деб ўйлаганимидинг, уларнинг орқасидан сўрайдигани бўлмаса, лавлат бор, қонун бор, ахир. Яхиси, сен бу ҳақда ўйлама, ҳаммасини вақт кўрсатади. Айнан ўша Истроил чақирганига келсак, мен Ойгул билан гаплашдим, унинг айтишича, ёмон бола эмас экан. Ўшанда Қўнғироқ қилиб кечирим сўраб, Ойгулни қайтармоқчи бўлибди. Сени шаҳардан чиқиб кетмай туришингга келсак, айни муддао бўлибди, сен билан шаҳарда қиладиган ишларимиз кўп. Режалар тиқилиб ётибди, дўстим. Бир кун вақт топиб ўша Истроил билан ўзим гаплашаман. Ҳозир эса, ўрнимиздан турайлик-да ресторанга борайлик. У ерда бир бўш ётган жой бор, бир нарса ўйлаб қўйдим, юр ўша ерда айтаман, дўстим.

Толибни ҳозир ҳеч қандай гап билан хафа қилиб бўлмасди. Икки дўст янги режани амалга ошириш учун йўлга тушишди.

Толиб бизнес клуб очиш учун бино қуришни режа қилганди. Икки дўст маҳаллий ҳокимиятга ариза билан чиқишиди. Толиб ўйлаган бино икки қават бўлиб, юқори қавати меҳмонхона, қуйи қавати музокаралар зали ва ҳар хил шартномалар имзолаш хоналарига ажратилиши лозим эди. Бичони миллий услубда қуришни ва охирги замонавий техника жиҳозлари билан таъминлашни режалаштиришганди. Ҳокимиятдагилар бу икки ёшнинг ташаббусини қувватлаб, бино қуришга рухсат беришди. Бу маскан шаҳардаги барча тадбиркорлар учун керакли бино бўлишини таъкидлаб, икки дўстнинг ўзига ташлаб қўймасликка ваъда ҳам беришди. Яхши ният билан бошланган иш тез амалга ошиши яна исботини топди. Бино қурилишини бошлаб юборишли.

Шу ишлар ва шунга ўхшаш бошқа хайрли ишлар билан бўлиб Истроил ҳам эсдан чиқиб кетди. Лекин...

Истроил Ойгулнинг тўйидан бехабар қолиб, уни қўлдан бой берганига чидолмай кечалари тўлғониб чиқарди. Нега

энди менинг нарсамга ўша бир оддий фирмач эга чиқиши керак. У ким бўлибди менинг олдимда, деб кеча-ю қундуз ўйлаб, қасос алангасида ёниб юрарди. Шундай алам билан Истроил бу икки дўстнинг ўтмишидан бирор нарса топиш учун уни суриштира бошлади. У ёрдамчисини чақириб Толиб ҳақида маълумот тўплашини айтди, ўзи Карим Бадаловичнинг ҳузурига йўл олди.

— Э, келинг Истроил, марҳамат ўтиринг.

— Ассалому алайкум, Карим ака, яхшимисиз, уй ичилар юришибдими?

— Раҳмат, ука ўзингиздан сўрасак, ота яхши юрибдиларми?

— Яхшилар, раҳмат. Иш жойимиз бир бинода-ю кам кўришамиз, ака. Ишқилиб соғ бўлинг, борингизга шукр.

— Ҳа, иш кўп, ука, иш билан бўлиб, шунаقا экан-да, хўш бирор хизмат борми?

— Карим ака, арзимаган иш, бундан анча йил олдин Толиб Ҳамидовнинг ишида терговчилик қилган экансиз, деб эшитдим. Ўша Толиб ҳақида билмоқчи эдим. Сабаби унинг яқин дўстини бир ишда гумон қилиб турибман.

— Тўғри, шундай бўлганди, у йигитни яхши танийман, ҳозир ҳам салом-алигимиз бор. Унинг ўшандаги ишида ҳеч қандай далил-исбот тасдиқланмаган, иш ёпилган, — деди Карим ака.

— Толибнинг дўсти Санжар ҳақида нима дея оласиз?

— Санжар гиёҳванд бўлганини эшитганман, лекин ҳозир қаердадир даволаниб қайтганмиш, бундан бошқа нарсани билмайман.

— Карим ака, менда гиёҳванд модда савдоси билан шуғулланган уч киши билан Санжарнинг алоқаси бўлғанлиги ҳақида маълумот бор. Уларнинг даврасида Санжарни ҳам бир-икки кўришган экан. Қолаверса, бу икки дўст бирданига бундай бойиб кетишганига шубҳам бор, — деди Истроил

— Улар ҳақида мен кўп яхши нарсаларни эшитганман, бу шубҳангиз менимча ноўрин. Лекин одамнинг оласи

и чида, дейишади, гумонларингизни текшириб кўришингизга қаршилигим йўқ. Лекин уларнинг обрўларига путур етадиган иш қилиб қўйманг. Мен Толибнинг ишини кўрганимда, оддий одамлардан шундай хатларни олганманки, ҳатто унинг ўрнига қамоққа ётишга рози бўлишганди. Испотланмаган жиноят билан уларни қамаш қийин. Сизга маслаҳатим Мели аканинг қизини деб улар билан ёқалашманг. Ҳақиқатни бетга айтишга одатланганман, ука, буни яхши биласиз. Уларнинг тарафини оляяпти, уларга «акалик» қиларкан-да, деб ўйласангиз ҳам хато қиласиз. Улардан еб қўйган жойим йўқ. У икки дўстга менга ўхшаган акаларнинг кераги ҳам йўқ. Улар қандай ютуққа эришаётган бўлишса, эзгу ниятлари халқ дуоси билан амалга ошаяпти.

Карим Бадалович Толибнинг таклифи ва Мели аканинг ҳурмати билан тўйга борганида оддий одамлардан бу икки дўст ҳақида жуда илиқ гапларни эшишиб қайтганди. Нафақат бунинг учун, Исройл қандайлигини билгани учун ҳам жаҳли чиқиб кетаётганди.

— Ука, ўт билан ўйнашманг, ақлингизни йифиб, улар билан дўстлашишни ўйланг. Улардан ўрганишингиз керак бўлган нарсалар бор, ахир сизлар тенгқурсизлар. Гапим оғир ботган бўлса, узр. Ҳар ҳолда сиздан беш-олти кўйлак кўп эскитганман.

— Карим ака, мени нотўғри тушундингиз, шекилли. Менинг уларга хусуматим йўқ. Ойгулга келсак, тўғри, хато қилганман, бундан афсусдаман. Лекин бунинг ишга алоқаси йўқ. — деб Исройл отдан тушса ҳам этардан тушгиси келмасди.

— Майли, ука, дилингизда нима борлиги ёлғиз Худога ва ўзингизга аён. Толибнинг «дело»си архивда, бемалол кўришингиз мумкин. Илтимос, менинг ишим кўп эди, — деб Карим ака ҳайдаб чиқаргандай Исройлни ташқарига кузатиб қўйди.

Исройл Карим Бадалович олдидан пати юлингтан хўроздек чиқиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Унинг

Курум босган ичи баттар буруқсіб кетди, бу икки дүстнинг ўтмишидан ҳеч нарса тополмаслигига ақли етиб қолғанди. Бундан хуноб бұлған Исройлнинг қулогига унинг дўсти «шайтон» бир нарсаны шипшиштди. У шайтоннинг гапидан ичи севинчга тұлыб кетди. Карим аканинг сұзларини дарров унугиб, үз билганидан қолишини истамасди.

Санжар билан Толиб тушлик қилиш учун ресторандаги жойларида ўтиришганди. У ерга ёрдамчиси билан Исройл келиб қолди. Тұғри уларнинг олдига келиб саломлашди.

— Ўтирасак майлими, Санжарбек?

— Марҳамат, бемалол, — деди Санжар у билан қўл бериб сўрашиб.

— Танишинглар, бу менинг дўстим Толиб, бу киши Исройл Боқиев бўладилар, — деб уларни танишитирди. Толиб ўрнидан туриб у билан сўрашибди.

— Танишганимдан хурсандман, — деди Толиб.

— Э... Санжарбек, бундай расмиятчиликнинг нима кераги бор, шеригим билан тушликка келгандик, сизларни кўриб қолдим. Бирга тушлик қилиб, бир яқиндан танишиб олайлик, дедим ёки халақит қилдикми?

— Йўғ-э, бемалол. Мен шунчаки, дўстимни яна олиб кетасизми, деб қўрқиб кетдим, холос, — деб ҳазиллашиб кўйди Толиб.

— Санжарбек! Ҳалиги иш ёпилди. Энди хоҳлаган жойи гизга боришингиз мумкин. Мен ҳам бир кичкина одамман. Катталар буюришади, мен бажараман. Қолаверса, Толибжон билан ҳам танишиш ниятим йўқ эмасди. Мен Толибжон, Ойгулхонга қилган ноҳақдигимдан афсусдаман. Уни жуда қаттиқ ражитганман. Тўғриси, ёшлиқ қилганман. Онамнинг ўлими мени эсанкиратиб қўйганди ўшанда. Ҳозир Ойгулга фақат баҳт тилайман. Шу гапларни айтиш учун ҳам сиз билан учрашмоқчи бўлиб юргандим. Орамизда ишонч йўқолмасин демоқчиман. Қолаверса, тенгқур эканмиз, мақсадим сизлар билан дўст бўлиш, — деди Исройл жилмайиб.

— Мана бу бошқа гап, бўлмаса танишганимизни бир

нишонлайлик. Қаршилар йўқ бўлса, хонага жой қилишсин, хотиржам ўтирамиз, — деди Санжар.

Танишув-ўтириш чўзилгандан чўзилиб кетди. Улар умрбод дўст бўлишга ваъдалашиб, уйларига тарқалишди. Санжарни Салим зўрға машинага ўтқазди. Унинг кайфи ошиб қолганди.

— Толиб, Исройл ёмон йигитга ўхшамайди, тузуккина одамшинаванда кўринади, тўғрими? — Санжарнинг сўзлари оғзидан тушиб кетаётганди.

— Ҳа, дўстим, шунаقاға ўхшайди, лекин у билан бирга ўтирганимизни Ойгул билмай қўя қолсин, хўпми?

Толибнинг кўнгли барибир ғаш эди. Исройлнинг ниятини кўзларидан билиб бўлмаса ҳам, лекин унинг сўзлари нимагадир самимийга ўхшамасди. Ҳозир бу фикрини Санжарга айтиш бефойда эди. У фирт мастиб эди.

Ойгул машина овозини эшишиб кўча эшикка чиққанида Толиб:

— Эртага эртароқ келарсан, — деб машина эшигини ёпаётганди.

— Асслому алайкум, ҳорманг Толиб ака, — деди Ойгул қўлини кўксига қўйиб.

— Воалайкум ассалом! Озгина ўтиришимиз бор эди, анави маҳмадонанинг кайфи ошиб қолди. Ишхонада нима қиласмиш, деб эртароқ келавердик.

— Ўзингиз ҳам тузуксиз-ку, яхши қилибсизлар, келинг, кийимларингизни алмаштириб, ювиниб чиқинг. Мен лағмон чўзаётгандим. Ҳозир тайёр бўлади.

— Лағмон дейсизми, қулоққа осадиганми?

— Ҳа, қулоғингизга осса бўлади, — деб Ойгул Толибнинг ҳазилига ҳазил билан жавоб қилди. У Толибни ҳеч бундай мастиб ҳолда кўрмаганди.

Толиб ювиниб-тараниб, дастурхон ёнига келди. Ойгул унга газеталарни бериб, дамлаган чойидан қуйиб берди.

— Сиз ўтириб туринг, мен ҳозир, — деди шошилиб ошхона томон юриб.

— Ойгул, шошилманг, менинг қорним түқроқ, хотиржам олиб келаверинг.

Толиб Истроил ҳақида ўйларди. Ишқилиб Ойгул ҳақидаги гаплари самимий бўлсин-да, дерди. Лекин ёмон нияти борга ўхшамади, шекилли, деб ўзини овутиб ҳам қўярди Толиб. У шу хаёллар билан дастурхон ёнида ухлаб қолди.

Лекин Толибнинг шубҳалари тўғри эди. Истроил шайтон билан битим тузганди. У икки дўстга қарши даҳшатли қуролни ишлатмоқчи эди. Толиб ва Санжар учун муқаддас бўлган тўйғу — дўстликни ўзига қурол қилиб, уларга қарши ишлатишни ният қилганди.

Толиб эрталаб уйғониб, ўрнидан турганда Ойгул ҳовлини супуриб, сув сепиб нонуштани тайёр қилиб, ўзи ошхонада севикли ёрига яхши кўрган таомини пишираётганди.

— Ойгул!

— Лаббай, ҳозир!

— Ёнчмга келинг, бир гапим бор, — деди Толиб.

Ойгул қўлига чойнакдаги сув ва сочиқни олиб, юргурганча Толибнинг ёнига келди. У юз-қўлини ювиб, сочиқни Ойгулдан олар экан, унга қараб тикилиб қолди.

— Ойгул, ҳар бир йигит ўзига қандай қиз ёр бўлишини орзу қилишини биласизми?

— Кўзларидан меҳр, оқибат, вафо нурлари тарагиб турган, чеҳрасида севги, муҳаббат акс этган, тилларидан бол томадиган, қалби меҳр-шафқат, садоқатга тўла, севгилиси учун юраги талпиниб турадиган, ор-номусли, иффатли, чечан ва хушчақчақ ёрни орзу қиласади. Ана шундай ёри бор эркак ҳаётда энг баҳтли инсондир. Ана

шундай ёр учун бу ёргу дунёда яшаса бўлади. Шундай ёр учун ҳатто жонни фидо қилса арзиди.

Толиб Ойгулни қучоғига тортиб:

— Ўша баҳтли инсон бугун менман, бу баҳтга, шундай орзуимдаги умр йўлдошини раво кўрган Худога шукроналар бўлсин! — деди.

Толиб бироз Ойгулни қучоқлаб туриб:

— Шу сўзларимни ҳеч қаҷон ёдингиздан чиқарманг, энди юринг, нонушта қилайлик, — деди.

Ойгул эрининг сўзларини эшишиб, бу шунчаки хушомад эмас, балки чин юракдан айтилган сўзлар эканини биларди. У ҳам Худога шундай ёр ато этганлиги учун шукроналар айтарди. Лекин нима учун бугун эрталабдан бундай дил изҳорини эшитганига ҳайрон эди. Сабабини фақат Толиб биларди. Кеча ўзининг рақиби Истроил билан учрашгани учунми Ойгулга бўлган меҳри жўшиб кетгандай эди.

Эр-хотин нонуштага ўтирган ҳам эдиларки, эшикдан Салим кириб келди.

— Кел, Салим, келавер, ҳозир кетамиз. Санжар қани?

— Наргиза кеннойимга афтиларини дазмоллатиб, кейин орқамиздан ўзлари борар эканлар, — деди тиржайиб. — Толиб ака, кетишда Қурбон акага учраб кетаркансиз.

Салим ҳам қўшилиб нонушта қилиб, бирга кўчага чиқишиди.

Қурбон ота хонасида бир ўзи ўтирганди. Унинг қўлида рўйхат бор эди.

— Ассалому алайкум, Қурбон ота, яшимисиз? Сўраган экансиз. Соғлигингиз жойидами? — деди Толиб хонага кира солиб.

— Кел, ўғлим, ўтири-чи, сени йўқлаганимнинг сабаби, Толибжон, мен ҳозир маҳалламиздаги кам таъминланган, боқувчиси йўқ қариялар рўйхатини тузиб чиқдим. Шуларни байрам арафасида бир ҳолларидан хабар олиб, йўқласак,

бирор зарурий эхтиёжларини қондириб, биргаликда дуоларини олсакмикан, дегандим.

— Жуда яхши ўйлабсиз, менда бир таклиф бор, агар мана шу янги битган бозорчамиизда сабзавотлар, мева-чевалар ярмаркаси ташкил қилиб, арzon нархда сотсак, бунга нима дейсиз? Ўша сизнинг рўйхатингиздаги одамларга бир қоп-бир қопдан текинга берсак-чи?

Икки дўст кам таъминланган одамларга ҳар доим ёрдам бериб туришарди, лекин ярмарка ташкил этиб, меваларни арzon нархда сотишни биринчи марта йўлга қўйишаётган эди. Калласига келган бу фикрдан Толибнинг ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди.

— Отангга балли, Толибжон, бу ишинг жуда зўр бўларди. Агар гўшт ҳам бўлганда...

— Гўшт бўлади, ота, уни Санжарга юклаймиз. Ҳа, яна битта насия дафтар ҳам тутиб қўйинг, балки ўша куни кимнингдир пули бўлмай қолар.

— Яхши, ўғлим, барака топ. Буёгини ўзим зиммамга оламан, — деди Курбон ота. Ярмарка кунини белгилаб, Толиб ишхонаси томон йўл олди. Толиб оғис олдига келганида ҳисобчи Мўмин ака ҳам эндингина келиб, оғзига солиб олган носвойни ташлашдан қизғониб, эшик олдида турганди: У Толибни кўриб, югуриб четга ўтди ва носини тупуриб, келиб сўрашди.

— Ака, яхшимисиз, шу қуриб кетгур носни чайнаб ютиб юборадиган қилиб қўймаган-да, — деди Толиб Мўмин акани хижолатпазликдан қутқариб.

— Шуни айтинг, шу ярамасни, сигаретни ташлайман, деб ўзимни алдаб, хуморни босиш учун чекиб турардим, энди сигарет ҳам, нос ҳам чекиб юрибман, — деди Мўмин ака ўзига ачиниб.

— Ака, хижолат бўлманг, сизга бир гап бор, ичкарига кирайлик.

Толиб хонага кириб, графиндаги сувдан пиёлага қўйиб, Мўмин акага узатди. Мўмин ака учун бу сув айни муддао бўлди. Оғзида бир-иккита қолиб кетган нос унинг кўнглини

безовта қилаётганди.

— Раҳматли дадам ҳам нос чекардилар, онам у кишини кутиб турадилар. Носни ташлашлари билан дадамга пиёлада чой ёки сув узатардилар. Бу қуриб кеттур жуда аччиқ-да, мен ҳам бир-икки татиб қўрганман, ака.

Мўмин ака Толибнинг майдада чуйда нарсаларга ҳам аҳамият беришини кўп қўрган бўлса-да, ҳар сафар унга қойил қоларди.

— Раҳмат, Толибжон, — деб Мўмин ака сувни ичиб пиёлани қайтарди.

— Ака, қишлоқдаги қўни-қўшниларингиз томорқада эккан маҳсулотларини бозорда сотишади, тўғрими?

— Ҳа, ука, лекин улар ўзлари сотишармиди. Бозор эшиги олдидаги «сохта деҳқон»ларга ўтказиб, қайтиб кетишади. Агар ўзлари сотишганда, бозордаги нарх бунчалик бўлмасди, — деди Мўмин ака норози оҳангда.

— Мўмин ака, улардан эшикларининг олдига бориб сотиб олсак, арzonроқ беришадими? Албатта, уларни оғринтирумайдиган нархга сотиб оламиз.

— Жон дейишади-ку, йўл кира қилиб ҳам ўтиришмайди. Уларга яхши-ку.

— Бўлмаса шуни уюштирасак. Бундай қиламиз эртага...

Толиб гапини тугатмаганди ҳам эшик очилиб Салим кириб келди.

— Толиб ака, кечирасизлар, Мўмин акам бир кишига келаверинг, мен ҳозир етиб бораман,офисда учрашамиз, деган эканлар, ўша киши келиб Мўмин акани сўрайтилар, сал жаҳлдорроқ эканлар, шунга...

— Ия, Толибжон, узр, ҳалиги чет эл масаласи-чи, шартнома ташлаб кетган киши бўлсалар керак, бу учинчи бор келишлари ўзиям.

— Майли, кирсинлар, — деди Толиб.

Эшикдан ўзидан олдин қорни кириб, ўрта бўйли, оғзи тўла тилла тиш, бармоғига катта кўзли узук тақиб олган, бўйнидаги тилла занжири бошбармоғидан ҳам йўғонроқ, эгнига қора футболка кийган семиз бир киши кириб келди.

Толиб ўрнидан туриб, у киши билан сўрашиб, креслога ўтиришга таклиф қилди. У креслога ўтирганида креслодан гичирлаган овоз чиқиб кетди. Куп чекканиданми ёки семизлигиданми нафас олиб чиқарганида пишиллаган овоз чиқиб турарди.

— Ака, узр, ҳозир Санжарбек келади, ишингизни бугун, албатта, ҳал қиласиз, — деди унинг жаҳлини босмоқчи бўлиб Толиб.

— Мўминжон, ука, бунақамас-да, мени чақириб қўйиб, ўзингиз бу ерда гаплашиб ўтирибсиз. Шу ишни таклиф қилганимга-ку анча бўлиб кетди. Сизларга ўхшаган фирмалар тиқилиб ётибди. Кўнглим тортиб сизлар билан ишлагим келганди-да, ука.

— Узр, бунчалик тез етиб келасиз деб ўйламабман, биз ҳам эндиғина келиб тургандик, Воҳид ака, — деди Мўмин ялинганнамо узр сўраб.

— Мўмин ака, бўлмаса янги ойнинг йигирманчисига мўлжал қилиб, сабзавот, полиз экини, мева-чева, ишқилиб хўжалик маҳсулоти бўлса бўлди, кейин битта новвосни ҳам тайёрлайверинг, ярмини сотиб, ярмини эҳсон қиласиз, — деб Толиб мавзууни бошқа томонга буриб Мўмин акани бу бесўнақай гавдасига ўхшаш сўзи ҳам қўпол одамдан кутқариб қолди.

Эшик силиб Санжар кириб келди. Ҳақиқатда Салим айтг' нидек, унинг афти дазмоллайдиган даражада бужмайиб кетганди. У ҳамма билан сўрашиб бўлгач, тўғри музлаткичга қараб юрди ва муздек газли сувни пишиллатиб очиб, шўлқиллатиб ича бошлади. У бир шиша сувни бир кўтаришда бўшатиб, иккинчисини қўлига олганча ўрнига ўтириди. У меҳмонга қараб:

— Ака, узр, аранг етиб келдим. Шу ароқни ким чиқарган экан, уйинг куйгур, — деб қўйди ҳазиллашган бўлиб Санжар.

Мўмин ака Санжарни меҳмон билан таништириди.

— Жуда яхши, Воҳид ака, дўстим билан бу шартномани кўриб чиқдик. Таклиф қилган ишингиз ҳам яхшига ўхшайди.

Лекин баъзи тушунмаганларимизни энди ўзингиз тушунтирасиз-да, — деб иккинчи шишани очиб сувни ича бошлади.

— Санжарбек, гапнинг пўст калласи шундай. Мен Хитойдан «товар» олиб келиб ўзимизда сотаман. Шу ишни бир чиройли қилиб юрувдим. Бундан кейин ҳам шундай ишимни давом эттиришим мумкин. Лекин баъзи танишбилишлар шу қилаётган ишларингни ҳужжат асосида қилгин, деб маслаҳат беришди.

Воҳид ака, шундай чапани, бозор тилида гапирадики, худди ҳеч қандай ҳужжатни тушунмайдиган, савдо-сотикдан бошқа нарсага ақли етмайдиган одамдай тутарди ўзини. Гавдасига мос овози ҳатто ташқаридағиларга ҳам эшитилаётганди.

— Хўп, яхши, Воҳид ака, биздан нима хизмат, қандай ёрдамимиз керак сизга? — деди Санжар.

— Ана шу берган қофозимга битта печатингизни уриб берсангиз бўлди. У ёфини ўзим тўғрилайман. Томожнийда таниш бор, сизни фирмангизга арзимаган товарни «зформит» қиласиз, холос. Асосий товарни қандай олиб келаётган бўлсан, шундай олиб келавераман, шу десангиз, сабаби тирикчилик, ҳаммасини давлатга кўрсатиш шартмаску, тўғрими? Бозорга битта документ бўлади-да, сизларга ҳар ой шу битта арзимаган «печат»ингиз учун фойиз ҳисобида пул бериб тураман. Бозорқум, мелисаси, солиқчиси таниш, лекин буни ҳам қилиб қўйсам, хотиржамроқ савдо қиласиз-да. Сизлар ҳам нафланиб қолар эдингиз, бош оғриққа қуруқ сув ичмай, айрон ичармидингиз, дейман-да. А, лаббай, Санжарбек, — деб ҳоҳолаб кулиб юборди Воҳид ака.

Воҳид аканинг бу сўзларини танасига сингдира олмай ўтирган Санжар бирдан ўрнидан туриб яна музлатгичнинг ёнига борди. У нима қилишни, отаси тенги одамга нима дейишни, қандай жавоб қилишни билмаётганди. Нимагадир Толиб ҳам индамай ўтирарди.

— Хўш, укахонлар, тушунтира олдимми? Агар хўп

десангиз, олдиндан уч ойлик пулни ҳозироқ бераман.

— Қанча берасиз ҳозир? — деди Санжар жаҳдининг жиловини ушлаб. — Аслида сизга бу нарсанинг, яъни документнинг унчалик кераги йўқ, лекин кўнгил хотиржам бўлсин, қолаверса, бизга ҳам ёрдам бўлсин демоқчисизда, Воҳид ака, — деди Санжар унинг айёrona қараб турган кўзларига қаҳр билан қараб. Санжар столдан шартномани олиб:

— Мўмин ака, печатни олиб чиқинг, — деди зарда билан. — Бу бошқа гап ука, олдин ҳам айтдим, ҳозир ҳам айтаман. Ҳозир нима кўп, фирма кўп, лекин кўпининг таг-туғи йўқ. Бугун бор, эртага йўқ. Ҳеч балони тушунмайдиган ёш-ёш болалар. — деб хотиржам гапириб ўтиради Воҳид ака.

Мўмин ака печатни кўтириб кириб келди. Санжар печатни бир оқ қоғозга яхшилаб уриб, Воҳид акага кўрсатиб:

— Ака, буни кўриб, ўқиб кўринг-чи, — деди.

Воҳид ака синчковлик билан муҳр ёзувларини ўқий бошлади:

— Ўзбекистон Республикаси «Икки дўст» хусусий фирмаси. Яхши, ука, бўлаверади, жуда зўр.

Санжар Воҳид ака олиб келган шартномани унга кўрсатиб:

— Энди ака, мана бундаги муҳрга нима деб ёзилганини ўқиб беринг-чи, илтимос, ака.

— Э, Санжарбек, буни ким тушунарди, аллақандай чизиқчалар-ку.

— Йўқ, ака, бу чизиқчалар эмас, бу хитойликлар ёзуви, лекин нима дейилганини сиз ҳам, мен ҳам билмаймиз. Шартномада хитойча ва русча шартлар ёзилган. Уша шартлардан бирида айтилгандикки, биз юз фоиз пулни ўтказамиз, улар сиз айтган «товар»ларнинг сифатига кафолат беришаяпти. Сизнинг таклифингизга кўниб, «печат»ни урсам, сиз менга қанча берасиз, шуни айтинг-чи, ака?

— Ҳалиги, оборотга қараб, икки фоиз бераман, — деди дудуқланиб, Воҳид ака бир фоиз демоқчи эди. Лекин

Санжарнинг авзойини кўриб, оғзидан икки чиқиб кетди.

— Камида юз миллион сўм айлантирасиз, тўғрими?

— Тўғри, ҳамма пул ўзимники эмас, — у худди гипноздаги одамдек ўтирган ўрнида қотиб қолганди.

— Энди ўзингизга келаяпсиз, ака, ахир ҳеч нарса сизники эмас, пул ҳам, миниб юрган машинангиз ҳам, қурган уйингиз ҳам, эгнингиздаги кийим ҳам, бўйнингиздаги мана бу занжир, ҳатто узук ҳам сизники эмас. Ахир мен сизни танимайман-ку, ака.

— Менга қаранг, ука, Худога шукр, ҳаммаси ўзимники, ҳалол ишлаб юрган одамман. Кейин сизнинг олдингизга насиҳат эшигани эмас, ишлаймиз, деб келганман. Кейин ўғлим ёш бўлиб менга ақл ўргатманг, ҳар ҳолда отангиз тенги бўлсан керак.

— Ҳа, ана энди ўзингизга келаяпсиз, ака, катталигингизни ҳурмат қилиб, финг демай гапингизни эшигидик. Бир саволимга жавоб берсангиз: Сизга бирор киши «Икки дўст» фирмасининг бошлиғи ювиндихўр, дедими ёки ўзингиз шундай деб ўйлаб қолдингизми?

Воҳид аканинг ранги оқариб, қўллари қалтирай бошилганди. Беш-олти йилдан бери унга ҳеч ким бундай ўдағайлаб гапирмаганди. У туриб кетишни ҳам, ўтиришни ҳам билмай, гаранг бўлиб қолганди.

— Ака, — деб сўзида давом этди Санжар, — Мен сизни танимайман! Сиз ҳеч қачон четта чиқиб, бир дона гугурт ҳам олиб келолмайсиз. Ҳатто бозорда ўтириб, савдо ҳам қилмайсиз. Сизнинг нима иш қилишингизни биламан, сиз тайёр пулни йигиштириб тахтайсиз, қўлингиз билан санаб, қўзингиз билан кўриб қувонасиз. Ана шу озгина қувонч ҳам сизга насия. Чунки пуллар сизники эмас. Кимники эканлигини ҳам биламан. У қачонлардир катта вайдалар бериб, сени баҳтли қиласман, деб никоҳингизга олган ўша хотинингизники ёки эрини топганига қаноат қилмай бойлик, нафс кетидан қувиб, ўзи хотин бўла туриб эрликни, аёл бўлатуриб эркакликни бўйнига олган бир шўр пешона, гуноҳкор «хунасаники». Шу пуллар ичиди

сизники қанчалигини ҳам биламан, сизни бир кунлик тамаки пулингиз, тушлик пулингиз ва бир ойда бир марта ўзингизга ўхшаган улфатлар билан чойхонада ўтириб ош қилиб ейиш учун олган пулингиз сизники. Энг ачинарлиси шуки, ўша улфатлар ҳам сизники эмас, уларни сизга хотинингиз тавсия қилган. Кўринишдан яхши одамга ўхшайсиз. Сизни танийман. Сиз олдин бундай бўлмагансиз.

Санжар бақириб Салимни чақириб, унга машинадаги дипломат жомадонни олиб келишини сўради.

У жомадонни очиб:

— Ака, буларни кўринг! Унда пачка-пачка доллар ва сўм пуллар, бир четида эса, тилла буюмлар бор. Кўринг ака, қувонинг, мен қувониб бўлдим, чунки булар ҳам менини эмас, ўн кундан бери машинада туради. Нима қилишни билмайман, чунки менини эмас.

Салим шунча нарса билан машинани очиқ-сочиқ жойда қолдириб юрганини билиб юраги ўйнаб кетди.

— Биласизми, ака, бу менинг онамники, онам ўлиб кетдилар, улардан қолган нарса шулар. Бунинг ичida тилхатлар ҳам бор, кимдир уйини, кимдир машинасини гаровга қўйиб, пул олган, битта-иккитасини нотариус ҳам тасдиқлаган. Мен ҳозир бойман, шу пуллар билан сизнинг бизнесингизни ўй-жойингиз билан сотиб олиб, ҳатто ўша томожнийдаги танишингизни ҳам бой қилиб юборишим мумкин. Толиб дўстим сенга керакмас бу пуллар, биламан. Мўмин ака сизга-чи, Салим ол, керак бўлса, ака, олинг сизга ҳаммасини шундайлигича бераман. Аммо бу пулларни ишлатишдан олдин, бир нарсани билишингизни истардим, бу бойлик кимларнингдир меҳнати, кимларнингдир кўз ёши. Энг ёмони судхўрлик билан топилган, йигилган пуллар. Онамнинг ўлимига ҳеч ким ачинмади, бирор кишидан онанг яхши аёл эди, деганини эшитмадим, лекин бир нарсани аниқ биламан, мана бу тилхат ёзib берганла учун онамнинг ўлими айни муддао бўлгани аниқ.

Воҳид ака, сизнинг менга берадиган ўша икки фойизингизга зор эмаслигимни энди билдингизми?

Яна бир нарса, мана шу сиз айтаётган арзимас «печать» сизни катта-катта гуноҳ ва бойликларингизга қонун олдида ниқоб бўлар экан-ку, сиз арзимаган дейсиз. Фирмачларнинг уруғи кўп дейсиз, уларни назарингизга илмайсиз. Бугун бор, эртага йўқ дейсиз, фирибгар дейсиз. Ахир сиз-ку уларни фирибгарликка ўргатиб, ювингиздан бериб, бошига иш тушганда чеккада индамай қараб турган. Ёш бола дейсиз, ахир сиз эмасми ёшингиз катта бўлатуриб давлатни алдашга, қабиҳликка, риёкорликка, мунофиқликка ўргатаётган. Мана, исботи рўпарамда ўтирибсиз. Сиз, менимча, ҳақиқатан ҳам бир оми одамсиз ёки бойлик ва нафс йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган қабиҳ, разил одамсиз. Худога минг бор шукр, ўзбексиз, тилингиздан билиниб турибди. Наҳот сизга Ўзбекистоннинг келажагини фарқи бўлмаса. Наҳотки, эркакликдан сизда оз бўлса ҳам қолмаган бўлса.

Мени бир савол қийнайди: Яратганинг олдида сиз ким бўлиб жавоб бераркансиз, эркакми ё аёл?

Агар бирор гапим нотўғри бўлса, сизга ноўрин гапирган бўлсан, ҳақорат қилиб сизни ранжитган бўлсан, ҳозир ўрнингиздан туриб, мени шундай мушт билан урингки, сиздек Ўзбекистонга хиёнат қилаётган, эркаклик ғурурини йўқотиб, аёлининг орқасидан сифинди бўлиб, бойлик, ҳирс, нафс йўлида ёшларни нопок йўлга бошлаётган маҳлуқларга бўлган нафратим ичимдан отилиб чиқиб кетсин. Зора, ўшандада мен ҳам сизларга ўхшаб қуруқ сув эмас, айрон ичиб юрсан.

Воҳид ака мушт тушириш у ёқда турсин, ўрнидан ҳам қимирлай олмасди. У бир нуқтага тикилганча қотиб қолганди.

Санжар у олиб келган шартномага печатни босиб, қўл кўйди.

— Мана, олинг, Воҳид ака, йигит сўзингиз ерда қолмасин, ўша танишларингиз олдида бошингиз ҳам бўлмасин, доим тилингиз узун бўлсин. Энди кетишингиз

мумкин, — деди Санжар унга муҳр босилган шартномани узатиб.

Воҳид ака креслога ёпишиб қолган танасини аранг кўтариб, ўрнидан туриб Санжарнинг қўлидан шартномани олди. У эшик томон икки қадам юриб тұхтади-да, «документ»ни йирта бошлади. Унинг бир четидаги «Икки дўст» фирмасининг муҳри босилган жойини бир қўлига эҳтиёт қилиб олиб, қолганини эшик ёнида турган ахлат пақирга ташлади. У ортига қараб, маъюс ҳолда:

— Мен... мен... Қайтаман, — деб эшикни очиб чиқиб кетди.

Унинг бу қайтаман, деган сўзини Салим эртага яна келар деб тушунган бўлса, икки дўст умуман бошқача тушунишганди. Мўмин ака бўлса, унинг чиқиб кетганини ҳам пайқамай қолганди.

Толиб Салимга кузатиб қўй дегандек қаради. Салим меҳмонни кузатгани унинг орқасидан чиқиб кетди.

Мўмин ака буни икки ёш дўстнинг дунёқараши бир хил бўлгани учун ҳам уларнинг дўстлигига ҳеч нарса рахна сола олмаслигини яна бир бор ўз кўзи билан кўрди. У олдинлари кўп маротаба Толибдан бундай одилона гапларни эшитганида, Санжар шунчаки қўшилиб туришини ёки индамай кузатиб, эшитиб ўтиришини кўрган эди. Бугун Толиб индамай ўтириб, дўстини эшитганига қойил қолганди. У чекмоқчи бўлиб чўнтағидан олган селофандаги носни ҳаяжонланиб, мижиқлаб ташлаганини ҳам билмай қолганди. Ўртада Санжарнинг онаси тириклигида йиғиберган бойлиги жомадонда ётарди.

— Мўмин ака! Алашмасам чўнтағингизда лимон олиб юрадиган одатингиз бор эди-а, — деди Санжар музлаткичдан бир шиша ароқни олиб стол устига қўяр экан.

— А... нима... Ҳа-ҳа, ҳозир, — деб Мўмин ака ўрнидан туриб чўнтағини пайласлай кетди, у хаёл суриб қолгани учун эсанкираб ётганди. У сал ўзига келиб, — ҳозир хонамда эди, ҳозир олиб чиқаман, — деб чиқиб кетди.

Толиб ўрнидан туриб, Санжарга яқинлашиб:

— Кел, дўстим, бир бағримга босай, — деди ва уни маҳкам қулоқлаб олди.

Толиб шартномани кўтариб келган куниёқ Воҳид аканинг ковушини тўғрилаб қўйни мумкин эди. Лекин у одам дўсти Санжарни қора тортиб, уни сўрагани учун бу ишни қилмаганди. Толибнинг бу ишини Санжар ҳам билганди. Икки дўст бир-бирларини бағрларига босиб энча туриб қолиши. Мўмин ака лимон кўтариб кирмаганида, яна шундай узоқ туришлари мумкин эди. Мўмин ака, тарелкага лимонни кесиб, ароқни икки пиёлага бўлиб қўйди.

Санжар пиёладаги ароқнинг бирини Толибга узатиб.

— Заҳарнинг заҳрини заҳар кесади, дер эдинг. Уйда Воҳид ака айтмоқчи айрон ҳам ичдим, сув ҳам ичдим, лекин ҳеч нарса бунинг ўрнини босиб, заҳрини кесолмади. Шуни ичайлик-да, кейин мана бу онамдан қолган меросни нима қилиш кераклигини ўйлаб кўрайлик, дўстим.

Воҳид ака ўйига келиб, чуқур хаёлга чўмилди.

Воҳид мактабни аранг битириб, қасб-хунар ўрганиш учун шогирдликка тушди, ўзининг отаси косиб бўлса ҳам унга косибликни бошқа киши ўргатди. У оиласда учинчи фарзанд. Ундан катта акаси ва опаси, бир ўғил укаси ва синглиси бор эди. Мустақил косиблик қилишни бошламай туриб, армияга чақириши. Келиб яна бошидан бошлаб, косиблик орқасидан уйланди. Ҳа, хотини икки қиз, бир ўғил туғиб берди. Хотинининг тили узунлигидан онаси билан муроса қилолмасди. Кенжа ўғил бўла туриб, яна хотинининг сўзига кириб, ижарага уй топиб, туғилган ўйидан чиқиб кетиши. Ҳаммаси шундан бошланди. Косибчилик орқасидан топаётган пули хотинига оз кўринди. Амал-тақал қилиб, таниш-билиш ва ўзининг йиққанини қўшиб, бир кичикроқ ҳовли сотиб олиши ҳам. Лекин қарзни узиш илинжида хотини ҳам бозорда латта-путта сотишга мажбур бўлди. Косибчилик қилиб топаётган пулинни

хотинига сармоя кўпэйтириш учун бериб юрди. Бора-бора хотини ундан кўп пул топадиган бўлиб қолди. Унинг ишлашига ҳам ҳожат қолмади, тўғрироғи ҳунарини қилишига хотини ор қилиб ишлатмай қўйди. Хотини уйда ўзининг гапини ўтказа бошлади. Санжар айтган гапларниң ҳаммаси тўғри эди.

У бугун Санжарнинг олдига борганига ва ундан эшитганларига заррача ҳам афсусланмасди. Агар унинг бирор гапи ноўрин бўлганида Воҳид ака индамай турадиган одам эмасди. Санжар гапирган гапларни орқаваротдан эшитиб юрарди, лекин ҳеч ким унинг юзига айттолмаган эди. Ҳа, Воҳид бой бўлиб нима ҳам қилди, маҳалла-кўй учун, қариндошлари учун бирор кўзга кўринарли, фойдали иш қилдими?

Савдога аралашганидан бери, улфати ҳам, қариндоши ҳам хотини бўлиб қолибди. Маҳаллада нима гап, нима янгилик, ҳатто Ўзбекистонда нима гаплар бўляяпти, хабари ҳам йўқ экан. Ахир, телевизорда фақат Россия каналларини кўрса, ўрнатиб олган антеннаси фақат Дубай, Туркия, умуман бошқа мамлакатларни кўрсатади, холос.

Воҳид ака ўрнидан туриб, телевизор антеннасини оддий антеннага улади. Ертўлага тушиб унинг қоронғу жойидан косибчилик ускуналарини аранг топиб чиқиб, ҳовлининг ўртасига қўйиб, бироз уларга тикилиб қолди. Улар ичida отаси берган болғача ҳам бор эди.

Тушлик қилиш ҳам кўнглига сиғмай, ўтирган жойида ўтмишига шўнғиб, кеч кириб қолганини ҳам сезмади. Унинг хаёлини хотинининг шанғиллаб ким биландир телефонда гаплашиб, эшикни оёғи билан тепиб кирган овози бузиб юборди. У эрига аҳамият ҳам қилмай, ҳовли ўртасидаги сўрига ўтириб, телефондаги одам билан гапини давом эттиради.

Бироз гаплашиб, телефонни ўчириб:

— Ҳеч бир гапининг тузи йўқ, — деди телефондаги одамнинг гапини назарда тутиб.

— Ҳа, бой, бу нима ўтириш, бориб учрадингизми, нима

бўлди? — деди курсичада ўтирган эрига назари тушиб.

Воҳид ака хотинига бошдан-оёқ қараб чиқди. У кечаю кундуз қўлидан тушмайдиган, ёзувлари ўчиб кетган телефонини қўлида айлантириб, эрига кўзларини лўқ қилиб қараб ўтиради. Ундан эрталаб уйида, кейин йўл-йўлакай сепиб юрадиган атирининг ҳиди таралиб турарди. Оғзидан уйга келишдан олдин еган чала пишган қийма кабоб ва пиёзният ҳиди билан қўшилиб анқиб турганидан, оч ўтирган Воҳид аканинг димоғига гуппиллаб урилди.

— Ҳей, нима ўтириш, нима шу ишни ҳам эплай олмадингизми, дейман, кейин ана бу ускуналарингизни нимага олиб чиқдингиз, бу нимаси, эрта кунда келибсиз, бирорта овқат қилиб қўйсангиз бўларди-ку?

Воҳид аканинг хотини гапга тушиб кетса, уни тўхтатиш қийин эди. У мавзудан бу мавзуга ўтиб кетаверарди. Лекин гапининг охири пулга келиб тақаларди.

— Ҳа, эплай олмадим, — деди ўрнидан кескин туриб Воҳид ака. — Ўзи мен нимани эплагандимки, шуни эпласам.

Воҳид аканинг бу тарзда жаҳл билан гапирганини, хотини анчадан бери эшитмаган эди. Эрининг бугун умуман бошқача ўтирганини кўриб, ҳайрон бўлиб қолган Саломатнинг оғзидағи гапи тушиб кетди. Ҳозир эрининг сўзини бўлса, мушт ҳам тушиб қолишини сезиб қолди.

— Туғилган ўйимдан чиқайлик, дединг, йўқ дейишни эплай олмадим. Қарз олиб уй олайлик, дединг, йўқ дейишни эплай олмадим. Ота касбинг косибликни ташла дединг, рад қилмадим, савдогарнинг қизини келин қилайлик дединг, отасининг йўқлигига қарамай, нега уларни ташлаб кетганини суриштирмай, яна хўп дедим. Ўзимнинг маҳаллам қолиб, сенинг маҳаллангдан уй сотиб олайлик, дединг, яна йўқ дейишни эплай олмадим. Мен ўзи бошиданоқ ҳеч нарсани эплай олмагандим, энди буни эплай олармидим. Яна нимани эплай олмаяпман, ахир, балки сени ҳам эплай олмаётгандирман. Ҳатто чин юракдан гаплашишни ҳам эплай олмайман. Юрагингда нима бор, ўғлимнинг нима

орзуси бор, қизларим нимани хоҳлашини ҳам сўрамабман. Ўғлимдан ойинг олиб бераётган қиз сенга ёқадими, деб сўрашни ҳам эплай олмабман-ку. Санжардек йигитни, ўзимни, сенинг қинғир ишларимга шерик қила олармидим. Менга қара, Саломат, янгишмасам, отангнинг касби нонвой эди, шекилли, сен ўша касб нонини еб вояга етгандинг, тӯғрими? Мен косибнинг ўғлимани. Эсимда, ўша пайтларда давлат ҳунармандларнинг кўзини очирмасди, уйида ҳунармандчилик қилганларни олиб бориб қамарди. Давлат ишхонасида ишлай деса. шаҳримизда пойабзал фабрикаси йўқ эди. Бекитиқча кечқурунлари маҳси тикиб бозорга чиқиб, жонини гаровга қўйиб, сотиб келиб, отам бизни боқардилар. Нима деб ўйлайсан, бу бошқа иш қўлимдан келмаганлигими? Ёки касбига садоқатми? Ҳатто чақув бўлиб уч йил қамалиб чиқиб ўша ишини ҳа, яна косибчилигини қилиб, ака-сингилларимни, мени ўйли, жойли қилди. Сени тушунчантга кўра, отам ҳам бошқа ишни эплай олмаган, шекилли. Онам менга сени келин қилишдан олдин айтгандилар, у ҳам ҳунарманднинг қизи, пулни меҳнат билан топади, қийинчилликка чидамли, эри топганини тежайди, озига ҳам кўниб яшайди, дегандилар. Мен сени фақат шунинг учун эмас, кўрганимдаёқ ёқтириб қолганим учун ҳам хотин қилгандим.

Менга овқат қилмабсиз дейсан, овқатни мен эмас, сен йўғ-е, олган келиннинг қилиши керак эмасми? Сен ўзинг ошхонамиз қайси хонада эканлигини биласанми? Охирги марта ош қилиб мени кутиб олганингни эслай оласанми ўзи. Оиласиёй, ҳаммамиз ўтириб, қилган ошингни еб, сени ҳаққингга дуо қилганимизни эслай оласанми? Ахир бу уйда мен кимман ўзи, сен-чи, сен кимсан?

Саломат, шу савдо билан шуғулланганимиздан бери, чиройли таҳорат олиб, ўтиб кетган ота-онангнинг ҳаққига дуо қилганингни ёки ана бу қимматбаҳо жойнамозларнинг бирортасида икки ракат намоз ўқиганингни эслайсанми, ахир ёшинг элизка кетаяпти. Уйимизнинг ҳар бир томонига Каъбатуллонинг суратини осиб ташладинг. Оғзингдан Худо

урсин, Худо күрсатсын. Худодан қўрқинг, Худога солдим, деган сўзлардан бошқа калима чиқмайди. Мен-чи, мен ўзим ҳафтада бир жума намозига одамларнинг кўзига бориб ўтириб олиб, Худо дейишнинг ўрнига хаёлимда хотиним тинчмикан. Туркияга кетганди, самолёти портламабдими, йўлдан эсон-омон келармикан, ўғлимни, қизимни бозорда милиция ушлаб олмадимикан, деб минг хил хаёлда одамлар ўтиrsa, ўтириб, турса туриб ўзимча намоз ўқигандай кўрсатаман. Яна ҳам Худо раҳмидил, бизнинг бу гуноҳларимизга қўзини юмиб қараб турибди. Ўйлаб қарасам, намоз ўқишни ҳам эплай олмас эканман. Лекин бугун бир нарсани аниқ эплайман. Мана бу ускуналаримни кўтариб, сен ҳукмронлик қилаётган, усти олтин билан ўралган ичи гуноҳга тўлиб кетган салтанатдан чиқиб кетишни эплай оламан. Агар шуни ҳозир эплай олмасам, Худо олдида, қилган гуноҳларим олдида жавоб беришни ҳам эплай олмайман. Бу ишларда сенинг заррача айбинг йўқ, бунга фақат ўзим, ҳа нафсим айбдор. Хотин тутишни, рўзгор тебратишини эплай олмадим.

Саломат эрининг сўзлари шунчаки сўзлар эмас, балки ҳақиқий эркакнинг сўзи эканлигини тушуниб ўтирганди. Унга ҳам бу ҳаёт ёқмасди, лекин нима қилишини билмай, ноиложликдан яшаб юрганди. У эрига нима дейишини билмай гаранг бўлиб ўтирганди. Воҳид ака чўнтагидан машинанинг калитини, бўйнидаги олтин занжирни ешиб, унинг олдига қўйди. У орқасига ўтирилиб, энди кўча томон қадам ташлаганди ҳамки:

— Тўхтанг, дадаси, — деб хотинининг чақирганини эшилди.

Эрини бой, ўғлини бойвачча, қизларини бойқиз, ўзини бой хотин деб аташларига кўникиб кетган Саломатнинг бу чақириғи Воҳид акага ғалати туюлиб кетди. У орқасига ўтирилиб қараганда хотини ўрнидан туриб, унга яқинлашди. Қўлидаги боядан бери дириллаб чақираётган телефонини ерга зарб билан уриб синдириди-да, камига оёклари билан

босиб пачоқлаб ташлади. Унинг чарчоқдан хира тортган юзларига қон югуриб, меҳр билан эрига қараб турарди.

— Қаёққа, дадаси, мен шунча бойликни эримни кўчага ҳайдаш учун топибман-да, наҳотки мени шундай разилликка боради, деб ўйласангиз. Наҳотки, сизни ҳайдаб, хотиржам яшай оладиган хотин бўлсам. Менга сиз бўлмасангиз буларнинг нима кераги бор? Ахир дадаси... дадажониси....

Саломат эрининг бўйнига осилганча йиглай бошлади. У чинакамига йиғларди. У ҳамма нарсага рози эди. Фақат эри кетиб қолмаса бўлди эди. Эр-хотин туни бўйи гаплашиб чиқиши. Воҳид ака эрталаб туриб хотини тайёрлаган нонуштани еб, уни тўғри йўлга бошлаган йигитнинг олдига йўл олди.

Санжар бутун ишга эртароқ келиб, Толибни кутиб олди.

— Толиб, кечаги таклифинг яхши бўлди, дадамга айтгандим. хурсанд бўлдилар, балки шундай қилсак, онамнинг руҳлари шод бўлар, тўғрими?

— Унисини билмадимку, лекин савоб ишга ишлатсак, бу ердаги тириклар хурсанд бўлиши аниқ, дўстим, — деди Толиб.

Фарида опанинг йиққанини фақат тўйларга ишлатишни келишиб олишганди, ёш, оила қураётган ва камчиқим оиласаларнинг шодлик кунларига ва ишхонадаги серфарзанд оиласаларга тўй муносабати билан уларга зарур бўлган нарсаларни олиб беришни айтиб, Толиб таклиф киритганди.

Эшик очилиб хонага Воҳид ака кириб келди. Икки дўст ҳайрон бўлиб, у кишини ўринларидан туриб қўл бериб сўрашиб, кутиб олишди. Воҳид ака кийимини ҳам ўзгартириб, бошига дўппи кийиб олганди. Бўйнида занжир кўринмасди.

— Келинг, ака, хуш келибсиз. Ака, аввало, кечаги ҳурматсизлигим учун кечирим сўрамоқчиман. Мени

кечириңг, ака, — деди Санжар құксига құлини қўйиб, унга яна құлини узатиб.

— Мен бу ерга бошқа иш билан келдим. Қолаверса, ука, кечирим сўрайдиган иш қилганингиз йўқ. Бунинг учун раҳмат айтгани келдим. Мен ҳавода шар каби учиб юрган эканман. Мени ўрнимга тушириб, кимлигимни эслатиб қўйганингизга миннатдорчилик айтгани келдим. Бугун бошқа таклиф билан келдим. Ўзингизга аён ҳужжат ишини тушунмайман, лекин қасбим косибчилик, бу ишда малакам кучли, уддалай оламан. Қасбимни ривожлантиришга бел боғладим. Бу қароримни кечаёқ сизга айтишим мумкин эди, лекин олдин ўзаришни оиласдан бошламоқчи бўлдим. Агар хотиним қарши бўлганда ҳам, ундан кечиб бўлса ҳам бу ишни бошлар эдим. Аммо шунча яшаб хотинимни яхши билмас эканман, у ҳеч қандай эътироозсиз гапимга қўшилганига уялиб ҳам кетдим. Энди, Санжарбек, сиз мени тирикчиликдан қолдирдингиз, — деб ҳазилга олиб гапини давом эттирди. Воҳид ака. — Фабрика эмас-ку, лекин бир йигирма кишига мўлжал қилиб цех очишга маблағим бор, шунинг учун сизларни фирмаларинг қошида шу ишни бошласам дегандим. Бунга нима дейсиз? Шогирдларим бор. Худога шукр, ҳозир ҳам ҳурмат қилишади, уларни ҳам чақирамидим, дейман.

Воҳид ака бу сўзларини чин дилдан айтаётгани кўзларидан билиниб турарди. У шундан йўл тутиб, ўз касби билан ёш оёққа туриб келаётган Ўзбекистон учун қандайдир оз бўлса ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқчилиги ҳақиқат эди.

Икки дўст сафларига яна бир киши қўшилганидан мамнун ҳолда ўтиришарди. Санжар унга ручкасини бериб қоғоз узатди.

— Ака, ишга кириш учун ариза ёзиңг. Марҳамат, — деди.

Воҳид ака қўлининг титрашини аранг босиб ариза ёзиб берди. У ҳаяжонини босолмаётганди. Кечаги Воҳид акадан ҳеч вақо қолмаганди. Бугунги Воҳид ака бутунлай бошқа

одам эди. У цех учун нима керакларини ва ўзида ҳам етарлы пул борлигини айтди. Фақат...

— Фақат ишни бошқачароқ бошлаймиз, — деб сұхбатга күшилди Толиб.

— Ака, ҳозир уйингизда беш-үн кишини ишлатишига жойингиз бор экә. Шунинг учун шогирдларни олиб бошлайсиз, биз сиз учун бирор жой топишга ҳаракат қиласиз. У ерни замонавий ускуналар билан жиҳозлаймиз, унгача шогирдларингиз анча қўлидан иш келадиган бўлиб қолишади. Бунга нима дейсиз? — деди.

— Жуда яхши, айтганимдек йигирмата ишчини шогирдликка олиб ўргатишга жойим ҳам, имкониятим ҳам бор, — деди хурсанд бўлиб. Икки дўст Воҳид ака билан нима қилиш ҳақида батафсил гаплашиб олиб, самимий хайрлашишди.

— Санжар, шу сұхбатдан кейин калламга бир фикр келди. Сен ҳам, мен ҳам бирор олийгоҳда ўқимадик, бизнесни ўзимизча тушунамиз. Ватанимиз дунёга юз тутаяпти, замонавий бизнесни кенг доирада тушуниш учун, албатта, юксакроқ билимга эга бўлиш керак, менимча. Корхонамизда ишлётган ёшларни танлаб олиб, иқтидорли, билимга чанқоқларини турли соҳалар бўйича олийгоҳга ўқитсан. Қолаверса, биз учун ҳам олти ойлик, бир йиллик курслар очиляпти. Нима дейсан, дўстим? — деди Толиб калласига келган фикрдан хурсанд бўлиб.

— Яхши бўларди, лекин сени ўқишингга келсан, сен у ердагиларни ўқитармикансан, деб қўрқаман, — деди Санжар мийифида кулиб.

— Йўқ, дўстим, сен билан биз шу шаҳримиздан келиб чиқиб, ота-онамиз ўргатган ва баъзи китобларда ўқиганларимизни қилиб юрибмиз. Дўстим, бу бизнес деганлари шавқатсиз бўлади. Бу — рақобат дегани. Яъни ҳозир бизни чиқарган нарсалар керак экан, ишимиз юриб турибди. Лекин чинаккам рақобатчи чиқиб қолса, нима бўлишини биласанми? Бизнесда, менимча бир хилликдан воз кечиш ва доим рақобатга тайёр ҳолда туриш керак. Доим

захирамизда янги режа бўлиши шарт. Бўлмаса қўл остилиздаги инсонларни ҳам сарсон қилиб қўйишимиз мумкин. Кел, яхиси, мажлис чақирайлик, менинг гапларим бор. Сен ўша ўқишни хоҳлайдиганларнинг рўйхатини қил, — деди Толиб худди эртага бирор нарса бўладигандек шошилиб.

Корхона мажлиси кўнгилдагидек ўтди. Айниқса, Толибнинг бир гапи кўпчиликка маъқул бўлди: «Корхонамизнинг ривожи учун ҳар қандай янги таклиф ва мулоҳазалар бўлса, ёзма равишда исботи билан корхона маъмуриятига олиб келса ва унинг таклифи агар фойдали бўлса, рағбатсиз қолмайди!». Санжар ўқишга иштиёқмандларнинг рўйхатини олди. Ҳамма хурсанд бўлиб ишларига тарқалишди. Толиб, Мўмин акага омборда ва корхона дўконларида олти ойдан ортиқ туриб қолган молларнинг рўйхатини тузишни буюрди.

— Сизга Мўмин ака, Салим қарашиб қўяди, — деб Салимни ҳам бўш қўймади.

— Кейин, ака, бу гапларни айтмасам ҳам жуда яхши биласиз. Бўлимингизга ишчи олсангиз, эҳтиёт бўлиб, суриштириб ёшлардан олинг. Биринчи солиқ масаласи, давлат божини ўз вақтида ўтказиб туринг. Кейин ишчилар вақтида маош олишини таъминлаш сиздан, ака. Кеча бир газетада ўқиб қолдим, у фирмани яхши биласиз. Давлатга солиқ тўламай келар экан. Бошлиқ ҳам, ҳисобчи ҳам таъзирини ебди. Илтимос, ишингизга маҳкам бўлинг, ака, гапимга хафа бўлманг яна, — деди Толиб сўзини тугатиб.

— Ҳечқиси йўқ, Толибжон, хотиржам бўлинг, ҳисобкитоб, солиқ мен учун ҳам биринчи ўринда туради. Бирор кишини ишга олсан, албатта, сизларнинг олдингиздан ўтаман, — деди Мўмин ака.

Кўп бошлиқларни кўрган Мўмин ака Толибнинг нимадандир хавотирда эканини сезаётганди. Лекин нимадан..?

Толибнинг ҳақиқатан ҳам нимагадир кўнгли ғаш эди. Лекин илгари ҳеч бундай ҳолга тушмаганди. Шу зайлда

кунни ўтказган Толиб, уйига ҳам тушкун кайфиятда кириб келди. Ойгул эрига ечиниб ювингунча индамади. Толиб кийимларини алмаштириб, дастурхон олдида чукур ўйга чўмиб кетди.

Ойгул эрини бундай аҳволда ҳеч кўрмаганди.

— Толиб ака, овқатни олиб келайми? — деди Ойгул ҳайрон ҳолда.

— Ойгул, ўтиринг, кейин олиб келасиз, нимагадир юрагим ғаш, сизда ҳам шундай бўладими? Ҳамма нарса жойида, ишхонада ишлар юриб турибди. Билмадим, кўнглимнинг бир жойи қоронғу?

— Толиб акажон, мен бундай ҳолатга тушганимни эслай олмайман, лекин дадам ўзларини шундай ҳис қилганларида яқинларининг ҳаққига дуо қилиб, Қуръон тиловат қилардилар, сиз ҳам таҳорат олиб шундай қилинг. Эрталаб эрта уйғотаман, қабристонга чиқиб тушасиз.

Толиб Ойгулнинг айтганини қилганди, кўнгли ёришгандай бўлди. Хотинининг маслаҳатидан мамнун бўлиб, Ойгулни менга Худо берди, деб ўйлади ва у пиширган овқатни иштаҳа билан паққос туширди.

Эртасига Ойгул айтганини қилиб Толибни аzonда уйғотиб, эрини қабристонга зиёратга жўнатди.

Толиб қабристонга кириб келаётгандаёқ юрагидаги ғашлик йўқола бошлагандай бўлди. У ҳар келганида тўртта қабр тошини артарди, бу сафар яна учта қабр тошини артиб, ота-онаси ва Фарида опа ҳаққига Қуръон тиловат қилди.

Санжар деб янгилиш ўрнатилган қабр тошидаги ёзувларни икки дўст уста олиб келиб, ўчиритириб ташлашганди. Санжар ўшанда жаҳҳалистида олиб ташламоқчи ҳам бўлганди, лекин Толиб унамагани учун ўзининг исмларини ўчириб қўяқолганди. Тавба, дерди Толиб онасининг қабри ёнида унинг қотили ҳам ётганини кўриб. Тақдир, қисмат деганлари шу экан-да.

...Ха, она заминнинг бафри кенг, яхшини ҳам, ёмонни ҳам ўз бафрига олаверади. Бир кун насиб қилса, мен ҳам

шу ерга келаман, деб ўйларди Толиб. Энди кетмоқчи бўлиб турганди Санжар билан Салим келиб қолишиди.

— Ҳа, писмиқ, айтсанг биз ҳам бирга келардик, Ойгул қўнғироқ қилмаса, билмас эканмиз, — деди Санжар жаҳли чиқиб.

Эридан хавотир олиб Ойгул Санжарга қўнғироқ қилганди.

— Дўстим, нимагадир кечадан бери кўнглим ғаш, шунга Ойгулнинг маслаҳати билан чиқиб келгандим, сени безовта қилгим келмади.

— Ҳеч бўлмаса, мени чақирсангиз бўларди-ку? — деди Салим ҳам тумшуғини осилтириб.

— Майли, ҳеч қиси йўқ, сизлар ҳам зиёрат қилинглар, мен машинада ўтириб тураман, — деди Толиб машинага ўтириб.

Салим тиловат қилиб, Санжарни онаси олдида ёлғиз қолдириб, рулга ўтирди.

— Ака, эрта ўтиб индинга ярмарка куни, эсингиздами?

— деди Толибнинг фикрини чалғитиб, кўнглини кўтариш ниятида.

— Ҳа, эсимда, машиналарни гаплашдингми? Бугундан Мўмин ака билан сабзавот йиғиштираверинглар.

— Ака, қайси бири зарурроқ, сабзавот йиғиштиришми ёки дўконлардаги эски молларнинг рўйхатини олишми?

— Билмадим, Салим, лекин иккаласи ҳам зарур, қандай улгурасизлар буни билмадим, — деди Толиб жаҳл билан.

— Кетдик, яхши жой-да қабристон, анча кўнглинг равшан тортади, — деб Санжар ҳам машинага ўтирди.

Лекин шу ярмаркагача бўлган кунлар ичida Санжар ҳам, Салим ҳам Толибнинг қовоғини очиш учун ҳаракат қилишди. Салим кундузи билан сабзавот йиғиштирган бўлса, кечалари эски молларнинг рўйхатини қилиб топшириб ҳам, Толибнинг кўнглини ололмади.

Мустақиллик байрамига уюштирилган маҳалладаги ярмарка жуда яхши ўтди. Ҳамма хурсанд бўлди. Кексалар

бу ишни уюштирганларни чин юракдан дуо қилишиди. Курбон ота маҳалланинг катта-ю кичиги номидан Толиб ва Санжарга миннатурдирлиқ билдириди. Бу кун ҳам эсда қоладиган кунлардан бирига айланди. Толиб ҳам одамларнинг хурсандчилигини кўриб, ғашлигини унутгандай бўлди.

Лекин кутилмаганда Ойгулнинг телефон қўнғироги Толибни чўчитиб юборди. Маҳалла гузари Толибларнинг уйидан анча узоқдалиги учун у Салимдан машина қалитини олиб ўзи қандай етиб борганини ҳам билмасди. У уйига кира солиб:

— Тинчликми, нима гап Ойгул, — деб хотинини бағрига маҳкам босиб олди. Унинг юраги тез-тез уради, ранги докадек оқариб кетган Толиб, «Тинчликми, жоним», дерди, холос.

Эрини қўрқитиб юборганидан Ойгул хижолат қилиб, унинг қучогидан чиқишга шошилмасди. Шу тарзда эр-хотин анча туриб қолишиди. Ҳовли ўртасида бу икки севишганларни қўшни қиз хижолат бўлиб кузатиб турганди. Ойгул эрининг сал тинчланганини сезиб:

— Толиб ака, уйда меҳмон бор, — деди уялиб.

— Кечирасан, Ноила, — деб Ойгулни қучогидан қўйиб юбориб, ўзи ҳам нокулай аҳволга тушиб қолди ва — Менга нимадир бўлипти, — деб қўшиб қўйди.

— Толиб ака, кечиринг, мен ҳам сизни қўрқитиб юбогдим, Ноиланинг гапини эшишиб ўтириб, ногаҳон қўнғироқ қилибман, нима деганим ҳам эсимда йўқ, кечиринг, — деди Ойгул.

— Ҳа, Ноила, тинчликми? — деди Толиб Ноиланинг йиғламсираб турганини кўриб.

— Ота-онам яхшилар, лекин акамни қамаб қўйишибди.

— Нима, Аҳаднинг нима айби бор экан, нега қамашади?

— Акам одам олиб тоқقا чиқсан эканлар, қайтиша иккита жувонни олиб қайтибдилар. Уларни постда тўхтатиб текширишганида, ҳалиги иккита жувондан наша

топишибди. Акамни сен ҳам шериксан, деб қамаб қўйишибди. Ҳозир онам бориб билиб келдилар, ўзлари уйимизда йиғлаб ўтирибдилар, — деб Ноила ҳам йиғлаб юборди.

— Сизлар хавотир олманглар, айби бўлмаса, албатта, олиб чиқамиз. Сиз Ойгул, Ноиланинг онасини олдида бўлиб туринг, — деб Толиб уйдан чиқиб кетди. У гузарга қайтиб келиб Санжарга бўлган гапнинг ҳаммасини айтди.

— Санжар, Истроилнинг рақамини билардинг, шекилли?

— Ҳа, тўғри, ҳозир, — деб телефонидан унинг рақамини топиб қўнғироқ қилди.

— Алло, эшитаман, ким бу?

— Мен Санжарман, Истроил, танимадингизми?

— Танидим, танидим, Санжарбек, яхшимисиз? Уйлар тинчми? Толибжон дўстимиз ҳам юрибдиларми?

— Раҳмат, Истроил. Агар малол келмаса, бир учрашсак бўладими? Зарур иш чиқиб қолди, — деди Санжар ийманибгина.

— Майли, дўстим, қаерда?

— Малол келмаса, яна ресторонга кела оласизми?

— Албатта, бугун сал бўшроқ эдим, ҳозир етиб бораман.

Икки дўст ресторанга йўл олипди. Ярим соатлардан сўнг Истроил ҳам етиб келди. Улар қучоқ очиб кўришиб, хонага киришгандан сўнг, Толиб бўлган воқеани айтиб ҳаммасини Истроилга тушунтириди.

— Толибжон, яхши, мен тушундим, ҳозир мен бир жойга қўнғироқ қиласман. — деб ўрнидан туриб Истроил ташқарига чиқиб кетди.

Сал ўтмай кириб:

— Ҳозир қўшнингизни қўйиб юборишади. Аммо, дўстим, сизга ишонтанимдан шу ишни қиляпман. Фақат машинаси бир кун туриб туради, — деди ўрнига ўтириб Истроил.

— Раҳмат, Истроил, эсдан чиқмайдиган иш қилдингиз. У яхши бола, бундай иш қилишига мен ишонмайман. Дадаси

Россиядан юборган пулга ўша жигулини олиб, рўзғор учун ҳарна-да, деб киракашлик қилиб юрганди. Синглисини яқинда унаштириб қўйишганди, дадасининг келишини кутиб туришибди. Худо хоҳласа, тўйга ўзим айтаман, — деди Толиб хурсанд бўлиб.

— Майли, дўстим, хижолат бўлманг, ҳаммаси яхши, лекин Санжарбек, сизга қийин қилиб қўйдик, дўстим, аксига олиб ишга ҳам бормасам бўлаверади, бир чўқим ош ерканимиз-да, — деб кулиб қўйди Истроил ош егиси келганини яширмай.

— Шу холосми, ҳозироқ ошга уринамиз-да, — деди Санжар ўрнидан турмоқчи бўлиб.

— Йўқ-йўқ, дўстим, бугун эмас, ўзим айтаман, — деди Истроил Санжарни тўхтатиб.

— Бўлмаса, қачон десангиз, ўшанда Толибнинг қўлидан ош еймиз. Дўстимнинг ошини емабсиз, бу дунёга келмабсиз, Истроил, — деди Санжар Толибнинг елкасига қўлини қўйиб.

— Майли, шундай қиласиз, Толибжон ўзингиздан сўрасак, уйлар тинчми? Ойгул ҳам яхши юрибдими? Ишга чиқаяптиларми?

— Раҳмат, яхши. Ишга гоҳи-гоҳида чиқиб туриби. Лекин ўзинга ёқмаган ишларни олмайди. Шунинг учун кўпроқ уйда ҳозир.

— Бахтингизга соғ бўлсин, — деди Истроил.

Икки дуст Истроилнинг кўнглини кўтариш учун у ёқ-бўёқдан гаплашиб ўтиришганди, унинг телефони жиринглаб қолди.

— Толибжон, қўшнингиз Аҳадхонни қўйиб юборишибди, энди мен турай, эрталаргами. Қўнғироқлашамиз, — деб Истроил ўрнидан турди. Икки дуст унга раҳмат айтиб машинасигача кузатиб қўйишди. Толиб Ойгулга қўнғироқ қилиб, Аҳаднинг чиққанини айтиб, уларни хотиржам қилди.

Истроил биринчи режаси амалга ошганидан хурсанд эди. У ўзи уюштирган бу ўйин билан икки соғ виждонли

йигитларнинг тилини қисиб қўйганидан мағурланиб кетаётганди. Энди улар мендан қарздор, уларга яқинроқ бўлишим учун яна бир эшик очилди, деб ўйларди. Энди иккинчи режамга ўтсам ҳам бўлади, деб ишхонасига келди.

Икки дўст қилган ишларидан мамнун бўлиб, ортларига қайтишди. Толиб уйга эртароқ қайтгани учун бир қўлбола ош қиласман, деб ўйлаб келганди. Ойгул уни хурсанд ҳолда кутиб олди. Лекин Толибнинг таклифига:

— Жон деб ошингизни ердим-у, лекин Ноила ўз қўлим билан ош қилиб чиқаман, деб уйларида ҳаракат қиласяпти. Ҳафа бўлмасангиз, бошқа куни қилиб берарсиз, — деди.

— Ҳа, майли, Ноиланинг ошини ҳам еб қолайлик, эрта-индин турмушга чиқиб кетса...

— Шунинг учун ҳам Ноиланинг райини қайтармадимда, Толиб ака.

— Келинг, Ойгул ош чиққунча бир нарса айтиб бераман.

Бир куни ёшлигимда, кўчадан жуда қорним очиб кетганидан аранг етиб келиб, нон идишимизга қарасам, яримта нон бор экан. Ҳалиги нонни сувга пишиб-пишиб еб олдим, кечки овқатгача етиб оларман, дедим ўзимча. Ҳонамга кириб кета туриб, онам билан дадамнинг сұхбатлари қулоғимга чалиниб қолди.

— Майли, дадаси маошгача бир амаллаб турамиз, кўп қайтурманг. Бирор иложини топармиз, — дедилар онам.

— Мехри, мен аглаҳман, нега ўша пулни бирорга бераётганда сизларни ўйламадим. Мени ишхонамда бўлса, маош ўрнига аллақандай бўлар-бўлмас нарсаларни беришяпти. Шуларни билатуриб қилган ишимни қара. Ундан-бундан олган қарзларимиз ҳам кўпайиб кетяпти. Шундоқ ҳам сенинг ойлик маошингга кун кечиряпмиз. Толиб ҳам оч қолаяпти, ўсиб келаётган бола бўлса.

— Дадаси, кўп ўзингизни койитманг, Толибга битта тухум бор. Бугунча яримта нон билан бериб турамиз. Эрталаб бир нарса бўлар, ўзимиз рўза тутиб қўяқоламиз-да, — деб

чөхраларида кулги билан дадамнинг кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилиб ўтирадилар.

Ота-онамнинг бу сұхбатини эшишиб, ўзимни ўйлаб нонни еб қўйганимга уялиб кетдим. Ўша битта тухумни ота-онам ейишсин, деб эрта кунда жойимга ётиб, ўзимни уйқуга солиб олдим. Онам нон идишимизни ёпиб очганларини эшиздим. Кўлларидага сувда пиширилган ўша тухумни кўтариб келиб,

— Ўғлим, нонни ебсан, сабр қилганингда тухум билан қўшиб ердинг, тур, майли тухумни ҳам еб ол. Биз олдинроқ овқатланиб олгандик, — дедилар.

Лекин мен кўзимни маҳкам юмиб олиб, худди қотиб ухлаб қолгандек қимирамадим ҳам. Онам тухумни бошим олдига қўйиб, устимни ёпиб чиқиб кетдилар. Анчагача уйқум келмади. Ўша бир бурда нонни нафсимнинг сўзига кириб ҳаммасини еб қўйганимдан афсусланиб, қорнимни чимчилаб кўкартириб ташладим. Қорнимни ўзимча жазолаб ухлаб қолдим.

Эрталаб турганимда дастурхонда Ноиланинг, ҳа, ана шу қўшнимизнинг момоси пиширадиган нондан икки донаси туради. Онам менга деб пиширган ўша бир дона тухум ҳам дустурхонда эди. Онам ошхонадан чой дамлаб чиқиб ёнумга ўтириб,

— Ол, ўғлим, кечқурун тухумни емабсан, қорнинг очиб кетгандир, — деб нонни синдириб олдимга қўйдилар. Онам Ноиланинг момосидан иккита нон сўраб олиб чиққан эканлар, дадам бўлса, аzon туриб бирор иложини қилиб, пул топиб келиш учун оч-наҳор чиқиб кетгандилар. Лекин нимагадир онам ҳам ҳеч нарса емасдилар. Бу биринчи марта эмаслигини ўшанда билдим. Мен ёшлик қилиб ота-онам рўзгорга қийналишаётганини олдин хаёлимга ҳам келтирмас эканман. Нима учун қўймоқни яхши кўришимни биласизми? Бу таомни онам ҳам яхши кўрадилар, шунинг учун ҳар доим шу овқатни қиладилар, деб ўйлар эканман. Аслида тежамли овқат эканини билмас эканман. Озгина ун, бир қошиқ ёғ, бир дона тухум, ўша тухум ҳам

ўзимизнинг товуқники. Мен ҳам ота-онамга қандайдир ёрдам беришга аҳд қиллим. Ўшанда қўлимдан келадигани фақат озроқ нон ейиш, кечки овқатимдан эрталабга олиб қўйиш эди. Мана бу қорнимнинг ўша пайтда таъзирини берганим учунми, ҳадеб очқамасликни ўрганди. Мен сабрни, нафсни жиловлашни ўргандим. Тенгқурларим кийимларини бир йилда янгилашса, мен икки йил киярдим. Пойабзалим сиқиб оёғимни оғритса, пайлоқ киймай ўзини киярдим. ҳатто орқасини босиб ҳам кийиб юрган кунларим бўлган. Онам ҳам, мен ҳам чидалик, сабр қилдик. Дадамнинг ишлари ҳам юришиб кетди. Онам вақтида маошларини оладиган бўлдилар, қозонимизда ҳам гўшт қайнайдиган бўлди. Эшигимизни қоқиб, кимлардир нон, яна бирлари гўшт сомса, кабобларни кўтариб келишадиган бўлишиди. Онам эса, ўзимиздан ортганини қўни-қўшниларга тарқатишдан чарчамасдилар.

Баъзиде ўйлаб қоламан. Ўша одамлар қийналган кунларимизда ҳам бўлишган-ку, нимага энди дадэмни иши юриб, тўқ пайтимизда келишади-ю қора кунларимизда қораларини ҳам кўрсатишмаган.

Аммо онам қўймоқ пиширишни тўқлигимизда ҳам тўхтатмадилар. Ўша қўймоқ ўрнини ўшанда ҳам, ҳозир ҳам ҳеч қандай таом босолмайди, Ойгул. Овқатнинг увол бўлишини кўрсам ўша кунлар ёдимга тушади.

Ҳозир тўқчилик замони бўлса ҳам, лекин кимнингдир уйида гўшти, кимнингдир уни, кимнингдир ёғи бўлмаслиги мумкин. Буни рўзгор деб қўйишибди. Ҳозир биз ёсликкина, сергўшт ошни еб ўтирганимизда, қайсиdir хонадонда қўймоқни иштаҳа билан еб ўтирган одам йўқлигига ишонмайман. Ҳозир, шу онда кимнингдир онаси боласига овқатни бериб, ўзи эрининг овқат емай чиқиб кетгани учун ҳеч нарса емай ўтирган бўлиши мумкин-ку?

Ўшанда қийналиб қолганимизнинг сабабини кейинроқ, дадам оламдан ўтганидан сўнг, онам айтиб бергандилар. Дадам машина оламан, деб юрган пайтларида бир одамни кўчада учратиб қоладилар. У одам олдин топармон, жуда

ишбилармон бўлган экан. Лекин иши юришмай қолганда дўст-яқинлари ундан юз ўгиришибди. Ҳатто хотини уйидан ҳайдаб юборибди. Дадамнинг у кишига раҳми келиб, биргаликда иш қилишни таклиф қилиб йифиб юрган пулларини берибдилар. Тақдирнинг ўйинини қарангки, дадам у киши айтган жойга учрашувга боролмабдилар. Хуллас, кейин у одамни кўрмабдилар. Кейин дадам тақдирга тан бериб, озгина қийналсалар-да, яна ишларини давом эттириб яшайверибдилар. Худо уларга бошқа томондан ризқ бериб, ўша орзу қилган ана шу машинани ҳам олган эканлар. Шунинг учун кетганига ачиниб, келганига суюнмаслик керак экан, Ойгул.

Қанийди имкониятим бўлса-ю барча қийналган одамларга ёрдам қила олсан. Қанийди ҳамма пулдор одамлар дўстим Санжардек фикр юритиб, ночорларга ёрдам қилишса. Қанийди Санжардек дўстларим кўп бўлса. Эҳ, Ойгул! Орзуим одамларнинг дилларида қувонч уйғотиш. Орзуим бизнинг Ўзбекистонимизга келган ҳар қандай хорижлик ҳалқимиздаги меҳр-оқибатни кўриб лол қолишиса....

Толиб бу сўзларни чин дилдан айтарди. Ойгул бўлса шундай бафри кенг, танти, мард инсон билан бир ёстиқقا бош қўйганидан яратганга шукроналар айтарди. Ойгулга эри билан суҳбатлашиш, унинг сўзларини эшлиши завқ бағишлиарди. У, нафақат рафиқа, балки чин дўст бўлишга ҳаракат қиласиди. Эр-хотин ширин орзулар билан суҳбатлашиб ўтиришганди, эшик очилиб ҳовлига бир товоқда ош кўтариб Ноила кириб келди. Унинг орқасидан акаси Аҳад ҳам қўлидаги нарсаларни дастурхонга олиб келиб қўйди.

— Кел, Аҳаджон, нима ишлар кўрсатиб юрибсан, — деди Толиб акалардек унга қараб.

— Эҳ, Толиб ака, одамнинг олasi ичида бўлар экан, қаёқданам билибман, аёл киши бўла туриб шундай ишлар қилиб юришларини, — деди Аҳад ерга қараганча.

— Майли, ука, эртага машинангни ҳам олиб чиқамиз.

Ҳаётда шундай нарсалар ҳам бўлиб туради, лекин барибир эҳтиёт шарт.

— Раҳмат ака, яхшиям сиз бор экансиз, бўлмаса нима қилардик, — деб Ноила ўз миннатдорчилигини билдириди. Ака-сингил раҳмат айтиб чиқиб кетишиди.

Исройл хонасида Толиб томон қўйган биринчи қадамига хурсанд бўлиб ўтиради. Эшикдан ёрдамчиси кириб келди.

— Исройл, анави иккитасини нима қиласиз, яна тўполон қилиб бирор ишкан чиқармасин?

— Ҳа, айтгандай эсимдан чиқай дебди, олдимга олиб чиқ, — деди Исройл. Ёрдамчиси айтган ўша иккитаси Аҳад билан кўлга тушган аёллар эди, сал ўтмай улар биринкетин кириб келишиди.

— Менга қаранг Исройл, биз бундай келишмагандикку, — деди улардан бири шанғиллаб. Унинг ўхшовсиз бўялган юзидағи бүёқлари чапланиб, қалта итнинг думидек сочи тўзиб кетганди. Иккинчиси, биринчи марта бундай разилликларга қўл уриши шекилли, қўрқибгина индамай ерга қараб турарди.

— Менга қара, қанжиқ, итдек менга аккилама, хизматингнинг ҳақини олсан. Биринчидан, бу иш шу ерда ёпилади. Агар чакагингни бирор ерда очганингни билсан, хотин кишилигингга қараб ўтирмай бошингга итнинг кунини соламан. Биласанлар, сенлар ҳақингда ҳамма нарсани биламан.

Улар Исройлнинг бу гапидан кейин ўзларини дарров босиб олиб:

— Исройлжон, ахир бир кун ётасан дегандингиз, иккинчи кунга ўтиб кетаётганига ажабландик-да, бизнинг ҳам уйимиизда бола-чақамиз, бошимизда эримиз бор.

— Қўйсаларинг-чи, сенлар ўзинг эрсан-ку ўша хезларга, яхшиси мана бунга қўлларингни қўйинглар-да, тезроқ бу ердан кетларинг.

Исроил иккита бўш оқ қоғозга уларга имзо қўйдириб хонасидан чиқариб юборди.

— Исроил, ишқилиб буларнинг оғзи маҳкамми, — деди ёрдамчиси.

— Э, бу қанжиқларнинг жилови мени қўлимда, пул учун булар ҳамма нарсага тайёр, ҳатто атом бомбани бериб, бирор жойга олиб бориб бер, десанг иккilanмай чотини орасига олиб айтган жойингга етказади. Лекин шулар үзбек асли эканлигига ачиниб ҳам кетаман. Сен хотиржам бўл, бориб ишингни қил. Мен ҳам ҳозир кетаман, — деди Исроил ёрдамчисини хотиржам қилиб.

Ёрдамчиси хонадан чиқиб кетди.

«Ҳа, Толибжон сенинг бу очик кўнгиллигинг үзингнинг бошининг бало бўлади. Ҳали шу ишонувчанлигинг учун оғир кунларни кўрсатаман. Ўшанда үзинг одамларга бўлган нафратингни яшиrolмай, уларга бошқача қарайдиган бўласан», деб қаҳ-қаҳ отиб куларди Исроил.

Унинг бу кулгиси шайтоннинг кучига яна куч қўшганини қаёқдан ҳам биларди. У мактабда қандай баҳога ўқишидан қатъий назар юридик олийгоҳда ўқишини давом эттириши аниқ эди. Битиргач қаерда ишлаши ҳам тайин эди. Унинг дадасига Исроил қандай касбга қизиқиши, нималарни орзу қилиши аҳамиятли эмасди. Унинг оиласида бу оддий ҳол эди, пул ҳамма нарсани ҳал қиларди, амал обрўни кўтаради, деган сўзларни эшишиб вояга етганди.

Олдин барча ўзига ўхшаган одамлар дадасининг амали учун ҳурмат қилишган бўлса, энди ўғлининг амали учун дадасини ҳурмат қилишарди. Энг ачинарлиси, буни ота-ӯғил жуда яхши билишарди. Шунинг учун ҳам амал йўлида ҳеч нарсадан тап-тортмай, йўлларида учраган ҳар қандай инсонни эзғилаб ташлашарди. Исроилга отаси барча муқаддас туйгулар шунчаки сафсата деб ўргатганди. Исроил бу ёруғ дунёда фақат бир киши олдилда ўзини қарздор ҳис қиларди, у ҳам бўлса отаси эди.

Шунинг учун ҳам бир бегуноҳ қизни тўй куни дадаси.

«Ҳайда бу шум қадамни» деганида, иккиланиб ўтирасдан ҳайдаб солганди. Аммо ўшанда онасининг ўлимига бошқа нарса сабаб бўлганини Исроил қаёқданам билсин. Ўшанда гўшангага бир қадам қолганда Ойгул қандай эзгу орзуниятлар билан тўй столига ўтирганди. Бир кишининг худбинлиги, ўйламай гапирган гапи учун ўз тўйидан кувиб солинганида унинг ичидан нималар кечганини ёлғиз ўзи биларди. Исроил буни қаердан ҳам билсин. Ҳа, у шундай худбин бўлиб вояга етганди.

Икки дўст мустақиллик байрами муносабати билан корхона ишчи ходимларини табриклаб, эсда қоларли кеча уюштиришди. Ҳаммага эсадалик совғаларини топшириб, жонкуяр ишчиларга алоҳида мукофотлар беришди. Кўп болали оиласаларга фирма фойдасидан келиб чиқиб пул ҳам тарқатишди.

Санжар икки қиз ва икки йигитга, улар қизиқсан олийгоҳларига йўлланма ҳам берди. Ҳуллас, ҳеч кимнинг кўнглини ўкситмай ресторонда катта қозонда ош қилиб, таниқлї ҳонандалардан бирини айтиб Мустақиллик байрамичи хурсандчилик билан нишонлашди. Ишчиларга икки кунга ҳордиқ бериб, ўzlари тоққа Санжарнинг халоскори Маҳкам акани кўриб келишга чоғланишди.

Толиб Ойгулни, Санжар Наргиза ва кичкинтой Толибни. Салим эса Севара ва Муниса аяни Салим ака билан бирга олиб тоққа йўл олишди. Шаҳарда кун иссиқ бўлса-да, лекин тоғда сал совуқ тушиб қолганди. Маҳкам ака меҳмонлар келишини билгани учун уларни кутиб олишга тайёргарлик кўриб қўйганди. Қолаверса, Санжар кўнғироқ қилиб, меҳмонлар кўп бўлишини ҳам айтганди. Маҳкам ака меҳмонларни туман чеккасидаги уйида кутиб олди. Санжар ҳам бу уйга биринчи келиши эди. Уй тоғ бағрида шинам қилиб қурилган эди. Уйнинг пойдеворида тоғ тошларидан ишлатилган бўлиб, баланд қилиб қурилганди. Уйга кириб бориш учун пиллапоялардан чиқиб

бориш керак эди. Маҳкам ака меҳмонларни қўшилари ва яқинлари билан кутиб олишди. Ҳаммани очиқ чехра билан кутиб олиб, Толиб билан қучоқлаб кўришмоқчи бўлган Маҳкам ака бир оз ўрнида қотиб қолди.

— Маҳкам ака, бу ўша дўстим Толиб, — деди Санжар уни таништириб.

Бўйчан, елкалари кенг, очиқ чехрали, гавдаси ўзига ярашган, кўзидан қандайдир нур таралиб турган бу йигитни қаердадир олдин ҳам учратгандай, юрагида ҳаяжон билан бағрига босиб, у билан сўрашган Маҳкам ака Толибдан кўзини узолмасди. У сал ҳаяжонини босиб меҳмонларни уйга таклиф қилди.

Толиб Маҳкам ака ҳақида Санжардан кўп эшитгани учун, у билан эски танишлардай суҳбатлашиб ўтиради. Меҳмонлар олдига солинган дастурхон тўкин-сочин эди. Маҳкам ака келинининг рецепти билан қилинган беш бармоқни дастурхонга тортди. Бу очиқ кўнгил, сахий инсонлар қариндош-уруғлардай гурунглашиб ўтиришарди. Маҳкам ака бугунча шу ерда тунашларини, эртага тоғга чиқиб гурунгни давом эттиришларини айтди. У Толибдан ҳеч кўзини узолмасди. Унинг кўзлари, туришлари, сўзлари Маҳкам акага кимнидир эслатарди.

Ойгул ҳам жуда хурсанд эди. Лекин дадасини таклиф қилмаганига афсусланаётганди. Шу пайт Толибнинг телевизорни жиринглаб қолди. У ўрнидан туриб, Маҳкам ака билан ташқарига чиқиб кетди. Бир оз ўтиб, Ойгул не кўз билан қўрсинки, эри дадасини елкасидан қучиб бирга хонага кириб келишаётганди. Шу онда Ойгулнинг юрагидаги ғашликдан асар ҳам қолмади. Ойгул эрининг бу қилган ишидан хурсанд бўлгани учун уни қучоқлаб, ўпиб олганини ҳам сезмай қолди. Толиб хотинига билдирмай Мели акага машина жўнатганди, фақат такси кечикиброк боргани учун биргаликда келишолмаганди.

Ойгул дадасининг буйнига осилиб олиб:

— Дада, қандай топдингиз, — деди.

— Қизим отангнинг изқуварлиги ёдингдан чиқдими?

— деб Ойгулнинг пешонасидан ўпид ҳазиллашиб қўйди. У бошқалар билан сўрашиб даврага қўшилди. Анча суҳбатлашиб ўтирганидан сўнг, аёллар бошқа хонага чиқиб кетишиди. Яшаган замонлари билан ҳозирги мустақиллик замонини тошу-тарозига қўйиб суҳбатлари қизиб кетди.

Толиб аллақачон ухлаб бўлганди. Санжар, Салим ва Отабек ҳам ўзларига бир мавзу топиб отамлашиб ўтириб ярим кечада бўлганини ҳам билмай қолишиди.

Эрталаб меҳмонлар тоққа қараб пиёда йўл олишиди. Маҳкам аканинг чодирига етиб келишганда тушлик пайти бўлиб қолганди. Ҳаммалари Санжар ичиб тузалган илоҳий доридан чанқоқларини қондириб, унга қараб кулишарди. Санжарнинг ўзи ҳам уларга қўшилиб мазза қилиб кулишиб олди. Маҳкам ака уларга ўзининг отарини кўрсатиб, олдиндан улар учун тайёрлаб қўйилган жойга таклиф қилди. У ҳар хил гўштли таомлар билан уларни сийлаб кўнгилларини оларди. Ҳар ким ўзига суҳбатдош топиб тоғ манзарасидан баҳраманд бўлиб мазза қилишарди.

Маҳкам ака бир четда мудраб ўтирган Толибнинг ёнига бориб, унга қимиз узатди.

— Толибжон нима, тоғ ҳавоси ёқмайдими, дейман, — деб унинг ёнига ўтирди.

— Йўғе, ака, ёшлигимдан шундайман, бошқа жойга борсам мудроқ босади, аста мослашиб олгунимча шундай, тоғ ҳавосига келсак, жуда зўр, мазза қиляпман. Ака, чорвангиз анчагина шекилли, мингтага бориб қоладими?

— Ҳа, бориб қолади. Яна сигирлар ҳам бор. Санжарбекнинг таклифи билан ўнта той ҳам олиб боқяпмиз.

— Шунақа денг, у айтмаганди, от тўғрисида писмиқ, — деб жилмайиб қўйди Толиб.

— Толибжон, сиз тўғрингизда кўп нарса биламан, онангизнинг ҳам қисматларидан хабарим бор. Лекин отангиз ҳақида ҳам билишни истардим, сиз қарши бўлмасангиз, кўнглингизни оғритиб қўймасам, албатта.

— Нега энди ака, отам ҳақларида ҳар қанча гапирсам

оз. У киши ҳақида сиз билан ҳаётимнинг охиригача гапирсам ҳам чарчамайман. Аксинча кўнглим равшан тортади. Агар тирик бўлганларида, сиз билан тенг ёшда бўлардилар. Дадам билан ёшлигимда оз учрашганман. Чунки у киши сахар кетиб, кеч келарди. Баъзида кутиб ўтирадим, баъзида ухлаб қолардим. Лекин барибир ишдан бўш пайтларида менга вақт ажратиб, кўп насиҳатлар ва ривоятларни айтиб берардилар. У киши билан ўтказган лаҳзаларимни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. У киши менга яшашни, ҳар бир нарсага ўз кучим билан эришишга ўргатдилар. Инсонларни севишни, уларга яхшилик қилишдан чарчамасликни ҳар доим уқтирадилар. Ўзлари ҳам шундай қилардилар, билмадим ёлғиз ўсганликларигами кўпчиликни яхши кўрадилар. Ўзингнинг эҳтиёжингдан ортиқча нарсаларни олишдан тийилгин. У нарсаларни уйингга кўрк учун қўйғандан қўра муҳтоҷларга бергин ёки ўшанинг пулини бошқаларга берсанг, сенга Худо беради, дердилар. Дадам ёш бўлсалар ҳам кўпни кўргандай гапиришлари ва қилаётган ишларининг сабаби менимча боболари қўлларида вояга етганликларидан бўлса керак, деб ўйлайман. Бизницида китоб кўп, мен дадамни китоб ўқиб ўтирганларини кўп кўрганман. Дадам яна, ўзгаларга кўп ҳавас қилмагин, ҳамма нарсанинг меъёри яхши, меъёридан ортиқ ҳавас ҳасадга айланаб қолиши мумкин, дердилар.

Ўга бойиб кетиш инсонларни менсимаслик ва золимликка етаклади. Ўта камбағаллик эса инсонларга нафрат уйғотади. Шунинг учун ўрта ҳол бўлиб яшаш учун ҳаракат қилиш керак. Бойиб кетмаслик учун хайр-эҳсон қилиб туриш, ночор бўлиб қолмаслик учун ишбилармон ва дунёвий илмларни ўрганиш керак, дер эдилар. Касбни ҳор қилмаслик керак, дердилар. Пул қўлнинг кири эмас, бу инсонлар учун бир ойна ҳамки, токи шу арзимаган пул билан одамларнинг қандайлигини билиб олса бўлади, дер эдилар. Маҳкам ака Толибининг отаси ҳақидаги сўзларини эшитиб ўтириб ҳаяжонига-ҳаяжон қўшилиб кетаётгандай эди. Унинг ичидан бир нарса тошиб кетаётгандай ғалати

ҳолга тушиб бораётганди. У Толибнинг сўзини бўлмаса ҳақиқатдан ҳам ўзи ҳеч қачон тўхтамаслигини билиб:

— Толибжон, мен ҳам бир кишидан бир гап эшитгандим. Пул шундай нарсаки, пул қўлнинг кири эмас, пулни бир одамга бериб, уни нима учун сарф қилганидан қандайлигини билиб олиш учун бир восита ҳам дегандилар.

— Ана, ака, сиз ҳам билар экансиз, менинг отам ҳам шунлай дер эдилар, — деди Толиб Маҳкам акага қараб.

— Толибжон, бу гапни у кишидан бошқа ҳеч ким менга айтмаганди. Бир нарса сўрасам, майлими?

— Майли ака, бемалол.

— Баъзиларда ота-онасининг суратларини олиб юриш одатлари бор, мободо бу хислат сизда йўқми?

— Аввало, ота-онам доим юрагимдалар, лекин суратларини ҳам кўтариб юраман, — деб Толиб жилмайганча кўкрак чўнтағидан блокнотини олиб суратни кўрсатди.

Маҳкам ака, суратни қўлига олиб, ўтирган жойида суратга тикилганича кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади. Бу ёшлар йиллар мобайнида йигилиб қолган армон, қиёмат қарз ёшлари эди. Бу ёшлар икки бор кўрган кимсага бўлган соғинч ва миннатдорчилик ёшлари эди. Ҳа, бу сурат ўша кўзлари меҳрга, инсофга, ишончга тўла, меҳри дарё, сахий, танти инсоннинг сурати эди. Маҳкам акани хиёнат, разолат, ноchorлик ботқонидан олиб чиқсан инсоннинг сурати эди. Уни яшашга, ҳаётга бўлган қизиқишини қайта уйғотган, юрагида инсонларга бўлган ишончни, меҳрни уйғотган мард кишининг сурати эди. «Ҳа, албатта, бундай инсонларнинг Толибга ўхшаган зурриёди бўлиши керакда, умри қисқа бўлгани билан, ўзига давомчи қилиб, албатта, Толибдек йигитни тарбиялаб кетади-да», деб ҳаёлидан ўтказди Маҳкам ака ва Толибни, халоскорининг ўғлини бағрига маҳкам босиб, овоз чиқариб йиғлай бошлади.

Бу биринчи бор кўришишган тоғлик одам, отасининг суратини кўрганидан сунг, Толибни қучоқлаб унинг елкаларига ёшларини тўкиб йиғлаётган отаси тенгқур

одамнинг бу ҳолатини тушунолмай гаранг бўлиб, унинг тўйиб йиғлаб олиши учун миқ этмай турарди. Қуёш тоғлар ортига яшириниб, майин шаббода эса бошлади.

Сал совуқ тушиб қолгани учун ҳаммалари гулхан атрофига тўпланишиб жимгина ўтиришарди. Толиб билан Маҳкам аканинг суҳбатига халақит беришмади. Маҳкам ака ичидагини Толибга тўкиб солди.

— Толибжон мен, уйдан чиқиб кетганимда ҳаётга, келажагимга, одамларга ишончимни йўқотгандим. Ўшанда дадангиз — бу эҳтиёжимдан ташқари пуллар, бир амаллаб қорнимизни тўйдирармиз, яхшиси шу пуллар ёрдамида сизни хор қилганларни, сизга ишонмаганларни лол қолдиринг. Меҳнатингиз, ишбилармонлигингиzin яна бир бор уларга исботланг, токи дўстлик ниқобини кийиб олиб сизнинг илдизингизга болта урганлар, ютуғларингизни кўриб лол бўлсинлар, деб менга пул бердилар. Ўша пул орқали уйли-жойли, шунча отарли бўлдим. Афсуски қайтиб у киши билан учрашиш насиб қилмади. Мен қидирдим, лекин исмини ҳам билмаган инсонни топиш игна билан қудуқ қазишдек бир гап экан. Аммо ҳеч умидимни узмадим, ибодатларимда ҳамиша ёд олиб, худодан у киши билан учраштиришни сўрардим. У кишининг номидан хайр-эҳсон қилиб келдим. Кеча сизни кўрганимдаёқ, юрагимдаги тугун ечили боштагонди. У кишига қаерингизнидир ўхшатгандим. Толибжон, мен гумроҳ ўшанда у кишининг исмларини ёдимдан чиқармаганимда, балки... — Маҳкам ака бир оз жим бўлиб қолиб, кўзига келган ёшни рўмолчаси билан артиб гапида давом этди.

— Толибжон, шунча йилдан бери еганим ичимга тушмасди. Бугун мен баҳтлиман. Сизга шу омонатни топширсам янада баҳтли ҳис қилардим ўзимни. Булар ҳаммаси сизники энди. Мени бўйнимдаги қарздан холис қилинг, ўғлим. Турсунбой аканинг ҳам руҳи шод бўлсин, — деб сўзини тугатиб Маҳкам ака Толибга қандайдир илинж нигоҳлари билан қараб турарди. Бу гулхан атрофига Толибни яқиндан билганлар ўтиришарди. Толибдаги

фазилатлар унга отасидан ўтганига улар иқрор бўлишиди.

Ойгул гарчи қайнотасини кўрмаган бўлса ҳам, уни эри Толибда ҳис қилаётганди. Шундай инсонга келин бўлганидан фахрланиб кетди. Толиб индамай ўтиради. Унинг ичидан нималар ўтаётганини яратгандан бошқа ҳеч ким билмасди.

— Маҳкам ака, — деб гап бошлади Толиб даврадаги сукунатни бузиб. — Ака, мен ҳозир сизга бир нарса дейишга ожизман. Мана шу бир-икки ойдан бери мен ҳам юрагимда қандайдир ғашлик билан юргандим, Санжар дўстим кўп маротаба тоққа чиқиб, кўнгилни ёзиб келайлик, деса орқага суриб келаётгандим. Энди юрагимдаги ғашлик нимага эканлигини сезаётгандай бўляпман. Чунки ҳозир менинг кўнглим равшан тортди.

Нолаларингиз, дуоларингиз худога етиб, дадамнинг руҳлари сизнинг қийналаётганилигинизни кўриб безовта бўлганлигиданми кун ора тушимга кираётган эканлар, шекилли. Юрагимдаги бу ғашликни бошқа нарсага йўйиб юрган эканман. Қанийди бу нарсаларни олдинроқ хаёлимга келтирганимда, дўстим айтиши билан чиқиб келганимда эди. Сиз бу оғир юқдан олдинроқ ҳалос бўлармидингиз...

Энди мана шу қўй-молларга келсак, тўғри, дадам ҳам ўша пулларни пешона тери билан меҳнат қилиб йиққанлар, лекин улар жонсиз бир нарса, қофоз эди. Сиз бўлса ўша қофозларга жон киритиб, ундан шунча ҳайвонларни кўпайтирдингиз, бунда отамдан кўра сизнинг ҳаққингиз кўпроқ. Бу отарни ташкил қилиш учун қанча меҳнатингиз сингган. Худога шукр, ҳозир мен ҳам, хотиним ҳам бирор нарсага муҳтоҷ эмасмиз, агар муҳтоҷ бўлган тақдиримизда ҳам сиздан бу нарсаларни қабул қила олмасдик. Чунки бу сизнинг ва отамнинг мулки. Ака, яхшиси бу мавзуни шу ерда тўхтатайлик-да, бутун ҳаммамиз отамга ва отамдек инсонларнинг ҳақларига дуо қиласлик. Токи сиздек инсонлар ҳам ёнимизда кўпаяверсан. Энди кўнглингиз хотиржам бўлсин, худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади. Бу отам билан тўплаган бойликларингизни албатта, эзгу

ишларга биргаликда сарф қиласиз. Дадам тирик бўлганларида ҳам, менимча шундай йўл тутган бўлардилар. — деб Толиб гапини тугатди. Толибнинг бу гаплари баландпарвоз гаплар эмасди. У ҳақиқатан ҳам бирор қатъий қарорга келолмаганди.

— Майли, Маҳкамжон, бу ҳақда бафуржа яна учрашиб, гаплашиб оласизлар. Толибжон тўғри айтятти, — деди Соли ака.

— Тўғри, — деди Мели ака ҳам сухбатга қўшилиб, — ҳозир Толибжонни ҳам, ҳаммамизни ҳам бу янгилик ғалати аҳволга тушириб қўйди, кейинроқ ҳаммасини биргаликда ҳал қиласерасизлар. Келинглар, Салимжоннинг оши ланж бўлмасин тағин, еб олайлик. — деб мавзуни ўзгартиришни таклиф қилди. Бу гап ҳаммага маъқул тушиб Салим билан Севара қилган ошни ейиш учун дастурхонга ўтишди. Эрталаб меҳмонлар шаҳарга қайтиш учун йўлга отланишли. Улар тоғдан Маҳкам аканинг уйига тушиб дуо-фотиҳа қилиб машиналарга ўтириб бирин-кетин жўнашди.

Нарироқда Маҳкам ака меҳмонларни кузатиб бўлишини кутиб турган Исмат деган йигит отининг жиловини ушлаб кутиб турарди. Маҳкам ака меҳмонларни кузатиб энди уйига кирмоқчи бўлганди:

— Ассалому алайкум Маҳкам ака, — деб уни Исмат тўхта ди. Исмат ўғли Отабек тенгқур йигит эди. У жуда бақуват эди. Улоқ чопиб кўн бор соврин эгаси бўлган, қилар ишининг тайини йўқ эдику, лекин қишлоқда ҳамма уни яхши танирди. Қаерда муштлаш бўлибди, дейилса ўша муштлашганнинг бири Исмат бўлиб чиқарди.

— Ака, меҳмонларни кузатиб олдингизми?

— Ҳа, раҳмат кетишли, ўғлим Отабек тоғда қолганди, тинчликми?

— Қолган-қутганига меҳмон қиласиз, — деди ҳазилга йўйиб Исмат.

— Албатта. Қани юр ўғлим, жоним билан. — деб уйига таклиф қилди Маҳкам ака.

— Раҳмат, ака кирадиму, Отабек йўқ экан, бошқа

келарман, мен бир нарса сўрамоқчи эдим, меҳмонларингизнинг ичидагиттасини олдин ҳам кўргандайман, анати-чи, боласини қутариб олган ўша, олдин ҳам келганмиди? – деб сўради Исмат Санжарни назарда тутиб.

– Ҳа, олдин ҳам келган, нима эди? – деди Маҳкам ака ҳайрон бўлиб.

– Ўтган сафарги улоқда отимга ишқибоз бўлиб сотиб олмоқчи бўлган йигитга ўхшаб кетар экан, менга олдиндан аванс пул берганди, у ҳам шаҳарлик эди. Ўшамасмикин дегандим-да.

– Йўқ, у йигит умуман отга ҳам, улоқча ҳам қизиқадиган йигит эмас, адашибсан ўғлим. – деди Маҳкам ака нинг кўнгли хотиржам бўлиб. Маҳкам ака у билан хайрлашиб уйига кириб кетди. Исмат машиналар кетган йўлга қараганча анча термулиб, туриб қолди.

Икки дўст шаҳарга қайтиб яна ишларига шўнғиб кетишиди. Корхона бир маромда юриб турарди. Режали текширувлар ҳам яхши ўтди. Толиб билан Санжар хонада гаплашиб ўтиришганди, эшик очилиб Салим кириб келди.

– Санжар ака, сизларни сўраб келишибди, – деди.

Салимнинг икки қўлини қовуштириб қорнига қўйиб сал букилиб турганини кўрган Толиб. Қария чоллар келишибди шекилли, деб ўрнидан турди. Эшикдан аксинча ёшлари йигирмага ҳам бормаган, қора кастюм-шим, оқ кўйлак кийган, кўйлаклари костюмларидан чиқиб турган, бошларига сетка қилиб тўқилган оқ дўппи кийиб олган йигитлар кириб келишиди. Салимнинг бу ёш йигитчаларга етти букилиб мулозамат қилаётганини кўрган Санжарнинг жаҳли чиқса, Толибнинг унга қараб кулгиси қистарди. Салим бир айб иш қилиб қўйган боладай уларнинг олдида бош эгиб турганини кўриб, Толибнинг ҳам жаҳли чиқиб кетди. Улар диванга ўтиришганидан сўнг Толиб Салимга қараб:

— Акахонларингизга бир аччиқ чой дамлаб келинг, ука илтимос, — деди жаҳлини аранг босиб.

Салим хўп деганча орқасига тисарилиб хонадан чиқиб кетди. Толиб уларга яқинроқ келиб ўтириди. Уларга бошдан-оёқ назар солди. Бу йигитчаларнинг кимликлари киргандаридаёқ тайин эди. Бу юзлари докадек оппоқ, қўллари момиқдек юмшоқ, беш-олти йилдан бери офтоб шуъласи тушмайдиган зах, қоронғу жойларда писиб ётиб, ўзлари ҳам тушунмайдиган китобларни ўқиб, билимли бўлдим, деб эндинга ёруққа чиққанликларини афтлари айтиб туради. Улар ўзларига хос одоб билан аста гап бошлиши.

— Биз бир фақир, Оллоҳни зикр қилиб, унинг айтганларини ҳозирги одамларга етказиб, уларга Оллоҳни танитиш мақсадида шу йўлни танлаган Худонинг бандаларимиз. Акахонлар, сизлар ҳақингизда кўп яхши сўзларни эшитдик. Сизлар фақир кишиларга ёрдам бериб, хўп яхши амаллар қилиб келмоқдасиз. Бизнинг учун Оллоҳ сизлардан рози бўлсин.

Бундан кейинги хайру-эҳсонларингизни ҳам яратган инобатига олсин ва бунда биз ҳам икки қўлимиз дуода сизларга Оллоҳдан куч-қувват ва барокат сўраб турамиз. Омин!

Биз ҳам диний илмларни ўрганиб, ўргангандаримизни мўмин-мўминаларга тарғиб қилиб, сизларнинг савоб йўлида қилаётган саю-ҳаракатларингиз қатори ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз.

Ўшал яхшиликларингиз қатори биздек толиби илмларга ҳам ўз марҳаматингизни дариф тутмайсиз, деган умиддамиз. Бизга ҳам ниятларимизни амалга оширишимизда ёрдам қўлингизни чўзишингизга умидвормиз. Диний ҳужраларимизда исломга қизиқсан ёш толибларимиз илм олишмоқда. Ҳозир давлатимиз ёш, шу сабабли бизларни, яъни толибларнинг эҳтиёжларини қондиришга кучи етмай турибди. Шунинг учун сиз ва сиз каби ишбилармон, бадавлат инсонларга муҳтоҗлик сезиб турибмиз. Ёрдам

тариқасида... — деб гапини тугатмаган эди ҳамки кўлида чойнак-пиёла қутариб Салим кирди. Унинг ортидан қандай уламолар келишибдийкин, деб қизиқиб Мўмин aka ҳам кириб келди. Улар секин бир четга бориб ўтиришди.

— Акахон, агар мумкин бўлса бошлиқнинг ўзлари билан сұхбатлашсак дегандик, ҳар ҳолда бу хайри эҳсон масаласи, эҳсонни ҳамма билиши шарт эмас, менимча, — деди йигитчалардан бири Санжарга қараб.

Толиб ўрнидан туриб, бир икки қадам у ёқ-бу ёққа юриб яна жойига ўтириди.

— Демак, тушунишимча, сизлар пойтахтдаги диний унверситет талабалари экансиз-да?!

— Ҳа, акахон шундай деса ҳам бўлади, — деди йигитчалардан бири каловланиб, у ёндаги шеригига ҳайрон бўлиб қараб қўйди.

— Жуда яхши, мени сиз каби ислом динимизни яхши тушунадиган толиби илмлар билан учрашиш ниятим бор эди. Яхши бўлибди, келганингиз. Сизларга, албатта, ёрдам берамиз. Лекин бир-иккита менинг ақлим етмайдиган нарсалар ҳақида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Бели бақувват, гавдасидан ҳўқиз ҳуркадиган ёшларимиз бор. Уларнинг төғни урса талқон қиласидиган кучи бўла туриб, маҳаллами-маҳалла юриб, яна беш-олти киши бўлиб олиб тўй-ҳашамларда, аза-маракаларда Куръон сураларини ўқиб, ўша тўй қилган ва азадорлардан пул олиб, берган сарполарини кийиб юришади. Отаси мардикор, онаси фаррош булсаю ва турмушга берадиган опа-синглиси бўла туриб, эртадан кечгача Оллоҳнинг каломини, Куръонни олдиларига қўйиб олиб, отасининг ер чопиб топган, онасининг эса бировлар ифлос қилган ҳожатхоналарни тозалаб топган пулига келган нонни еб, овозининг борича ўқиб ўтирган азamat йигитларимизга сизлар қандай қарайсизлар?

Энг даҳшатлиси, қаёқдандир келган, ватанининг тайини йўқ кимсаларга қўшилиб уларнинг айтган маъносиз, мантиқсиз сўзларига ислом динини ниқоб қилиб олиб

ўзлари ҳам тушунмаган нарсаларни даъват қилиб юрган чаласавод мултаваччаларга қандай фикр билдира оласиз. Ўз ота-оналарига «Ўқиган намозингиз ҳаром, чунки сиз ўқиганларингизга амал қилмайсиз», дейишгани-чи. Менимча, бу разолатга чидаш қийин, тўғрими, йигитлар? Ундан ҳам ачинарлиси, эркак, йигит бўла туриб, юзларининг оппокдигидан, қўлларининг аёллар қўлидан ҳам юмшоқлигидан уялмай, кимларнингдир меҳнатига келган кийимларни кийиб олиб биз динимиз толибларимиз деб кўкрак кериб юришлари-чи? Бунга нима дея оласиз?

Ундан ҳам қабиҳ ишларни қиладиган, ўзини дин пешвоси деб, домла деб танитиб 12-13 ёш ўғил болаларни... Санжар, тушуняпсанми, дўстим? — деб Толиб ўрнидан ғазаб билан туриб кетди.

Йигитлар Толибнинг турганидан фойдаланиб, улар ҳам ўрниларидан туришиди.

— Суҳбатимизни кейин давом эттирамиз, акахонлар,
— деб шошилганча эшикни очиб чиқиб кетишли.

Толиб Салимга қараб ғазаб билан:

— Бор, қориҳонларингни кузатиб қўймайсанми? Ахир сен бошлаб келгансан-ку уларни, — деди.

Ҳақиқатдан ҳам улар Салимга уч-тўрт кун олдин учрашганни. Салим очиқкўнгил бўлгани учун, «Майли боринглар, эҳсон қилишади. Ўзим олдиларига олиб кираман», деганди. У бу сўзларни эшитиб қилган ишидан пушаймон бўлиб ўрнидан қимирлай олмай қолди.

— Шунчалар калта фаҳмисан, Салим? Ахир, қара, уларнинг кийиб олган кийимларини, сеникidan икки баравар қиммат-ку. Ахир бу нозикниҳол хезларнинг энг қийин иши ўзининг таҳоратига сув иситиш холос-ку.

Менга айт-чи Салим, охирги марта ота-онангга чой дамлаб берганингни эслай оласанми? Шошилиб қолганингдан етти букилиб, чиқиб кетиб, Мўмин аканинг олдиаги чойни кўтариб келдинг. Сен ва сенга ўшаганлар шу муштдек болаларнинг хизматини етти букилиб қилганингдан кейин Куръон, номоз ўқиганим учун Худо

мартабамни улуғ қиляпти, дейишлари аниқ. Ана ундан сүнг бу йигитчалар бир сурани минг бор қайтариб юраверишади. А сен бўлса Салим, умрингнинг охиригача уларга чой ташиб ўтиб кетасан, — деб Толиб кулиб юборди. Хонани кулги босиб кетди.

— Сенга чой дамлаб кел дейишса, Мўмин аканинг чойнагини қўтариб чиқасанми, аҳмоқ? Ахир Мўмин аканинг кўйлак-шимини ечиб олсанг индамаслиги мумкин, лекин чойига шерик бўлганларни... — деди Санжар кулгига кулгини улаб.

— Мен ҳам Салимжоннинг шошиб қолганини кўриб, шаҳримизнинг муфтиси келибдилар, деб чойимни бериб юборибман, — деди Мўмин ака кулгидан оғриб кетган биқинини ушлаб.

Кулги кетидан кулги уланиб кетди. Ҳаммалари Салимнинг қилган ишидан кулишарди. Салим ҳақиқатдан ҳам жуда соддадил инсон эди. Лекин Толибнинг гапида жон бор эди, ҳақиқатда ҳам ота-онаси билан, ўзи чой дамлаб келиб сұхбатлашганини эслолмасди. Бундан ичидан уялиб, бу хатони бугуноқ тузатишга аҳд қилиб қўйди.

Мўмин ака чойнагини қўтариб, Салим билан хонадан чиқиб кетишиди.

— Санжар, тўғри қилдимми ёки...

— Толиб дўстим, сен гапирмаганингда мен айтардим, буларда ҳам айб йўқ, ҳаммаси тарбиядан, уларга ачинаман, ҳали ёш бўлишса ахир. Бу нима, осон пул топиш йўлими ёки ҳақиқатдан ҳам улар муҳтожларми?

— Йўқ, дўстим, менимча улар бизнинг олдимизга бошқа нарсани кўзлаб келишган. Балки биз сени ёлғиз улар билан қолдирганимизда сенга асл мақсадларини айтишармиди, — деб Толиб ўйланиб қолди.

Икки дўст офисдан чиқиб, бизнес марказ қурилишини кўриб келиш учун боришиди. Ишлар жадал суратда кетяпти. Лекин қурилишни қисқа муддатда битиришга ақллари етмасди. Чунки жуда катта ишни бошлаб юборишганди. Икки қават деб қурила бошланган бино баъзи бирларнинг

ташаббуси билан уч қаватга айланиб кетганди. Лекин янаги йилга ишга тушиб кетишига аниқ ишонишарди. Улардан буюртма олган қурилиш ташкилоти бошлиғи ҳам ёш бўлишига қарамай қўлидан келганича ҳаракат қилаётганди. Икки дўст кунни қурилишда ўтказиб уйларига қайтишди.

Ойгул эрини одатдагидай кутиб олиб, унинг қорнини тўйғазди.

— Ойгул ўзим билан бўлиб, сенинг ишларинг ҳақида сўрамай қўйибман, бирор иш олдингми? — деди Толиб Ойгулнинг иши билан қизиқиб.

— Ҳаммаси арзимаган ишлар. Лекин бошлиғимиз бир иш таклиф қилдилар, лекин у жуда ҳашам иш экан. Агар унга киришиб кетсак, сизга вақт ажратса олмайманми, деб қўрқаман.

— Нима иш экан, у шунчалик, менга ҳам вақтинг қолмайдиган?

— Бир ноҳақлик, бу ишда мен прокурор, судьялар билан тортишишимга тўғри келади. Менимча, улар бир одамга ноҳақ қарор чиқаришган.

— Лекин шу ишга ичингдан қўл ургинг бор, тўғрими?

— Нима десам экан, — деб Ойгул Толибга тикилиб қолди.

— Биласанми жоним, агар ҳақиқатни қарор топтириб, бир begunoxni oq'lai olсанг, мен сен биланман. Ноҳасанг ҳар куни ёнингда юришим мумкин. Ишимга келсак, мен ёлғиз эмасман-ку, Санжар менсиз ҳам эплайди.

— Жуда ажойибсиз-да Толиб ака, мен бўлсам, бошлиғимга икки кундан бери нима дейишни билмай юргандим. Раҳмат сизга, мени тушунганингиз учун. У одам ноҳақ айбланганига кўзим етиб турибди, — деб Ойгул эрининг юзларидан ўпиб олди.

Санжар уйига кирганида Наргиза ким биландир телефонда гаплашиб ўтирганди. У эрини кўриб, телефонни ўчириб эрини кутиб олди.

- Келдингизми Санжар ака, ҳорманг, — деди шошилиб унинг қўлидаги нарсани олиб.
- Ҳа, раҳмат, Толибжон қани?
- Толибжонни бувисига бериб юбордим, яқинда кетишиди.
- Ия, бу нимаси? Ҳали кичкина-ку нима, у ерда қоладими?
- Кичикилиги қолибдими? Юриб қолди-ку, шундай қилмасам бўлмайди.
- Нимага, тинчликми?
- Санжар ака, биз билан теппа-тeng овқат сяпти ахир, сутдан чиқармоқчиман. Шундай қилиш керак экан, ойим айтдилар.
- Ҳали эрта эмасми? — деб қулиб қўйди Санжар.
- Уч ёш бўляпти-ю, гапингизни қаранг, мени ўйлайсизми ўзи? — деб зарда қилгандай ошхонага кириб кетди Наргиза.
- Бўлди-бўлди, кечиринг хоним, майли, билганингизни қилинг. Қани, овқатни олиб келинг, — деб Санжар дастурхонга ўтириди.
- Санжар энди овқатни еб бўлганди ҳамки эшикдан Салимнинг чақирган овози эшитилиб қолди. Санжар эшик олдига чиққанида Салим билан офисга келган йигитчаларнинг бири турарди.
- Ака, гап чиқиб қолди, — деди Салим.
- Майли, қани ичкарига кирайлик-чи бўлмаса, — деб Санжар уларни кўча эшик олдидаги хонага таклиф қилди.
- Бу йигит энди бошқача кийимда эди. Бошида оқ дўппи ўрнига кепка, жинси шим, футболка кийиб олганди.
- Салим, сен бориб кеннайинг билан ўтириб тур, — деди Санжар бу йигитнинг у билан холи гаплашгиси келаётганини сезиб.
- Яхши қилдингиз ака, бизнинг уйимиз нариги маҳаллада, лекин сиз ўқиган мактабда ўқиганман, мени раҳматли Мехри ая ўқитганлар.
- Тўхта ука, кел бир қучоқлаб олай, Мехри ая менга

онамдек эдилар. У кишини күргандай бўлдим, — деб уни бафрига босиб олди Санжар. — Энди бўлди, давом эт, хўш нима гапинг бор эди менга?

—Ака, дадам газета сотадиган бир дўконда ишлайдилар. Мен оиласизда кенжа ўфилман. Мактабдан бўш пайтларимда дадамнинг ёнларига бориб қарашиб, у ердаги газета-журналларни ва ҳар хил одоб-ахлоқ ҳақидаги диний ҳадисларни ўқишини ёқтирадим. Кичик-кичик китобчаларни ўқиб юриб менда Ислом динини чуқурроқ ўрганишга иштиёқ туғилди. Отам-онам намозхон бўлишгани учун мен ҳам уларга қўшилиб намоз ўқирдим. Лекин мактабда ҳам яхши ўқиганман. Мен мактабни битириб Ислом уйверситетига кириб ўқийман деганимда, баъзи тенгқурларим қулишди. Лекин Меҳри ая мени тушунгандилар.

Бир куни дадамнинг дўконларида бир одам билан танишдим. У мени нимага қизиқишмни сўраб билиб, менга ёрдам беришини, олдин бирор сабоқ олмай ўқишига кира олмаслигимни айтди. Мен ўшанда эндиғина мактабни битириш арафасида эдим. У мени бир домлага обориб, ўқишига тайёрлашини айтди. Ота-онам олдинига унашмали, лекин бир амаллаб кўндиридим. Ҳалиги танишим қўшни вилоятга олиб кетди. Мени бир ҳашаматли ҳовлига олиб борди. У ерда мен тенгқур болалар кўп экан. Эртасидан ўрга ишни бошладим. У ерда ўқилаётган нарсаларни мен яхши билардим. Бир ойдан сўнг кечқурун бир киши келиб мени уйимга олиб келди. Уч кундан сўнг олиб кетишини айтди. Менга ўқиши ёққанди. Чунки ҳамма дарслар Ислом дини ва унинг яхши фазилатлари ҳақида эди. Уйимдагиларни хотиржам қилиб уч кундан сўнг уйимиздан чиқиб кетдим. Мана уч йилдан бери энди уйимга қайтдим, лекин бутунлай эмас, ҳар уч-тўрт ойда жойдан-жойга кўчардик. Дарсликлар қаёқдаги жиноятлар ҳақида, ҳадислар бузиб курсатилар, қуръон нотўғри талқин қилинарди. Лекин била туриб ҳеч нарса қилолмасдим. Бизга берилаётган кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар қаердан келаётганини билмасдик.

Лекин мен шуни билар эдимки, ҳамма луқмаларим ҳаром эди. Мен зерикдим, мақсадсиз юришдан зерикдим, уларнинг ниятини билиш учун, янайм уларни ичига киришга аҳд қилдим ва ҳаммасини тушундим. Уларни мақсадларидан қоннинг ҳиди келяпти, ака. Бизга келаётган пулларнинг аста-секин камайиб бораётганини билиб улар ўзлари ишонган болаларни сизга ўхшаган бадавлат кишиларни ўз томонларига оғдириш учун кўчага чиқаришаяпти. Мен ҳам бир амаллаб уларнинг ишончига кириб кўчага чиқдим. Лекин бутун Толиб аканинг гаплари мени яна-да руҳлантирди. Шунинг учун ҳам сизнинг олдингизга келдим. Мен бошқа жойга боролмайман, улар ҳаммамизни бир-биrimизга бириктириб қўйишган. Шеригим кўча бошида мени кутиб турибди. Сен гапириб улдалай олмадинг. Энди менга қўйиб бер, деб алдаб сиз билан учрашяпман. Аслида у ҳам менга ўхшаб алданганлардан. Лекин барибир унга ҳам ишонолмайман. Ҳатто ҳақиқий исмини ҳам билмайман, у ҳам меникини билмайди. Ака, менинг исмим Жаҳонгир – деб у қўлини Санжарга узатди.

– Жаҳонгир, мен сени тушундим, лекин бу нарсани яна бир кишига тушунтиришга тўғри келади. У одам сенга мендан кўра тўғрироқ йўл кўрсата олади. Агар эртага оғисга ўта олганингда яхши бўларди.

– Бироз қийин, лекин ҳаракат қиласман. Хўп бўлмаса, эртага сени оғисда кутаман, – деб Жаҳонгирни кўчагача кузатиб қўйди. Салим ҳам уйдан югуриб чиқиб, биргаликда хайрлашиб кетишиди.

Санжар бир оз ҳовли ўртасида тўхтаб, ёнидан телефонини олиб Тўлқин Маҳмудовичга қўнфироқ қилди.

Санжар бир гапни қисқача қилиб у кишига тушунтириди.

– Санжар ака, тинчликми? – деди Наргиза эридан хавотир олиб.

– Тинчлик, тинчлик, чойдан қўй-чи, – деб жойига ёнбошлади Санжар. – Нимага одамлар тинчгина яшайверишмас экан, – деб уф тортиб қўйди.

Эрталаб Санжар Толиб билан Салимни қурилишга жүннатиб, үзи офисда Жаҳонгирни кутиб ўтирган эди. Хонага бир нотаниш, ўрта бўйли, сочи калта қилиб олинган барваста йигит кириб келди. У Санжар билан тенгқур эди. У ёнидан гувоҳномасини олиб кўрсатиб:

— Мен Тўлқин аканинг кўрсатмаси билан келдим, — деди. Санжар у билан сўрашиб, ўтиришга таклиф қилди.

— У келади, деб ўйлайсизми? — деди у креслога ўтириб.

— Келади, албатта келади. Лекин менга сўз беринг, унга ҳеч нарса бўлмайди, тўғрими? — деди Санжар Жаҳонгирдан хавотирланиб.

— Йўқ, ишқилиб келса бўлди, — деб турганди, эшик очилиб Жаҳонгир кириб келди.

— Санжарбек, илтимос бизни холи қолдирсангиз, — деди Тўлқин ака жўнатган одам ва уни чиқариб эшикни ичидан беркитиб олди.

Санжар Мўмин аканинг хонасида ўтириб икки чойнак чойни бирга бўшатиши. Орадан бир ярим соат ўтгандан сўнг Жаҳонгир чеҳраси очик ҳолда хонадан чиқиб, Санжар билан хайрлашиб кетди.

— Санжарбек, бу танишимиз ўша юрмонқозиқларга олдинроқ уруш очиб бўлган шекилли, — деб у ҳам мийифида кулди. Битуга кираверишдаги фойеда бир дона сигаретини чекиб тутатгунча Санжар билан гаплашиб турди ва унга раҳмат айтиб, машинасига ўтириб у ҳам кетди.

Санжар ҳайрон бўлиб эшик олдидага туриб қолди.

— Тавба, — деди ўзича, — келди-ю кетди, нима бўлди, нима деди? — деб анграйганча қолди.

— Ҳа, Санжарбек, улар ўзи ким эди, — деди Мўмин ака Санжарнинг ёнига чиқиб.

— Уларми? Мен ҳам уларнинг кимлигини англай олмай қолдим, ака — деди жаҳали чиқиб Санжар.

Ойгул Толибнинг рухсати билан янги иш олиб, ўша одамни хонасига чақирди. Унинг ҳужжатларини бир четдан

кўриб чиқиб ҳайрон бўлиб ўтирганди, ўша киши хонасига кириб келди.

— Мумкинми? Ассалому алайкум!

— Келинг, ваалейкум ассалом, марҳамат, келинг ўтиринг, — деди Ойгул.

— Мен Иzzатилла Ҳакимов бўламан, сизга учрашишимни айтишиди, — деди эшикдан кира солиб у киши.

Бу одам ўрта бўйли, юзлари юмалоқ, оқ-сариқдан келган, ёши қирқлардан ўтган, чехраси кулиб турган киши эди.

— Мен Ойгул Раҳимоваман, агар қарши бўлмасангиз, сизнинг ишингиз билан шуғулланмоқчи эдим. Опелляция муддати ўтиб кетибди, лекин қайта судга берсак бўлади.

— Биласизми синглим, мен нима қилишни билмайман, лекин бир нарсани биламан, менинг айбим йўқ.

— Одатда ҳамма шундай дейди, — деб жилмайиб қўиди Ойгул.

— Ойгулхон, агар олдингизда турган анави «папка» бўйича ишимни кўрсангиз, албатта, айборман.

— Иzzатилла ака, бу қофозлардан кўра, олдин сизни эшитмоқчиман, шунинг учун сизни чақирдим.

— Бу гапингиз яхши, фақат кўп вақтингизни олиб қўймасмикинман, кейин мени сизга ва бошқа харажатларга бергани пулим йўқ. Мана ўша ишдан бери ҳеч қаерда ишламайман. Сотиб берадиган бирор нарсам ҳам йўқ, — деди Иzzатилла ака хижолат бўлиб.

— Ака келинг, пул иккинчи масала, ҳозир яхшиси асосий гапдан гаплашайлик.

Иzzатилла ака сўз бошлади, Ойгул уни эшитиб ўтириб, бу одам ҳақиқатни гапираётганини сезиб ўтиради. Чунки у айтаётган баъзи терговчи ва судьяларни кўрмаган бўлса ҳам, улар ҳақида эшитганди. Улар ўз ишларига кўр-кўронга ёндошишларини биларди. Чунки уларнинг кўзига ҳамма жиноятчи бўлиб кўринарди. Яна бир нарсага ажабланарди,

нима учун хўжалик судидаги иш жиной ишлар бўйича судга оширилганига ҳайрон бўлаётганди.

Энг ачинарлиси, бу киши бирорта ҳам судга чақирилмай, тергов ҳам қилинмай қандайдир гувоҳларнинг ва аслида жиноят содир қилган одамларнинг гувоҳлигига қараб ҳукм чиқарилган. Фақат, бу одамни ҳукм ўқиладиган куни уйдан келиб олиб кетишган.

Ёши эликка бориб қолган Иzzатилла ака бу бошига тушган ноҳақликни кўзида ёш билан Ойгулга айтиб берди.

Яна бир ачинарли томони, бу одам ҳақиқатнинг голиб чиқишига, одил судга ишончини йўқотгани кўзларидан билиниб турарди. Унинг бирор ишга ҳам қўли бормаёттанилиги билиниб турарди.

— Биласизми синглим, мана ҳозир сиз билан гаплашяпману, лекин сиз ҳам юзимга чапланган бу қора доғни ўчирилмайсиз, деб ўйлайман. Умидим сўнган, лекин бир кишининг тавсияси билан яна шу ерга келдим. Балки ишни бошламасдан олдин тўхтатайликмикан? Ахир бир гап борку: «Карға-қарғанинг кўзини чўқимайди», деган. Кейин оиласмагилар ҳам қийналиб кетишли. Қора қозон бир нави қайнаб турибди, лекин ҳаловат йўқ, синглим.

— Иzzатилла ака, бугунга етар, сиз кўлам сиқилманг, сизга ҳозир аниқ бир гап айттолмасам ҳам лекин, албатта, адолатни қарор топтираман. Ким гуноҳкор бўлса, албатта, жазосини олади. Сиз айтаётган қарғалар биз томондан учеб кетишиган, бир-иккита адашиб қолиб кетгани бўлса, биргалашиб уларнинг кўзини ўзимиз чўқиймиз. Мен бугуноқ, бу ишга киришаман, телефон рақамингизни қолдирсангиз.

Ойгул Иzzатилла аканинг юрагида умид учқунини ўйғотиб кўчагача кузатиб қўйди. Ҳа, бу иш чиндан ҳам жуда чигал эди.

Ойгул шаҳар хўжалик суди раисининг олдига, қабулхонада узоқ навбат кутиб аранг кечки пайт кириб борди.

Муборакхон судьялик қилишни бошлаганига беш йил бўлиб қолганди. Унинг ёши Ойгулдан беш ёш катта бўлиб, кийиниши үрнига қўядиган, тақиб олган тақинчоқларининг ўзи бир қанча пул турарди. Ўзи қонунларни унча тушунмаса ҳам, лекин олдига қўйиб олган китобларни ўқиб холоса чиқаришга уста эди. Ўзи чекка тумандан бўлиб, қатнаб ишларди.

Ойгул ичкарига кирганида у ўрнидан турмади ҳам.

— Келинг, хўш хизмат — деди кибрли оҳангда.

Ойгул бу аёлнинг ҳавода учеб юрганини кўриб, асаблари таранглашиб кетди. Ҳаммасини бир бошидан гапириб муддаосини унга тушунтириди.

— Синглим, менинг қўлимдан қанча ишлар ўтади, қайси бири эсимда турибди дейсиз, у иш ёпилиб архивга тушган бўлса, ҳозир сиз чиқиб архивга киринг, улар топиб беришади, кейин эртага келсангиз, гаплашамиз.

Ойгул бу хотин билан яхшиликча гаплашиб бўлмаслигини билиб:

— Йўқ, опахон архивга сиз чиқасиз, ўша ҳужжатни олиб чиқиб столингиз устига қўясиз, бугун кеч бўлиб қолди, майли, эртага келганимдан сўнг иккаламиз бирга кўриб чиқамиз. Аслида у ҳужжатларнинг менга кераги йўқ, чунки менда сиз чиқарган ҳукм бор. Мен шунчаки нимага асосланиб ҳукм ўқиганингизни билмоқчиман. Кейин, у одам сизнинг устингиздан даъво аризаси ёзган. Сизга маслаҳатим ўша ҳужжатларни ўзингиз яна бир кўздан кечириб чиқсангиз, ўзингизга фойда бўларди. Яхши қолинг, опа, — деб Ойгул ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетди. Кетишдан олдин ташриф қофозини стол устига қўйиб кетди. Муборакхон ҳали ҳаётида бундай адвокатни учратмаган. У отдан тушса ҳам, эгардан тушмайдиганларнинг хилиданлиги учун:

— Вой бў... жуда осмондалар-ку ойимча, — деб телефон гўшагини олиб кимнингдир рақамини тера бошлади. Ойгул иккинчи қаватдан пастга туша туриб, боши айланиб юраги

ўйнаб кетганидан шошилиб пиллапоя тутқичини ушлаб, тўхтаб қолди.

— Ия, менга нима бўляпти? Наҳотки шу бир тушунчаси паст аёлнинг қилиқларини юрагимга яқин олиб юбордим, — деб чуқур нафас олганди, сал ўзига келгандай бўлди. — Ҳа, тушлик ҳам қилмагандим, шунинг учун бўлса керак, — деганча уйига йўл олди.

Ойгул туни билан судья аёл ҳақида кўп ўйлади. Мени ҷақиравмикан ёки парво қилмасмикан — деб ўйларди. Эрталаб хотинининг паришонхотирлигини кўриб Толиб уни гапга тутди.

— Ойгул, ишлар қалай, бошлаб олдингми?

— Ҳа, бошлаб олдим, биринчи тўсиқقا ҳам дуч келдим, — деб қўлидаги овқатни Толибга узатди. Эр-хотин нонушта қилиб ўтиришарди.

Ойгулнинг нимагадир иштаҳаси йўқ эди. Ҳатто ҳар куни яхши кўриб ейдиган қўймоқни ҳам егиси келмаётганди.

— Қандай тўсиқ экан, — деди Толиб.

— Ҳа, битта судья аёл жуда кибрли экан. Осмонда учиб юрибди.

— Э, ҳа шундай демайсанми? — деб кулиб қўйди Толиб.

— Нега қуляпсиз, Толиб ака?

— Бу тўсиқ эмас, кейин у судья сен ўйлаганчалик кибрли ҳам эмас Ойгул, у шунчаки аёл, яъни судья аёл.

— Нима, уни танийсизми?

— Йўқ, уни қаёқданам таний, бу одатий ҳол, икки аёл учрашганда пайдо бўладиган ҳасад, яъни бир аёл ўзидан амали катта, чиройли, ақдли аёлни кўрганида ўшанинг фақат айбини кўради. Бу аёлларнинг бир қусрли айблари.

— Нима, ҳали мен аҳмоқ эканман-да, — деб Ойгул беғараз жаҳл билан эрига қаради.

— Йўқ, ундан демоқчимасман, биринчидан, сен у аёлни ёмон деб танидинг, иккинчидан, албатта, унинг олдига кириш учун анча навбат ҳам кутган бўлсанг керак, шунча

ғазаб билан унинг олдига киргансан, шундай кўринади-да. Оддий аёллик ғаразинг, ўзингни у билан тенг қўйишга ҳаракат қилишинг, аниқ, бу аёлларда учрайдиган табиий ҳолат, холос.

Ойгул, у сен айтмоқчи тўсиқ эмас, у ҳам сенга ўхшаган аёл. Уни кибрли деб ўйлаб кибрлик билан жавоб берсанг, қўполлик қилса қўполлик қилсанг, албатта, ўша тўсиқ яна ҳам катталашади. Унга аксинча муомала қилиб, очиқ чеҳра ва ҳалимлик билан жавоб қайтарсанг ўзингга ҳам, унга ҳам яхши бўлади, деб ўйлайман.

Ойгул эрининг бу сўзларини эшишиб кечаги қилган ишидан уялиб кетди. Лекин Толибнинг гапи тўғри эди. Шунинг учун эрининг бўйнидан қучиб олди.

— Раҳмат Толиб ака, ҳамма гапингиз тўғри.

— Кейин яна бир нарса, агар ҳар бир сизга ёққан гапларим учун биттадан ўпич бўладиган бўлса, жоним, кўпроқ овқат ейишингиз керак, бўлмаса ўпавериб чарчаб қоласиз, — деб мийигида кулиб кўйди Толиб. Бўғилиб турган Ойгулнинг иштаҳаси ҳам очилиб, нонушта қила бошлади. Эр-хотин тайёр бўлиб кўчага чиқишигандা, Салим машинада келиб, ичиди ухлаб ётганди.

— Салим қачон келдинг, нега киравермай машинада ўтирибсан, — деди Толиб ҳайрон бўлиб.

— Кечқурун бир дўстимнинг тўйида эдик, ўша ердан тўғри келгандим. Эртароқ келганим учун безовта қилмадим, — деди Салим кўзини ишқалаб.

— Нима, дўстинг уйландими?

— Йўғ-э, уйланганига икки йилдан ўтди, ўғлига тўй қилди, хатна тўй.

— Яхши, ҳозир Ойгул кенноойингни ишхонасига ташлаб, кейин...

— Кейин, — деди Салим Толибнинг гапини оғзидан олиб, — ресторанга борарканмиз. Санжар акам ўша ерда кутар эканлар.

Ойгулни адвокатурага ташлаб, ресторанга боришганда Санжар Истроил билан бир четдаги столда ўтиришганди.

— Келинг, Толибжон ишлар жойидами, күп ошингларни едим, бир мен ҳам ош қилиб берай дедим-да, — деб Истроил Толибни қучоқ очиб кутиб олди.

— Жуда яхши-да, текин ош бўлади-ю биз йўқ дермидик, — деди Толиб стулга ўтиаркан.

— Мен эртароқ чиққандим уйдан, дадамлар билан бир жойга тўйга бордик, энди ишга ўтмоқчи бўлиб турсам Истроил қўнғироқ қилиб бир ишни таклиф қилиб қолдилар, ўзинг бир эшиш-чи, — деди Санжар ҳам Толиб билан қўл бериб сўрашиб.

— Ҳа, Толибжон ош баҳона бир иш юзасидан маслаҳатлашмоқчи эдим. Шаҳар четида бир ҳовлимиз бор эди. Ўша ҳовлини дадам сотиб, пулини менга бериб, шу пул бекор ётмасин, бирор ишга ташласанг, бир нави рўзгорингта яраб туради, дегандилар. Мен бир кишига айтгандим, у одам менга Россиядан калиш олиб келиб бераман деб кетган эди, кеча у қайтиб келибди. Ҳозир юк божхонада турибди, ўша юкни олиб ўтиш учун шартнома керак экан. Яна кўпроқ ҳам шекилли, пулни санасанг кейин берамизми, ўтказамизми дейишаётган эмиш, бу нарсаларга менинг ақлим етмайди. Лекин у одамни бу ерга чақирдим, ҳозир келиб қолади, ўзи тушунтирас, — деди Истроил ҳеч нарсани тушунмайдигандек.

— Толиб, нима дейсан, ёрдам қиласизми? — деди Сануар.

— Майли, агар қўлимиздан келса, албатта, бу ишлар ҳам бизга янгилик, лекин одамингиз келсин-чи Истроил, аниқроқ бирор гап айтса шунга қараб гаплашамиз-да, — деди Толиб.

Икки дўст Истроил билан у ёқ-бу сўдан сұҳбатлашиб ўтиришди. Истроил айтган киши озгина кечикиб бўлса ҳам кириб келди, у кечикканига узр сўраб даврага қўшилди. У қирқ ёшлардаги одам эди. Унинг юzlари ҳорғин, кўзларида чарчоқ аломатлари бор эди. Кечагина узоқ йўлдан келгани билиниб турарди. Лекин у хурсанд кўринарди.

— Танишинг, бу киши Азимжон ака бўладилар — деди Истроил.

Икки дўст у киши билан исмларини айтиб танишиб олишди. Азимжон ака бундай ишларни кўп қилиб юргани учун бажариладиган ишни лўнда қилиб тушунтириб берди. Икки дўстга унинг гаплари маъқул бўлиб, Салимга, Мўмин акага учраштириб у кишининг қўлидаги шартномага муҳр бостириб келишини айтишди. Шартномага Санжар қўл қўйиб берди.

— Сиз ака ҳужжатларни расмийлаштиринг, молни олиб ўтаётганингизда етмаётган пулни биздан оласиз, — деди Санжар.

Азим ака иш битганидан хурсанд бўлиб, Салим билан чиқиб кетишиди.

— Мана бўлар экану, кечадан бери нима қилишга бошим қотиб юрувди, — деди Истроил тиржайиб, — энди Азим ака билан ўзинглар гаплашаверасизлар, ҳамма ўзининг ишини қилгани яхши, менга пулимнинг таничиқиб қолса ҳам майли, — деб қўшиб қўйди.

Қилаётган ишларига ривож тилаб, самимий хайрлашишиди.

Ойгул ишхонасига келиб, Муборакхон судьянинг олдига боришга иккиланиб ўтирганди, эшик очилиб унга таниш бўлган ҳамкасби Рапиқ ака кириб келди.

— Салом! Ойгулхон, безовта қилмадимми?

— Келинг, қайси шамол учирди биз томонларга, ўтилинг-ўтилинг ака, — деб унга ўтиришга жой кўрсатди Ойгул.

Рапиқ ака элликларга кирган, олдин милицияда ҳам ишлаган, кейин ўқитувчилик қилган, ҳозир эса адвокатлик конторасида ишларди. У хусусий идора бўлса ҳам, лекин ёрдамчи бўлиб ишлаб юрарди. Кўзларининг қовоқлари бўртиб чиққан, бўйи новча, қорачадан келган бу одам фақат хўжалик судида айлангани-айланган эди.

- Ойгулхон, нима ишлар қилиб юрибсиз, синтил, — деди Рапиқ ака түсатдан.
- Тушунмадим, қайси ишни айтяпсиз?
- Кеча Муборакхоннинг олдига борибсиз-ку, ўша ишни айтаман-да.
- У ишга сизнинг нима алоқангиз бор, Рапиқ ака?
- Мени, синглим «прамой» алоқам бор, билсангиз, мен даъвогар ташкилот томонида бўлганман, ҳужжатлар ҳаммаси жойида ва қонуний ҳал қилганмиз. Қолаверса, у ишга анча бўлиб кетди. Эски ишни чувалаганингиз билан ҳеч нарса чиқмайди. — Рапиқ ака бу сўзларни Ойгулга овозини баланд қилиб гапиради. — Ахир синглим, иккимиз ҳам бир соҳа одамларимиз, бир-бири мизнинг ишимизни кавлашимиз тўғрими?

Ойгул Иzzатилла аканинг кечаги гапини эслади.

- Карға-қарғанинг кўзини чўқимайди, демоқчисиз-да, — деди Ойгул жилмайиб.

— Ҳа-да! Шундай демоқчиман-да. Ахир сиз ҳам тушунган одамнинг фарзандисиз. Мен сизга айтсан, бу фирмачлар ҳаммасини тушунишади. Мана бундай аҳволга тушишганда тушунмабман, деб дийдиё қилишади. Мен улар билан гаплашавериб, соchlарим оқарди. Қандайдир саводсизлар ўзларича фирма очиб олишган. Ўша сиз ишини қайта кўрмоқчи бўлаётган одам ҳам ўшалардан бири, синглим. Наҳотки, ҳужжатларни кўриб чиқиб тушунмаган бўлсангиз? Мана бу, кеча сиз Муборакхондан сўраган ҳужжатларнинг нусхаси. Жуда кўнглингиз ғаш бўлса bemalol кўриб чиқинг, — деб стол устига бир папкани ташлади. Кеча Ойгулнинг ташрифидан сўнг Муборакхон бу кишини чақириб, яхшилаб тузлагани, унинг бу қадар оловдек ёниб гапираётганинг тасдиги эди.

Ойгул папкани олдига олиб, Рапиқ акага қараб индамай ўтирарди. Унинг бу ўтиришига ажабланган адвокат, ажабланиб:

- Нега индамайсиз, Ойгулхон ҳужжатларни кўрмоқчимисиз? — деди.

— Нима дейишимни кутяпсиз, тушунмадим, сизни эшитдим, менинг сизга айтадиган гапим йўқ ҳозир. Ҳужжатни хотиржам ўзим кўриб чиқаман, кейин, нима, ҳозироқ сизга қароримни айтишимни кутяпсизми?

— Шундай денг, хўп майли, кўриб чиқинг, — деб ўрнидан турди заҳархандалик билан. — Кўриб чиқиб бирор қарорга келсангиз синглим, биз омиларни ҳам хабардор қиласиз, — деди-да ташриф қофозини олиб столга ташлади ва орқасига ўгирилиб ташқарига тез-тез юриб чиқиб кетди.

У йўлакка чиққанида қўл телефони жиринглаб қолди.

— Алло, эшитаман, бўлди, хотиржам бўлинг. ҳаммаси яхши, хавотир оладиган ҳеч нарса йўқ. Ўзимизнинг шогирд қизимиз экан, — деди. Унинг телефондаги бу суҳбатини хонасининг эшиги ёпилмаган Ойгул ҳам эшитди. Ойгул олдида турган «дела»га қараб, уни очиб варақлагиси келмасди. Чунки у узини Ойгулга устоз билаётган Рапиқ аканинг пайтавасига қурт тушиб, югуриб юришига қараганда ҳаммаси аён эди. Унинг қўл телефонига ким қўнғироқ қилганини ҳам Ойгул сезди. У отаси тенгқур инсонга дилидагини гапиргиси келди, лекин эрининг насиҳати билан индамай қўя қолганди. Аксига олиб, эрталабки қилган нонуштаси худди ошқозонида қимиirlамай тургандек беҳузур бўлаётганди. Бир оз ўтиб эшикдан Иzzатилла aka кириб келди.

— Синглим, мумкинми?

— Кираверинг, Иzzатилла aka бемалол, марҳамат ўтиринг, — деди Ойгул ўрнидан туриб.

— Кечирасиз туни билан уйқим келмади. Қиладиган ишим ҳам йўқ, фирт бекорчиман, бир хабар олай-чи деб келгандим, — деб Иzzатилла aka Ойгул таклиф қилган стулга ўтириди.

Ойгул ҳозиргача қилган иши ҳақида у кишига айтиб, — мана буларни ўқиб чиқинг-чи, бу ўша сиз қатнашмаган суддаги ҳужжатлар — деди ва Рапиқ aka ташлаб кетган «дела»ни унга берди.

Иzzатилла ака бир бошдан ҳужжатларни күздан кечира бошлади.

— Сиз бемалол, хотиржам күриб чиқинг, мен ҳозир, — деб Ойгул хонадан чиқиб очиқ ҳаводан нафас олиш учун ташқарига чиқди. У ўзини жуда ғалати ҳис қилаётганди. У ташқарига чиққанида, фаррош аёл чарчаганиданми скамейкада ўтирганди. Ойгул у билан сўрашиб ёнига ўтириди.

— Ҳа қизим, тобингиз йўқми? — деди фаррош аёл унинг беҳол бўлиб ўтирганини кўриб, — рангингиз ҳам оқариб кетибди.

— Билмадим опа, ҳеч бундай бўлмасдим, кўнглим айниб, бошим ҳам бир-икки айланиб кетялти, — деди Ойгул томоғини қўллари билан ушлаб.

— Қизим, қўлингизни беринг-чи, — қўл томирини ушлаб, — бир гап айтсан майлими? Турмушга чиққанингизга анча бўлиб қолди, тўғрими? — деб сўради.

— Ҳа нимайди, тўйимга боргандингиз-ку, — деди Ойгул ҳайрон бўлиб.

— Мен бу ҳолатни кўп бошимдан ўтказганман, еттита бола туғдим. Менга битта кўйлак қарздорсиз Ойгулхон, сиз ҳомиладорсиз, — деди кулиб фаррош хотин. — Менга ишонмасангиз дўхтирга боринг, у ҳам менинг гапимни айтади, — деб кулиб кўйди.

— Ростданми опа, ҳазиллашмаяпсизми? — деб юзига кулгу югурди Ойгулнинг.

— Мени айтди дейсиз, гапим чин, битта кўйлакни тайёрлайверинг, қизим. Гумонларингизни тасдиқлаш учун, ҳозироқ дўхтирга боринг.

— Опа, ҳозироқ бораман, айтганингиз тўғри бўлса ўзим бозорга олиб бориб айтган кўйлагингизни олиб бераман, — деб Ойгул фаррош аёлни қучиб олди. Ойгулнинг севинчи ичига сигмай хонасига қайтиб кирганида Иzzатилла ака «дело»ни ўқиб бўлиб, хаёл суриб ўтирган эди.

— Келдингизми Ойгулхон, йуқлигингида қўл телефонингиз жиринглади, — деди. Ойгул телефонига

Қараганди, унда Толибнинг рақами кўриниб турганди. У дарров қайтариб эрига қўнғироқ қилди.

— Ассалому алайкум Толиб ака, тинчликми? Қўнғироқ қилибсиз, мен ташқарига чиққандим, — деди.

Толиб ҳам гуё бир нимани сезгандек:

— Шунчаки, бир қўнғироқ қилгандим, — деди.

— Толиб ака, бугун эртароқ уйга бора оласизми? Сизга айтадиган гапим бор, — деди Ойгул. — Майли, кутаман, — деб телефонини ўчириди.

У Иzzатилла акага қараб:

— Хўш, ўқиб чиқдингизми? — деди.

— Ҳа, ўқидим. Менсиз шунча иш бўлганига ҳайронман, бундаги одамларни ҳаётимда кўрмаганман, Ойгулхон, — деди мийигида кулиб.

— Иzzатилла ака, мен бу ишнинг тагига етаман, лекин кўп судъялар билан ва баъзи ўзига тўқ инсонлар билан курашишимга тўғри келади. Шунинг учун ҳар доим ёнимда тура оласизми? Ярим йўлда мени ёлғизлатиб қўймайсизми? — деди Ойгул. У бу ишга жуда астойдил бел боғлаганди.

Боз устига фаррош аёлнинг гапидан кейин кайфияти ҳам кўтарилиб кетганди. Иzzатилла ака ҳайрон бўлиб, Ойгулни унча тушунмай:

— Қайси маънода ёнингизда туришим керак, агар пул борасида бўлса ёнингизда туролмайман, — деди.

— Иzzатилла ака, пулни нима алоқаси бор, бу ишимизга ахир, сиздан ҳар қандай қаршилик ва қўрқитишларга қарши тура оласизми, демоқчиман. Ҳа, кейин пул масаласида, ҳозир иккимиз бир жойга борамиз, юринг, — деди Ойгул сумқасини елкасига осиб. Иzzатилла аканинг ёнида уйига этиб олишгагина етадиган пули бор эди, холос. У нима қилишини билмай аста ўрнидан турди. Улар кўчага чиқишли. Ойгул такси тўхтатмоқчи бўлиб турганини кўрган Иzzатилла ака хижолат бўлиб:

— Ойгулхон, ёнимда таксига тўлагани пулим йўқ, — дегиси келдию, таваккал деб индамай тураверди. Улар таксида тўғри Толибнинг оғисига боришли.

— Ака, мен билан юринг. — деб уни бошлаб хонага кирди. Котиба ўтирадиган хонада Салим ким биландир телефонда гаплашиб ўтиарди. У Ойгулни кўриб, дарров телефонини ўчириб:

- Ия, Ойгул опа келинг, тинчликми? — деди.
- Тинчлик, шу ердаларми? Ким бор олдиларида?
- Ҳа, бир киши, яна Санжар акам ҳам, кираверинг, — деди эшикни очмоқчи бўлиб.

— Йўқ. очманг, майли бегона киши чиқиб кетсин, кутиб турман, — деди Ойгул. Креслога меҳмонни таклиф қилиб, ўзи ҳам стулга ўтиреди.

Иzzатилла ака бу фирма ҳақида кўп эшитганди. Иш юзасидан ҳеч гаплашмаганди. Толиб билан Санжар ҳақида орқаваротдан эшитганди. Лекин Ойгулнинг бу фирмага нима алоқаси борлигини ва бу ерга нимага келгандарига тушунолмай ҳайрон ўтиарди. Ичкаридан Санжарнинг «Салим», деб чақирган овози эшитилди. Салим шошилиб ичкарига кириб кетди. Икки дўст билан хонадаги киши Азимjon ака эди.

— Азим ака, Салим сиз билан қаерга десангиз боради. Сизга ёрдам беради, демоқчиман. Биз ака, ўзимизнинг пулимизни бераяпмиз, нақд пул деганингиз учун. Бу пулларни фирмага кирим қилдик. Ҳозир ҳисобчимиз сизинг номингизга чиқим қилиб ҳужжатни расм ийлаштириб қўяди. Салим, сен тушундингми? Ҳозир Азим ака билан бориб молни олиб келасизлар, тўғри омборга туширасизлар, — деди Санжар Салим хонага кириши билан.

- Майли, оқ йўл, ака — деди Толиб ўрнидан туриб.
- Ака, Ойгул опам келганлар, сизни кутиб ўтирибдилар, — деди Салим Толибга.
- Ия, кириб келганида нимага айтмадинг? — деб Толиб ташқарига отилди.
- Тинчликми? Ойгул, нима қилиб юрибсан бу ерда, — сўради Толиб хавотирланиб.

Азим ака Ойгул билан сўрашиб, Салим иккаласи Мўмин аканинг хонасига кириб кетиши. Толиб Ойгулнинг меҳмони билан сўрашиб, уларни хонага олиб кирди.

— Ойгул, кириб келавермай, нимага у ерда ўтирибсиз, — деди Санжар у билан сўрашиб, Иzzатилла акани ўтиришга таклиф қилди.

— Иzzатилла ака, танишинг бу киши Толиб акам, менинг турмуш ўртоғим бўладилар, бу киши Санжар ака, у кишининг дўстлари, — деб Ойгул уларни таништириди.

— Толиб ака, булар ўша мен ишларини кўраётган Иzzатилла ака бўладилар. Сизларни таништиришимдан биринчи мақсадим, олган ишим, яъни Иzzатилла аканинг ишлари оддий ишга ўхшамаялти. Шунинг учун ишимиз узоқроқча чўзиладиган кўринади.

— Бир илтимос билан келгандим, агар бирор иш ўрни бўлса акани ишга олсангиз дегандим.

Иzzатилла ака нокулай аҳволга тушиб қолиб:

— Ойгулхон, бу нимаси, мен ҳалиги, сизга тушунмай қолдим синглим, — деди Ойгулнинг кутилмаган ишидан хижолат бўлиб.

— Иzzатилла ака, мен олдин сизни тушкунлик ва муҳтоҷликдан қутқармоқчиман, кейин хотиржам сизга қилинган туҳматдан холос қиласман. Чунки сизнинг бу тушкун кайфиятингиз билан мен ҳам енгилишим мумкин. Ахир сизга бекорга айтмадим, биз ўзига тўқ инсонлар билан курашамиз деб. Айтганимни қиласангиз, қатъиятлироқ бўлинг.

— Бўлди, бўлди, Ойгулхон, сизни тушундим, — деди Иzzатилла ака. — Укалар, нима иш бўлса қиласвераман.

Толиб ҳам, Санжар ҳам Ойгулнинг қилган ишига беш кетиб ҳайрон туришганди, Салим хонага кириб:

— Биз кетяпмиз, — деди.

— Тўхта, Салим, — деди Санжар уни тўхтатиб. Сейфдан бир пачка пул олиб Иzzатилла акага:

— Бу йўл харажати ва қолганига уйга бозор-ўчар қиласиз. Қайтишда Салимжон сизни уйингизга ташлаб қўяди.

Эрталаб бу ерга ишга келасиз. Нима иш қилишингизни эртадан кўрамиз, бутунги ишингиз Салимжон билан Азим акага қарашиб қўясиз, — деб унга пулни берди.

Иzzатилла аканинг анчадан бери шунча пулни ушламагани билиниб турарди. Агар уни Салим «Юринг», деб қўлидан етаклаб олиб чиқиб кетмаганида ўша ерда ҳайкалдек қотиб тураверарди. Улар хонадан чиқиб кетишиди.

— Раҳмат, Санжар ака, — деди Ойгул.

— Ойгул, биласанми сен кимсан, — деди Толиб унга меҳр билан қараб.

— Ҳа, биламан мен сизнинг хотинингизман — деди Ойгул ҳам қилган ишидан мамнун бўлиб, — биласизларми, бу одам учун ҳамма фирибгар бўлиб қолибди. Лекин ҳақиқатдан ҳам тухматга қолганига, бугун бир кишининг ташрифидан сўнг юз фоиз иқрор бўлдим. Кейин ишсиз қолиб, ноchorлигини сездим. Агар имони бўлса, бу кишига ёрдам қилсангиз, ёмон одамга ўхшамаяптилар.

— Майли, бу масала ёпилди, у кишини ёнимизга оламиз, лекин нима учун бутун эртароқ боришем керак эди уйга, — деди Толиб.

— Бу энди бошқа мавзу, борганингизда биласиз, — деди Ойгул уялибгина.

— Санжар, балки менга жавоб берарсан, дўстим?

— Майли, лекин бир шартим бор, биргаликда тушлик қилмиз, чунки пулим қолмади, — деб кулиб қўйди Санжар. Ҳақиқатдан Толибда ҳам, Санжарда ҳам пул қолмаганди. Икки дўст кулиб-кулиб Ойгулни олиб ресторонга насияга тушлик қилгани борамиз, — деб ҳазиллашиб йўлга тушишиди.

Бугун Ойгулнинг қувончига-қувонч қўшилган кун эди. Тезроқ кеч бўлса-ю бу қувончига эри Толибни ҳам шерик қўйса.

Иzzатилла ака ўзини йўқотиб қўйганди. У нима бўлаётганини англай олмай гаранг ҳолда, қандай машинага чиқиб ўтирганини ҳам билмай Санжар берган пулни икки қўли билан маҳкам ушлаганча орқа ўриндиқда караҳт ҳолда келаётганди. Агар яна Салим уни тапга солмаганида шу

кетишида борадиган манзилларигача индамай кетиши мүмкін зди.

— Ака, менинг исмим Салимжон, бу аканики Азимжон ака бўлади, сизнигини унча англай олмадим, исмингиз нима зди? — деди Салим яқинроқ танишиб олиш илинжида.

— А... менини? Ҳа, ҳалиги Иззатилла мени исмим, ҳалиги мен Ойгулхонни...

— Ҳа, Ойгул опамни яқинларимисиз?

— Шундай деса ҳам бўлади, ҳа шундай, — деди Иззатилла ака фикрини бир жойга тўплай олмай.

Кечагина ҳамма нарсасидан умидини узган, ҳаётининг бирор лаззатини ҳам ҳис қилмай, ҳатто яшашга ҳам ишиёқи қолмаган Иззатилла ака нима бўлаётганини ақлига сифдира олмаёттанди.

Унинг оиласи ҳам кўзига кўринмай, уйлантирадиган ўғли олдида унга бирор маслаҳат ҳам беролмай, хотинининг маошига қараб қолганди. Энди бўлса хотинининг тўрт маошига тенг пулни қўлида ушлаб гаранг зди. Ҳозир уйга рўзгорга бозорлик қиласман, бир тўйиб сергўшт қилиб ош дамлайман, болаларим ва хотиним билан мазза қилиб еймиз, деган хаёл билан кетаётиб бирдан «Ия, жинни, буни харажатга деб беришди-ку», деб Салимнинг елкасига қўлини теккизиб:

— Салимжон, мана бу пулни олинг, ёқилғига, яна бошқа харажатларни ўзингиз қиласиз, — деди Салимга пулни узатиб.

— Иззатилла ака, бу машинага чиққан одамлар харажат қилишмайди, пулни ёнингизга солинг, у сизнинг пулингиз, худога шукр, бензинимиз етарли. Қолаверса, Санжар акам уни сизга аванс тариқасида бердилар. Менимча, агар бизда ишласангиз қаттиқ меҳнат қилишингизга тўғри келади. Улар кўнгилчан бўлганлари билан ишга талабчанлар. Ҳозир ишни битириб у киши айтганидек, уйингизга бозорлик қиласиз, ортганини йўлкира қилиб, ишга қатнаб турасиз-да, ака, — деди Салим.

Манзилга етиб келишганда Азим ака ҳужжатларни

кўтариб чегара божхона идорасига кириб кетди.

Салим Иzzатилла ака билан машинада қолишиди. Уларнинг суҳбати қизиб бир-бирларини яқиндан билиб олишиди. Иzzатилла ака айрим бошига тушган ишларни Салимга айтиб Ойгулни қандай таниганингача айтиб берди. Салим ҳам ўз ўрнида икки дўст фирмасига қандай келиб қолганини, ўша кунни ҳаётидаги энг баҳтли кун деб эслаб юришини завқ билан сўзлаб берди.

— Биласизми, Иzzатилла ака, Ойгул опам билан Толиб акам қамоқхонада танишишган. Тақдир тақазоси билан Толиб акамни бошига ҳам туҳмат тошини отишганди. Ойгул опам уни оқлаб қамоқдан олиб чиққан. Шунинг учун хотиржам бўлинг, сизни ҳам оқлашади, ака — деди Салим Иzzатилла аканинг умидига янада умид қўшиб.

Салим билан ўтириб суҳбатлашган одам ҳеч зерикмасди. У икки дўст ҳақида шундай гапирадики, ўзи ҳам чарчамасди. Баъзиларга Толиб ва Санжар қилган ишлари бир эртакдек туюларди. Лекин барибир эшитишдан зерикишмасди. Агар Иzzатилла ака ҳам уч кун олдин шу икки дўстнинг қилиб юрган яхшиликларини эшитганда, у ҳам эртак деб ўйларди. Лекин Салимнинг ҳамма гапи рост эди.

Иzzатилла ака шундай инсонларга учраганига хурсанд бўлиб, ичida Худога шукроналар айтиб ўтиради.

Икки янги танишганлар, гап билан бўлиб кеч кириб қолганини ҳам сезмай қолишиди. Азим ака идора олдида туриб ким биландир телефонда гаплашиб машинага яқинлашди.

— Салимжон, сизлар кетаверинглар, мени ишим чала битди. Эртага эрталаб олиб ўтадиган бўлдик молни. Бошлиқларимиз ўзлари келишиб олишади, мана бу сизнинг фирмангизга ўтгани ҳақидаги хужжат, олиб кетаверинг. Мен пулни олиб қолай, — деди Азим ака. Салим машинанинг орқасини очиб дипломатдаги пулни олиб берди. Улар Азим акани қолдириб орта қайтишли.

— Салимжон, ишқилиб Азимжон ишончли одамми? —

деди бундай ишларда тили кўп куйган Иззатилла ака. — Мен у киши билан қолсам ҳам бўларкан. — деб қўшиб қўйди.

Салим шеригининг гапидан хавотирга тушиб Санжарга қўнғироқ қилди. У бўлган гапни айтганди, Санжар қайтаверишини айтди.

— Бўлди ака, катталар нима деса шу. Қайтаверамиз, ҳозир сизни уйингизга чиройли қилиб рўзгор учун бозор қиласмиш, ака, — деди Салим машинанинг газини босиб.

Иззатилла ака шаҳарнинг гавжум маҳаллаларидан бирида яшарди. Улар машинани тўлдириб бозор-ўчар қилиб келишганда қоронфу тушиб қолганди. Унинг уйи олдидан беш-тўрт метр нарида ўтирган одамларни кўриб Иззатилла ака «оббо», деб уф тортиб қўйди.

— Шулар кечқурун уйларида ўтиришса бўлмасмикин, — деб қўйди. Салим Иззатилла аканинг нимани назарда тутиб шундай деганини тушунди. У машинанинг орқасини дарвозага тўғирлаб, орқасини очиб қўйиб, ўзи ўша ўтирганларнинг олдига сўрашгани борди. Бирма-бир улар билан сўрашиб чиқди. Энди қайтмоқчи бўлганди, улардан бири:

— Ҳа, ука, шундай машинани такси қилиб юрибсизми? — деди.

— Йўқ, ака такси эмас, — деди Салим ўрнида тўхтаб.

— Ҳа, биз Иззатиллахон таксида келибдими дебмиз ёки Иззатиллахон кўтарилиб кетдими, — деди яна бири.

— Э қаёқда, бу бозорларини кўплигидан яна бирор кишини чув туширган кўринади, ука бу киши билан ҳушёрроқ муомала қилинг, — деди яна бири мийигида кулиб.

Бу ифвогар, бекорчи хотинлардан ҳам баттар эркакларнинг гапидан Салимнинг жаҳли чиқиб, қаттиқроқ бирор нарса дегиси келди-ю, яна ўзини босиб:

— Акахонлар, янгиликдан хабарингиз йўқми? Ахир Иззатилла ака янги очилган ташкилотга бошлиқ бўлдилар,

машина ҳам ўша ташкилотники, мен шахсий ҳайдовчилари бўламан, — деди Салим.

— Ия, қанақа ташкилот экан ўша, ажойиб янгиликку, — деди яна улардан бири.

— Бу ташкилот миш-мишчи ва ифвогарга қарши кураш бўлими, ўша ташкилотнинг каттаси бўладилар, худо хоҳласа, эртага маҳаллани чақириб катта ош берадилар. Колганини эртага ошга келганингларда билиб оласизлар, — деб Салим секин келиб машинага ўтириб олди.

Иzzатилла aka қилган бозорини хурсанд бўлиб болалари билан машинадан тушираётганди.

Ҳалиги одамлар кўчага чиқиб одамларни ифво қиласиз, миш-миш тарқатамиз, деб ўтириш учун ясаган курсичаларини кўтариб кўчанинг қоронғу томонига қараб бирин-кетин тарқай бошлишди. Салим қилган ишидан мамнун ҳолда рулда ўтирганди. Иzzатилла aka уни уйга таклиф қилиб қолди. У албатта, бошқа ҳали кўп келишини айтиб, бу ифвогар маҳалладан чиқиб кетди. Иzzатилла aka уйига кириб ентил тин олиб, болаларининг хурсанд бўлиб у олиб келган нарсаларни бирин-кетин ошхонага ташишаётганини кўриб кўзларига ҳали ҳам ишонмасди.

Унинг ёнига хотини келиб ўтирди. У эрига зимдан қараб чиқиб:

— Хўжайин, тинчликми? Бирор ҳақингиз униб қолдими, — деди.

— Йўқ, хотин, мени синглим бор экан-ку, билмай юрган эканман, — деди хаёл суриб Ойгулни кўнглидан ўтказаркан.

— Қандай сингил, ахир синглингиз йўқ эди-ку, онангизни, укангизни биламан, лекин синглингиз борлигини энди эшитиб турибман.

Иzzатилла aka бўлган ишларни бошидан хотинига айтиб берди. Икки дўстнинг очиқ қўллиги ва Ойгулнинг донолиги сабабли Иzzатилла аканинг хонадонида бугун хурсандчилик эди.

Толиб билан Санжар Ойгулни ресторанда кечроқ бўлса ҳам тушлик билан сийлашди. Анча ўтиришгандан сўнг эрухотин Санжарни ўша ерда қолдириб уйларига кетиши. Ойгул эрига тезроқ янгиликни айтгиси келаётган бўлса, Толибни бошқа нарса қийнарди, у худли Ойгулга хиёнат қилаётгандай ҳис қиларди ўзини. Чунки Ойгулни хўрлаган одам билан бирга ҳамкорлик қилиб у билан гаплашиб юришини хотинига нисбатан ноҳақлик қиласяпман, деб ўйларди. Бугун ҳаммасини айтаман, деди-ю, олдин Ойгул нима демоқчилигини билгиси келиб индамай унинг оғзига қараб жойида ёнбошлаб ётари.

— Толиб ака, менимча, биз яқинда уч киши бўламиз, шекилли, — деди Ойгул. Толиб бу кутилмаган хушхабарни эшитиб хотинига термулганча бир оз тикилиб қолди. У Ойгулни бағрига босиб:

— Яратганга шукр, энди бизнинг уйимиздан ҳам чақалоқнинг овози чиқадиган бўлди. Худо умри билан берган бўлсин. У хонадонимизга баҳт-саодат олиб келсин, қиз бўлса сендеқ гўзал, доно бўлсин, ўғил бўлса Санжар дўстимдек бағри кенг, мард ўғлон бўлсин, деб пичирларди.

«Қанийди шу онда ота-онам тирик бўлишганда, улар қандай хурсанд бўлишган бўларди», деб ичидан ўтказди Толиб.

— Сен бу хабарни отангга айтишинг керак, мен Санжарга етқизай, — деди Толиб шошиб қолиб.

— Тўхтанг, айтишга улгуромиз. Фақат эртага шифокорга учрай, шунда аниқ бўлади, бу ҳали ишхонамиздаги бир аёлнинг тахмини холос, — деди Ойгул севиниб кетган эрини тинчлантириб.

— Хўп яхши, эртага айтамиз, лекин аниқ кўнглим сезяпти. Биз ота-она бўламиз, эртага биринчи қиласиган ишимиз врачга учрашиш бўлади, — деди Толиб. Икки ёш ярим тунгача чиройли исмларни топиб ширин орзулар билан ухлаб қолишли.

Толибнинг ширин уйқусини:

— Толиб ака, туринг тез, Наргиза қўнғироқ қиляпти,
Санжар акани кечқурун олиб кетишибди, — деган ваҳимали
овози бузиб юборди.

— Ким олиб кетади, нимага, қаёққа олиб кетибыд, —
деб Толиб уйқусини енголмай гангиг қолди.

Толиб ювиниб чиққанида Наргиза ўғлини кўтариб
ҳовлида турганди.

— Келинг. Наргиза, тинчликми, нима бўлди?

— Кечқурун чамаси иккиларда эшигимиз тақиллади.
Санжар акам чиқиб кетдилар, хавотир олиб ортларидан
чиқдим. Санжар акам, булар милициядан экан, бир нарса
юзасидан гувоҳлик беришим керак экан. Ўзлари яна ташлаб
қўйишар экан деб, уларнинг машинасига ўтириб кетдилар.
Телефонлари уйда қолиб кетибыд. Кўзим илиниб ухлаб
қолибман. У кишидан дарак йўқ. Нима гап бўлса олдин
Толибга айтгин, дедилар. Шунга сизга қўнғироқ қилиб,
яна ўзим ҳам келавердим, — деди Наргиза ҳаяжонланиб.

— Майли сизлар хавотир олманг, мен кийиниб олай,
Ойгул Салимни чақиринг, тез келсин, — деб кийиниш
учун хонага кириб кетди Толиб.

Ойгул Салимга қўнғироқ қилиб унинг тез етиб
келишини айтди.

-- Наргиза, уларни сиз кўрдингизми, қандай одамлар
эка ўзи? — деди Ойгул.

— Биттасининг формаси бор эди, иккинчиси оддий
кийимда эди.

Салим ҳам дарров етиб келди. Толиб машинага ўтириб
Исройлга қўнғироқ қилди. Унинг телефони ўчиқ эди.

— Ҳайда Салим, Тўлқин Маҳмудовичнинг ёнига, —
деб у кишининг рақамини терди. Тўлқин ака кўп куттирмай
гўшакни кўтарди. Толиб бўлган ишни айтганди, —
Толибжон сиз ишхонангизга бораверинг, мен суриштириб
сизга натижани айтаман, деди.

— Салим, ишхонага қайт, — деди Толиб.

— Тинчликми, Толиб ака, — деди Салим хавотир олиб.

— Тинчлик, ука тинчлик, — деди хомуш ҳолда Толиб.

Улар оғисга келишганды Мұмін ақа әнди әшикларни очиб турғанды.

Толиб Мұмін ақа билан сұрашиб хонасига кириб Истроилға құнғироқ қилды. Лекин унинг телефони ўчиқ әди. Нима қилишини билмай, Толиб ҳайрон әди. «Ким ўзи Санжарни олиб кетған. Санжар ҳам ахмоқ, юр деса олдига тушиб кетаверадими?» деган хаёллар билан ўтирганды. Хонага Мұмін ақа билан Иззатилла ақа кириб келди. Улар Толиб билан сұрашиб, ўтиришди.

— Толибжон, бу киши келган эканлар, шунга...

— Ҳа, Мұмін ақа танишиб олғандирсизлар. Иззатилла ақа, ҳозирча омборчилік қилиб турасизми? Кейин яна бирор нарса ўйлаб күрамиз, — деди Толиб.

— Нима ишга қўйсангиз ишлайвераман Толибжон, — деди Иззатилла ақа.

— Мұмін ақа, акани расмийлаштириб омборни топшириңг, мана әнди қўлингиз ҳам анча бўшаб, ўзингизнинг ишингизни хотиржам қиласверасиз.

— Жуда яхши бўлди, юринг ука, — деб әнди Мұмін ақа чиқиб кетмоқчи әди, хонага икки киши кириб келишди.

— Беш ҳисобчи ким? — деб сўради улардан бири саломлашмасдан туриб.

— Мен ҳисобчиман, тинчликми? — деди Мұмін ақа ҳайрон бўлиб.

— Мана бу ҳужжатлар сизга қарашлими?

— Ҳа, муҳр бизники, бу Санжарбекнинг имзоси, кечагина шартнома қилғандик, лекин буларнинг ичиде яна битта ҳужжат йўқ, — деди Мұмін ақа қофозларни кўздан кечириб. — Ҳозир, мана, — деб Санжарнинг столи устидан ҳужжатларнинг аслини олиб, ичидан чиқим пули ёзилган қофозни олиб кўрсатди.

— Бунинг нусхаси сиздаги ҳужжатда ҳам бўлиши керак.

— Биз шуни аниқлагани келғандик, кечирасизлар, — деб улар кетишга чоғланишганди, Толиб ўрнидан туриб уларни тўхтатди.

— Менга бир нарсани айтиб кетсангиз, нима, бизнинг офис ҳожатхонага ўхшадими, сизларга, хоҳлаган пайтда кириб, хоҳлаган ишингизни қилиб чиқиб кетадиган.

— Бу нима деганингиз ака, — деди улардан бири жаҳл билан қараб.

— Бу деганим, бу ер катта холангнинг уйимас деганим, қолаверса, бу ерда иккита отанг тенғи одамлар ўтирибди. Салом йўқ, алиқ йўқ, кимлигингнинг тайини йўқ, нима қилганларинг бу, — деди паймонаси тўлиб турган Толиб. Улар қилган ишларидан уялиб кетишиди.

— Кечирасизлар, туни билан уйқу бўлмаганди, асабларимиз чарчаган ака, мана бу телефонга қўнфироқ қилсангиз, улар бор тапни айтишади, — деб хонадан яна узр сўраб чиқиб кетишиди.

Толиб қофозга ёзилган рақамга қўнфироқ қилди, лекин ҳеч ким гўшакни кўтартмади. Толибнинг ҳамма умиди Тўлқин Маҳмудовичдан эди. Шунинг учун тишини-тишига босиб кутишдан бошқа иложи йўқ эди.

— Толибжон тинчликми, нима бўляпти, — деди Мўмин ака хавотирга тушиб.

— Ака, Изаттила аканинг ҳужжатларини расмийлаштиринг, омборни эртага топширасиз, ҳозир хонангизда бўлиб туринглар, — деди Толиб. Толиб Ойгулга қўнфироқ қилиб, ҳалиги кишилар бериб кетган телефон рақми қаерники эканини билиб беришини сўради. Салётмай Ойгул қайтиб қўнфироқ қилди.

— Толиб ака! Бу рақам гиёҳвандликка қарши кураш бўлимининг телефони экан, — деди.

Толиб нима бўлаётганини сал англаб етгандай бўлди.

— Раҳмат Ойгул, ҳаммаси тушунарли, сизлар хотиржам бўлинглар. Наргизани ҳам тинчлантириб қўйинг, — деб гўшакни қўйди.

Толиб яна Исройлга қўнфироқ қилди.

— Алло! Толибжон, мен ҳозир қайтиб қўнфироқ қиласман, узр, — деб Исройл гўшакни қўйди. Толиб

Исройлга бирор гап ҳам айтишга улгурмади. У шу алфозда куннинг ярмини ўтказди.

У ҳар хил хаёлларга бориб ўтирганди, Тўлқин Маҳмудович эшикдан кириб келди. У формада эмасди. Улар кучоқ очиб сўрашишди. Толиб умид билан унинг кўзларига қараб турарди.

— Ака, тинчликми? Нима гап. Санжар топилдими? Ким олиб кетибди.

Толиб, Тўлқин акани у ўтирмасидан саволларга кўмиб ташлади.

— Ука, нафасимни ростлаб олай, хавотирга ўрин йўқ. Ҳаммаси жойида, Санжар ҳозир келади. Бугун менинг бўш куним эди, дам олмоқчи эдим. Ҳордиқни ҳам расво қилдинглар, — деб креслога ўтирди.

— Салим, — деб бақириди Толиб, юзига табассум югуриб, — Мўмин аканинг олдидаги чойини олиб кел, — деб қулиб юборди. Салим хонага бир мўралаб, қайтиб чиқиб дарров чой кўтариб келди.

— Толибжон, мен ёшлигимда бир синфдошим билан дўст тутинган эдим, — деб гап бошлади Тўлқин aka Салим узатган пиёладаги чойни қўлига олиб. — Ўша дўстим нима деса қилардим, уни деб кўп марта нокулай аҳволга тушиб қолсам ҳам, дўстим хурсанд бўлса бўлди дердим. Унинг оиласи бизнинг оиладан кўра ўзларини маданиятлироқ деб билишарди. Улар ҳаммалари ўқимишли бўлғанликлари учун дўстим ҳам институтга кириши шарт эди. Мени эса институтда ўқиш ниятим бўлмаса ҳам, лекин яхши ўқирдим. Биз мактабни битириб институтга ҳужжат топширдик. У пайтда ўнтадан бир киши ўз кучи билан кириши мумкин эди. Менинг эса орқамда одамим йўқ эди. У дўстимнинг эса киришига аниқ ишонардим. У ўқимишли бўлиб кетса мен билан оиласидагилар учраштиrmай қўяди, деб астойдил ҳаракат қилиб институт имтиҳонларига тайёргарлик қилдим. Тунлари Худодан тилаб, ибодатлар қилардим. Худога оҳим етиб институтга ўқишига кирдим. Лекин биласизми, Толибжон, дўстим киролмади. Мен бўлса, у кирмабди деб

ўқишига бормадим. Дўстимнинг дадасига кирганимни айтмадик. У киши, биласизми, нима деди? Гё ўнинг ўғли менга қўшилиб юргани учун киролмаган эмиш ўқишига. Лекин ўшандаги ҳам, у дўстимнинг отаси-ку деб, ҳақиқатни айтсан, дўстим мулзам бўлади, дедим-да индамадим. Мени армияга чақиришиб, кетдим. Дўстимнинг дадаси қандайдир йўл билан ўша институтнинг бўш ўрнига уни жойлаб қўйди. Армияга кетаётганимда, дўстим кузатгани ҳам чиқмаганди. Келганимда ҳам кутгани чиқмади. Ҳозир у катта амалдорлардан. Мен ўшандаги жаҳл билан дўстимнинг хиёнати учун бўғиб ўлдиргим келганди. Лекин ундаи қилмадим. Мен милицияга ишга кирдим. Худога шукр, бир кунимни кўриб кетдим. Лекин барибир ундан қасос олишни анчагача ўйлаб юрдим. Қасос олишнинг ҳар хил йўлларини режалаштирадим, қўлимдан ҳам келарди. Лекин бир нарсани Худо дилимга солди, дўстимни менга хиёнат қилишига сабабчи унинг отаси-ку, у олган тарбия ва ўсиб улғайган муҳит-ку, дедим. Бу ҳикоямнинг сиз билан Санжарбекнинг ораларингиздаги дўстликка умуман алоқаси йўқ. Бу сизнинг янги дўстингиз ҳақида, яъни Исройл ҳақида. Билишимча, у билан ўртоқлашиб қолибсизлар шекилли, тўгрими? — деб гапини тутатди Тўлқин Маҳмудович.

— Тўлқин ака, нима, бугунги ишлар Исройл билан қилаётган ишимизга боғлиқ демоқчимисиз?

— Санжар ўша бўлима сўроқ берадиган экан, лекин Исройлнинг ўзи йўқ, мен аралашмасам ҳам ҳозир ўзи қўйиб юборишга мажбур. Шунинг учун кутамиз. Агар...

— Ака, кечирасиз, ҳозир, — деб Толиб ўша бўлима яна қўнғироқ қилди. Гўшакни кимдир кўтарди.

— Алло, ким бу, мен Толибман.

— Менга қара, сен билан биз кўз танишмиз-а, мени яхшилаб эшиш, ҳозироқ дўстимни қўйиб юбор, бўлмаса эртага ана шу ўтирган хонангга келолмайсан. Кейин сени шу йўлга бошлаган шеригингга ҳам айт, мен билан ўйнашмасин. Агар шу ишни пул учун қилаётган бўлса,

бемалол олиб, дўстимга тегмасин. Тирик эканман, бу ишнинг тагига етаман, кўзларингни очларинг, ҳали ҳам кеч эмас, — деб телефоннинг гўшагини қўйди Толиб. — Энди кутсак арзийди, — деб музлаткични очиб ароқни олди.

Телефон гўшагини олган Истроилнинг ўринбосари эди. Улар олдин бир-икки учрашишганди. Толиб бу ишда Истроилнинг қўли борлигига аниқ ишонч ҳосил қилгани учун, у билан шундай оҳангда гаплашганди. Толиб Тўлқин акага Истроил билан нима иш қилишаётгани ҳақида гапириб берди.

Тўлқин акага ҳам баъзи бир нарсаларни суриштириб билиб келганди. Истроилнинг қінғир ишларини билгани учун, уни шунчалар паст кетишига ажабланмаётганди. У кўп кишиларга шундай ҳийлалар ишлатиб, бойлик орттирганини яхши биларди, аммо бу ишни амалга оширишда, нафси йўлида дўстликдан фойдаланганига Тўлқин аканинг ҳам ғазаби қайнаб кетаётганди.

— Толибжон, узр, мен борай, уйдагилар билан бир жойга меҳмонга боришимиз керак эди, озроқ кеч ҳам қолдик, — деди Тўлқин акага ўрнидан туриб.

— Ака, узр, озгина кетмайдими мана бундан, — деди Толиб қўлидаги шишани стол устига қўйиб.

— Йўқ, ука, мен рулдаман, кейин буни ичишингиз шартмас, Толибжон! — деб эшик томон юра бошлади.

Тўлқин акага раҳмат айтиб Толиб уни машинасигача кузатиб қўйди. Хонага кирганида телефони жиринглаб қолди.

— Алло, эшитаман.

— Салом Толибжон, мен Истроилман. Узр, гаплаша олмадим сиз қўнғироқ қилганингизда. Ёнимда нозик одам бор эди. Нима гап, мол келдими? Мен ҳозир Тошкентдаман. Бир қариндошимиз ўтиб қолгандилар, кечкурун келгандим, — у ҳеч нарсадан хабари йўқдай гапиради.

— Дўстим, безовта бўлманг, bemalol marakani utkazинг, ҳаммаси яхши, ишлар жойида, ҳаммасини ўзимиз ўрнига қўямиз, хайр, — деб гўшакни қўйди Толиб.

Телефон кетма-кет жиринглай бошлади, у Исроил эди. Толиб Мүмин акани чақириб:

— Ака, лимон олиб юрадиган одатингиз бор эдими? — деди. Мүмин ака ҳозир деб чиқиб кетди. У Ойгулга құнғироқ қилиб, кечқурунга ош қилиб туришини илтимос қилиб, Санжар билан бирга албатта, боришларини айтди.

Эшик очилиб Мүмин ака лимон кутариб кириб келди.

— Ака, сиз ҳам ичасизми?

— Олдин олиб турардик, буни яхши биласиз-ку, лекин ҳозир олмай қўйдим, Толибжон, — деди лимонни тарелкага кесар экан.

— Мүмин ака узр, ишхонада ичиш одатимиз йўқ эди.

— Ҳечқиси йўқ, Толибжон, тушуниб турибман, — деб Мүмин ака уни ёлғиз қолдириб хонадан чиқиб кетди.

Толиб ўзини-ўзи койирди. Виждони қийналиб кетаётганди. «Нега адашдим» деб айбни ўзига юклаётганди. Исроил пул учун эмас, Ойгул учун шундай қиляпти, деб ўйларди Толиб.

У ҳар хил хаёллар билан ўтириб, бир шиша ароқни бўшатиб қўйди. Ўрнидан туриб деразага термулганча турарди. У Санжарни кутарди. У тик турганча иккинчи шишани ҳам бўшатди.

Эшик очилиб Санжар, унинг ортидан Салим, Мүмин ака ва Иzzатилла ака кириб келишиди.

— Санжар, мени урсанг ҳам майли, мени кечир, музлаткичдаги ароғингни ичиб қўйдим, — деб Толиб гандираклаб келиб Санжарни қучоқлаб олди. Унинг кайфи ошиб қолганди. Толибнинг телефони жиринглай бошлади.

— Санжар, Исроил бўлса гўшакни олма, ҳаммаси эртага дўстим. Бугунга етади, келинглар, яхшиси яна ичайлик, — деб диванга узала тушиб ухлаб қолди. Санжар кўзида ёш билан эгнидаги курткасини ечиб, унинг бошига ёстиқ қилиб қўйди. Телефонда Исроилнинг рақами кўринди.

— Санжарбек, нима гап, тинчликми? — деди Мүмин ака.

— Ҳаммаси эртага, эшитдингиз-ку Толибнинг гапини.

Салим, офисни ичидан қулфлаб қўй, Изатилла ака, сиз хижолат бўлманг. Мўмин ака, акага омборни берайликмикин? — деб сўради Санжар.

— Ҳа, Толибжон ҳам шундай дедилар, — деди Мўмин ака.

— Майли, Иzzатилла акага ишнинг йўл-йўригини ўзингиз тушунитирасиз. Мен ҳам озгина ухлайман, сизлар ишингизни давом эттираверинг:

Салим икки дўстни кечқурун уйларига ташлаб қўйди.

* * *

Исройл Россиядан келган юқка икки дўстни шерик қилиб бир қабих режа тузганди. Унинг бу режасига, ўринбосари бошидан қарши чиқиб, норози бўлганди.

— Исройл, нима кераги бор бу ишларни, мол ўзингизникилигини катталар қулоғига етса, ўзимизга гап тегиши мумкин. Қолаверса, «Икки дўст» фирмаси обрўли фирмалардан, бўлса. Улар бу ишни, обрўларини сақлаш учун ҳам тагига етмай қўйишмайди, — деди Исройлнинг режасини эшитиб.

— Ҳа, ўша обрўлари уларга панд беради-да, улар шунинг учун ҳам бу ишни оғизга тушмасин, деб ёпди-ёпди қилиш учун барибир менга айтишади. Ўшанда мол ҳам, пул ҳам ва энг асосийси, уларнинг жилови ҳам менинг қўлимда бўлади. Сендан бир кунга Санжарни олдингда ушлаб туришни сўраяпман холос, уни чиқазиб олиш учун ўша Толиб ҳамма гапимга рози бўлади. Ўша Толибни олдимда тиз чўкиб туришини кўргим келяпти. Менга пулнинг қизифи йўқ, пулларни сенларга бўлиб бераман, айтганимни қил, охиригача чидаб, бир сутка Санжарни ушлаб турсанг бўлгани, — деди Исройл ўзича режаси пухталигига ишониб.

Исройл Россиядан келган мол ичидан наркотик бор, деб ҳужжат тайёрлаб, юкни олдиндан тайёрлаб қўйган жойга туширтириб, савдогар Азим акани олиб, Тошкентга фотиҳага ўтиб келамиз, деб жўнаб кетди. Ўринбосари у

айтган ишни қилиб Санжарни кечқурун уйидан олиб келди. Албатта уни ўзи билан хонасида олиб ўтириди. Лекин Толибнинг телефондаги гапидан кейин, Санжарни қўйиб юборди. У Истроилнинг режасига бошиданоқ қарши бўлгани учун, ҳаммасига тупурганди. Бундан хабар топган Истроил ўринбосарини телефонда роса бўралаб сўкди. Лекин бўлар иш бўлганди. Унинг пайтавасига қурт тушиб, Ташкентдан кела олмай нима қилишни билмай қолди.

Азим аканинг бу режалардан умуман хабари йўқ эди. Истроилга шу қўл келиб «Азим ака, сиз водийга қайтиб, молларни олиб Толиб айтган жойга тушуриб, дамингизни олаверинг, уларга энди молни олиб келяпман дессангиз бўлди, ҳар қандай саволларига Истроил билади ўзи келса, гаплашасизлар денг», деб Азим аканинг пулини бериб жўнатиб юборди.

Азим ака ҳалол одам эди. У агар бу ишларидан хабар топса, Истроилдан хафа бўлиши аниқ эди. У Истроилнинг гапига кириб, водийга қайтди.

* * *

Санжар Толибдан хавотир олиб эрталаб унинг уйига келганида, Ойгул эрининг бошини сувга пишаётганди. Толиб ёш боладай хотинига ялиниб «бўлди-бўлди» дер эди. Эр-хўтин ҳазиллашиб бир-бирларига сув селиб ҳовлида гилдири-капалак бўлиб қувлашиб юришарди. Улар Санжарнинг кириб келганини ҳам сезмай қолишиди. Толиб кечаги аҳволида касал бўлиб қолдимикин, деб хавотирда келган Санжар бу ҳолни кўриб, кўнгли хотиржам бўлди. Ойгул Санжарни кўриб уялиб ичкарига кириб кетди.

— Ия, кел Санжар, келавер, яхшимисан? — деди Толиб ўзини кулгидан тўхтата олмай.

— Тузук экансан, Худога шукр. Тобинг қочиб қолмадимикин, деб хавотир олиб келгандим, кечир, халақит бердим, — деди Санжар.

— Кел, нонушта қиласиз, Салимни чақир, — деди

Толиб уни дастурхонга таклиф қилиб. Салим ҳам мийифида кулиб кириб келди.

— Ҳа, Салим тиржаясан, — деди Толиб унга қараб.

— Ака, ўзингизга келиб қолдингизми? Шунчаки ҳеч бундай маст бўлиб қолганингизни кўрмагандим, — деди Салим.

Ҳақиқатда ҳам, Толиб Санжар келганидан кейин нима бўлганини эслай олмасди.

Ойгул уларнинг олдига қўймоқларни қўйиб:

— Мен ҳам сизлар билан кетсам, майлимни? — деди Ойгул.

Толиб хотинининг қаерга боришини биларди.

— Албатта, у ерга бориб кутиб турамиз, — деди Толиб Санжарга қараб, — дўсти билан хурсандчилигини баҳам кўриш ниятида.

— Албатта, майли қаерга борамиз, — деди Санжар қизиқиб.

Ойгул, кеча хотиржам бўлганидан сўнг, ўзи шифокор кўригига бориб келганди, бутун ташхис натижасини олиши керак эди.

Кечаги кунлар ҳақида ҳеч ким эслашни хоҳламасди. Айниқса, Толиб бугунги кунни Ойгулга бағишлишни хоҳлаётганди.

— Сизлар кутиб туришингиз шарт эмас. Толиб ака, мен ўзим кейин ҳаммасини айтаман. У ерда ушланиб қолишим мумкин. Кейин ишхонамга ҳам ўтишим керак. — деди Ойгул уялиб. Икки дўст биргалашиб Ойгулни айтган жойига ташлаб, кутиб турмоқчи бўлишганди, барибир Ойгул унамади. Санжар борган жойлари қаерлигини билиб, Ойгул нега уялаёганига тушунди.

— Толиб, сен қол, Салим ишхонага мени ташлаб қайтиб келади, — деди.

— Йўқ, дўстим илтимос бугун сен ҳам ёнимда бўлишингни хоҳлайман. Ахир менинг бошқа яқиним йўқ. Хурсандчилигимни бирга баҳам кўрмоқчиман.

— Майли дўстим кутамиз, сен нима десанг шу, — деди

Санжар. Ойгулни шифокорнинг олдига киргизиб юбориб, икки дуст кутишга аҳд қилишиди. Шу пайт Санжарнинг кўл телефони жиринглаб қолди.

— Санжар, Истроил бўлса олма, — деди Толиб шошилиб.

— Истроил экан, нима, индамай кетаверамизми? — деди Санжар телефондаги рақамга қараб.

— Нега ундаи деяпсан?

— Кеча ухлаб ётганингда. Тўлқин ака оғисга қўнғироқ қилиб баъзи нарсаларни айтдилар. Агар шу ишни бирорта ночор одам қилганида ўша пуллардан кечардим, лекин ундан бир тийинигача олмасам тинчимайман. Қўйган айбини қара унинг, эмишки юкнинг ичидаги наркотик модда бор эмиш, ахир бу кулгили-ку, юкни унинг ўзи бизга таклиф қилди-ку.

— Тўғри, лекин бу сенинг гапинг, ҳужжатлар бўйича юк бизники, дўстим унинг нияти пул ёки сени қаматиш эмас. Унинг мақсади бошқа.

— Мен унинг ҳар қандай мақсадига тупурдим, уни ўша тиржайиб турган башарасини бежаб қўйсамгина қўнглим ўрнига тушиши мумкин. — Санжарнинг ғазаби қайнаб кетаётганди, — шунчалик ҳам тубан кетадими, абллаҳ!

— Дўстим унинг нияти Ойгул, — деди Толиб.

— Нима? Наҳотки, агар ундаи бўлса ўлдирсам ҳам бўла ёраркан у итни. Вой ифлос.

— Ўзингни бос, Санжар. Сендан илтимосим, ҳозирча ҳеч нарса бўлмагандай тутайлик ўзимизни. Балки ҳақиқатан ҳам Истроилнинг бу нарсалардан ҳабари йўқдир. Буни у билан учрашгандан сўнг биламиз, шошилмайлик.

— Учрашайлик! Мана қўнғироқ қиляпди-ку ўзи.

— Унинг ўзи бизни қидириб топишини хоҳляяпман ва ўзи ҳаммасини бўйнига олишига ишонаман.

— Бўйнига олмаса-чи? Унда нима қиласиз?

— Ҳозир олмаса кейин; албатта, олади. Сабр қилайлик, ҳаммаси яхши бўлади, ҳали кўрасан, дўстим, — деди Толиб.

У Истроилнинг бу ёмонлигига яхшилик билан жавоб

қайтаришни ўйлаб қўйганди. Толиб Тўлқин ака бекорга менга дўсти ҳақидаги ҳикояни айтиб бермади деб ўйлаб, шу Қарорга келганди.

— Санжар илтимос, сабр қилиб менинг айтганимни қиласан, хўпми?

— Нима қилмоқчилигингни айтасанми?

— Аста-секин билиб оласан, биз бугун ҳам ишга бормаймиз, бу режамнинг бошланиши, — деди Толиб мийигида қулиб.

— Майли, сен нима десанг шу. — деди Санжар дўстига таслим бўлиб.

Ойгул ҳақиқатдан ҳам анча ушланиб қолди. Толибнинг сабри чидамай машинадан тушмоқчи бўлиб турганди, Ойгулнинг поликлиникадан чиқиб келаётганига кўзи тушиб қолди.

Ойгулнинг юраги севинчга тўла эди. Унинг баҳтиёрлигини шундоқ юзларидан билиб олса бўларди. Унинг юзидаги табассум, гўё бутун борлиқни табассумга чорларди. У бўлажак она эди. У кўнглидаги бу ажиг оналик ҳиссини биринчи бор юрагидан ҳис қилаётгани учун, бутун оламга «Мен она бўламан» деб ҳайқиртиси келаётганди.

Икки дўст Ойгулнинг бу ҳолатини кўриб, бир-бирларини маҳкам қучоқлаб олишди. Санжар Толиб ва Ойгулни табриклаб, уларни уйига меҳмононга таклиф қилди. Салим машинани тўғри Санжарларнинг уйига ҳайдади. Салимга ҳам дам бериб, телефонларини ҳам ўчириб, икки дўст хотинлари билан бу кунни кеч қилишди. Уларга бугун ҳеч қандай муаммонинг кераги йўқ эди.

* * *

Икки дўст эртасига ишхонада учрашишди. Мўмин аканинг эрталаб дамлаган чойидан бир пиёладан ичишмаган эди ҳамки, эшикдан Азим ака кириб келди.

— Ассалому алайкум, — деб Азим ака қўл бериб сўрашиб стулга ўтирди.

— Ака келаяпсизми, ишлар жойидами, — деди Толиб хотиржам.

— Раҳмат ука, юк келяпти, қаерга туширамиз, — деди Мўмин ака узатган пиёладаги чойни қўлига олиб, бир ҳўплаганча.

— Ака, нималар бўляпти, балки сиз бирор нарса биларсиз, юк икки кун олдин келиши керак эди-ку, — деди Санжар сабри чидамай.

— Санжарбек, аждодларим савдогар бўлишган, мен ҳам шу касб орқасидан оила боқиб келяпман. Бу ишда ёлғон ҳаром ҳисобланади. Мен ўша куни Салимжон ва Иzzатилла аканни жўнатиб юборганимдан сўнг Истроилга қўнғироқ қилдим. Эрталаб молни олиб ўтишимни айтдим. У кечқурун молни олиб ўтишимни айтиб, у киши айтган жойга олиб келишимни айтди, мен шундай қилдим. Ўша ерда мени Истроил кутиб олдилар. Юкни ўша ерга туширдим. Истроил Тошкентга маракага ўтиб келамиз деди. Мен биргаликда кетдим. Кеча тушга яқин юкни олиб Санжарбек айтган жойга туширинг деди. Мен Тошкентдан ўзим қайтдим, яна машина топиб юклаб келганимча анча вақт кетди, мана энди келяпман. Мени билганларим шу, қолган гапларни Истроилдан билиб оласиз, — деди Азим ака. У ростгўйлиги учун Истроилнинг, юкни энди олиб ўтиб келяпман денг, деган сўзини айтмади.

— Азим ака, яхши, ҳозир Иzzатилла ака билан чиқиб, юкни кутиб олинглар бўлмаса, кейин ҳаммасини бафуржа гаплашамиз, — деди Толиб уни Санжарнинг саволларидан қутқариб. Азим ака хўп деб чиқиб кетди.

— Толиб, нима бўляпти. — деди Санжар ҳайрон бўлиб.

— Нима бўлаётганини бир киши билади дўстим, сабр қил, менга ўша кечқурун сени олиб кетишган кунни айтиб бер-чи.

— Машинада тўғри бошқармага бордик. У ерда мени Истроилнинг ўринбосари кутиб олди. Менга Россиядан келган молнинг ҳужжатини кўрсатди. Мол бизга ўтганини айтдим. Кейин Азим аканинг суратини кўрсатди, танийман

дедим. У: «Хозир сизни қўйиб юбора олмайман, таниганим учун, биринчи қаватдаги бир хонада ўтириб турасиз», деди. У ерда диван бор экан, ухладим. У мендан бир-икки кириб хабар олиб турди. Кундузи ўнларда сомса билан колани кўтариб кириб келди. Биз биргаликда едик, кейин икки соатлардан сўнг ранги оқариб яна кириб келди. «Тўғри дўстингизга учранг» деб кулиб-кулиб мени кўчага кузатиб қўйди. Бор гап шу, — деди Санжар ҳайрон бўлиб.

— Дўстим, баҳонада мазза қилиб сомса еб олибсан, — деди Толиб кулиб.

Азим ака юкни Иzzатилла ақага топшириб, ҳужжатларни кўтариб хонага кириб келди.

— Ака келинг, ўтиринг, чарчагандирсиз, — деди Толиб унинг қўлидан ҳужжатларини олиб.

— Ҳечқиси йўқ Толибжон, раҳмат, иш битгани — ҳордигим чиққани.

— Ака, Исройлни анчадан бери биласизми?

— Мен четга ўзимиздан мева-чева олиб чиқиб, у томондан курилиш ашёларини олйб келиб тирикчилик қиласман. Бу сафар шу калош тўғри келиб қолди. Исройл билан бир йил бўлиб қолди танишганимга. У киши тўғрисида унча кўп билмайман.

— Раҳмат ака. Сиз ҳам дамингизни олинг. Яна кўришиб турармиз ака, — деб уни ташқарига кузатиб қўйди Толиб.

Азим ака манзилини айтиб, телефон рақамини ёзиб бериб, хайрлашиб уйига кетди.

Исройл Азим ақага қўнғироқ қилиб, ҳаммаси яхшилигини билиб, хотиржам бўлди. Лекин ўринбосарининг «қўрқоқлик» қилганини танасига сифдира олмай хуноб эди. Уни жазолашга ҳам ботина олмасди. Чунки, ҳаммасини Толибга айтиб бермаганига ҳам шукр қиласди. У ўринбосарига тайёрлаб берган қалбаки ҳужжатларни олиб, «Икки дўст» фирмасига Тошкентдан кела солиб йўл олди. Бу ҳужжатларда унинг имзоси йўқлиги учун хотиржам эди.

— Салом дўстлар, мумкинми? — деб кутилмаганда хонага кириб келди Исройл. У Толиб ва Санжар билан қучоқ

очиб кўришиб, кўлидаги қоғозларни столга ташлаб креслога ўтири.

— Мана дўстларим, орамизда бирор тушунмовчилик бўлмаслиги учун ўз кўзинглар билан кўринглар, деб олиб келдим. Санжарбек хафа бўлманг, сизнинг ўрнингизда бошқа инсон бўлганда ҳам шундай қилинарди. Чунки юк сизни фирманигизга келяпти. Бизнинг бўлимга телефон орқали хабар бўлган, яъни ўша юқда наркотик бор, дейишган. Афсуски менинг ўша куни йўқлигим билинибди. Ўринбосарим учун мен кечирим сўрайман, кечиринг Санжарбек, — деди Истроил бақрайиб Санжарга қараб.

— Яхши ҳам унда наркотик йўқлиги, агар бўлганда, сизни астойдил терлашингизга тўғри келарди, дўстимиз Санжарни олиб чиқиш учун, тўғрими? Ахир биз дўстмизку, — деди Толиб киноя билан.

— Дўстлар, мен шу ишда эканман, ўша нарса бўлган тақдирда ҳам, сизлар учун бу ишнинг ҳидини чиқармас эдим, хотиржам бўлинглар, — деб мақтаниб қўйди Истроил.

Икки дўст ҳеч нарса бўлмагандай Истроилни кузатиб қўйиши. Истроил бўлса ёлғоним иш берди деб ўйлаб, курсанд бўлиб ишига қайтди. Толиб Истроилнинг ёдидан чиқиб, қолиб кетган ҳужжатларини бир кўздан кечириб, сейфга солиб қўйди. У Санжарга кулиб қараб:

— Истроил шундай, ўзининг ёлғонига ўзи ҳам ишониб кетдики, ҳужжатлар ёдидан чиқиб қолди. Наҳотки, бундай яшаш билан узоққа бориб бўлмаслигини билмаса...

— Дўстим, аранг ўзимни тутиб турдим, энди айтарсан нима қилмоқчилигингни, ахир ёрилиб кетаман, энди яна учрашиб қолсам аниқ тумшуғига тушираман, — деди Санжар столга муштлаб.

Эшик очилиб Мўмин ака кириб келди.

— Ҳаммаси яхши, иккита машинадагисини туширдик, моллар сифатли экан. Бу калошлар харидоргир, Худо ҳоҳласа, тез сотилиб кетади, — деб эрталаб чой олиб кирган чойнагини қўлига олди.

— Ана шу чойнакдан бошқа чойнакдаги чой сизга

ёқмайдими дейман, бир озча бўлса бировга ишонмайсизда, — деди Толиб кулимсираб.

— Э.. Толибжон бу чойнак менга қадрли, бунда менинг хотираларим бор. Бунда отам чой ичардилар, у кишидан эсадалик. Бундан иккита, бирини даладаги шийпонда сақлардилар, бу ўша даладагиси. Бири эса уйимизда турарди. Лекин, уйдаги чойнакларидан чой ичиб, «барибир шийпондаги чойнакнинг чойи бошқача-да» деб қўярдилар. Аммо иккаласи ҳам бир хил чойнак эди. Ўшанда мен нима фарқи бор экан, деб ўйлардим. Ҳозир биляпман фарқини. Уйдаги чойнагимдан, оиласмилар чой ичишмайди. Уларнинг чойнаклари бошқа. Бу ердаги чойнакдан бўлса, кўпчилик чой ичади. Ҳаммалари чой ичиб, «раҳмат» дейишади. Мен Толибжон, чойнакни ёки ичидаги чойни қизғанмайман, менга аталган раҳматни қизғанаман. Дадам сувчи бўлганлар, кейин шийпонда қоровул бўлдилар. Улар келган одамларга шу чойнакдан чой қўйиб бериб раҳмат олганликлари учун ҳам бу чойнакнинг чойи бошқача, дер эканлар. Мен ҳам бир кунда камида ўн-ўн беш марта раҳмат эшиштаман.

— Ака, чойингиздан бўлса қўйинг, — деди Санжар пиёлани узатиб.

— Буни қаранг-ки, ўзи кичкина бўлса ҳам жуда баракали-да, — деб Мўмин ака Санжарнинг пиёласига чойдан қўйиб берди.

— Раҳмат, ака раҳмат, — деди Санжар Мўмин аканинг сўзларига қойил қолиб. Мўмин ака Толибга ҳам чойдан қўйиб узатди.

— Раҳмат, Мўмин ака.

Толиб ўшандай инсонни ёнига олиб хато қилмаганига хурсанд эди. Ҳа раҳмат, бировнинг миннатдорчилиги қанчалар ширин туйғу эканини Толиб ҳам, Санжар ҳам жуда яхши билишарди.

— Мўмин ака, Изатилла ишга киришиб кетдиларми, — деди Санжар.

— Тушунган одамга яримта гап етарли. У киши ишни

соғиниб қолган экан, йигитларга қараб ўтиrmай ўзи ҳам туширипти юкни.

— Фирма шарт-шароитларини ўзингиз яхшилаб тушунтирасиз. Мана бу ишлар билан бўлиб у кишига вакт ажрата олмадик.

Мўмин ака чойнагини кўтариб чиқиб кетди.

— Нима қилмоқчисан, энди айт, — деди Санжар Истроил ҳақидаги гапини давом эттириб.

— Санжар илтимос, унинг қилган ишини сен ҳам унут, мен ҳам унугтаман. Мен Истроилни сафимизга қўшмоқчиман. Сенга ўхшаган яна бир инсон кўпайса, ёмонми? Унинг жувонмарг бўлиб кетишидан қутқармоқчиман, у ҳали ёш. Яхши томонга ўзгаришига ёрдам қилсак, афсус чекмаймиз. Уни ана бу сейфдаги ҳужжатлар билан ҳозироқ эзгилаb ташлашимиз мумкин, лекин нима фойда кўрамиз. Жуда борса ишдан бўшатишади.

— Кўнглинг бўш дўстим, лекин доимгидек ҳақсан, — деди Санжар Толибнинг режасини қўллаб.

— Фақат дўстим, сабрли бўлсак бўлгани, раҳмат мени тушунганинг учун, — деди Толиб Санжарнинг елкасига қўлини қўйиб.

— Ойгулдан кўнглим тўқ, агар учрашиб қолишса нима дейишни у яхши билади, — деб қўшиб қўйди.

* * *

Истроил режаси амалга ошмаганидан ичи ёниб кетаётганди. У нима қилишини ўйларди.

У бу ҳунарини бир фирмага ишлатганди, ўшанда иш берганди. Ўша одамнинг юкини ҳам, пулини ҳам ўзиники қилиб олганди. У лайтда Истроил ўринбосар бўлиб ишларди, бўшлиғи билан ўлжани бўлишиб олишганди. Лекин унинг ўринбосари «ношуд» чиқиб қолди. Истроилнинг яна бир режаси бор эди. Яна ўша Санжарнинг ишини ковлаштириш ва Неъматни танийдиган ўша тоғдаги бир йигитни топиш эди.

Уни топиш унчалик қийин бўлмади. Ўринбосари иккى

кун деганда уни топиб келди. «Шуни ҳам эплай олмасанг, бошқа иш қидир» деган гапидан, топиш у ёқда турсин, олдига солиб етаклаб ҳам келди. У ўша Исмат эди.

Исмат тоғнинг ҳар бир жойини яхши биларди. Шунинг учун баъзи бир ноқонуний юкларни чегарадан олиб ўтишга, қўштироқ ичидаги савдогарларга йўл бошловчилик қилиб, тирикчилик қилиб юради. Ўшандада Неъмат ва унинг гумашталари билан танишиб қолганди. Неъматга ҳам бир-икки йўл кўрсатиб бергани учун унга яхши ҳақ тўлаганди. Лекин унинг қандай юқ олиб ўтишидан, чиндан ҳам хабари йўқ эди.

— Қани ўтир-чи йигит, сени нимага олиб келишганини биласанми? — деди Исроил Исматнинг ўтиришига жой кўрсатиб.

— Йўқ, тушунмай турибман, — деди Исмат. Унинг қўрқиб кетгани юзидан сезилиб турарди.

— Нима, шундай ишларни қилиб юрсам ҳеч ким билмайди, давлатнинг мен билан иши йўқ, деб ўйлаганимидинг?

— Нима қилибман ака, кўчадан ушлаб келишди. Ҳатто уйимга ҳам хабар бердиришмади. Гуноҳим нима, ака?

— Бу ерга гуноҳсизлар келишмайди йигит, демак, гуноҳинг бор. Мана шу ялтираб турган юзларинг туршакка ўхшаб қолмаслигини хоҳласанг, менга ҳозир лўнда ва рост гапирасан. Тушундингми?

— Тушундим ака. Сўрайверинг.

Исроил Неъмат ва унинг гумашталари суратини Исматнинг олдига ташлаб:

— Буларни танийсанми? — деди.

Исмат бироз ўйланиб туриб:

— Ҳа, танийман, булар ўлиб кетган-ку. Ўшандаги тоғдаги автоҳалокатда!

Исроилга айнан шу жавоб керак эди.

— Яхши, уларни қаердан танийсан, кейин уларни автоҳалокатга учраганини сен қаердан биласан?

— Мен тўғрисини айтсам, ўша пайтларда савдогарларга

яқын йўл кўрсатиб, юкларини олиб ўтишда ёрдам берардим. Булар ҳам савдогар эди, бир-икки юкларини олиб ўтишганман. Лекин ҳозир ундан ишларни қилмай қўйдим. Қолаверса, ҳозир «Қирғиз» билан чегарада чегарачилар бор.

— Мана шунинг ўзи сенинг айбинг йигит, чунки шу сен таниган инсонлар наркотика савдоси билан шуғулланишган, сен уларга ёрдам бергансан, нима улар ўлиб кетди, мени ҳеч ким билмайди деб ўйлаганмидинг?!

— Ака, ўлай агар, уларнинг бундай иш билан шуғулланишларини билмаганман. Бу нима деганингиз ахир. Худо урсин ака, ёлғон гапираётган бўлсан.

— Шу қасамингга мени ишонади, деб ўйлайсанми? Гап бундай, мана бу магнитофонга ҳамма гапингни ёзib олдим ука, менга шунинг ўзи ҳам етади. Лекин сен уларнинг яна битта шеригини яширяпсан, — деб Истроил Санжарнинг суратини кўрсатди.

— Ака, бу кишини танимайман, тўғриси, сўзим чин. Балки кўргандирман, лекин эслай олмаяпман, — деб суратга қараб тикилиб қолди Исмат.

— Тўхтанг, ҳа, эсимга тушди, ўшанда охирги марта ўша Неъмат билан кўрганман. Ҳа, ўша. Лекин яқинда ҳам тоғда кўргандай бўлдим. Бир шаҳардан кўчиб борган фермер акамизникига меҳмонга борган экан. Айтдим-а кўзимга иссиқ кўринди деб, ҳа ўша, худди ўзи, улар ўшанда тўрт алари ўша машинада кетишганди. Аммо машинадан йўл а тушиб қолган бўлса керак-да. Чунки машинадан учта мурда чиққанди ўшанда.

— Мана бу ишинг яхши, йигит. Эслагин-чи, рулга ким ўтирганди ўшанда, ёдингдами? — деди Истроил ичидан севиниб.

Исмат бир оз ўйланиб қолди. У қўллари билан бошини ушлаб:

— Рулга Неъмат аканинг шериги Аҳмад ўтирди. Орқа ўриндиқقا Неъмат ака хотини билан ўтиришди. Бу киши эса олди ўриндиқقا ўтирганди.

— Аниқми, адашмаяпсанми?

— Йўқ. Мен машинанинг ёнигача уларни кузатиб кўйдим, ўшанда.

— Майли, энди бунинг қизиги йўқ. Лекин қилган ишларинг учун жавоб беришингга тўғри келади, йигит, — деб ўрнидан туриб ёрдамчисини чақирди.

— Бу йигитни расмийлаштириб, КПЗга жўнатиб туринг, — деди Истроил. Ёрдамчиси унинг қўлига киshan тақмоқчи бўлганди. Исмат ялинишга тушди: «Ака, раҳмингиз келсин, уйимда ёлғиз онам ва хотиним қолишган. Уларнинг мендан бошқа бокувчилари йўқ, ахир қачонлардир билмай қилган ишим учун мени қамаманг, у пайтда ҳамма шундай қилиб тирикчилик қилган. Менга раҳмингиз келмаса қариб қолган онамга раҳмингиз келсин. У киши буни кўтара олмайдилар, илтимос ака, уларнинг ўлимига сабабчи бўлиб қолманг. Жон ака, ўша пайтда орттириб бир от олгандим, хоҳласангиз ўшани сизга ёки давлатга берай, фақат қамаманг».

Истроил ёрдамчисига кўзини қисиб, чиқиб тур дегандай имо қилди.

— Нима, онант ва хотинингдан бошқа ҳеч киминг йўқми?

— Дадам бундан олти йил олдин ўз жонларига қасд қилиб ўлганлар. Мен ёлғиз фарзандман. Дадам овчи эдилар ва яхши улоқчи полвон ҳам эдилар. Дадамни туманда танимаган одам кам эди. У пайтда мен мактабда ўқир эдим. Аzonда овга чиқиб кетиб, тоғда баландликдан йиқилиб тушганлар, ўзим беш ой касалхонада олиб ётдим. Докторлар энди юролмайди, дейишди. Уйга жавоб бериб юборишиди. Забардастдек отам юролмай ётиб қолдилар. Онам ва менинг қўлимизга қараб қолиб кўп қийналдилар. Бир ярим йил ётдилар. Олдинига топиб йиққаларини бир четдан сотиб тирикчилик қилдик, ҳатто яхши кўрган саман отларини ҳам сотиб юбордик. Дадам кечалари йиғлаб ётганларини ўз кўзим билан кўп кўрганман. Онам иккаламизга у кишининг оғирликлари ҳеч тушмаган. Лекин дадам ўзлари бизни қийналмасин деб электр токини ушлаб ўзларини ўлдирилар.

Онам анча вақт ўзларига келмай юрдилар. Ака тушунинг, онамни бу ёруғ дунёда менинг борлигим ушлаб турибди, холос. Худо хоҳласа яқинда набиралик бўлиш арафасидалар. Раҳмингиз келсин ака, — деб Исмат кўзига ёш олди. У кўз ёшини рўмолчасига артиб:

— Ака, мен онамнинг қолган умрига жавобгарман, унга зиён етмаслиги учун ҳамма нарсага розиман. Бир йўлини қилинг. Шу ёшгача ҳеч кимга ялинмаганман. Фақат одам ўлдириш ва аёлга зиён етказиш бўлмаса бўлди, ҳаммасига тайёрман. Илтимос қамаманг, бир йўлини қилиб менга ёрдам беринг. Агар онам бўлмаганларида ўша ифлослар билан ош-қатиқ бўлганим учун, наркотиклигини билмаган бўлсан ҳам жазо олиб чиқишига рози эдим.

Исройлнинг ҳам тоғлик йигитнинг сўзларига кўнгли бузилиб кетди. Лекин ичидаги шайтон фойдаланиб қол дерди.

— Исматжон, сенга ишонсан бўладими? Сени эшитиб кўнглим бузилди. Менинг ҳам онам бўлганларида шундай қилган бўлардим балки, сенга майли бир йўлини айтаман, — деди.

Исройл барибир шайтоннинг измидан чиқиб кетолмай, яна бир разилликка қўл уриб, бунда Исматдан фойдаланмоқчи бўлди. У ночорликда қолган бу тоғлик йигитни йўлдан уриб нима қилиш кераклигини бир бошдан тушунтириди. Иложисизликдан Исмат ҳам рози бўлди.

— Агар айтганимни қилсанг, мана бу сўзларинг ёзилган лентани йўқ қилиб, ишингни ҳам ёпиб таштайман, — деди сўзининг охирида Исройл.

* * *

Исмат Исройлнинг ёнидан бир аҳволда чиқди. Унинг бақувват оёқдари зирқиради. Аъзои бадани жонсиз эди. Беғубор тоғ бағрида ўсиб улғайган, юраги ҳам шу пайтгача беғубор бўлган бу йигит худди азим тоғларни елкасига ортгандек қадди букилиб қолди.

У қаёққа боришини, нима қилишини билмай қолганди. Исройл ўзининг ҳаром ишига шерик қилиб, унинг юрагига

бир катта харсанг тош осиб қўйгандек туюларди унга. Ахир ёшлигимдан «ҳалол-ҳалол» деган сўзларни эшитиб катта бўлдим. Ёшлигимдан кураш тушдим, улоқ чопдим. Бирор марта ҳам фирромликка қўл урмадим. Мен қандай инсоннинг ўғлиман, бирор марта ҳам кураги ерга тегмаган, кўпкарида ҳалоллик билан улоқни ўртадан олиб чиқсан, совринни ҳамқишлоқлари билан баҳам кўрган танти полвоннинг фарзандиман-ку, орияти кучлилигидан, ўзгалар ёрдамига муҳтоҷ яшамайин, хотиним ва фарзандимнинг баҳтига зомин бўлмайин, уларга юк бўлмайин деб умрбод тўшакка михланиб ётишдан уялиб ўз жонига қасд қилган, номуси кучли эр йигитнинг ўғлиман-ку. Ахир, қандай ишга ваъда бериб чиқялман. Бу қўрқоқликми ёки муштипар онамни ўйладимми? Бу ишимни онам оқлармиканлар? Бировга туҳмат қилиб, ўз жонимнинг тинчини ўйлаганимни туғилажак фарзандим оқлармикан? Бу Истроил дегани қандай маҳлуқ эканки, мени бундай икки ўт орасига улоқтириди? Онам ёки номардлик.

Исматнинг бу дардли хаёлларини рўпарасига қийиллаб келиб тўхтаган бир хориж машинаси бузиб юборди.

— Ҳей тоғдан тушган, ёввойи қишлоқи! Энангни даласида юрибсанми, довдир, ҳе ўша сени энангни... ҳиҳих.

Бу машинадан калласини чиқариб бақираётган «жўжа хўроз» сўзини охиригача айтолмади. Чунки Исматнинг юз килоли улоқни кўтариб отни устига оладиган бир қўли, унинг нозик, ингичка бўйинини қисиб қўйганди. Кимнидир машинасини миниб олиб, кўзига қора кўзойнак тақиб, ўзига ўҳшаган макиён чалишларни ўтказиб, кўчани худди дадаси куриб қўйгандай, футболкасида «америкаликман» десган ёзуви бор бу йигитча машина ойнагидан учиб чиқиб Исматни олдида қандай туриб қолганини билмай қолди.

— Ака, хир-хир...

Исмат сал ўзига келиб, унинг бўйинини қўйиб юборди.

— Жон ака, кўзингизга қараб юринг-да, ҳозир уриб

юборганимда нима бўларди, кечиринг, кечиринг.

— Ука, сен мени кечир, хаёл олиб қочибди, — деди Исмат ҳам унинг футболкасини у ёқ бу ёғини тўғирлаб.

Жўжа хўроз унинг олдига қандай овоз билан тўхтаган бўлса, яна машинасидан ўшандай овоз чиқариб жўнаб қолди. Исмат хаёл билан кўчанинг ўртасига чиқиб кетганди.

У хаёлларни бир жойга жамлаб тоғга, уйига жўнади.

— Исмат ака, келаяпсизми, гўшт олиб келдингизми? — деди хотини уни кутиб олиб.

— Гўшт, нима, гўштга чиққанмидим? — Унинг хаёли паришон эди.

— Нима, яна ичиб қўйдингизми, гўштнинг пулинини?

— Йўқ, мана ўзинг олиб келақол, эсимдан чиқибди, — деб у ёнидан пулни олди.

— Ия, Исмат ака бу нима, — деди хотини ҳайрон бўлиб.

Исмат чўнтағидан олган пуллари ичиди, иккита юз долларлик пул ҳам бор эди.

Истроил Исматга фаразли ниятларини тушунтириб, ҳамир учидан патир деб берган пули бу пуллар, лекин Исматнинг хаёлидан чиқиб кетганди.

— Ҳа, бу ҳалиги, бир ошнамнинг қарзи бор эди, ўшани берди, — деди Исмат бошқа гап тополмай.

— Бу гулларга бўлажак фарзандимизга сарпо оламиз, яхши бўлибди, — деб Исматнинг хотини севиниб кетди.

Исмат аста юриб онасининг хонасига кирди. Онаси ёшига қараганда анча чўкиб қолганди. У қишлоқдаги ёш келинлар учун ҳар хил миллий чойшабларни тикиб рўзгорининг камини қиласарди. У тикаётган чокидан кўзини узмай:

— Ҳа, эру хотин нималарни гаплашаяпсизлар ўғлим, — деди Исматнинг хонага кириб келганини сезиб.

— Ассалому алайкум она, — деб Исмат онасининг рўпарасига ўтирди.

— Ойижон қаранг, ўғлингиз нима олиб келибдилар, бу пулларга бўлажак набирангизга сарполар олиб, унинг

бешик түйини ҳам ўтказсак бўлади, — деб хотини пулни онасига узатди.

— Қизим, ҳовлиқманг, туғилмаган болага сарпо олиб бўлмайди, деган гап бор ҳалқимизда. Сиз яхиси пулни беркитиб қўйинг, сиз эсон-омон қутилиб, туғиб олсангиз ўшанда нима олишни айтасиз. Ўғлим, бу қанақа пул ўзи?

— Гулнор, сен гузарга чиқиб ўзинг гўшт олиб келақол, — деди Ислам онаси билан ёлғиз қолишни истаб.

— Ойижон, ўзингиз йигаётган пулларингизга қўшиб қўйинг, лекин Ислам акам сўрасалар ҳам берманг хўпми? — деб пулни қайнонасига бериб Гулнора гўшт олгани чиқиб кетди.

Ўғлининг қандайдир маъюс турганини кўриб, тикаётган нарсасини четга қўйди.

— Нима гап ўғлим, тинчликми, жуда ҳорғин кўринасан, — деди.

— Она, сизни ҳам қийнаб юбордим, мен тенгқурлар ишларини топиб кетишиди. Баъзилар институтда ўқишаётди. Яна бирлари у ёқ-бу ёққа ишлагани кетишиди. Мен бўлсам, фирт бекорчиман. Тайинли бир қасбим йўқ, овчилик ҳам қасбми? Қачонгача бедана овлаб сотиб юраман, ахир сизнинг ҳам орзу-ҳавасларингиз бор-ку. Ўғил бўлиб сизга нима ҳам қилдим. Ҳатто бир тузукроқ кўйлак ҳам олиб беролмабман. Мана қиши келяпти, сиз бўлса ўша отам олиб берган пальтодасиз. Бирор марта шаҳарга ҳам олиб тушмабман. Ўйимиз бўлса бир аҳвол, ҳар йили таъмирлаймиз. У четини тузатсак, бу чети тушшиб кетади.

Исламнинг онаси, ўғли катта кишилардай фикрлаётганига бир томондан севинса, иккинчи томондан ҳавотирланиб кетаётганди.

— Ўғлим, бу сўзларинг билан нима демоқчисан?

— Она, балки мен ҳам бирор узокроқ жойга бориб ишлаб келсаммикин, шунда сал ёқамиз оқариб, мана бу уйларимизни янгилаб олармидик. Ўзингиз яхши биласиз, қишлоқда бир тузукроқ иш жойи ҳам йўқ. Шунинг учун

сизга маслаҳат соляпман, — деди Исмат онасининг меҳр тўла кўзларига қараб.

— Ўғлим, бирор ножӯя гап айтиб сени ранжитиб қўйдимми ёки хотининг кўп пул топиб келинг деяптими?..

— Э... йўғ-е, она ундей эмас, шунчаки айтаяпман.

— Бўлмаса нега кетаман деб қўрқитяпсан. Қорнинг тўймай қоляптими ёки косангни каттароқ қиласиликми? Оштовоғимизни каттасига алмаштирайликми?

— Э... қўйсангиз-чи она. Косам ўртача декча билан тенг бўлса, қизиқмисиз, тўймаяпман деяпманми, — жилмайди Исмат.

— Нега бўлмаса кетаман дейсан? Менга сенинг бойлигинг керак эмас. Сенинг икки-уч йиллаб йўқолиб кетиб топиб келган пулинг ҳам керак эмас. Қайсиdir миллатларга ялиниб, уларнинг қора ишларини қилиб мана бу уйларни қасрга айлантиришинг, уйингни баланд қиласиликни деб ўзингни паст қилишинг керак эмас.

Наҳотки сен эзилиб ишлаб топиб, менга жўнатган пулларингга кийиниб, тиллога бурканиб, катта-катта еб юрадиган оналарга ўхшасам. Уларни билмадим-ку, лекин менга ўзинг кераксан, соғлиғинг керак. Мана шу кулиб турган чеҳрангни ҳар куни эрталаб кўргим келади. Ахир сенинг чеҳрангда менга қадрли бўлган, умримни бахшида қилган инсонимни, яъни отангни кўраман. Сен кетаман деб шу нарсадан ҳам мени жудо қилмоқчимисан. Худога шукр, рўзғоримизни ўзинг юргизиб, қозонимизни қайнатиб турибсан, овчиликни касбмас дейсан. Ахир сен овчининг ўғлисан-ку. Мана ҳукумат катта ўзгаришлар қиласиликни. Балки бизнинг қишлоқларда ҳам бирор ишбилармон келиб иш ўрин ташкил қиласи. Яна қолаверса, менинг шу ҳунаримга ҳам ҳали эҳтиёж бор, хотининг ҳам анча ёнимга кириб қолди. Сен қўлингдан келганича қозонимизни қайнатиб турсанг, бизникини йифиб, шу уйларни ҳам янгилармиз. Ўғлим, яқиндагина қандай уйлатарканман деб юргандим, мана ҳозир набира кутяпман. Қийналган бўлсам мен қийналгандирман, лекин Ҳудонинг

берганига сабр қилдим. Рўзғорга, оиласизга қайғуриб кўп пул топмоқчилигингга тушунаман. Лекин «узоқнинг буғдойидан, яқиннинг арпаси яхши» деган нақл бор, ўғлим.

Агар отанг тирик бўлиб, шу гапингни эшитганларида боплаб гарданингга қамчи туширган бўлардилар. Ўғлим, ахир ўзинг анави қорабайирингни бирор ўртоғингга минишга берсанг, у келгунча нима аҳволга тушасан, кўча эшикдан кўзингни узмайсан. У от экан-ку, ахир мен Онаман, қандай қилиб сени узоқларга жўнатиб хотиржам ўтира оламан. Шуни билиб қўй ўғлим, агар ўнта бўлганингизда ҳам бирортангизни бағримдан узоқлаштиргаган бўлардим. Мен Онаман, ўғлим. Бу ҳиссиётни тушунишинг қийин. Қишлоғимиз одамлари қандай кун кўришса шундай кун кўрамиз, ўғлим. Улардан ошиб кетгум ҳам, орқада қолгим ҳам йўқ. Илтимос, бу гапингни иккинчи гапирма, хўпми ўғлим, — деб Исматга кучогини очди онаси.

Исмат онасининг қучофига кириб бошини унинг кўкракларига қўйиб кўзига келган ёшларини билдирамай артди. Унинг гавдаси онасига иккита чиқса ҳам, лекин онасининг бағрига сифиб кетди. «Эҳ онагинам, қанийди сизга бошимга тушган нарсани айта олсам», дер эди ичидা.

Узоққа қўйиб юборгани чидолмайдиган онам, қамалиб қолсам чидай олармидилар. Бу вазиятдан қандай чиқишиб мумкин? Нима қилай, онамни дейми ёки номардлик қиласми? Эй Худо, йўл кўрсат менга, ўзинг доноларнинг доносисан, улутларнинг улуғисан.

— Онажон бўлди, кўп куйинманг, мен шунчаки айтдим кўйдим-да. Ҳеч қаерга бормайман, сизнинг айтганингизни қиласман, ишонинг, сизни ёлғиз ташламайман, йигитлик сўзим, — деди онасининг кўнглини тўқ қилиб Исмат.

Онаси ҳам кўз ёшини артиб унинг пешонасидан ўпид қўйди.

— Ҳа, ўғлим, анави Маҳкам ака борлар-ку фермер,

ўша кишининг ўғиллари келиб сени сўраганди, — деди онаси сал ўзига келиб.

— Отабекми? — деди Исмат.

— Ҳа, ўша йигит. Кейин мана бу пулни...

— Она, бу пул бир кишининг омонати, ҳозирча сизда туриб турсин, Гулнорга билмай ёлғон гапириб юбордим.

— Майли, унинг ҳафсаласини пир қилмайлик, мен яшириб қўйдим дерман. Лекин пулни эгаси бўлса қайтариб бер ўғлим хўпми?

— Ҳа, албатта. У бир шаҳарлик одамники. Шаҳарга тушганимда ташлаб келаман. Онажон, хўп десангиз Отабекларниги ўтиб келсам, яна зарур иши бўлса хуноб бўлмасин, — деди Исмат. У дардини Маҳкам акага тўкиб солмоқчи бўлиб отини эгарлаб, тоқقا жўнади.

Онаси ўғлининг фикридан қайтгани учун хурсанд бўлиб, кўнгли хотиржам, қўлига игна-ипини олиб ишини давом эттира бошлади.

Маҳкам ака қўшниси билан эшик олдида нарда ўйнаб, кун ботганини ҳам сезмай ўйинга берилиб ўтирганди. Исмат отини бир четга боғлаб, аста ўйинтарига ҳалақит бермайин, деб уларнинг ёнларига чўккалади.

Маҳкам ака бу ўйинни ютиб, хурсанд ҳолда кулиб, рақибини ҳазиллашиб мазах қилиб, ёнида ўтирган Исматга кўзи тушиб қолди.

— Ия, Исматжон келинг, ўғлим.

— Ассалому алайкум Маҳкам ака, — деб улар билан сўрашди Исмат.

— Отабек йўқлаб борган экан, тинчликмиди?

— Ҳа, ҳалиги отингизни сотишингиз ҳақидаги гапингизни айтгандим. Шунга борган бўлса керакдир-да, у тоқقا чиқиб кетганди-ку, — деди Маҳкам ака нардани йиғиштириб унга юzlаниб.

— Ака, майли эртага учрашиб гаплашармиз. Лекин мени сизга гапим бор эди, агар вақtingиз бўлса...

— Майли ўғлим, уйга кирамиз бўлмаса, — деб ўрнидан турмоқчи бўлди Маҳкам ака.

— Йўқ ака, шу ерда гаплашаверамиз.

Кўшни ўрнидан туриб уларни холи қўйиб уйига кириб кетди.

Исмат озгина ўйланиб ўтириб бошига тушган савдони бир бошдан айтиб берди. Маҳкам ака уни диққат билан эшишиб:

— Ўшанда у ҳақида нимата сўрадингиз десам, шунга экан-да, — деди.

— Йўқ-йўқ Маҳкам ака, унда бу гаплар йўқ эди. Бу гап бугун эрталаб чиқди. Мени биласиз, ёлғон гапирмайман. Ўшанда у кишини қаердан танишимни айтишни хоҳламаганимнинг сабаби бор эди, чунки аниқ ёдимда эмасди, кейин ҳеч қандай хусуматим ҳам йўқ эди. Агар ниятим ёмон бўлганида ҳозир сизнинг олдингиизта келмасдим, ака.

Маҳкам ака Исматнинг гапларига ишонарди. У муштлашишни яхши кўрса ҳам, ҳақиқат учун муштлашишини ўғли Отабекдан эшифтганди. Ҳеч кимни ноҳақ хафа қилмасди. Маҳкам ака унинг отасини ҳам яхши таниганди. У ўйланганида, тўёнага битта новвос ҳам берганди. Маҳкам ака ўйланиб қолди. Исматнинг бу муаммосини счишнинг ягона йўли икки дўстни хабардор қилиш эди.

— Исматжон Санжарбекка қачон учрашинг керак, — деди Маҳкам ака.

— Шу уч кун ичида, кейин ишни битириб мана бу телефон рақамига қўнғироқ қилишим керак, — деб Исмат рақам ёзилган қофозни кўрсатди.

— Сен ўғлим, менга учраб яхши қилибсан. Бугун ўйингга бориб хотиржам дамингни ол, мен ҳозир шаҳарга тушиб чиқаман. Эрталаб учрашамиз, майлими?

— Майли ака, сизга ишонаман, илтимосим бир йўлини топиб, менга ёрдам берсангиз бўлгани.

— Бу ёғидан хотиржам бўл. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, — деб Маҳкам ака Исматни кузатиб қўйди. Исмат кўнгли сал юмшагандай, хотиржам бўлиб уйига кетди.

Маҳкам ака шаҳарга етиб келганида қоронғи түшиб қолганди. Икки дўстига қўнғироқ қилганди, улар уни шаҳарга кираверишда кутиб олишди. Улар қуюқ сўрашиб, ресторонга йўл олишди. Улар дастурхон устида маза қилиб суҳбат куришди.

Маҳкам ака бу икки дўстнинг дилини хуфтон қилгиси келмасди. Лекин айтмаса ҳам бўлмасди.

Маҳкам ака бир бошдан ётиғи билан Ислом ҳақида гапириб берди. Лекин нимагадир икки дўст ҳам унча парво қилишмаганига ҳайрон бўлиб:

— Санжарбек, нима, бу ҳақда билармидинглар? — деди.

— Йўқ, лекин кутгандик, — деди Толиб жилмайиб.

— Ака хавотир олманг, эртага Исломни жўнатаверинг, фақат тушдан сўнг келсин. Ҳаммасини Исломлайтганидек қилсин, — деди Санжар.

— Кўряпсизларми? Исломни, у ўзи билмаган ҳолда бизга яна бир дўст топиб берди, — деди Толиб хурсанд бўлиб.

— Мен бўлмаса турай, бориб Исломни хотиржам қиласай, у бечора жуда тушкун кайфиятда эди, яна бирор ножӯя иш қилиб қўймасин.

— Маҳкам ака, қолсангиз бўларди, кеч түшиб қолдик, яна қоронғуда қийналиб қолманг. — деди Санжар хавотир олиб.

— Жон деб қолар эдимку, лекин сабабини айтдим, хавотир олманг рулда ухлаб қолмайман, сеҳрли доридан ичмаганман Санжарбек.

Ўртада кулгу бошланди. Улар самимий хайрлашиб уйларига тарқалишди.

* * *

Икки дўст Маҳкам акага ўзларини хотиржам кўрсатишгани билан, лекин барибир юраклари ғаш эди. Санжар туни билан Исломнинг разил ишларини ўйлаб яхши ухлай олмагани учун оғисга боши гаранг ҳолда кириб

келди. Сал ўтмай Толиб ҳам хонага Мўмин ака билан кириб у билан сўрашишди.

— Толиб, дўстим, кечаси билан ухлай олмадим, энди нима қиласиз, — деди Санжар безовталаниб.

— Мўмин ака, Истроилга бериладиган юкнинг пули тайёрми? — деди Толиб.

— Ҳа, тайёр. Иzzатиллада турибди.

— Ҳозир Азим акани чақириб, пулинину кишидан бериб юборинг, сен Санжар дўстим, анави Исмат келиб-кетгандан сўнг Истроилдан эллик минг доллар пул қарз сўрайсан.

— Беради, деб ўйлайсанми?

— Беради дўстим, беради. Унга айнан сен пул сўрашинг керак. Қолган эллик минг ўзимиздан чиқиб қолар, — деди Толиб.

Исмат Санжарнинг эски ишларини айтиб, ўша куни рулда сиз бўлгансиз, бориб милицияга айтаман, яхшилика юз минг кўкидан беринг деб, пулни олиб Истроилга бериши керак эди. Эвазига Исматнинг овози ёзилган ва Неъмат билан бўлган алоқаси ҳақидаги ҳужжатларни Истроил унга бериши керак эди, бу тулкидан тарбия олган Истроилнинг режаси эди.

— Дўстим, ҳамма нарсага розиман, лекин Истроилдан пул қарз сўрамайман. Лекин тўғри тушун Толиб, ўзи паймонам тўлиб юрибди, — деди Санжар жаҳлини тиёлмай Истроилни бирор нарса қилиб кўйишдан кўрқиб.

— Майли мен сўрайман, Мўмин ака, сиз айтганимни қилинг, — деб Мўмин акани чиқариб юборди.

— Сени сўраганинг ҳам барибир эмасми ахир. Ўша ифлосга бош эгамиз, оми дўстим.

— Санжар илтимос, бошлаган ишимни охирига етказишимга изн бер, илтимос. Кейин хурсанд бўласан. Жаҳл билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, — деб Толиб Санжарни хотиржам қилди.

Исмат айтилган вақтда келиб Санжарни Истроил айтган жойга таклиф қилиб, у билан учрашиди. Албатта, бу

учрашувни Исроил узокдан кузатиб турганди. Исроил уларнинг сухбати тугагандан сўнг, Санжарнинг кетганини кўриб, Исматни машинасига ўтқазди. Улар шаҳарнинг кичик туманидаги кўп қаватли уйлардан биридаги хонадонга келишди. Бу хонадон икки хонали, дид билан жиҳозланган, шинамгина эди.

— Келинг, Исматжон ўтиринг, — деди Исроил уни ичкарига тақлиф қилиб. У Исматнинг олдига конъяк ва бир шиша ароқ, тарелкага колбаса ва лимонни кесиб қўйди.

— Хўш Исматбек, нима гаплар энди, гапириング-чи?

— Ака, ҳаммаси яхши. Эртага эрталабга пулни берар экан, — деди Исмат ерга қараб.

— Ростданми? Дарров кўндими?

— Йўқ, албатта, у шунча пули йўқлигини, бирор кишидан қарз кўтаришини айтди.

— Ёлғон айтибди ука, сиз уни билмайсиз, ундейларга бу пул ҳеч нарса эмас. Уларга пул ариқда оқиб келади. Сиз қилган ишингиздан ҳеч уялманг, Исматбек, — Исроил қўлига конъякни олиб, — қайсинисидан кетади ука, оқиданми, қизилиданми? — деб сўради хотиржам.

— Менга фарқи йўқ ака, лекин уйга кетишим керак, эртага ишни битирсак, кейин олармиз.

— Йўқ, ука эртага пулни олиб тўғри уйингизга кетасиз, уйга бориб пулни тенг иккига бўлиб, ярмини алоҳида қилиб, қишлоғингиздаги чойхонангизда мени кутиб турасиз. Мен сизга тегишли нарсаларни олиб бораман. Шунинг учун bemalol олаверинг бундан, — деб унга конъякдан қуйиб узатди.

Исмат уй қамоғига қамалганини билиб бошқа гапирмади.

— Лекин ярмини нима қиласман, ака, — деди Исмат хайрон бўлиб.

— Ярминими, деб жилмайди Исроил, — ярми мендан сизга совға, қани олинг, — деди-да ўзига қўйган рюмкадаги конъякни бир кўтаришда ичиб юборди.

Исмат қулоқларига ишонмасди. Бирданига шунча пулга

эга чиқишини хаёлига ҳам келтирмагани учун унинг юраги тез уриб қўллари қалтираб кетди. Истроил ўрнидан туриб:

— Исматбек, музлатгичда ҳамма нарса бор, ана телевизор, видео. Мазза қилиб дамингизни олинг, мен эрталаб келаман, — деб унинг устидан қулфлаб кетди.

Ўнинг тоза, саранжом туришидан бу ерга аёл киши ҳам келиб туриши билиниб турарди. Исмат ўрнидан туриб хоналарни кўздан кечирди. Ҳа, баъзилар яшашни билишади, деб хаёлидан ўтказди Исмат. Ҳамма жиҳозлар четники. Ҳатто пичоқ, қошиқ, вилкалар ҳам. Сервантга терилган идишларнинг ялтирашидан кўз қамашади. Деворга осилган гиламнинг ўртасида ўрта ёшли аёл сурати осилганди. Менимча, онаси бўлса керак, деб ўйлади Исмат. Ухлаш хонасининг ҳам эшиги очиқ ҳолда тургани учун у ерга ҳам бир мўралади. Исмат хонадаги осилган гилам ўртасида ҳам қандайдир сурат бор эди. У яқинроқ бориб суратга диққат билан қаради. Ёш келин-куёвлар, куёв Истроил эди, Исматга келин жуда чиройли кўринди. Шундай гўзал хотини ҳам бор экан, болалари ҳам бўлса керак.

«Наҳотки шу нарсаларни мана шундай ҳаром йўллар билан ортирган бўлса, наҳотки уялмай оиласини шу ҳаром луқма билан боқиб келаётган бўлса. Эҳ, эсиз сенга давлатнинг ишониб қўйган ўрни, эсиз сенга шундай она, увол сенга шундай ойдек гўзал қиз», деб ичидан ўтказарди Исмат.

Санжар билан учрашганида Истроилни нима қилишини сўрамаган бўлса ҳам, лекин унинг бундай ширин ҳаёти тугаётганини сезганди. Санжар aka ҳақиқий мард йигит экан. Буни кўзлари яққол айтиб турибди. Лекин Истроилнинг кўзига қараб яхши-ёмонлигини англаб бўлмас экан, балки милицияга шундайларни олишса керак-да. Бақрайиб ёлғон гапирганини айтмайсанми, сал бўлса ҳам кўзини «пириллатиб» қўймайди. Мен «қора байиримга» ҳам ёлғон гапира олмайман-ку.

Истроил ишхонасига келиб эндингина ўтирганди, унга Азим aka қўнғироқ қилиб қолди.

- Салом Азим ака, нима гап, тинчликми?
- Истроил, ҳалиги юкнинг пулини бўшатишган экан, шуни олиб келгандим. Кўчада турибман, — деди Азим ака.
- Шундай денг, яхши, дадамнинг дўконларига ташлаб кўйинг, бўлмаса ака, сал фойда борми?
- Ҳа, яхшигина Истроил.
- Раҳмат ака. Майли учрашамиз, — деб гўшакни қўйди. У телефонидан Санжарга қўнғироқ қилди.
- Салом Санжарбек, яхшимисиз?
- Санжар ноиложликдан у билан сўрашиб:
- Тинчликми? — деди.
- Дўстим раҳмат, юкнинг пулини бериб юборибсизлар, шошилмасанглар ҳам бўларди, жуда зарур ҳам эмасди, — деди Истроил.

— Бизга ҳам ҳозир пулнинг кераги йўқ, лекин раҳмат, сиз туфайли яхши фойда кўрдик, — деди Санжар.

У Санжар билан хайрлашиб гўшакни қўйди. «Юз мингни қаердан топишни билмай гарангсану, пул керак эмас, дейишингга ўлайми», деб қўйди ўзича Истроил.

* * *

Толиб уйига келганида анча кеч бўлиб қолганди. Ойгул унинг олдига дастурхон солиб, овқат қўйди.

- Ойгул, шу одатингни ташласанг бўларди.
- Қайси одатимни, Толиб ака?
- Кечки овқатни менсиз еяверсанг бўлмайдими?
- Ҳа, ахир ўзим якка қандай овқат ейман.
- Энди бундай қилишинг ярамайди, ахир оғир осқ бўлсанг, ўз вақтида овқатланишинг керак.
- Хўп, айтганингиздек қиласман, — деди Ойгул Толибни хотиржам қилиб.

Эр-хотин овқатланиб бўлишгач, Толиб ҳовлининг бир четига ўтиб, Ойгул эшитмасин деб Истроилга қўнғироқ қилди.

- Алло, салом дўстим. Мен Толибман.
- Толибжон! Соғлиғингиз жойидами, тинчликми?

— Бемаҳалда тинчингизни бузганим учун узр, бир илтимос билан қўнғироқ қилаётгандим.

— Бемалол, дўстим, нима хизмат, — деди Истроил, Толибнинг кутилмагандаги қўнғирофидан ажабланиб.

— Дўстим, менга эрталабга эллик минг доллар керак бўлиб қолди. Агар иложи бўлса бериб турсангиз, узоги билан икки ойда қайтараман.

— Дўстим, сиздан пул айлансин, менда ўша юкнинг пули бор холос, лекин сиз учун эртагача, албатта, топиб қўяман. Эрталаб саккизда учрашайлик бўлмаса, — деди Истроил.

— Фақат бу гап ўртамиизда қолсин, Санжарнинг билиши шарт эмас. Кейин ўзим тушунтираман унга, — деди Толиб Истроил йўқ демаганига хурсанд бўлиб. Улар эртага учрашишга келишинб ҳайрлашишиди.

Истроил ўзида йўқ хурсанд эди. Толиб кўп қарз сўраб ўз бўйнига киshan солди деб ўйларди. Санжарни шилиб, Толибни қарздор қилдим деб, режаси иш берганига ўзига тасанно айтарди.

Эрталаб яхши кайфиятда уйқудан уйғонган Истроил нонушта қилиб ўтирган дадасининг ёнига ўтириди.

— Даҳа, яхшимисиз?

— Ҳа, тузукман. Кеча анави Азим деганинг дўконга пул ташлаб кетибди. Кечқурун йигитлар ташлаб кетишиди. У ниманинг пули эди?

— Россиядан келган юкнинг пули. Даҳа, менга кечқурунгача эллик минг кўкидан керак бўлиб қолди, — деди Истроил бир қошиқ асални оғзига солиб.

— Фойдали ишгами ишқилиб?

— Албатта, қатини ҳам бузмай шундай олиб келаман хотиржам бўлинг, даҳа.

— Ўғлим, уйдан чиқиб кетаётган пул, озғин бўлади, қайтганида семириб қайтиши керак, — деб ўрнидан туриб хонасига кириб кетди Истроилнинг дадаси.

Истроил дадасининг ўша бурчакдаги хонасига ҳаётида икки марта кирганди. Биринчиси ёшлигида усталар катта

темир сейф олиб келишганида уларга қўшилиб кирган бўлса, иккинчи марта тасодифан эшик очиқ қолганида кирганди. У уйда нималар борлигини, қанча пул борлигини ёлғиз худо ва дадаси биларди. Баъзида дадаси ўша хонага кириб кетиб, эрталабдан кечқурунгача ҳам ўтириши мумкин эди. Шундай пайтларда унга ҳеч ким халақит бермаслиги керак эди. Дадаси пулни олиб чиқиб Исройлга бериб, яна анча пул тўғрисидаги ривоятларни айтди. Исройл, отасининг пул ҳақидаги ривоят ва ҳикояларини кўп эшигтан бўлса ҳам, унинг гапини бўлмай яна эшитиб ўтираверарди.

Исройл учрашув жойига борганида, Толиб уни кутиб ўтирганди. Улар қучоқ очиб сўрашиб Исройлнинг машинасига ўтирдилар.

— Толибжон, мана пул, лекин тинчликми? Бирданига шунча пул керак бўлиб қолибди, — деди Исройл Толибнинг унга ҳеч нарса демаслигини билса ҳам.

— Исройл, бир эски қарзим бор эди, узоги икки ой дўстим, албатта, қайтараман.

— Майли, Толибжон. бемалол. Ҳеч хижолат бўлманг, йигитчиликда бўлиб туради.

Толиб суҳбатни узоқ чўзмади. У пулни олиб раҳмат айтиб:

-- Исройл, балки икки ойга ҳам чўзилмаса керак, бир катт а иш бошлаб қўйганман, ўша ишимга Худо мадад бериб юборса, беш-олти кунда қайтариб ҳам беришим мумкин, — деди сўзининг охирида. Толиб Исройлнинг машинасидан тушиб таксига ўтириб, офисига йўл олди.

Исройл эса уйига қамаб қўйган Исматнинг олдига борди. Исмат туни билан тўлғаниб, ухлай олмай қийналиб чиққанди. У ўзини худди қафасга тушиб қолган шердек ҳис қилиб, бу хонадонда қисилиб қолганди.

Исройл эшикни шарақлатиб очганидан севиниб кетди.

— Исматжон, қалай, яхши ўтирибсизми, зерикиб қолмадингизми?

— Зерикишга-ку зериқдим ака, кент тоғларда юрган

одамга бу уйларда яшаш анча қийин бўларкан, — деди Исмат жилмайиб.

— Шундай денг, менга раҳмат денг, ука. Ҳамма нарсаси муҳайё шу жойда сиқилиб қолибсиз-ку, агар...

— Ака қўйинг, нима демоқчилигингизни тушундим. У ернинг юзи қурсин ака, Санжардан гаплашайлик. Вақт ҳам бўлиб қоляпти, мен борай бўлмаса, ака.

— Ҳаммасини тушундингиз-а ука. Пулни олиб тўғри уйга, кейин кечқурун мен ўзим бораман, келишдик-а, — деб яхшилаб тайинлади Исроил Исматга.

Исроил Исматни эшикдан кузатиб қўйиб, ўзи бир бор уйни хоналарини кўздан кечириб, гиламда осиғлиқ турган Ойгул билан тўй куни тушган суратни қўлига олиб: «Ойгул, тўғри, олдингда гуноҳкорман, сени қаттиқ хафа қилганман. Лекин хатоимни тушуниб, шу хонадонни сен учун олгандим. Бу ердаги бирорта жиҳозга аёл кишининг қўли тегмаган, чунки булар сенинг учун эди. Қолган умримни сенга бағишламоқчи эдим. Қанча орзуларим бор эди. Менинг ҳамма нарсам бор, пулим ҳам, ишим ҳам, ҳаммаси бор, лекин сен йўқсан. Нега гуноҳимни ювишим учун вақт бермадинг, ўша Толибда нима топдинг ахир, мана ўша сени ёринг. Агар у чиндан ҳам севганда, мен билан умуман гаплашмас эди. Ориятли, мард деб билган ўшанинг мендан пул қарз олди. Қўрқоқлигидан, мен билан яхши чиқишиб юрибди. Мени сенга хусуматим йўқ, лекин Толибни тавбасига таянтираман, токи билиб қўйсин, ҳеч нарса осонликча қўлга киритилмаслигини», деб Исроил суратни ўрнига осиб қўйди.

* * *

Исмат Исроилнинг ҳамма айтганини қилиб умрида отаси ҳам кўрмаган пул билан уйига кириб келди. У уйига кирганида хотини қўшниникига чиқиб кетган экан. Айни муддао, деб хонасидаги кўрпа қатига пулларни тиқиб қўйиб, ўзи онасининг олдига кирди.

Кеча кетаётганда айтиб кетгани учун онаси уни яхши кутиб олди.

— Келаяпсанми, ўғлим. Ишларинг битдими?

— Она, худо хоҳласа бизга ҳам ёруғ кунлар келади, шекилли. Мен бир инсон билан танишдим, тўғрироғи, Маҳкам ака танишириб қўйдилар, — деди Исмат ишонч билан.

— Ўғлим, Маҳкамжон ака ёмон одам эмаслар. Эсингдами, тўйингда ҳам анча ёрдам қилганлар. Жуда яхши бўлибди. Уларнинг айтганларидан чиқма. Лекин кўринишингдан хурсандга ўхшамайсан, ўғлим.

— Нега энди, хурсандман. Ёт жойда унча ухлай олмадим. Шунинг учун бўлса керак. Кечқурун Маҳкам ака билан учрашаман. Худо хоҳласа, эртадан бирор тайинли ишни айтарлар.

Исматни кўрпа тахида турган юз минг доллар пулнинг ярми ўзига қолиши безовта қилаётганди. Шайтон унга: «Исройлга ҳаммасини бердим, десанг ким суриштириб ўтирибди, омад келди, уни қўлдан бой берма» дер эди. У эса ўзини қўйгани жой тополмай безовта эди.

Онаси ўғлининг нимадандир безовталигини юрагидан сезиб турганди. Ўғли отини бир кун кўрмаса туролмайдиган одатини ҳам унутиб, отхона томонга қиё ҳам боқмаганига хавотирда эди.

— Ўғлим, нима бўляпти сенга, жисминг мени олдимда-ю, хаёлинг бошқа жойларда, ҳатто отингни ҳам ёдинга олмадинг. Наҳотки кишнаганини ҳам эшитмадинг?

Исмат эшикдан кириши билан оти кишинаб, уни ёнига чорлагандай бўлганди. У ҳақиқатдан ҳам эшитмаганди.

— Ўғлим, кеча Маҳкамжон ака кечки пайт келиб, ўғлингиз бир танишимницида қолди, деб айтиб кетгандилар. Сени ҳеч бундай аҳволда кўрмаганман. Гапирсанг-чи!

— Она, бирдан бойиб кетсак нима қиласардингиз? — деди Исмат онасининг қўлларини ушлаб.

— Менми, аввало бирдан бойиб кетишдан худо арасин, тез келган бойлик, тез кетади, ўғлим. Ёки лотореяга бирор

нарса ютиб олдингми? Агар ютиб олсанг ҳам хурсанд бўлмасдим. Чунки биз бойликни кўтара олишимизга кўзим етмайди. Мен ақлимни таниганимдан бери шундай ҳаётга кўнишиб яшадим. Орзуга айб йўқ, лекин барибир ҳаммаси аста, ҳалол йўл билан бўлса. Меҳнатинг билан бўлганини одам қадрига етади.

Исмат шайтон васвасасини енголмай қийналиб кетаётганди. Ахир шунча пул, бу пулларга уйни янгилаб, машина олиши, кўй-молларни кўпайтириши мумкин эдида. Лекин онасига қаердан олиб, бундай ўзгаришларни қилаётганини қандай тушунтира олишини билмасди. Исмат шуларни ўйлайвериб, бошида оғриқ турди. Кечаси кам ухлаганиданми, уйқу илитиб онасининг ёнида ухлаб қолди.

Исмат уйқудан уйғонганида анча кеч тушиб қолганди, у шошилиб ўрнидан туриб, юз-қўлини ювиб Истроил айтганидек, пулнинг ярмини олиб чойхонага йўл олди.

Қишлоқ чойхонаси олдидা қишлоққа нотаниш бўлган машина турарди. Исмат чойхонага кирганида у ерда Истроил спорт кийими кийиб олиб, чой ичиб ўтирганди.

— Меҳмонни, одатда кутиб олишарди, сиз бўлса, — деб ўрнидан туриб Исматнинг қўлини қаттиқ қисганча Истроил у билан сўрашди.

— Ака узр, уйингизда яхши ухлай олмаганимгами, сал уйқу элитиб ухлаб қолибман, кечирасиз, — деди Исмат унинг рўбарўсига ўтириб.

— Майли, ҳечқиси йўқ, ишлар битдими ахир, ҳаммаси яхшими?

— Яхши, мана айтган пулингиз. Қолгани уйимда қолди, — деб қўлидаги ўрамни хонтахта устига қўйди.

Биринчи фасл тугади.

000 сун

Адабий-бадиий нашр

Наргиза АНОРБОЕВА

Гоҳи шодлик, гоҳи фам

Қисса

Мұхаррір:
Адиба Ҳамро қизи
Техник мұхаррір:
Мұхриддин Ҳамросев
Мусаххих:
Шерзод Расулов

Нашриёт лицензияси: AI № 092 – 16.07.07

Теришга берилди: 20.03.2012. Босишига рухсат этилди: 25.06.2012.

Бичімі: 84x108 1/.. Офсет босма. Times гарнитурасы.
Шартли босма табоги: 16. Нашриёт босма табоги: 14.25.
Алади: 1000. Буюртма: № 09–12.
Баҳоси келишілган нархда.

Нашриёт манзили:
«*Yurist-media markazi*» нашриёти,
Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-үй
Тел.: 717-76-88, 230-04-74
E-mail: yurist_media@mail.ru

Босмахона манзили:
«*Sirius-media*» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 4-үй.